

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**



**«ТИЛШУНОСЛИК ВА РАҚАМЛИ ҲАЁТ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ВА МУАММОЛАР» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ**



**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ ПО ТЕМЕ «ЛИНГВИСТИКА И ЦИФРОВАЯ ЖИЗНЬ:
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И ПРОБЛЕМЫ»**



**MATERIALS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL
CONFERENCE ON THE TOPIC «LINGUISTICS AND DIGITAL LIFE:
DEVELOPMENT PROSPECTS AND PROBLEMS»**



**2021 ЙИЛ, 20 АПРЕЛЬ
АНДИЖОН – 2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**



**«ТИЛШУНОСЛИК ВА РАҚАМЛИ ҲАЁТ: РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАР» МАВЗУСИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**



**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ ПО ТЕМЕ «ЛИНГВИСТИКА И ЦИФРОВАЯ
ЖИЗНЬ: ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И ПРОБЛЕМЫ»**



**MATERIALS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL
CONFERENCE ON THE TOPIC «LINGUISTICS AND DIGITAL LIFE:
DEVELOPMENT PROSPECTS AND PROBLEMS»**



**2021 йил, 20 апрель
АНДИЖОН – 2021**

“Тилшунослик ва рақамли ҳаёт: ривожланиш истиқболлари ва муаммолар”
мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари – Андижон: АндМИ
нашри, 2021 й. 746 бет.

Ушбу тўпламга, фаол ҳаётимизга кириб келган рақамли ислохотлар ва уларнинг тилшуносликка таъсири ҳақида, тилшуносликнинг бугунги кундаги долзарб муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши истиқболлари, ёшлар тарбиясига тилни билиш қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги, таржима назарияси ва амалиётига оид фикр ва мулоҳазаларни ўз ичига олган, таълимни ташкил этишнинг замонавий шакллари ва талабалар билимини баҳолашга бағишланган материаллар киритилган. Тўплам профессор-ўқитувчилар, талаба ва магистрлар, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари ва кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўлжалланган. Тўплам 2021 йил 20 апрель куни Андижон машинасозлик институтида республика илмий-амалий анжумани якунига бағишлаб ўтказилган йиғилиш баённомасининг қарорига мувофиқ нашрга тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати ва ташкилий қўмита аъзолари:

- 1. У.М.Турдиалиев** – Андижон машинасозлик институти ректори, ҳайъат раиси
- 2. У.А.Мадрахимов** – Андижон машинасозлик институти проректори, раис ўринбосари
- 3. Х.М.Журабекова** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудир, раис ўринбосари
- 4.Ш.А.Хурулбоев** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
- 5.Н.Д.Иргашева** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
- 6.У.С.Низамова** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти, аъзо
- 7.Г.Л.Бобоева** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти, аъзо
- 8.Р.А.Абдувоитов** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти, аъзо
- 9.М.Қ.Хусанова** – Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти, аъзо

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудир, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD)

Х.М.Журабекованинг умумий таҳрири остида

Тўпламга киритилган материаллардаги маълумотлар
тўғрилиги учун муаллифлар жавобгардир.

Таҳрир ҳайъати

© Андижон машинасозлик институти, 2021 й.

ТИЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – ХАЛҚНИ, МИЛЛАТНИ ВА КЕЛАЖАКНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ДЕМАҚДИР.

*Турдиалиев Умиджон Мухтаралиевич,
Андижон машинасозлик институти ректори,
т.ф.д., профессор*

Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Ш.М. Мирзиёев

(Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқдан)

Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, инсонга берилган бебаҳо неъмат ҳисобланади. Миллатни миллатдан ажратиб турувчи асосий белгиларидан бири ҳам тилдир. Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори ва нажотидир. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик орқали намоён бўлади. Инсон қалбига жамики эзгу фазилатлар аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Бу ҳақда буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг куйидаги сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир”.

Ҳикматли сўзлар, шеърий дostonлар, кўшиқлар, аввало бирор миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тил яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи,

обрўсига эга бўлади. Тил ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги, бебаҳо мулки, қалби ва овози ҳисобланади. Юртимизда яшовчи бошқа миллат ва элат вакилларининг ўзбек тилини ўрганиб, шу тилда ерли аҳоли билан мулоқотда бўлиши, маданиятни, урф-одатларни, анъаналарни ҳурмат қилиши, юртдошларига бўлган уларнинг эҳтироми ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 - моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб белгилаб қўйилган. Ўзбек тили - Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. Ўзбек тили мамлакатимизнинг бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш муҳим вазифадир. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўзбек адабий тилини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўзбек тили давлат тили, давлат рамзи, миллий маданият ва маърифатни ифодаловчи ҳамда уларни келажак авлодга етказувчи муҳим мулоқот воситаси даражасига кўтарилди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимизнинг кенг қўлланилаётганлиги, хориждаги кўплаб олийгоҳларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш кучайиб бораётганлиги натижасида тил ўрганиш марказлари очилмоқда.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари беқиёс бўлиб, унинг мўътабар номи, ижодий меросини доимо фахрланиб тилга оламиз. “Тилга эътиборсиз-элга эътиборсиз” деган

сўзларининг мағзини англаймиз. Алишер Навоийнинг асарлари орқали она тилимизни англаймиз, унга бўлган меҳр-муҳаббат ортади.

Улуғ Навоийнинг илм-фан тараққиёти соҳасида, жумладан, она тили бобида қилган ажойиб ишлари туганмас бойлик бўлиб, ҳозирги кунда ҳам уни ўрганиш жуда муҳимдир. Алишер Навоийга ўз тилини мумтозлик даражасига кўтарган шоир дея таъриф ҳам беришади.

Олимларнинг аниқлаган статистик маълумотларида Навоий асарларининг сўз бойлиги А. С. Пушкин ва В. Шекспир асарларининг сўз бойлигидан ҳам кўпроқ эканига эътибор қаратилади. Навоий қўллаган ана шу тил бойликларининг энг катта қисми «Хамса» дostonларидан жой олган бўлиб, бу дostonларда туркий, форсий, арабий сўзлардан ташқари юнон, хинд ва бошқа тилларга хос номлар ва атамалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтататар эканлар ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Миллат тилини сақлаб қолиш эса бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолишини аниглайди. Зеро халқ тақдири миллий тили билан бевосита боғлиқдир. Тил ҳар ҳар бир миллат маданиятининг ўзаги бўлиб, халқ тараққиёти ва келажаги миллий тил ривожини билан белгиланиши мумкин. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат ва анъаналарни тараққий этган тиллар сафида сақлайди.

Миллат борки, унинг ўз она тили бор. Она тили – ҳар бир элатнинг, халқнинг, миллатнинг ўз тили ҳисобланади. Она тили луғат таркиби, асосан, шу тилга мансуб халқнинг турмуши, маданияти ва анъаналарини ифодалайдиган сўз ва тушунчалардан иборат бўлади. Она тилининг тараққиёти ҳар бир элат, халқ ва миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиши билан боғлиқдир.

Бугунги кунда ёшларимизни ўзбек тилида ёзиш ва гаплашиш маданияти қониқарлими? Айниқса, ҳозирда асосий мулоқот турига айланиб қолишга

улгурган турли ижтимоий тармоқлардаги ёшлар ўртасидаги мулоқотларни кузатганимизда бу масала ҳозирда қанчалик долзарб эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳар хил хорижий ибораларни қўллаш, ўзбекча сўзлар қўпол тарзда бузиб ва қисқартириб ёзилган ёзма мулоқотлардан уларнинг авторларини тилни билиш савияси қай даражада эканлиги яққол кўриниб туради. Ҳозирда ёшлар томонидан ўзига хос ижтимоий тармоқ алфавитини ишлатилиши эса ҳақиқий фожиадир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тилшуносликка оид муаммолар ҳам анчагина бўлиши мумкин. Бугунги кунда интернет тармоқларида ўзбек тилида ўзига хос дастурларни яратиш, ўзбек тилини ҳам жаҳондаги тан олинган тиллар қаторига олиб чиқиш – тилшунослар олдига ўзига хос ва масъулиятли вазифаларни юклайди.

Ўз она тилини мукамал ўрганиш ва билиш инсонни янада руҳан бой ва тетик қилади. Тил-миллатнинг кўзгусидир. Бу кўзгу қанчалик тиниқ ва соф бўлиши эса ўзимизга боғлиқ. Зеро, тилни эъзозлаш энг аввало, халқни, миллатни, бугунни ва албатта келажакни асраб-авайлаш демакдир.

Она тилимизнинг софлигини асраш ҳар биримизга тааллуқли вазифа ҳисобланади. Тилимизга турли хорижий сўзларни қориштириб гапиришимиз ўсиб келаётган ёш авлодга одатий ҳолга айланиб қолишига олиб келиши оддий ҳақиқатдир. Тилнинг экологиясини тозалаш, уни жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тўғри ишлатилишини таъминлашга эътиборни кучайтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

1 සමූහය

ව්‍යවහාරිකයන්

ආයුර්වේදයේ භාවිතය

විද්‍යාත්මක ව්‍යවහාරිකයන්



РОЛЬ СУБОРДИНАТОРОВ В СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ГИПОТАКСЕМ В ЯЗЫКАХ РАЗНЫХ СИСТЕМ

*Хошимов Г.М., д.ф.н., профессор АГУ, д.ф.н.,
Хошимов М.Г., преподаватель АГУ*

Аннотация. В данной статье авторы уделяют внимание на изучение субординаторов, который требует рассмотрения также вопроса об определении места данных средств связи по отношению к адвербиальному компоненту.

Ключевые слова: предложения – гипотаксемы, адвербиальный компонент, корреляты, субординатор, анализ.

Глобальное исследование какого-либо отдельно взятого структурно – семантического типа сложноподчиненного предложения – гипотаксемы (ГПТ) с адвербиальными отношениями как в плане одного языка, так и в типологическом плане, предполагает инвентаризацию всех существующих разновидностей данного типа. При этом регистрация формальных показателей структурно-семантических отношений между компонентами ГПТ, которые позволяют установить возможные разновидности данного типа, представляется необходимой. Такими формальными показателями, служащими для осуществления подчинительной связи между частями ГПТ, т.е. между адвербиальным компонентом и "центром подчинения", являются различные средства связи – субординаторы [3,72]. Ими могут быть следующие морфологические классы слов: союзы (парные, двойные, рамочные), союзы-предлоги, союзы-частицы, частицы, аффиксы, послелогои, союзные слова, местоимения, наречия, причастия, деепричастия, существительные, и другие грамматикализовавшиеся средства субординативной связи, которые могут быть по структуре простыми, составными и сложными [1, 105-109]. Описание средств связи адвербиального компонента с центром подчинения настоятельно требует выявления также различных коррелятов, тесно соотносимых с адвербиальным компонентом. Не менее важным представляется установление того, являются ли средства связи между

компонентами ГПТ исконными (родными для данного языка) или заимствованными, а если заимствованными, то каковы причины их проникновения в чужой язык. Еще важнее выявить изменения у заимствованных другим языком средств по их структурной, семантической (если семантическое средство) и функциональной характеристике (ср.: "агар" - средство связи в персидском, тюркских, индонезийском языках, причем в последнем языке "агар" перешло из союза условного значения в союз целевого назначения) [2, 53-54].

Изучение субординаторов требует рассмотрения также вопроса об определении места данных средств связи по отношению к адвербиальному компоненту, которые в идеале могут находиться, на наш взгляд, в следующих позициях: а) препозиции; б) интерпозиции; в) юстпозиции; г) пре-постпозиции, т.е. в начально-конечном положении, что чаще всего наблюдается у рамочных средств связи типа, например, узбекских - токи:...деб, зора,...деб и т. п. Далее следует определить две существенные особенности средств связи, а именно фиксированность или нефиксированность позиции. Все это неизбежно приводит к необходимости выявления всех факторов, которые обуславливают ту или иную позицию средств связи, часто управляемую типологическими особенностями грамматического строя каждого из конкретных языков. То или иное местоположение средств связи в составе ГПТ различных языков может служить релевантным признаком, по которому языки мира могут классифицироваться.

Изучение средств связи, при помощи которых актуализуются различные типы синтаксической связи между компонентами ГПТ, предполагает рассмотрения вопроса о парадигматических характеристиках той или иной служебной частицы, поскольку часто в синтетических или флективных языках отдельные типы средств связи имеют тенденцию к формоизменению в силу морфологического характера и синтаксической функции тех частей речи, от которых данные служебные частицы произошли.

При этом средства связи глагольного происхождения подвержены спряжению, а именного происхождения - склонению.

Сказанное выше всецело относится к структурно-типологической характеристике служебных частиц, осуществляющих синтаксическую связь в ГПТ. Кроме того, у средств связи наблюдаются специфичные особенности дистрибутивного характера в языках, заключающиеся в том, что они способны: 1) употребляться в качестве члена компонента ГПТ; 2) выбирать определенные глагольные формы для выражения предиката в адвербиальном компоненте или для оформления предикатов обоих компонентов; 3) диктовать форму предиката (наклонения или модальные глаголы, сочетающиеся с афинитными глаголами); 4) диктовать: а) моносубъектность (т. е. субъекты компонентов одно и тоже лицо); б) полисубъектность; в) как моносубъектность, так и полисубъектность компонентов; 5) вводить обособленный адвербиальный компонент в ГПТ; 6) употребляться: а) в монотаксеме; б) парцеллироваться вместе с адвербиальным компонентом; 7) не парцеллироваться вместе с адвербиальным компонентом; 8) как парцеллироваться, так и не парцеллироваться вместе с адвербиальным компонентом; 9) к трансформационному опущению /неопущению/ из структуры ГПТ; 10) вводить адвербиальный компонент: а) в препозиции; б) в интерпозиции; в) в постпозиции или как в препозиции, так и в постпозиции.

Далее при сопоставительном анализе средств связи – субординаторов в гипотаксеме следует также выявить такие их особенности, как структурная обязательность /необязательность в ГПТ и полифункциональность.

Не менее важными представляются и такие признаки субординаторов, как: 1) семантичность: а) моносемантичность; б) полисемантичность; в) синкретичность; 2) энтропичность; 3) омонимичность; 4) синонимичность; 5) антонимичность.

Анализ семантических особенностей служебных частиц по указанным параметрам способствует соответственно выявлению семантических (моносе-

мантических, полисемантических, синкретичных), энтропичных, омонимичных, синонимичных и антонимичных средств связи. Подобный анализ, в конечном счете, позволяет проследить происходящие в субординаторах процессы семантических изменений, объяснить факторы, обуславливающие эти особенности, а также определять структурно-семантическую обязательность/необязательность, т.е. факультативность данных средств для организации ГПТ, имеется в виду значащее отсутствие средств связи (ср.: значащее отсутствие артикля в английском языке).

Изучение средств связи, присоединяющих компоненты ГПТ, по указанным типологически релевантным признакам даст возможность установить и такой не менее важный их типологический признак, как количественный (статистический) наряду с такими их характерными особенностями, как семантические, структурные, дистрибутивные и функционально-стилистические, также выявить изоморфные и алломорфные признаки данных средств в языках разной типологической принадлежности.

Типологическое сопоставление субординаторов приобретает особо важное значение именно в том плане, что при его помощи устанавливаются их доминирующие типы как в одном языке, так и во многих языках, при этом доминирующие средства связи в языках отличается то, что в них в системе ГПТ есть хотя бы один универсальный субординатор, который и является основным средством связи между компонентами ГПТ различных типов, что и свидетельствует о его первичности (например, в русском языке - союз что, в английском - that, в немецком - *daß*, в персидском - *кэ*, во французском - *que*, в узбекском - *деб*, в хинди – «*ki*» и др.).

Особую ценность представляют универсальные признаки субординаторов, на основе которых можно выводить лингвистические универсалии относительно их общезыковой природы /см.: Хошимов, 2016, 127/, ибо субординаторы могут служить типологически релевантной основой для таксономии ГПТ языков мира.

Список использованной литературы:

1. Майтинская К.Е. Служебные слова в финно-угорских языках. -М.: ”Наука”, 1982..
2. Теселкин А.С, Алиева Н.Ф. Индонезийский язык.-М.:”Изд-во Вост. Лит.”, 1960.
3. Хашимов Г. М. Типология Сложных Предложений разносистемных языков. Ташкент, издательство «Фан», 1991
4. Хошимов Г.М. Принципы и методика типологического сопоставления сложных предложений. Андижан, издательство «Ҳаёт», 2016.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ЭТИМОЛОГИЯСИГА ЭКСПРЕССИВЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШУВ

*Самигова Хушнуда Ботировна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти,
ф.ф.д., kabsam@yandex.ru*

Аннотация. Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи лисоний воситаларнинг ривожланишида тилга бўлган экстралингвистик омилларнинг таъсири масаласини очиб беришга қаратилган. Бунда автор инглиз ва ўзбек тиллари мисолида мазкур масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини асосли манбаларга таянган ҳолда асослаб беради.

Калит сўзлар: инглиз ва ўзбек тиллари, эркалаш, лисоний воситалар, экстралингвистик омиллар, тиллар этимологияси.

Тилшунослик соҳасида кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилиб, унинг етарлича очиб берилмаган қирраларини тадқиқ этиш ривожланиб бормоқда. Эркалаш мавзуси ҳам шу каби тилшуносликнинг ечим талаб қилувчи

масалаларидан биридир. Мазкур мавзу бўйича кўпгина олимлар тадқиқот олиб борганлар (У.Турсунов, А. Мухторов, Х. Абдурахмонов, Н. Асқарова, А. М. Хамроев, Э. Қиличев ва бошқалар). Лекин, инглиз ва ўзбек тилларида эркалашни ифодаловчи сўзларнинг этимологик хусусиятларининг таҳлилига бағишланган илмий тадқиқот мавжуд эмас. Эркалаш атамасига тилшунос олимлар турлича изоҳлаганлар. Эркалаш бу ҳар бир тилнинг ўзига хос воситалари, шакл–усуллари орқали одамларга, жониворларга, табиатга, нарса-ходисаларга нисбатан меҳрибонлик, муҳаббат, майинлик, назокат, нафис меҳр билан суйиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, ҳамдардлик, ҳамфикрлик ва бошқа муносабатларни ифодалайди. Мазкур мақоланинг асосий мақсади тадқиқ этилаётган тилларда эркалашни ифодаловчи сўзларнинг этимологик хусусиятларини ўрганишдир.

Тилларнинг ички ривожланиши ички ва ташқи қонуниятларга бўйсунди, яъни ўзаро ҳамкорлик жараёнида тиллар тараққиёти ички қонунлар таъсирида эмас, балки ташқи таъсирга кўпроқ боғлиқ бўлади. Мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланишини мазкур мамлакатларда яшовчи халқ ва элатнинг маданиятини бир-бирига яқинлашувига шарт-шароитлар яратиб беради. Тиллар ҳам бир-бирига таъсир кўрсатиб бойиб боради; бундай ҳамкорлик тилларнинг ички ривожланишига ҳам сабаб бўлади [1, 157].

Тилни ижтимоий жиҳатдан ўрганишда унинг тарихий босқичларининг турли даврларда ривожланиши нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ф. Де Соссюр ташқи ва ички лингвистикани қарама-қарши кўяди. Унингча, ташқи ва ички тилшунослик тилнинг халқ тарихи, географик жойлашиши билан боғлаб текширилиши лозимдир [3, 90-91].

Инглиз ва ўзбек халқларининг тарихи ҳамда чегарадош халқларнинг уларнинг тилига таъсири ўз навбатида эркалашни ифода этилишида ҳам аҳамият касб этиши аниқланди. Шу фикрга кўра, эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар қуйидагича гуруҳланди: четдан ўзлаштирилган сўз ва аффикслар орқали ясалган ҳамда тарихийлик жиҳатларга доир эркалаш

маъносини ифода этувчи сўзлар. Инглиз тилига замон тақозоси билан испан, итальян, француз, иврит ва рус тилларидан ўзлаштирилган суффикслар иштирокидаги сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, испан тилидан *-o* (*kidd-o, buddy-o, daddy-o, boy-o*) каби, итальян тилидан *-ola, -ino, -arino, -erino* каби, француз тилидан *-ese, -ois, -ais, -ville* кабилар, испан америка вариантлари, яъни *-aro, -eroo, roo, -oo* (*niggero, sleepero*) кўринишлар ҳамда иврит ва рус тилларидан ўзлашган *-ink* (*beachnik, bootnik, autabeatnik*) суффикслари инглиз тили сўзларига қўшилиб ифода этилади [2, 85-87].

Тадқиқотимиз натижалари айнан четдан ўзлаштирилган сўзлар ва суффикслар ўрганилаётган тилларда эркалаш маъносини ҳосил бўлишида ўз таъсирини кўрсатганлигини кўрсатди. Масалан, Вебстер изоҳли луғатининг маълумот беришича [7], инглиз тилига француз тилидан *minion, beau, belle*, испан тилидан *cabalero*, итальян тилидан *nymph, courtesan, muggle, cicibeo, charlatan, Inamorato, inamorata*, араб тилидан эса *peri, sheik* каби эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар кириб келганлигини кўрсатади. Мисоллар келтириб ўтамыз:

“You,” he informs her softly, “are whatever I say you are. You’re mine Sweetheart, you better start getting used to that.”

“No...” she whispers in protest, but she stops struggling against him.

“If I say so, then you’re my minion. You could be my mistress, or my acolyte.”
[8].

Ўзбек тилида эса араб, форс-тожик ва рус тилларидан кириб келган эркалаш маъносини ифода этувчи сўз ва ибораларни ҳам шу ўринда кузатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғатидан олинган маълумотга кўра, ўзбек тилига форс-тожик тилидан *гуландом, гулбадан, девона, дилбар, жигар, жонивор, нигор, маҳлиқо, парирўй*, араб тилидан эса *маҳбуба, махбуб, офатижон, фаришта, хумор, жавҳар, муҳаббат, жинни, маъшуқа, ҳабиб* каби сўзлар ўзлашгандир. Рус тилидан эса *-ишка, -чик, -ка* эркалаш ва кичрайтириш аффикслари ўзбек сўзлари ва атоқли исмларига қўшилган ҳолда

нутқда эркалашни ифодаланишини ҳам учратамиз. Масалан: *Асалишка, асалчик, асалка, Хайришка, Бобурчик, пончик, Наргизка* ва бошқалар шулар жумласидандир. Э. Қиличев бу борада шундай дейди: “Ўзбек тилида, айниқса, ёшлар нутқида баъзан эркалашнинг русча шакллари учрайди: *Назарчик (Назар), Лолячка (Лола), Адик (Адиба)* каби. Айрим русча шакллар эркалаш шакллари билан синоним тарзда ҳам ишлатилмоқда:

*Дедилар бир йиғинда, керакмас ҳеч хон демоқ,
Хайрихоннинг ўрнига Хайричкаси яхшироқ* [5, 21].

Юқорида келтирилган мисоллар эркалаш маъносини шаклланишида инглиз тилига француз, итальян, испан тилларининг ҳамда ўзбек тилига эса рус, форс-тожик, араб тилларининг таъсири ўтганлигини кўрсатди.

Тарихийлик жиҳатдан эса сўзлар янги ва эскирган шаклларга бўлинади. Эскирган сўзлар гуруҳига кирувчи эркалашни ифодаловчи сўзлар ўрганилаётган тилларнинг иккисида ҳам учради. Масалан, инглиз тилидаги Вебстер изоҳли луғатларнинг маълумот беришича [7], *pumpkin, sweeting, leman, mistress, moppet, brave, chit* каби сўзлар эркалаш маъноси эскирган, архаик сўзлар қаторига киради. Оксфорд Thesaurus луғатидаги маълумотларга кўра эса [6], *swain, concubine, doxy, leman, courtesan, cicibeo* каби эркалаш маъносига эга сўзлар ҳам нутқ фаолиятидаги эскирган сўзлар ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [4] *асира, бегойим, бегим, бойвучча, бибиши, бузруквор, волида, қоқиндиқ* каби эркалашни ифода этувчи сўзларини эскирганлигини кўрсатувчи пометалари бўлсада, *малика, малак, хонзода* каби сўзларнинг пометалари мавжуд эмас. Бу сўзлар тарихда аслида подшоҳлар оиласига мансуб шахсларга қарата айтилган бўлса-да, ҳозирги кунда эса ўзбек тилининг адабий тилида суйиш ва эркалаш маъноларда маҳбубларга нисбатан кўчма маъноларда ифода этилиб келинади.

Ўзбек тилида бу каби эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар инсонлар табақасига қаратиб ифода этилади дейиш нотўғри, албатта. Бу сўзлар тилда асл маъносида ифода этилмасада, эркалаш, ҳурмат маъноларини сақлаб

колган. Ўзбек тилининг изоҳли луғати қулун сўзининг ўғил болаларга нисбатан эркалаш маъно ифодалаш ҳақида маълумот беради, лекин ҳозирги кунда бу сўз муомала доирасидан чиқиб кетган дейишимиз мумкин.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, инглиз ва ўзбек тилларида эркалашни ифода этувчи сўзлар этимологик таҳлилга кўра, ижтимоий ҳаёт таъсирида четдан ўзлаштирилган сўзлар ва аффикслар ёрдамида ўз ифодасини топади. Мазкур сўзларнинг баъзи қисми вақт таъсирида нутқ фаолиятидан четлашиб боради. Демак, тарих ва ижтимоий ҳаёт фаолияти эркалаш маъносини ифодаловчи сўзларнинг шаклланишида ҳамда нутқда қўлланилишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, 157 б.
2. Раҳимов Ғ. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари. – / Дис./ Самарқанд, 2006, 85-87 бетлар.
3. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1972, 90-91 бетлар.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (2 томли). – Москва, “Рус тили”, Тошкент, 1981, 2-қисм.
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, 21-бет.
6. Oxford Treasures of English, Oxford University Press, Second Edition, 2004, p. 605.
7. Merriam Webster’s Collegiate Dictionary, Eleventh Edition, Merriam Webster, Incorporated Springfield, Massachusetts, USA, 2003.
8. Mexx Lucifer’s Sweetheart <http://www.wild-dystopia.net/fiction/luciferssweetheart.html>

НЕМИС ТИЛИДАГИ ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ БОРАСИДА

*Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич,
УрДУ Хорижий филология факультети декани ф.ф.н.,
доцент Email: sahid03@mail.ru*

*Халлиева Фарида Хамраевна,
УрДУ, лингвистика: немис тили мутахассислиги магистранти
info_farida@mail.ru*

Аннотация. Мақолада фактик материаллар асосида баъзи бир немис тили дипломатик терминологик тизимнинг қисқача тавсифи берилган, шунингдек, унинг лексик-семантик гуруҳлари тасвирланган.

Калит сўзлар: термин, терминология, дипломатик тил, терминологик тизим, сўз-терминлар, сўз бирикмасидан иборат атамалар.

Термин ва терминологияга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлар чоп этилган бўлсада (2,3,4,5,6,7), бугунги кунда ушбу муаммо билан боғлиқ кўпгина масалалар ўз ечимини топмай келмоқда. Зеро, ушбу далил инсон ҳаётидаги турли соҳаларнинг доимий ривожланиши, янги технологиялар, ихтиролар ва илмий билимларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шунинг айтиш жоизки, ҳозиргача “термин” тушунчасининг ягона, умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас (7;20). Баъзи бир манбаларда қайд этилишича, *термин* сўзи (лот. terminus – чек, чегара) “чегара ва чегараларни белгиловчи рим худосининг номига” бориб тақалади (6; 572). Ҳозирда “термин” тушунчаси ҳар қандай илм соҳаси ёки фаолият турини англатувчи сўз ёки ибора сифатида изоҳланади (10;508). Рус олими В.П. Даниленконинг

таъкидлашича, *термин* сўзи маълум бир соҳага оид лексик бирликларни англатувчи тушунча номи ҳисобланади (4;15).

Замонавий изоҳли луғатларда *термин* турли кўринишларда таърифланади. Масалан, Немисча Pons” изоҳли луғатда мазкур тушунчага жуда қисқа ва аниқ таъриф берилган: “Terminus der < –, Termini> (geh. ≈ Fachbegriff) eine festgelegte Bezeichnung aus einem Fachgebiet” – “(соҳавий тушунча) муайян фан соҳасига тегишли атама” (12;2039).

Умуман олганда, кўпгина таърифлар *терминни* махсус тушунчани ифодалашга хизмат қиладиган маълум бир фаолият соҳасига хос бўлган сўз (ёки сўз бирикмаси) (6), *терминологияни* эса маълум бир фаолият, соҳа ёки билимга оид атамалар мажмуи (ўзига хос тартибга солинган атамалар тизими) сифатида тушунтиради (7;62).

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир соҳанинг, жумладан дипломатиканинг, ўзига хос терминлари мавжуд.

“Дипломатик тил” терминининг ўзи икки хил маънони англатади. Биринчидан, бу расмий дипломатик музокаралар олиб бориладиган ва халқаро шартномалар тузиладиган тил. Ҳеч кимга сир эмаски, дипломатиянинг дастлабки тили лотин тили бўлиб, кейинчалик унинг ўрнини француз тили эгаллаган. Замонавий дунёда тилларнинг тенглиги анъанаси мавжуд. Иккинчидан, бу дипломатия соҳасига оид терминлар тўпламидир. Дипломатик терминология – бу *дипломатик хизмат, дипломатик ҳуқуқ, дипломатик протокол, дипломатик одоб-ахлоқ* ва бошқалар каби дипломатия соҳалари терминларини ўз ичига олган мураккаб тизимдан иборатдир. Ўрганилаётган соҳа терминларининг муҳим қисми қуйидаги терминологик гуруҳларга тегишли номлардир: *дипломатик вакиллар, дипломатик даражалар, дипломатик ҳужжатлар, дипломатик жараёнлар, дипломатик таърифлар, дипломатик ваколатхоналар, дипломатик ҳуқуқлар ва имтиёзлар, дипломатик қабуллар* ва бошқалар (6).

Ҳар бир тил каби, немис тили ҳам ўзининг дипломатик терминларига эга ва улар бир неча лексик-семантик гуруҳларга бўлинади:

1. **Дипломатик лавозимлар ва даражалар** – *der Botschafter(in)* – ‘элчи’, *Ausserordentlicher Botschafter* – ‘фавқулодда элчи’, *Außerordentlicher und bevollmächtigter Botschafter* – ‘фавқулодда ва мухтор элчи’, *Attache* – ‘атташе’, *der Geschäftspartner* – ‘савдо ишлари бўйича ҳамкор’, *der Konsul* – ‘консул’, *der Generalkonsul* – ‘бош консул’, *der Berater(in)* – ‘маслаҳатчи’, *der Diplomat* – ‘дипломат’, *der Doyen* – ‘оқсоқол, дипломатик корпус бошлиғи’, *der Abgesandte*

–элчи, *der Legat* – ‘легат, папа элчиси’, *Bevollmächtigter des Ministers* – ‘вазирнинг мухтор вакили’, *Nuntius* – ‘папа нунцияси; элчи’, *der Vizekonsul* – ‘вице-консул’ ва бошқалар.

2. **Дипломатик ҳужжатлар** – *die Übereinkommen* – ‘муҳим масалалалар бўйича келишув, бирлашиш’; *Gedächtnisstütze* – ‘эслатма қайд, эслатма’; *das Konkordat* – ‘конкордат, алоҳида шахслар, ҳукуматлар ўртасидаги шартнома’; *der Vertrag* – ‘келишув, битим’; *die Konvention* – ‘конвенция, халқларнинг ҳуқуқлари бўйича) келишув’; *Beglaubigungsschreiben* – ‘ишонч ёрлиғи (элчининг)’, *die Note* – ‘нота’ ва бошқалар.

3. **Дипломатик ваколатхоналарнинг номлари** – *das Kanzleramt* – ‘канцлер ва унинг бўйсунувчилари ишлайдиган идора/; *das Konsulat* – ‘консуллик’; *die Botschaft* – ‘элчихона’; *Generalkonsulat* – ‘бош консуллик’; *Hohe Kommission* – ‘юқори комиссар ваколатхонаси/ (Ҳамдўстлик бир мамлакатининг бошқа давлатдаги дипломатик ваколатхонаси) ва бошқалар.

4. **Дипломатик жараёнлар** – *der Beitritt* – ‘қўшилиш (келишувга, конвенцияга)’; *die Akkreditierung* – ‘аккредитация (дипломатик вакилларнинг)’; *diplomatisches Asyl* – ‘дипломатик бошпана’; *die Demarche* – ‘намойишкорона дипломатик ҳаракат’; *die Denunziation* – ‘денонсация, шартномани бекор қилиш; эълон, маълум қилиш’, *die Exequatur* – ‘экзекватура (чет эл консулининг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)’; *die*

Auslieferung – ‘экстрадиция, жиноятчини чет давлатга топшириш’; *die Ratifizierung* – ‘ратификация’ ва бошқалар.

5. **Дипломатик ҳуқуқ ва имтиёзлар** – *die Exterritorialität* – ‘экстерриториал статус, экстерриториал характер’; *Unverletzlichkeit der Person* – ‘шахс дахлсизлиги’; *Unverletzlichkeit des Wohnsitzes* – ‘тураб жой дахлсизлиги’; *Befreiung von der örtlichen Besteuerung* – ‘маҳаллий солиқлардан озод қилиш’; *Befreiung (von der örtlichen Straf- und Zivilgerichtsbarkeit* – ‘(жиноий ва фуқаролик юридикциясидан) озод қилиш ва бошқалар.

6. **Дипломатик қабуллар** (расмий/норасмий; кундузги/кечқурунги; бирон жойда ўтириб/ўтирмасдан) – *Ein Glas Wein* – ‘бир қадах шароб’; *ein Glas Champagner* – ‘бир қадах шампан’; *das Frühstück* – ‘нонушта’; *das Mittagessen* – ‘тушлик’; *das Abendessen* – ‘кечки овқат’; *der Cocktail* – ‘коктейл’; *der Tee* – ‘чай’, *der Kaffee* – ‘қаҳва’ ва бошқалар.

Дипломатия соҳаси терминологиясини ташкил этувчи юқорида тавсифланган гуруҳлардан ташқари, батафсил ўрганиш ва тавсифлашни талаб қиладиган бошқа гуруҳлар ва атамаларнинг кичик гуруҳлари ҳам мавжуд.

Ўрганилаётган дипломатик терминологиянинг таркибий таснифига кўра, икки хил дипломатик терминларни ажратиш мумкин: **сўз** – *die Akkreditierung* – ‘аккредитация’; *die Auslieferung* – ‘экстрадиция, жиноятчини чет давлатга топшириш’; *das Konsulat* – ‘консуллик’: **сўз бирикмаси** – *außerordentlicher Gesandter und bevollmächtigter Botschafter* – ‘фавқулодда ва мухтор элчи’; *Bevollmächtigter des Ministers* – ‘вазирнинг мухтор вакили’ ва бошқалар (1,11,13,14).

Такдим этилган маълумотларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкинки, немис тилида дипломатик терминология бир қатор умумий ва ўзига хос хусусиятларга ҳамда катта ва кичик гуруҳларга эга бўлиб, уларнинг элементлари умумий маънода бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Русско–узбекский терминологический Толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Тошкент: Тошкент давлат университети, 2005. – 111 с.
2. Гринёв-Гриневиц С. В. Терминоведение / Под ред. А. Б. Васильева. — Москва: Издательский центр «Академия», 2008. — С. 29—30.
3. Гринев С. В. Введение в терминоведение. — М., Изд-во МГУ, 1993, 309 с.
4. Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания / отв. ред. Ф.П. Филин. – М.: Наука, 1997. – 246 с.

5. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Фил.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. –Тошкент, 2011.

6. Криворот В.В. О Некоторых особенностях дипломатической терминологии в английском языке. – Минск, ЭБ БГУ: Общественные науки, Языкознание. 2017. / <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/186370/1/>

7. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура / В.М. Лейчик. – 4–изд. – М.: КомКнига, 2009. – 256 с.

8. Реформатский А.А. Введение в языкознание / А.А. Реформатский; под ред. В.А. Виноградова. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 536 с.

9. Словарь античности // Пер. с немецкого. Отв.ред. В.И. Кузицин. –М.: «Прогресс». 1989. – 704 с.,

10. Ярцева В.Н. Большой энциклопедический словарь «Языкознание» / гл. ред. В.Н. Ярцева. 2–е (репринтное) изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – 685 с.

11. ABC der Diplomatie. Eidgenössisches Department für auswärtige Angelegenheiten (EDA). – Bern, Cavelti AG, Gossau 2008. – S. 40.

12. Pons. Großwörterbuch. Deutsch als Fremdsprache. –Stuttgart, Ernst Klett Sprachen GmbH, 2006. – S. 2509.

13. <https://de.wiktionary.org/wiki/>

14. <https://www.duden.de/suchen/dudenonline/>

FIELD STUDIES IN WORLD LINGUISTICS

Abduvaliyev Muhammadjon Arabovich, docent of AndSU
Abdurashidova Kamolaxon, a student of Magistracy (AndSU)
Halimova Muhayyoxon Muhammadjonovna, a teacher of AndSU
Ahmedov Azimjon Ilxomovich, a teacher of AndSU

Annotation: The article deals with the history of linguistic field paradigms both in world linguistic science and Uzbek linguistics.

Field theories based on semantics, relations, levels, cognitive, cultural concepts, specific features of the fields have been shown in the work. Alongside with this possible scopes of the fields and their divisions have been presented in the process of comparative studies of linguistic fields.

Key words: linguistic field, macro field, micro field, constituents, functional-semantic field, nominative field of concept, dominant, centre, periphery, languages units, monocentric, polycentric fields.

Field studies in linguistics have already become one of the affective methods in the scientific understanding dialectic relations of the world, thought and language. Field studies of language facts are being carried out in lexical and grammatical (morphemic, syntactic) levels. Birth and development of this trend is closely connected with such names as I.Trier, V.Portsig, L. Weisgerber, L. Tonger, M. Mayer, H. Miller in foreign linguistics, M. Pokrovskiy, A. Ufimtseva, N.I. Filicheva, Y.N. Karaulov, G.S. Shur, A. Bondarko, L.M. Vasilyeva, F.V. Guliga, E.I. Shendels, U.K. Yusupov, A. Nurmanov, E. Begmatov, Sh. Iskandarova, O. Bozorov, Sh. Safarov, B. Qilichev, H. Hojjeva, A. Sh. Sobirov in Uzbek linguistics.

It was G. Ipsen who defined the notion field “as a pile of words having general meaning” [Ipsen, 1924].

M. Mayer divides the semantic field into three types:

- 1) Natural (names of trees, animals, parts of body etc.)
- 2) Artificial (names of army officers, parts of mechanisms).
- 3) Semiartificial (terms of fish hunting, ethnic notions).

[Meyer 1986, 105].

I. Trier says that separate words of the language are meaningless. They acquire the status of a meaningful unit in case they have other words around, which have direct connections with them. [Trier, 1931, 36].

According to him, the field consists of elementary units: notion and the word. Here he means full parallelism of the notion and the field of words.

The term field was introduced into linguistics by G.Ipsen in 1924. He showed the field as the collection of words with general meaning and distinguished two fields:

1. The field of the notion;
2. Lexical field [Trier, 1931].

Our analysis of the theoretical legacy of I. Trier lets determine the followings:

- 1) The field problems were studied from the logical point of view;
- 2) Consideration of the field as a closed group of words;
- 3) Rejection of the independence of the word as a unit;
- 4) Rejection of the polysemantic feature of words and their relations;
- 5) Study of the problem was based on the study of the noun and adjective only etc.

The scholars who studied theoretical problems of the semantic field can be divided into three groups. The first group of linguists (for example, L. Weisgerber, K. Royning) pay attention to the study of paradigmatic relations among linguistic units: Others, for example W.Portsig, studied pragmatic relations. The third group of linguists took into consideration both paradigmatic and syntagmatic relations of words in their paradigms. In our opinion, the last approach is the correct one.

G. Miller distinguishes lexical and language fields. He understands the field of notion by the term lexical field and the syntactic field by language field[Miller, 1976].

Today we have different field theories based on semantics, relations and levels: paradigmatic field (Trier, Kosirio, Lounsterry), syntactic field (Portsig, Weisgerber, Filicheva), grammatic field (Admoni), grammatic-lexical field (Guliga, Shendels),

functional-semantic field (Bondarko). We add the terms conceptual field or the conceptual nomination field on this list.

A well-known Uzbek linguist U.K.Yusupov writes, “The naming units of the language of the concept and its parts are poured along the language and speech, that is why in order to determine the concept it is necessary to analyze the nominative field of the concept [Yusupov, 2010, 12]. Further, he writes that one should distinguish the content (mazmun) and its structure. The content of the concept is the sum of cognitive signs. Cognitive signs are the signs of objects and events reflected in thought.

The scholars of the present time admit that the content of the concept is tidied up by the field principles the field as nucleus and zones, the place of cognitive signs is determined by the brightness degree of those signs in the mind.

It was L. Weisgerber who settled the field “Notion and the issues connected with it”. To his mind, “The language should not be studied as a simple means of spiritual content but the intellectual form of cognition of the world, semasiology is not the science on meanings but the teaching on notions” [Weisgerber, 1936,49-50].

V. Portsig tried to create the field theory through the study of speech. He says that the contential field is connected with certain words in the language on the basis of some relations and it appears as a result of the relations among the

verbs, the adjectives and nouns that perform the function of a predicative [Portsig, 1957, 48].

Lexic-semantic field is the collection of lexemes, expressing a notion.

Semantic field theory found its reflection in the works of F.I.Buslayev, A.A.Potebnya, and A.M.Peshkovskiy. One can observe different approaches in the use of the notion field. For example, E.V.Guliga and E.I.Shendels studied the field of plurality, tense, modality, comparison, animateness, inanimateness on the materials of the German language. They divided the category of modality into two macro fields, (real and unreal). They called the themes (plurality, tense etc.) that appeared on the basis of the semantic macro field as micro fields. They think that

“Different language means serve to express general concrete meaning, the generalization of the relations between them from grammatic-lexical field [Guliga, Shendels, 1969, 8].

“Functional grammar theory trends come into being in the 80s-90s of the XXth century in Saint Petersburg. The leading specialist of the trend A.V.Bondarko and his followers studied meanings on the basis of functional semantic field” [Bondarko, 1984]. He distinguishes contential and expression plans in the field, and they appear as notional phenomenon of the language. He defines the functional semantic field as a system of different language means that serve to perform the function of definite semantic tasks [Bondarko, 1984, 8].

The field consisting of the nucleus and periphery parts has the following features:

- 1) The field has the centre, which presents common signs and periphery;
- 2) It is important to determine attitudes and relations of the central elements with the periphery elements;
- 3) Central constituents express chief semantics and the periphery constituents-secondary, less important semantic sides, the periphery elements may function as the chief expressive means with other semantics.

A.V.Bondarko divides the functional-semantic field into two types according to the structure of the field;

- 1) Monocentric field, based on the grammatic category;
- 2) Polycentric field based on different morphologic, syntactic-lexico-grammatic, lexical means. This field is made up of such semes as taxis, state, subject, object, definiteness-indefinitness, cause, purpose, condition etc. [Bondarko, 1984, 61-62].

Uzbek linguists also made and are making their contributions to the development of the field theory. The linguistic, namely syntactic, field approach to the study of the concessive relations, existing in the objective reality, their syntactic means with different formal, semantic and functional characteristics, was introduced to Uzbek linguistics by docent M.A. Abduvaliyev.

Concessive relation is defined in the following way: Concessive relation is an obligatory, real category, which expresses the phenomenon of the objective reality, characterized by binary semantics consisting of mutually contradicting and depending components, “state-concessive result,” to which contradicting relations are characteristic:

1) Impending state and insufficient state. The first component can be an action, state, process, a sign etc:

Though it rained	We played football
Yomg'iryog'sa ham	Biz futbo'lo'ynadik
Even though I helped	He couldn't read the book

As the author of the dissertation work “Concessive clauses in non-related languages” [1989, 4-5], syntactic means of concessive relations can be concessive clauses, simple sentences with adverbial modifier of concession, compound sentences, two semantically connected simple sentences, mixed types of complex sentences, asyndetic types of composite sentences. Alongside with this, the author divided this field into three parts dominant, nucleus and periphery. The first two syntactic means make up the nucleus and concessive clauses the dominant of the

field; the other types occupy the periphery of the field. The scope of the field can be wider or narrower in world languages.

M.A.Abduvaliyev studied the problem from the lingua-cognitological point of view. According to him, the concept of concession is a universal one. It expresses relations of the objective world, exactly among people, among men and objects, objects and objects. In the article, the author, alongside with communicative expressive syntactic units, points out the existence of such lexical and morphological means as word combinations, subordinating connectors, prepositional phrases, imperative forms of the verb, conditional mood forms of the verb, conditional-imperative mood forms with doubled stems, words with *demoq*, participle I forms of verbs with *bilan*, gerundial forms of the verb *qaramoq*, participle+*taqdirda+ham* [Abduvaliyev,2010, 39-40].

He establishes interlevel and inside one level relations among the constituents, the author determines synonymic rows, small paradigms.

Docent M.A.Abdualiyev says that the members of the paradigm exist as patterns (models) in the minds of the speakers. One of the members of the paradigm plays the role of an invariant unit, which finds its realization in different variants during speech activities.

One more important side of this study is the conclusion of the author. Some constructive units (elements) carry the chief seme, other-secondary semes [Abdualiyev, 2010, 41]. The authors of the article “Linguacognitive and communicative-pragmatic aspects of the means of verbalization of the microconcept of subjective-modal value in the languages with different system” is devoted to the determination of the linguistic means of expressing of the concept. The constituents of the field can be lexemes, phrasemes, syntactic structures with introductory parts and complex instructed sentences. The field is divided into the nucleus and periphery. They speak of conceptual and categorical nucleus and periphery. They also differentiate semantic (19) types that composite introductory sentences express (surprise, astonishment, pity, happiness, gratitude,

satisfaction, dissatisfaction, doubt hesitation, awareness, irony, sincerity and others) [Nazarova, 2010, 75]. The selective activities of those means belonging to different levels serve for certain purposes depend on the mentality, culture and competence of participants of the speech communication.

A.Sh. Sobirov in his monography “Investigation of the lexics of the Uzbek language as the system of systems” (2004) tries to determine the place of the field theory in the investigation of the lexical level as the system of systems. Field theory helps the owners of this or that language to discover all the possible means that are used in the process of communication, teaches how to use them in certain contexts, provides with contential connections with each other. He tries to explain the case with the help of the contential group show (tomosha): He distinguishes dozens of groups connected with TV:

a) micro field expressing personal names (producer, TV journalist, operator, broadcaster);

b) micro field of things: TV, the screen, TV programme;

c) micro field of place names: studio, TV radio company....

d) micro field of process: to see, to watch, to speak, to shoot, to participate etc.

A.Sobirov, having analyzed the contential fields of plants and animals, comes to the conclusion that any field is divisible.

Consequently, he distinguishes macro fields and micro fields according to the principle a system in the system. Further, he writes that the semantic field can have a dominant, nucleus and periphery parts. For example, the dominant sign of burgut; kalxat; lochin; qarchig'ay; is that they are birds. The words “Yirtqich, cho'qimoq, o'limtik” make up the nucleus of the microfield of birds. Because they can be seen in other birds too. Besides, he distinguish media fields.

A wide scale interest of linguistics to the study of field semantic characteristics of language and speech units and concepts provides general theory of semasiology, cognitology with new theoretical materials, gives vivid and true pictures on the functional aspects of language means.

References:

- 1.Сафаров. Ш. Когнитив тилшунослик “Сангзор” нашриёти, Жиззах,2006.
- 2.Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики М. “Гнозис”, 2005.
- 3.Юсупов У.К. Концепт ва лингвокультуре атамалари хусусида:” Қиёсий, умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари республика илмий-амалий анжумани материаллари”, Андижон, 2010, 9-15.
- 4.Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони) ф.ф.д.дис.автореферати Т.,1999.
- 5.Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар// Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1988, 4-сон б. 66-69.
- 6.Гулыга Е.В., Шедельс Е.И. Грамматико-лексическое поле в современном немецком языке. М.:1969.

ВЗАИМОСВЯЗЬ ЯЗЫКА, КУЛЬТУРЫ И МЕНТАЛИТЕТА НАРОДА

*Салижанов Собир Атаханович,
доцент АДУ, mahliyatamudova057@gmail.com*

Аннотация. В данной статье исследуются особенности взаимосвязи языка, культуры и менталитета народа, характерных для данного языкового сообщества и проблема соотношения культуры и языка с ментальными категориями.

Ключевые слова: менталитет, культура, языковое сообщество, фрейм, субфрейм, мировоззрение, взаимосвязь.

разговорный стили произношения четко соотносятся с функциональными стилями современного русского языка. Строгое, академическое произношение характерно для научной, публицистической и официально-деловой речи. Разговорное произношение характеризует литературно-разговорную речь. Языку художественной литературы соответствует сценическое произношение. Сценическое произношение выполняет эстетическую функцию. В основе своей оно является образцовым, академическим. Но на сцене в художественных целях воспроизводятся различные произносительные варианты, как разговорные, народно-поэтические, так и просторечные, диалектные, жаргонные, устаревшие. Учитывая вариантность литературного произношения, целесообразно, на наш взгляд, усовершенствовать систему стилистических характеристик в орфоэпических словарях и учебных пособиях. Система орфоэпических помет должна быть гибкой и стилистически многоплановой. Помету «неправильно», очевидно, следует применять только к фактическим искажениям слов и неграмотной речи: анбиция, сурьезный, дилектор, булгахтер и т.п. Исконное же просторечное и диалектное произношение следует сопровождать соответствующими характеристиками. В школьной практике, конечно, все варианты нелитературного произношения можно называть ошибками. Но вряд ли есть достаточные основания называть ошибками случаи неуместного употребления Разговорных, профессиональных, книжных, устаревающих вариантов в строгом стиле, например: э[н'е]ргия, биз[н'е]с, [т'е]зисы, [вожж'и], [дрожж'и], прие[жжай], ба□ловаться, заржаве□ть, ми□зерный, тво□рог, ща□вель, мелко□м и др. Все подобные произносительные варианты соответствуют общим литературным нормам, они свойственны разговорной литературной речи. Поэтому их неуместность в академическом стиле, по мнению ряда ученых, целесообразнее называть погрешностью, недочетом, неточностью. Соответственно нужно устранить запретительные пометы, которые часто применяются к разговорным, разговорно-

профессиональным, разговорно-просторечным вариантам в ортологических словарях.

К **стилистическим** недостаткам часто относят немотивированное употребление в литературной речи просторечных, жаргонных, диалектных слов. Причем даже в учебниках по функциональной стилистике: Девочка положила ребенка в зыбку, Павел еще пуще сплачивает своих друзей. В то же время просторечные словоизменительные формы квалифицируются как грамматические ошибки нестилистического типа: Мы хотим пойти в лес. Подобные противоречия обусловлены отсутствием единого подхода к разграничению речевых отклонений от общелитературных и стилистических норм. Отнесение немотивированного употребления нелитературной лексики к стилистическим ошибкам связано с тем, что в толковых словарях в систему стилистических помет входят не только собственно стилистические (разговорное, книжное, специальное и т.д.), но и ортологические: диалектное, жаргонное, просторечное. Между тем последние лишь условно называются стилистическими, так как указывают на нелитературную сферу употребления слов, а не на их закрепленность за каким-либо стилем литературного языка. Поэтому при едином подходе к типологизации речевых отклонений от норм немотивированное употребление нелитературной лексики следует, очевидно, отнести к лексическим ошибкам, поскольку нарушаются общелитературные нормы.

Литература:

- 1.Общее языкознание. Форма существования, функции, история языка, М., 1970;
- 2.Общее языкознание. Внутренняя структура языка, М., 1972;
- 3.Общее языкознание. Методы лингвистических исследований, М., 1973;
- 4.Березин Ф. М., История лингвистических учений, 2-е изд., М., 1984;
- 5.Реформацкий А. А., Введение в языкознание, М., 1998;
- 6.Нурмонов А., O‘zbek tilshunosligi tarixi, T., 2002.

O`ZBEK TILSHUNOSLIGIDA DOLZARB MUAMMOLAR

*Almatov Sadridin Abdurahimovich,
Andijon mashinasozlik instituti
O`zbek tili va adabiyoti kafedrasasi assistenti
Abdumutallibov Dostonbek Rustamjon o`g`li,
“Transport va logistika” fakulteti 1-kurs talabasi*

Annotatsiya: Mustaqillik nashidasi ozbek tilini tubdan isloh qilish, undagi so`zlarning yozuvi va talaffusini tog`rilash zaruriyatini keltirib chiqardi. Shu nuqtai nazardan ushbu maqola zamonaviy o`zbek tilining globallashuv jarayonidagi muammolari va ularni bartaraf etish yo`llariga bag`ishlangan.

Kalit so`zlar: yozma matn, til ijtimoiyligi, til va ijtimoiy munosabatlar, ijtimoiy omillar, ikkitillilik va ko`ptillilik, til siyosati, millat va milliy til muammolari, sotsiolingvistika, globallashuv davri, lisoniy natijalar.

O`zbek tilshunosligida tilning ijtimoiy tabiati, jamiyatning tilga ta`siri masalasiga o`tgan asrning 80- yillarida alohida to`xtalgan bo`lsa ham til va jamiyat muammolari ancha avvalroq tilga olinib boshlangan. Fitrat, Elbek, Botu singari jadidlarning asarlarida ozmi-ko`pmi shunga oid qaydlarni uchratish mumkin. Butun dunyoda kechayotgan globallashuv jarayonlari sotsiolingvistik tadqiqotlarning naqadar zarurligini milliy tillar va ingliz tili ekspansiyasi misolida ayon etib qo`ydi. Milliy tillar lug`at tarkibiga katta miqdordagi inglizcha so`zlarning kirib borishi til siyosatida o`zgarishlar qilish zarurligini ham ko`rsatmoqda. O`zbekiston

Prezidentining 2019-yil 21-oktyabrdagi “O`zbek tilining davlat tili sifatidagi maqomi va nufuzini tubdan oshirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi farmoni o`zbek tilining davlat tili sifatida qaddini ro`y-rost tiklashini, ijtimoiy maqomining yanada barqarorlashuvini ta`minladi. Ana shu farmonning amaliy ifodasi sifatida Vazirlar Mahkamasining qarori bilan O`zbek tili, adabiyoti va folklori institutida sotsiolingvistika bo`limining tashkil etilishi esa davlat tili va jamiyat munosabatlarini o`rganishga yo`naltirilgan tadqiqotlar kengayishi va kuchayishini ta`minladi. Bu bo`lim o`z faoliyatida o`zbek tilining rivojlanishi bilan bog`liq fundamental, amaliy va innovatsion tadqiqotlarni amalga oshirish va kengaytirish,

o‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeiini tubdan oshirish borasidagi ilmiy izlanishlarni kuchaytirish, o‘zbek tilining yozma matni me‘yor va qoidalarini ishlab chiqish, o‘zbek tilining izohli lug‘atlari, davlat tilida ish yuritish bo‘yicha qo‘llanma va adabiyotlar tayyorlash, davlat tilini rivojlantirishga oid meyoriy-huquqiy hujjatlar loyihalarini ishlab chiqishda faol ishtirok etishga alohida e‘tibor beradi.

Lingvistik adabiyotlarda til va jamiyat munosabati, tilning sotsial farqlanishi, jamiyatdagi lisoniy vaziyat, til ijtimoiyligi, til va ijtimoiy munosabatlar, ijtimoiy omillarning tilga ta’siri, ikkitillilik va ko‘ptillilik, til siyosati, millat va milliy til muammolari sotsiolingvistikaning muhim vazifalari xisoblanadi. Shu jihatdan tilning sotsial farqlanishi turli maslak, turlicha kasb-kor, turfa aqliy-ruhiy imkoniyatdagi jamiyat a’zolaridan tashkil topganidan kelib chiqadi va bunga mos ravishda har qaysi ijtimoiy guruhning faol hamda nafaol lug‘at tarkibi bo‘ladi. Jamiyat a’zolarining hududiy mansubligi ham, tabiiyki, turlicha. Binobarin, sotsial va hududiy dialektlar ijtimoiy guruhlarning maslak, kasb-kor, aqliy-ruhiy imkoniyat va hududiy kelib chiqishiga ko‘ra, tildan foydalanish tarzlaridir. Shu ma’noda hozirgi zamon sotsiolingvistikasidan sotsial va hududiy dialektlarni shunchaki qayd qilish, lingvistik tabiatini tushuntirishgina emas, balki ulardan unumli foydalanish yo‘llarini ko‘rsatish ham talab etiladi. Zero, adabiy tilni boyitish, o‘zlashma terminlarga milliy muqobillarni topishda sotsial va hududiy dialektlar muhim leksik-semantik manba bo‘lishi aniq. Birgina sud-huquq tizimi leksikasida afv, vaj, garov, gumondor, gumonlanuvchi, ijrochi, ish, tadbir, o‘zlashtirish so‘zlarining ixtisoslashgan, maxsuslashgan yangi ma’nolaridan adabiy tilni boyitish va rasmiy uslub imkoniyatini kengaytirishda foydalansa bo‘ladi. Kishilar o‘rtasidagi aloqani ta’minlash til ijtimoiyligining birinchi va zaruriy sharti bo‘lib, tilshunoslikning barcha davrlarida tilning bu maqomi e’tirof etilgan. Ammo tilning ijtimoiy tabiati, “sotsial xoslanganligi uning qabila, xalq, millat tarixini, umuman, insoniyat o‘tmishini o‘zida saqlashida ham ko‘rinadi”. Jamiyat a’zolarining tilga munosabati, tildan qanday foydalanishi, jamiyatdagi o‘zgarishlarning tilga ta’siri ham til

ijtimoiyligidan begona emas. O‘zbek tili tarixiy taraqqiyotida o‘zi mansub jamiyatning faol ta’sirida bo‘lgan, o‘zbek turmushidagi o‘zgarishlar, mentalitetiga ta’sirlar tilda o‘z izini qoldirgan. Masalan, arab xalifaligi va islom ta’sirida arabcha birliklar o‘zlashgan, o‘zlashtirilgan. Yoki mo‘g‘ul hukmronligi mo‘g‘ulcha til unsurlari kirib kelishiga zamin bo‘lgan. Jadidchilik harakatining yoyilishi bilan arabiy o‘zlashmalarni turkchallashtirishga ham kirishilgan. Ayniqsa, sobiq ittifoq davrida minglab so‘zlar rus tilidan yoki uning vositachiligida boshqa tillardan o‘zlashtirilgan, chet so‘zlarni olishning muayyan modellari qabul qilingan. Buni birgina -iya, -siya qo‘shimchasi bilan tugaydigan so‘zlar misolida ko‘rish mumkin. Istiqloлга erishganimizdan so‘ng o‘zbek tili rivojining yangi imkonlari ochildi, ko‘plab eskirgan so‘zlarning qayta faollashuvi ta’minlandi. Globallashuv davri esa ko‘plab tillar qatori o‘zbek tilini ham xalqaro tillarning faol ta’siriga uchratmoqda. Diqqat qilinsa, zikr etilgan ta’sirlar va tildagi o‘zgarishlarni sof lisoniy emas, tildan tashqari, masalan, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy-madaniy jarayonlar harakatlantirmoqda. O‘zbek sotsiolingvistikasi ana shunday ta’sirlashuvlarni xolis baholashi, milliy til va davlat tili manfaati nuqtayi nazaridan ish ko‘rishi lozim bo‘ladi.

Jamiyat taraqqiyotining barcha davrlarida tilga ozmi-ko‘pmi ta’sirlar bo‘lib turadi. Ba’zan uzoq vaqt tilning biror sathi jamiyat, inson omili bilan bog‘liq ta’sirlarga, o‘zgarishlarga uchramaydi yoki tilga ta’sir umummilliy miqyos kasb

etmaydi. Biroq yozuv va imlo borasidagi o‘zgartirish yoki yangilanishlar umummilliy miqyosda, jamiyatning ongli aralashuvi ostida hal qilinadi. Hatto hukumat bunday lisoniy jarayonlarga faol ta’sir o‘tkazadi (o‘zbek- arab, o‘zbek- lotin, o‘zbek-kirill va yana o‘zbek- lotin alifbolarining joriy etilishida shuni kuzatish mumkin), milliy manfaatlar yuzasidan lisoniy jarayonlarni nazoratga olish, tartibga solishda ishtirok etadi. Zarur me’yoriy-huquqiy hujjatlarni qabul qiladi, til masalalari bilan shug‘ullanuvchi vakolatli tuzilmalarni tashkil etadi. Masalan, “Davlat tili haqida”gi qonunning qabul qilinishi, Prezidentimizning «O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari

to‘g‘risida»gi farmonining e‘lon qilinishi, Vazirlar Mahkamasi huzurida Davlat tilini rivojlantirish departamentining tashkil etilishi, Atamalar komissiyasining ish boshlashi shundan dalolatdir. Terminologiyani tartibga solishda vertikal ta‘sir choralari ham muhim. Shu ma‘noda o‘tgan asrning 90- yillarida faoliyat ko‘rsatgan Atamaqo‘mning terminologiyani tartibga solishdagi xizmati katta bo‘lgan. Hozir tilda barqarorlashgan hokim, hokimiyat, devon, vazir, qo‘mita, tuman, viloyat, muallif, tahririyat, muharrir, mavzu, reja so‘zlari o‘sha davrda qayta faollashtirilgan so‘zlardir. O‘z navbatida, bunday faollashish shu so‘zlarning avvalgi muqobillari - raykom, apparat, ministr, komitet, rayon, oblast, avtor, redaksiya, redaktor, tema, plan so‘zlarining eskirishiga, nofaol qatlamga o‘tishiga olib kelgan. Globallashuv davri o‘zbek tili terminologiyasini tartibga solishda ham vertikal ta‘sir choralari ehtiyoj bor, chunki o‘zbek tili terminologiyasida muqobili bo‘lgani holda o‘rinsiz o‘zlashgan, sohaviy leksikaga qabul qilingan chet so‘zlar yig‘ilib qolgan. Masalan, yaqin yillarda kompetensiya so‘zi paydo bo‘ldi. Ingliz tilida “competence”, rus tilida “kompetensiya” shaklidagi bu so‘z asli “mahorat”, “qobiliyat”, umuman esa “layoqat” ma‘nosini bildiradi. O‘zbek tilida bu olinmani layoqat so‘zi to‘la almashtira oladi. Kompetensiya so‘zi olinayotganda o‘zbek tilining ichki imkoniyati e‘tiborga olinmagan. Natijada noto‘g‘ri o‘zlashma asosida kompetentlik, kompetensiyaviy singari terminlar ham yasalgan. Agar chet so‘zga bu qadar o‘chlik bo‘lmaganda, “kompetensiya” layoqat, «kompetentnost» layoqatlilik deb kalkalangan va kompetensiyaviy tarzidagi g‘alati yasalma “bino bo‘lmas” edi. Muqobili bo‘la turib, olingan so‘zlardan yana biri kreativdir. Ingliz tilida “creative”, rus tilida «креативныу» shaklidagi bu so‘z har ikki tilda “ijodiy” ma‘nosini anglatadi. Bu olinma o‘zbekcha matnlarda “kreativ fikrlash”, “kreativ yondashish” singari birikuvlarda qo‘llanmoqda. Endi ushbu olinma o‘rniga ijodiy so‘zini qo‘ysak, ijodiy fikrlash, ijodiy yondashish tarzidagi mag‘zi to‘q birikma hosil bo‘ladi, chunki kreativning maqbul muqobili ijodiydir. Davlat tilini rivojlantirish departamenti huzurida atamalar komissiyasining tashkil etilishi ayni

ehtiyoj natijasi bo‘lib, terminologiyani o‘zbek tilining ichki imkoniyatlaridan foydalanib milliyashtirish, tartibga solish uning asosiy vazifalaridandir.

Sobiq ittifoq hayotining hamma davrlarida chet tillarga (masalan, nemis, ingliz tillariga) munosabat bugungidek bo‘lmagan, davlat o‘z fuqarolarining chet tillarni lozim darajada egallashini xohlamagan. Bunday til siyosatidan ko‘zlangan maqsad esa dunyoga “yopilish”, tashqi dunyoga qo‘shiluvni cheklash, chegaralash bo‘lgan. O‘tgan asrning birinchi yarmi sobiq ittifoq til siyosati haqida tilshunos A.Ogursov keltirgan fakt buni tasdiqlaydi: “Stalincha ong ...chet tillarni bilishga juda shubhali narsa sifatida qaragan. Masalan, Buxarinning sudlov jarayonida Vishinskiy ismli kishi uning to‘rtta xorijiy tilni bilishini “fosh” qilar ekan, bu ustunlik Buxaringa sovet hukumatini to‘rt tilda tuhmat qilish imkonini berishini aytadi”. Chet tillarni davlatga, mafkuraga xavf sifatida tushunilgan bunday munosabat sho‘ro tuzumining keyingi davrlarida yumshagan bo‘lsada, amalda chet tillarni o‘rganishga keng yo‘l ochilmadi, maktablarda cheklangan dars soatlari ajratildi.

Sobiq ittifoq inqirozga uchragach, mustaqil respublikalarda chet tillarni o‘rganishga keng yo‘l ochildi, til siyosati mo‘tadillashdi, chunki milliy respublikalarning o‘zi dunyoga ochilishni, qo‘shilishni istardi. O‘zbekistonda ham chet tillarni, ayniqsa, jahon tillarini o‘qitishga katta e‘tibor qaratildi. 1992-yilda sobiq Rus tili va adabiyoti instituti va Toshkent chet tillari pedagogika institutlarining O‘zbekiston davlat jahon tillari universitetiga aylantirilishi zarur

amaliy ishlardan biri bo‘ldi. Shundan keyin chet tillarni o‘qitish samaradorligini oshirishga qaratilgan davlat darajasidagi hujjatlar qabul qilindi. Endi chet tillarni bilish zararli emas, foydali odat deb qaraladigan bo‘ldi.

Foydalanilgan fdabiyotlar:

- 1.Nurmonov A., O‘zbek tilshunosligi tarixi, T., 2002.
- 2.Obsheye yazikoznaniye. Forma sushestvovaniya, funk sii, istoriya yazika, M., 1970;
- 3.Obsheye yazikoznaniye. Vnutrennyaya struktura yazika, M., 1972;

4. Obsheye yazikoznaniye. Metodi lingvisticheskix issledovaniy, M., 1973;
5. Berezin F. M ., Istoriya lingvisticheskix ucheniy, 2izd., M., 1984;
- 6.Reformatsk. A., vedeniye v yazikovedeniye, M., 1998;

ЎЗБЕК ТИЛИДА ШАХС ОЛМОШЛАРИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ибрагимова Мухаррам Исақовна,
АндМИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти
muxarramibragimova@gmail.com
Солиев Бобур Абдирайим ўғли,
Хизматлар соҳаси йўналиши 3-курс талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада шахсга ишора қилувчи олмошларнинг анъанавий нутқ услубларида ўзига хос жиҳатларини ақс этиши мисоллар асосида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: олмошлар, сўзлашув услуб, бадиий услуб, публицистик услуб, илмий услуб, расмий услуб

Дунё тилларида олмошлар грамматиканинг таркибида кенг ўрганилувчи и сўз туркумларидан саналади. Лекин ҳар бир тилда уларнинг маъно турлари турлича ақс этади. Ўзбек тилида олмошлар бошқа қардош тиллардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Олмошлар тулари ичида кишилик олмошилари барча тилларга хос, аммо ўзбек тилидаги мен, сен, биз, сиз, у, улар кишилик олмошлари стилистик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Сўзлашув услубида кишилик олмошлари кўпроқ сўзловчи ва тингловч ини ифодаловчи мен ва сен шакллари қўлланилади. Бу, албатта, нутқ жараёнидаги диологларда ақс этади. Бу олмошларнинг сўзлашув услубида

ги хусусиятлари шеваларда турлича ифодаланишидир. Бунда уларни қўл
лашда фонетик жиҳатдан фарқлар кузатилади. Мен олмоши шевада ман,
сен олмоши сан шакллари учрайди. Лекин уларни ёзувда қўллашда адаб
ий тил нормалари асосида ишлатиш талаб қилинади. Сен олмошининг
кўпликда сиз ўрнида сенлар шакли услубий номутаносибликни ҳосил
қилади. Сен олмоши катта ёшлиларга нисбатан қўлланилганда ҳурматсиз
лик маъносини билдиради: Сенларнинг шовқин-
суронингга кўзим учиб турибдими! Пулинг кўп-
да сенларни! Миллионерлар! (Ў.Умарбеков. Тушда кечган умрлар, 22 бет)

Шунингдек, сен олмоши матнда ғазабланиш, менсимаслик, камситиш
маъноларида ҳам шаклланади: Ойим:

«Нима қилай бўлмаса, сенларга ўхшаб тўрт шиша арақ билан ўғил
уйлантирайми? Мен бу нарсаларни йиллаб тўплаганман», десалар,
масхара қилиб кулади. (Ў.Умарбеков. Тушда кечган умрлар, 95 бет) каби.

Сиз кичик ёшдагиларга, баъзан катталарга нисбатан ҳам қўлланганда
кесатиқ, киноя маъносини билдиради. Бадий услуб бошқа услублардан кенг қамровли эканлиги билан фарқлан
ади. Айрим адабиётларда бу услуб аралаш услуб деб ҳам юритилади. К
ишилиқ олмошлари бу услубда синонимик жиҳатдан турлича қўлланили
ши ўзига хослик касб этиб келган. Масалан, камина, фақир, банда, бена
во, мазлум, нотавон, телба, шикаста, кул каби бирликлар қадимдан мен
олмошининг синонимлари бўлиб келган. Ҳозирги замон
ўзбек тилида улар учрамайди.

Бадий услубда эса шахсга ишора қилувчи бу сўзлар қўлланилиб келади:
— Жанг қилганмиш! Эътиборингиз учун, ўртоқ терговчи, горисполкомн
инг уй тақсимоти комиссиясида камина ҳам борлар! (Ў.
Умарбеков. Тушда кечган умрлар, 38 бет) Мисоллардаги олмошга синон
им бўлувчи от сўз туркуми бирликлари мен олмоши билан алмаштирилг
анда, образлиқ нуқтаи назаридан кутилган натижаларни олиб бўлмайд

и. Бундан ташқари бадиий матнларда мен ўрнида биз қўлланганда қуйи дагича маънолар ҳосил қилиши кузатилади:

- а) мақтаниш,
- б) манманлик,
- в) ғурурланиш,
- г) ғўдайиш,

Публицистик услубда кўпроқ биз кишилик олмоши қўлланилиши кузатилади. Илмий услубда кишилик олмошларидан мен ва биз олмоши қўлланиши бадиий услубнинг акси бўлиб мен ўрнида биз қўлланиши камтарлик маъносини билдиради: Биз ушбу тадқиқотимизда олмошларнинг стилистик имкониятлари хусусида фикр юритамиз каби. Расмий услуб аниқлик талаб қилади. Шунинг учун бу услубда ҳар бир олмош ўз ўрнида аниқ қўлланилади. Бу услуб иш қоғозлари учун фойдаланишда қўллангани боис кўпроқ мен олмоши шахсга ишора қилиш жиҳатдан кўп қўлланилади.

Шахсга ишора қилишда ўзбек тилида олмошлардан ўзлик олмоши ҳам мавжуд бўлиб, бунда, масалан, ўз олмоши нутқда яққалик, танҳолик оттенкаларини ифодалаганда мен билан синоним бўлади: Негадир ёмғир ёғаётган эмиш. Қарасам, ёнимда ҳеч ким йўқмиш. Бир ўзим қолибман. Ёлғиз ўзим. (Ў.Умарбеков. Тушда кечган умрлар, 48 бет) Шунингдек, ўзсиз синонимияси сўзлашув ва бадиий услубларда ҳурмат маъносида: Нонни ўзлари ёпмасалар, кўнгиллари жойига тушмайди. (Ў.Умарбеков. Тушда кечган умрлар, 48 бет). Баъзида матнларда пичинг

оттенкаларини беради. Бу нозикликлар бошқа услубларга хос эмас.

Хулоса қилсак, олмошларнинг матнларда фаол қўлланиши уларнинг стилистик маъно кўламининг кенгайишини таъминлайди. Олмошлар ва олмошларнинг бошқа сўз туркумлари билан содир бўладиган синонимияси нутқ жараёнида жуда катта қулайликлар яратади. Бу жараёнда такрордан қочиш, фикрни ранг-

баранг тарзда ифода этиш ва бу муносабатлар ўзаро алмашилишлар ту файли турли-туман стилистик маъноларнинг ифода этилишини кузатшимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупова О. Ўзбек тилида олмошларнинг функционал стилистик хусусиятлари. Филол. фан. ном. дис. автореф. - Тошкент, 2020
2. Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси – Самарқанд, 2016. – Б. 160.
3. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. Тошкент, 2010. -288б.
4. Расулов Р. Ўзбек тили назарий грамматикаси муаммолари. Тшкент, 2019. -187 б.
5. Умарбеков Ў. Тушда кечган умрлар. Тошкент, 2020. -142 б.

**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ИМЛОВИЙ НОРМАСИ НИСБАТ
ШАКЛЛАРИ МИСОЛИДА**

*Матқобулова Мухайё Тўраевна,
АДУ, ФЧТ Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси ассистенти,
muhayyomatqobulova@gmail.com*

Аннотация: Қадимдан маълумки, тил энг муҳим алоқа-аралашув, фикр алмашув қуролидир. Бу қурол қатор бошқа вазифаларни ҳам бажаради: у ёки бу халқ тарихи ёки умуман воқелик ҳақида хабар беради, уларни авлоддан - авлодга етказади, кишиларонгига таъсир этади, эстетик завқ бағишлайди

Калит сўзлар: Ўзбек тили, фонетик, лексик, грамматик, орфоэпик, орфографик, имловий норма, нутқ маданияти, ўзбек тилининг синонимлари, фразердогизм, парафраза, улус, киром, кишвар, кушод, кулба, кутвол, мавлоно, мажнунвор, мағфират, маҳваш

Ҳозирги замон ўзбек тилининг фонетик, лексик,грамматик, орфоэпикҳамда орфографик, имловийнормаларининг нисбатан мукамалшаклланганлиги ўзбектили маданиятининг улкан ютуғидир.Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек тили энг бой, энгтараққий этган тиллардан бири бўлиб, ўз шаклланиш,ривожланиш тарихига эга.

Ўзбек адабий тили олимлар, зиёлилар, адибларнинг,оғзаки ва ёзма адабиётнинг асосий иждокорлари бўлганхалқимизнинг асрлар ўша машаққатли меҳнати, тилга сайқалбериши, уни чуқур ўрганиши борасидаги хизматлари эвазигатуркий тиллар оиласида ўзига хос мавқега эга бўлди. Бу тилдажуда кўп ўлмас бадий асарлар, илмий тадқиқотлар яратилди.Бу ҳам ўзбек тилининг маданий тиллар қаторидан ўринолишини таъминлади.

Қадимдан маълумки, тил энг муҳим алоқа-аралашув, фикралмашув қуролидир. Бу қурол қатор бошқа вазифаларни ҳамбажаради: у ёки бу халқ тарихи ёки умуман воқелик ҳақидахабар беради, уларни авлоддан - авлодга етказди, кишиларонгига таъсир этади, эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек,

у билим бериш ёки билим олиш қуроли ҳамдир. Ана шундай қатор вазифаларни бажарувчи ҳамдафункционал имконияти янада ортиб бораётган бу қуролнинг - ўзбек адабий тилининг ишлатилиши, унинг қайд даражадасайқал топганлиги, ўткирлиги, муайян вазифани бажаришгахосланганлиги, тузилиши, моҳияти билан шаклинингмутаносиблиги, гўзал ва ихчамлилиги кабилар унингқудратли маданий қурол эканлигини кўрсагади. Қуролнияттиш ва унга сайқал бериш эса шу тилга мансуб бўлганхалқ вакилларининг, зиёлилар, адиблар, шу қуролнишлатишга эҳтиёжи бор бўлган барча кишилар ва, ниҳоят, шуиш билан махсус шуғулланувчи мутахассисларнинг ишидир.

Навоий айтганидек: «Тил шунча шарафлайлан нутқнингқуролидир...». Дарҳақиқат, нутқ - бу тил деб аталмиш ноёб фойдаланиш жараёни. Демак нутқий жараён – тилнингвазифасини бажариш жараёни. Бу жараён яхши ёки

ёмонкечиши мумкин. Нотиқ эса маълум маънода бу жараённи амалга оширувчидир.

«Қобуснома»да Кайковус ҳамма хунарлар ичида сўзхунари - нотиқликни аъло деб билган: «Билгилким, ҳамма хунардан сўз хунари яхши»

Нутқ хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, гўзал ёки қуруқ – қўпол бўлиши мумкин.

Ўткир тешани қўлига олган уста у билан ажойиб бир қутича ясаши мумкин. Шу тешани қўлга олган чала бир ҳаваскор уста бир зумда қўлини чопиши ёки яхши нарсани ишдан чиқариши мумкин.

Адабиётшунос олим Иззат Султон «Адабий асарнинг мазмуни, ундаги ғоянинг олийжаноблиги, тасвир қилинган одамлар ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги–ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир», — деган у энг аввало, тил қуролидан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритган.

Демак, ҳамма учун баравар хизмат қиладиган тил - алоқа –аралашув қуроли воситасида гўзал, яхши, намунали нутқ тузиш ҳам, қўпол, ёқимсиз, ножўя, тутуруқсиз, қуруқ нутқ тузиш ҳам мумкин. Буларнинг биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий, «хунук» нутқдир.

Тилшунос С.И.Ожегов яхши нутқ ҳақида гапирар экан, «Юқори даражадаги нутқ, юқори нутқ маданияти – бу ўз фикрини тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалай билиш қобилиятидир», - дейди.

Бундай қобилиятга ўз она тилини чуқур севиш ва ҳурмат қилиш, уни мукамал билиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчаликтарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади, нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотиқдангина эмас, балки ҳар бир жамият аъзосидан талаб қилинади.

Тилда сўз миқдори қанча кўп бўлса, ўша тилни бой тил деб талқин қилиш кенг тарқалган. Бу фикр маълум маънодагина тўғридир. Чунки тилдаги сўз

миқдори тилбойлигини таъминловчи асосий омиллардан бири булса ҳам, тил бойлиги шу билангина чекланмайди.

Бу ўринда, албатта, ўзбек тилининг синонимларга, фразердогизмларга, парафразаларга ниҳоятда бой эканлиги, улар маъноларининг, шунингдек, умуман ўзбек тилидаги сўзларнинг кўпмаънолилиги ниҳоятда юқори даражада эканлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбек тили ана шундай имкониятларга ниҳоятда бойдир. Ўзбек тилида такрорнинг икки тури мавжуд:

а) грамматик такрор;

б) бадий такрор.

Такрорнинг биринчи тури грамматик такрорда маъно-одатда кўплик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: машина-машина қовун туширдик; коп-қоп ун ёпишади; гапириб-гапириб ухлаб қолди; югуриб-югуриб чарчади; яхши-яхши гапиринг каби.

Такрорнинг иккинчиси турли хил маъноларни ифода қилади: Тонг яқин, оппоқ тонг яқин. Гапиринг, гапиринг, деяпман, гапирсангизчи! Ўзбек тилида сўзлар таркибида турли хил товуш ўзгаришлари, масалан: қора-қаро, ора-аро, кунгил-кангул...; ошино-ошно, ошиён-ошён, сен билан - сен ила -сенла, устига- устина, боғин - боғини, куксин - кўксиникабилар ҳам ўзига хос воситалардир.

Ўзбек тилида ҳозирги кун нуқтаи назаридан эскирган-тарихий деб баҳоланаётган сўзлар ва турли хил грамматик кўрсаткичлар ҳам борки, улар ҳам тасвирий восита вазифасини ўтайди. Масалан: улус, киром, кишвар, кушод, кулба, кутвол, мавлоно, мажнунвор, мағфират, маҳваш каби сўзлар ва -ур (-ар), -мак (-моқ), -дин (-дан), -кай (-а-ди) каби воситалар.

Кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги ҳар бир тил бирлиги, жумладан, товушлар, қўшимчалар, сўзлар ва иборалар, гаплар кўринишлари кабиларнинг ички имкониятлари ранг -барангдир. Тил бирликларидаги ана шу имкониятларнинг кўплиги ва ранг – баранглиги ифода воситаларининг турли-

туманлиги тилнинг бойлигини белгилайди. Ўзбек тили ана шундай имкониятларга бой тилдир. Тил бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда, ундан нутқ жараёнида моҳирлик билан фойдаланиш ҳам керак. Шундагина тил бойликлари, тилнинг барча имкониятлари нутқда ўз ифодасини топади, ўзи имкониятларини намойиш этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Тошкент 1992 йил.
2. А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев, “Ватантуйғуси”, Тошкент 1996 йил.
3. Н. М. Маллаев, “Ўзбек адабиёти тарихи”, Тошкент 1976 йил.
4. И. Р. Қунгуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев, “Нутқ маданияти ва услубияти асослари” Тошкент, 1992 йил.
5. Ўқув қўлланма “Нутқ маданияти”, Тошкент 2004 йил.

**OZBEK VA INGLIZ TILLARIDA EGALIK MA’NOSINING
IFODALANISHI**

*Ochilova Nasiba Sotqinovna, Qo’chqarova Ozoda Abaqulovna,
ADU Fakultetlararo chetillar (ijtimoiyya gumanitarfanlar)
kafedrasio’qituvchilari o.kuchkarova@mail.ru*

Annotasiya: Ushbu maqolada turli tizimdagi tillarda egalik qo’shimchalarning lisoniy tabiyati va ularning ifodalanishi misollar yordamida yoritilgan.

Kalit so’zlar: Grammatik vositalar, tegishlilik ma’nosi, Grammatik ma’no, egalik olmoshi, egalik qo’shimchasi

Tilshunoslikda so’zlarni bir-biriga bog’lash uchun turli vositalardan foydalaniladi. Bunday vositalar Grammatik vositalar sanalib ular turli tillarda o’ziga xos ifodaga ega. O’zbek tili tabiyati va imkoniyatlari boshqa tillardan farqli tomonlari

juda ko'pdir. Chet tillarni o'rganish uchun o'z ona tilini bilish chuqur ahamiyatga ega. Til o'rganishda kishilik olmoshlari, yordamchi fe'llar bilan bir qatorda egalik qo'shimchalar idastlabki bosqichlarida yoritiladi. Egalik qo'shimchalari asosan turkey tillarga xos bo'lib, ular tegishlilik ma'nosining Grammatik vositalaridir. Hind-evropa tillarida esa tegishlilik ma'nosi grammatik vositalar bilan emas, balki leksik vositalar bilan ifodalanadi. Xususan, ingliz tilida olmoshlar bilan qo'llaniladi. Egalik kategoriyasini ifodalinishi quyidagicha:

	Leksikusulda	Leksik-grammatik usulda	Grammatik usulda
Evropatillarida	+		
O'zbektilida		+	+

Masalan: *my book, moya kniga, kitobim* berilgan misollarda har bir tilning milliy hususiatlari ham namoyon bo'lib, bunda rus tili rod mavjudligi bilan farqlansa, o'zbek tilida olmosh elipssisga uchrashi ma'noga ta'sir qilmasligi bilan farqlanadi.

Egalik shakllari va ularni ifodalovchi qaratqich shakllari tilimizning o'ziga xos qurilishni belgilaydigan muhim vositalardandir. Egalik qo'shimchalari quyidagi xususiyatlar ega:

- 1) Qarashlilik:- *0 'z buvimning chorvog'ida ishladimmi? Topib bergin edi, qiladigan yumushimni!* (O'.Hoshimov. Ikki eshik orasi. 9-bet)
- 2) III shaxsda joy nomlari bilan kelganda umumdan ajratilganlik ma'nosini anglatishi:*Navoiyi bog'i ko'plar sevib dam oladigan maskan edi.*
- 3) Kamtarlik:*Ishimiz sizga manzur bo'lsa biz xursandmiz.*
- 4) Xurmat:*Akamlar Toshkentda o'qiydi.*
- 5) Kesatiq:*Janoblari nimani xohlaydilar.*
- 6) Tasdiq: *0 'zim beton quyib, yamab tashlardim..* (O'.Hoshimov. Ikki eshik orasi. 213-bet)

Tilimizda qaratqichli birikma mavjud bo'lib ularda egalik qo'shimchalar belgili va belgisiz qo'llanilishi ma'noviy o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Masalan, egalik qoshimchalrning tushib qolishi natijasida qoshma so'zlar hosil bo'ladi. *Yeryong'oq, belbog', suvo't* kabilar egalik qo'shimchalari tushub qolib hosil bo'lgan qoshma so'zlarga misoldir.

O'zbek tilida egalik qo'shimchalarining yana bir sintaktik vazifasi ko'chirma gaplarni o'zlashtirma gaplarga aylantirishda asosiy grammatik vosita o'rnida qo'llanilishidir.

Hind-evropa tillarida esa, egalik qoshimchalari mavjud bo'lmay ularning ma'nosi egalik olmoshlar bilan ifodalanadi. Ularning vazifasi faqat tegishlilikni ifodalab keladi. Yuqorida aytilganday ingliz tilida egalik olmoshlari o'zbek tilida egalik qo'shimchalarga mos kelib, farqli tomoni ingliz tilida uchinchi shaxsni ifodalashda jins kategoriyasining mavjudligidir. III shaxsning ikki hil jinsda ifodalanishi egalik olmoshlarini ham o'zgartiradi: *his, her* kabi. Lekin uchinchi saxs ko'plik bundan mustasno.

Ingliz tilida egalikni bildiruvchi vositalarga egalik olmoshining mustaqil shakli ham mansub bo'lib, bu o'zbek tilida kishilik olmoshlariga -niki qo'shimchasini qo'shib orqali ifodalanadi. Masalan: *mine-meniki, his-uniki, hers-uniki...* kabi. Egalik olmoshi tarixan egalik shakli bilan bir xil bo'lsa-da, keyinchalik tuzilishi va qo'llanilishi jihatdan undan ajralib chiqqan. Egalik olmoshining mustaqil shakli egalik olmoshlariga –s ko'plik qo'shimchasini qo'shish orqali yasaladi. Masalan: *our+s, your+s, their+s* kabi.

Yuqoridagi qiyoslanishlarga ko'ra o'zbek tilida egalik qo'shimchalarning xususiyatlari ingliz tiliga nisbatan kengligi bilan farqlanadi va ularning sintaktik vazifalari maxsus o'rganishni talab qiladi. Har ikki tilda egalik ma'nosini qiyoslab o'rganish tilni mohiyatini chuqur anglashda, qardosh bo'lmagan tillarning lisoniy tabiatini ochib berishda ahamiyatlidir. Ularning amaliy ahamiyati tegishlilik ma'nosini chuqur o'rganish uchun mashqlar bajarish, qoshimchalarni mukammal o'zlashtirish malaka va ko'nikmalarning takomillashtirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Беляева М.А.- Грамматика английского языка - М.: Высшая школа,1985.
– 350 с.
- 2.Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Тошкент,
1973. – 278 б.

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК ҲИНД ТИЛШУНОСЛИГИ МИСОЛИДА

*Омонуллаева Сурайёхон Исроиловна,
АДУ ФЧТ Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси ассистенти
somonullayeva@gmail.com*

Аннотация:Тилшунослик фанининг қадимги энг муҳим манбалари, таълимотлари, оқимлари, илк бор, қадимги Хиндистон, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим мамлакатларида майдонга келди. Ўрта ва янги асрларда эса тил ҳақидаги фан Оврўпада, Арабистон ва Ўрта Осиёда тараққий қилди.

Калит сўзлари:Тилшунослик, таълимот, тилшунослик шакллари, Ведалартили, пракрит, ёзма нутқ, жонли нутқ, артикуляцион хусусият, физиологик хусусият, грамматика – морфология, Гуру морфологияси.

Тилшунослик алоҳида, мустақил фан сифатида XIX асрнинг биринчи чорагида 1816 йилда; фанлар оламига кириб келди. Шак-шубҳасиз, тилшунослик ҳам бошқа қатор фанлар каби тадқиқотлар, тажрибалар, изланишлар, ғоялар, кузатишлар натижаси, «махсули» сифатида ўзининг алоҳида ўрганиш объектига ва текшириш методига эга бўлди. Қатъий айтиш мумкинки, жаҳон тилшунослиги фани ҳам шу кунги тараққиёт босқичига етиб келгунчаузоқ тарихий тараққиёт даврини, «ўсиш» даврини босиб ўтди. У турли мактаблар, оқимлар, таълимотлар таъсирида бўлди, олимлар томонидан

лисоний ходисалар ҳақида айтилган фикрлар қарама-қаршилигига, тил ходисалари ҳақида яратилган жуда кўплаб манбаларга «гувоҳбўлди», шаклланди. Тилшунослик фани ҳам жаҳон фанлари системасида ўзига хос ва ўзига мосдоимий мустахкам ўрин эгаллади.

Тилшунослик фанининг қадимги энг муҳим манбалари, таълимотлари, оқимлари, илк бор, қадимги Хиндистон, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим мамлакатларида майдонга келди. Ўрта ва янги асрларда эса тил ҳақидаги фан Оврўпада, Арабистон ва Ўрта Осиёда тараққий қилди.

Қадимги Хиндистон жаҳон тилшунослиги тарихида тилшунослик фанининг бешиги, маркази сифатида тан олинади ва умум томонидан эътироф этилади. Бумутлақ ҳақиқат. Чунки тил масалаларига бўлган қизиқиш, тилга оид ходисалар билан жиддий ва пухта шуғулланиш илк бор Хиндистонда - хинд олимлари, филологлари томонидан бошлаб берилди. Айни жараённинг бошланиши даставвал соф амалий аҳамиятга эга бўлди. Аниқроғи, 15 аср илгари ёзилган қадимги хинд адабий тили ёзувида - санскритда яратилган қадимги хиндларнинг диний мадҳиялари — Ведалар тили даврлар ўтиши билан мамлакат аҳолисининг сўзлашув тилидан (пракритдан) фарқланиб қола бошлади. Бошқача айтганда, қадимги ёзма ёдгорликлар тили (ёзма нутқ) билан сўзлашув тили (жонли нутқ) орасида ажралиш, номослик, «зиддият» юзага келди. Ушбу зиддиятни, фарқланишни йўқотиш учун хинд олимлари қадимий ёзма ёдгорликлар тилини ўрганишга, тадқиқ қилишга, уларни оммавийлаштиришга жиддий киришдилар. Улар қадимги Хиндистонда алоҳида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлган Ведалардаги маъноси тушунарли бўлмаган сўзларни аниқлаб, уларнинг маъносини изохладилар, шархладилар. Ведалар тилига оид махсус изохли луғатлар туздилар, матнни фонетик ва грамматик жиҳатдан таҳдид қилдилар. Хуллас, Ведалар тилидаги сўз ва жумлалар маъносини, уларнинг аниқ талаффузини, шаклини сақлаб қолишга бўлган қатъий интилиш қадимги

Ҳиндистондатишшуносликнинг юзага келишига асосий сабаб бўлди. Ҳиндлар қадимий даврда энг буюк фонетикачи ва грамматикачи сифатида танилганлар.

Қадимги ҳиндлар сўзларнинг фақат маъно томонидагина эмас, балки товуш томонида ҳам ўзгаришлар бўлишини билганлар. Шунга кўра улар сўзларнинг товуш жиҳатига алоҳида эътибор берганлар. Товуш ҳақида, товушларнинг ўзгариши ҳақида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунингдек, қадимги ҳиндлар товушларнинг физиологик – артикуляцион хусусиятлари, бошқа товушлар билан алмашиниши, бир товушнинг бошқа

товуш таъсири билан ўзгариши (комбинатор ўзгариш) каби ҳодисаларни аниқлашга ҳам эътибор берганлар. Улар товушларнинг артикуляцион — физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилганлар. Шу асосда, юқорида айтилганидек, товушларни унли ва ундошларга ажратганлар, нутқ, аъзоларининг яқинлашувидан унлилар, бир-бирларига таъсирдан, яъни тегишидан ундошлар ҳосил бўлишини қайд этганлар.

Қадимги ҳинд тилшунослари грамматика – морфология соҳасида ҳам анча ишларни амалга оширдилар. Улар бу йўналишда ҳам грек тилшуносларидан анча ўтиб кетдилар. Аниқроғи, ҳинд тилшуноси Гуру морфологиянинг уч бўлимдан ташкил топишини аниқ кўрсатиб беради ва унга қуйидагиларни киритади:

1. Сўзлар таснифи (сўз туркумлари).
2. Сўз ясалиши.
3. Сўз ўзгариши.

Ҳиндлар тўртта сўз туркумини фарқлаганлар: от, феъл, олд кўмакчи ва юклама. Ҳиндларда от предмет ифодаловчи, феъл эса ҳаракат, ҳолат ифодаловчи сўз сифатида берилади. Олдкўмакчилар эса оғларнинг, асосан, феълларнинг маъносини белгилайди. Юкламалар эса маъноларига кўра

- 1) бомовчи ва 2) киёсловчи кабитурларга ажратилади.

Олмош ва равишлар эса от ва феъл туркумларига қўшиб юборилган, алоҳида ажратилмаган. Юнонлардан фарқуш ҳолда ҳиндлар сўз туркумларни гап бўлақларидан фарқлаганлар, яъни улар билан қориштирмаганлар, адаштирмаганлар. Шунга кўра хиндлар, юқорида айтилганидек, отларни предмет, феълларни ҳаракат ифодаловчи сўз сифатида «баҳолаганлар».

Қадимги хиндлар сўзларни таҳлил қилиш, таркибини ўрганиш жараёнида уларни қуйидаги бўлақларга ажратганлар:

- 1) ўзак,
- 2) суффикс,
- 3) қўшимча (турловчи қўшимча).

Шунингдек, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи морфемалар фарқланган.

Оврўпо олимлари хинд тилшуносларининг ишлари билан яқиндан танишиб, сўзлардан ўзак, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи морфемаларни ажратишга «киришганлар».

Хинд тилшунослари фикр ифодалаш бирлиги бўлган гапнинг муҳимлигини инкор қилмаган бўлсаларда, синтаксис масалалари билан махсус шуғулланмаганлар. Улар синтаксисда сўзларнинг бирикиш тартиби, келишик, замон ва майл формаларининг бирикиши каби масалаларни ўрганиш билан чегараланганлар. Сўз фикри фодалаш имкониятига эга эмас, яъни сўз гапдан ташқари мавжуд эмас деб, гапни тилнинг асосий бирлиги ҳисоблаганлар. Хуллас, қадимги хиндлар фонетика ва морфологияга нисбатан синтаксис масалаларида анча бўш бўлганлар.

Фойдаланилган АДАБИЁТЛАР:

1. Р. Расулов, “Умумий тилшунослик”, “Фан технологияси”, Тошкент 2007 йил.
2. Фердинант Соссюр, “Умумий тилшунослик курси”, Тошкент 2016 йил.
3. С. Усмонов, “Умумий тилшунослик”, Тошкент 1972 йил.

4.Веб

сайт-

[https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/onatili_va_adabiyot/Umumi_y%20tilshunoslik%20\(Ravshanxo'ja%20Rasulov\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/onatili_va_adabiyot/Umumi_y%20tilshunoslik%20(Ravshanxo'ja%20Rasulov).pdf)

ТИББИЁТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

*Расулова Нилуфар Абдувоссиевна,
Фаргона Жамоат Саломатлиги Тиббиёт Институтини,
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси, инглиз тили ўқитувчиси,
E-mail:nilufar_rasulova@inbox.ru*

Аннотация. Терминларнинг юзага келиши маълум соҳа тушунчалари кўламнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, янги фанлар, ғоялар, кашфиётларни номлашга бўлган эҳтиёж орқали пайдо бўлади. Улар барча

лексик бирликлар қатори яратилаётган тил қонун-қоидалари замирида шакллантирилади, яъни тилнинг фонетик, морфологик, синтактик тузилишига мувофиқ равишда хослашади.

Калит сўзлар: компьютер томографияси, сонография, маммография, лапароскопия, эндоскопия, колоноскопия

Тил билан жамият ўртасидаги боғлиқлик шу даражада мукамалки, уларнинг бирини иккинчисидан ажралган ҳолда тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Дарвоқе, жамият юксалиши, миллий-маданий камолоти, фан-техника тараққиёти юқори бўлган ҳар қандай жамиятнинг тил хазинаси ҳам шунчалар мўл-кўл бўлиши айни ҳақиқатдир. Ушбу ўринда оламни идрок қилишдаги тилнинг ролини, аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Тилнинг вербал кўринишдаги хусусияти бошқа барча новербал мулоқот воситаларидан ажралиб туради. Луғат бойлигини кўпайтириб боришда фан-техника кашфиётлари, илм-фан намоёндалари, ҳунарманд, санъат ва маданият ходимлари, ижодкор, шоир, ёзувчилар, барча моддий ва маънавий озуқа

яратувчи ҳар бир халқ вакилининг ўзига хос ҳиссаси бор. Улар туфайли ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар бир соҳаси ўз лексик-семантик тизими доирасида ривожланиб бораверади.

Ана шундай илмий-амалий соҳалардан бири бўлган инсон саломатлиги билан қаадимдан шуғулланиб келувчи шифокорлик- тиббиётни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу соҳа ўзининг тарихийлиги, инсоният учун ўта аҳамиятлилиги ҳамда бошқа лексик тизимлардан ажралиб турувчи ўз тиббий терминлар мажмуасига эга эканлиги билан диққатга сазовордир. Жаҳон тиббиёт фанининг ҳозирги кундаги ривож тиббиётт ерминларини ҳам сон жихатидан, ҳам сифат жихатидан шу даражага кўтардики, уларни ҳар қандай замонавий луғат ҳам ўз вақтида кодификация қилиш имкониятига эга бўлмай қолди. XX асрнинг иккинчи ярми, XXI асрнинг дастлабки йилларида жаҳон фан ва техника соҳаларининг шиддатли ривож дунё тиббиёт соҳасининг ўзгаришига, унинг турли янги тармоқлари шаклланишига олиб келди.

Айниқса, касаллик турларини аниқлаш – диагностика соҳаси бўйича компьютер томографияси, сонография, маммография, лакраскопия, эндоскопия, колоноскопия каби бир қатор янги воситалар, методлар вужудга келди ҳамда ишлаб чиқилди. Сўнгги пайтларда спид, парранда гриппи, чўчка гриппи, эбола гриппи, Covid – 19 каби турли касаллик турлари аниқланди. Ушбу касалликларни номлаш билан бир қаторда улар билан боғлиқ бўлган янги атамалар юзага келди. Бундан ташқари тиббиёт фанининг биология, химия, физика, микробиология, радиология, генетика, антропология, психология, кибернетика ва бошқа фанлар билан туташ ҳолда янги йўналишларнинг шаклланиши кўшилган соҳа терминларини ҳам ўзлаштиришга олиб келмоқда. Бу ҳолат тиббиёт терминларининг ранг-баранглигини келтириб чиқармоқда.

Герман тиллари бўйича тилшунос олим М.Э.Умархўжаевнинг маълумоти бўйича ҳозирги кунда немис тилида аниқланган касалликларнинг номлари –

терминларнинг сони 30000 дан ортиқ экан. Фармацевтика бўйича дори-дармонларнинг номиёса 60000 дан ортиб кетган.[1, 50]

Эътибор берсак, тиббиётнинг биргина йўналиши бўйича бу даражада кўп терминлар мавжуд бўлса, бошқа йўналишларда қанча бўлиши мумкин?! Демак, тиллардаги терминларнинг тизим хусусиятларини, динамикасини тадқиқ қилиш, ўрганиш, замонавий луғатларга тартиб бериш масалалари терминшунослар олдида турган кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тиббий терминлар таҳлиliga киришишдан аввал терминшуносликнинг бир қатор умумий назарий масалаларини муҳокама қилишмақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу ўринда қуйидаги бир қатор саволларга тўхталиб ўтишимиз талаб этилади:

Биринчидан, термин-сўзларнинг лексик birlik сифатидаги мақоми қандай?

Иккинчидан, терминларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Учинчидан, термин – сўзларни бошқа лексик birlikлардан фарқловчи дифференциация белгилари мавжудми?

Тўртинчидан, ҳар бир фан соҳаси ўз терминологик макро-, микро тизимга эга бўлган ҳолда фаннинг бошқа соҳалари терминологик тизимлари билан муносабати қай тарзда?

Бешинчидан, миллий терминлар мажмуаси ривожда чет тиллардан ўзлаштирилаётган терминларнинг сон ва сифат кўрсаткичи қандай?

«Чет тили терминларининг узуаллик ҳолати ва кириб келган тилларда унификация қилиниш даражаси қай ҳолатда?» деган назарий саволларга жавоб олиш талаб этилади.

Дарвоқе, илм-фан терминлари масаласи жаҳон тилшунослигида бир неча асрлардан бери турли фан соҳалари вакиллари томонидан атрофлича ўрганиб келинмоқда.[2, 122] Бу албатта бежиз эмас. Немис олими Марханд Ханснинг эътироф этишича, **умумхалқ кодлашган тил** билан **илм тили** ўртасидаги

боғлиқлик жуда ҳам зич, терминлар аста-секинлик билан умумхалқ тилининг бир қисмига айланмоқда. Илм тили барча ёзма материалларнинг тўртдан уч қисмини ташкил қилар экан. [3, 135]

Юқорида берилган биринчи саволга эътибор қаратсак, терминлар мақоми уларнинг бошқа тил бирликлари қаторида номинатив функция бажариши билан белгиланади. Улардаги денотат билан десигнат боғлиқлик жараёни оддий лексик бирликларда қандай шаклланса, терминларда ҳам шундай ҳолат кўзга ташланади.

Биринчидан, терминлар бошқа лексик бирликлардан фарқлиқларок, аксарият ҳолатларда фақат маълумилм-фантехника соҳасининг махсус тушунчасини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир.

Иккинчидан, терминларнинг юзага келиши маълум соҳа тушунчалари кўламнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, янги фанлар, ғоялар, кашфиётларни номлашга бўлган эҳтиёж орқали пайдо бўлади. Улар барча лексик бирликлар қатори яратилаётган тил қонун-қоидалари замирида шакллантирилади, яъни тилнинг фонетик, морфологик, синтактик тузилишига мувофиқ равишда хослашади.

Учинчидан, терминологик лексика, бошқа лексик бирликлардан бир қатор дифференциал белгилари орқали фарқланади. Даставвал, юқорида таъкидлангандай, улар маълум соҳанинг махсус тушунчаларини ифодалайдилар. Аксарият идеал терминларнинг хусусиятларидан бири уларнинг бир маънолилиги, яъни улар моносем бирликлардир. [4, 258]

Баъзи терминларнинг турли фан соҳаларида турлича маънода ишлатиб келинишини ҳисобга олиб уларни полисемантик терминлар сифатида эътироф этиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Умуман олганда, терминларнинг полисемантик хусусиятлари ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан кўллаб қувватланмайди.

Чунки бундай ҳолат турли тушунмовчиликларга олиб келиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатни синонимик терминларда кузатишимиз мумкин. (қўпмаъноли, синонимик, антонимик терминлар ҳақида кейинги ўринларда батафсил тўхталамиз). Терминларни бошқа тил бирликларидан фарқловчи яна бир хусусияти уларнинг қўлланиш, ишлатилиш кўламининг чегараланганлигидир, уларнинг бошқа лексик бирликлардан фарқловчи хусусиятлардан ҳисобланади.

Европа тиллари доирасида аксарият терминлар қадимий грек-лотин тиллари манбалари асосида тузилганлиги ҳам уларнинг ўзига хослигидан далолат бериб турибди.

Бир қатор терминлар соҳа мутахассислари томонидан кашф этилган янгиликларни номлаш мақсадида ўша кашфиётчи номи билан аталиши ҳам уларнинг эпонимик терминлар деб номлашга асос бўлган. Бу ҳолат ҳам терминларнинг ўзига хослигидир.

Терминларнинг халқаро стандартларга мос тушиш даражаси ҳам уларнинг бошқа лексик бирликлардан фарқлаб турувчи белгисидир. Айниқса тиббиёттерминлари ушбу мақомга эга бўлиши талаб этилади.

Тўртинчидан, ҳар бир фан соҳасинининг ўз терминтизими, фақат бир соҳада қўлланадиган терминологик бирлиги бўлиши билан бирга, бир қатор терминлар мавжудки, улар бошқа соҳа терминлар тизими бирлиги сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолат турли янги фан йўналишлари ҳамда турли фан соҳаларининг ҳамкорлиги, қўшилиши асосида юзага келмоқда. Мисол тариқасида биомедицина, физиотерапия, психолингвистикаси ва бошқа бир қатор илмий-амалий йўналишларни таъкидлаш мумкин.

Янги шаклланаётган терминларни лексик-семантик, структур-функционал хусусиятларини таҳлил этиш терминология тизимининг энг мураккаб, шу билан бирга энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умархўжаев М.Э., Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон, 2010
2. Реформатский А.А., Что такое термин и терминология. М.: Наука, 1959.
3. Реформатский А.А. Мысли о терминологии. // Современные проблемы русской терминологии. М.: Наука, 1986.
4. Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. М.: Наука, 1971
5. Лотте Д.С., Основы построения научно-технической терминологии текста М.: ССР, 1961
6. Канделиаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. М.: Наука, 1977.
7. Гринев С.В. Введение в терминографию. Изв-я МПУ. М., 1995.
8. Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии. Л., 1968.
9. Гринев-Гриневиц С.В. Терминоведение. - М.: Академия, 2008.
10. Drame A. Terminography and Lexicography; What is difference? Refriered from? 2006.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Қосимова Яшнахон Баракахўжаевна,
Таджибаева Гулмирахон Ашуралиевна
АДУ Факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятлари грамматик тасниф асосида мисоллар билан ёритилади.

Калит сўзлар: фразеологик иборалар, от, сифат, равиш, феъл таркибли фразеологик бирликлар, сўз бирикмаси, гап.

Фразеологик ибораларга грамматик нуқтаи назардан қараганда, бундай ибораларнинг бир хили сўзга тенг келиб, бир хил маънони англатади. Бошқа

хиллари сўз бирикмасига тенг бўлади. Баъзилари гапга тенг келиб тугал фикрни билдиради. Мана шу хусусиятларига қараб, фразеологик ибораларни грамматик томондан дастлаб учга бўлиш мумкин.

- 1) Сўзга тенг келадиган фразеологик иборалар,
- 2) Сўз бирикмасига тенг келган иборалар,
- 3) Гапга тенг келган иборалар.

Сўзга тенг келган ибораларга морфологик жиҳатдан қараганда, ундай иборалардан келиб чиқадиган кўчма маъно феъл, сифат, от ва равиш сўз туркумларига тенг келиши мумкин. Шунга кўра, сўзга тенг фразеологик ибораларни морфологик томондан, асосан, тўртга бўлиш мумкин:

1) Феъл фразеологик birlikлар: ўзбек тилида, *кўзи етади - билади, тушунади, ичи куйди - қайғурди, кўнгил қўйди - севди, жуфтакни ростлади - қочди, боши осмонга етди - қувонди, хурсанд бўлди, юраги қинидан чиқиб кетди - қўрқди, дунёдан ўтди - ўлди, бўш келди- таслим бўлди* кабилар.

Француз тилида: *mettre la cle sous la porte- кўздан йўқолди, porte (ses) fruits- ўзини оқламоқ, fouler aux pieds graisser la patte à qn – пора бермоқ, couvrir les yeux tuer le temps-кўзи куймоқ, tomber dans les pommes-ҳушидан кетмоқ, vider son sac-сирни очмоқ, tourner la page-гапни бурмоқ, avaler la langue-тилини ютиб юборган* маъноларида бўлади.

2) Сифат фразеологик birlikлар: ўзбек тилида, *териси қалин - безам, оқ кўнгил - виждонли, дунёни сув босса тўпизига чиқмайди - беправо, безам, қўли қаттиқ - хассис, қаттиқ қўл - талабчан, кўнгли тўқ -хотиржам, катта гап - арзигулик, диққатга сазовар, катта оғиз - мақтанишни яхши кўрадиган, имтиёзли мавқега эга, арслон юрак - ботир, қўли очиқ - сахий* кабилар.

Француз тилида: *arme blanche-совуқ қурол, long d'une toise-бўйи узун, haute comme trois pommes-баланд, sec comme un cotret-озгин, gros comme un muid-семиз, à peindre-чиройли, laide comme le peche-ўта хунук, bête à pleure-аҳмоқ, malin comme une carpe-айёр, dur comme fer-темирдай қаттиқ, mou comme la cotone-пахтадай момиқ* маъноларида.

3) От фразеологик бирликлар: ўзбек тилида, *кўз қораси фарзанд, умр баҳори ёшлик, ақл чирोगи илм, кўзбўямачилик алдаш, зангори олтин газ, дала маликаси маккажўхори, юзига оёқ қўйиш хурматсизлик* маъносида келади.

Француз тилида: *boite caise à savon-эски машина, sac à puces-ум, maitre Alibarou-эшак, patte molle-бир ишни эплай олмайдиган киши, bonne foi-тўғри сўз, peur bleue-ўта қўрқинчли, guerre froide-совуқ уруш, mariage blanc-ноқонуний никоҳ, reve bleu-ҳаёлий орзулар* каби.

4) Равиш фразеологик иборалар: ўзбек тилида, *бир ёқадан бош чиқариб-дўстона, биргаликда, енг шимариб - астойдил, бош кўтармай - тинмай, кечани кеча кундузни кундуз демай- ҳамиша* кабилар.

Француз тилида: *en bloc-бирданига, entre chien et loup-намозиом вақти, à mourir-ўла ўлгунча, à cette heure-ҳозирги вақда, la main dans la main-қўлни қўлга бериб, tambour battant-жуда тез, peu ou prou-оз оздан, de temps à haute temps-баъзида* каби.

Казань тилшунослик мактаби вакиллари, қуйидагича фикр билдирганлар: тилни илмий ўрганиш, лингвистик абстракцияларни ўз ичига олади: улар тилшуносликнинг предметиدير. Бу мавҳумликлар нафақат муносабатлар тизими ва қаторлари, балки тил бирликларига ҳам тегишлидир. Тилшуносликда энг кичик бўлинмайдиган тил бирликларини - лингвистик атомлар деб номлашган. Улар 2 хил бўлади: фонема ва морфема. Улар бири бири билан ассоциатив ва боғланган бўлади. Уларнинг фарқи шундаки, фонемалар маъносиз. морфемалар эса минимал, бўлинмайдиган маънога эга. Тилнинг уни ҳайвон сигналларидан ажратиш турадиган шакли, Бадуеннинг фикрига кўра, морфологик артикуляцияда, гапларни сўзларга, сўзларни мазмунли қисмларга, морфемаларга ажратишда ифодаланади.

Соссюрнинг сўз ясалишига бевосита дахлдор бўлган қарашлари синтагма ва унинг аналогик табиатига доир мулоҳазалари мисолида кўзга ташланади. Америка дескрептив тилшунослиги вакили Л.Блумфилд томонидан олиб борилган изланишлар мисолида кузатиш мумкин. У сўз ясалишига олиб келувчи ҳодисаларга морфологик объект сифатида баҳо беради. У морфологик курилмалар таркибидаги бевосита иштирокчиларнинг икки турини, яъни эркин (ўзак) ва боғлиқ (қўшимчалар) формаларини фарқлаш асосида сўзларни бирламчи ва иккиламчи типларга ажратади.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги тарихида сўз ясалиши турли бўлимларга мансублиги ҳақидаги қарашларнинг мавжуд бўлганлигига қарамсдан, замонавий тилшуносликда сўз ясалиши алоҳида бўлимда ўрганилаётганлиги ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўли ривожланганлиги ва бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азим Хижиев. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. Т., Фан.-2010 й. 236

2. Блумфилд Л. Язык- М., 1968.-с 222.

3. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси -Т.,2007. 446
4. Кодухов В.И. Общее языкознание. Москва. Высшая школа. 1974 г. 30-31стр.
5. Маҳмуд Қошғарий Девону луғотит турк.-Т.,1960,50 бет
6. Мирзаев ва б. Ўзбек тили. - Тошкент, 1970, 90-бет.
6. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.-Т.,Ўзбекистон,2002, 46 бет
7. Улуғ Турсун. Ўзбекчада феълларнинг ясашиши. Т., Самарқанд.1930: Зокир Маруфов. Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар. Т.."ЎзФАН", 1941
8. Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент,1975,108-109-бет.
9. Гуломов А.Ғ. Айюб Гулом ва Ўзбек тилшунослиги.-Т.,2004,162бет

ЎХШАТИШЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

*Аҳмедова Анорхон Насивали қизи,
илмий изланувчи, Ўзбекистон давлат
Жаҳон тиллари университети,
anorxonimomalyeva@gmail.com*

Аннотация. Мазкур мақола ўхшатиш стилистик тропининг семантик жиҳатдан таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда ўхшатишнинг семантик турлари ёритиб берилган. Шунингдек мақолада компонент таҳлил методидан фойдаланган ҳолда изоҳ бериб ўтилган.

Калит сўзлар: ўхшатиш туралари, аналитик ва синтетик ўхшатишлар, оддий ва инверсив ўхшатишлар, очиқ ва яширин ўхшатишлар.

Ҳиссий адабий матнда ўхшатишнинг синтактик аспектиларини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдикки, ўхшатишлар матнда структура жиҳатидан турлича бўлади ва бу аксарият ҳолларда интерсубъективизм ва ўзаро

ҳаракатнинг прагматик факторлари тўплами билан боғлиқ бўлади. Ўхшатишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, улар муаллифнинг мулоқот мақсади субъектив модаллик ҳамда очиқлик ва ифодалилиқнинг адресатга йўналтирилган категориялари таъсирига кўра ўзгариши мумкин. Натижада, биз қуйида таҳлилни таклиф қиладиган ўхшатишнинг еттита структуравий турларини ажратиб олдик.

Аналитик ва синтетик ўхшатишлар

Аналитик ўхшатишлар уч компонентли структурада берилади, марказий компоненти Р компонент бўлиб, у орқали турли ҳилдаги объектлар концептуал моделга бирлаштирилади (1-2 мисолларга қаранг):

(1) мисол: His mouth was perfect like a Cupid's bow.

(2) мисол: The sun hid behind the great torn leaves of the plantain and then shot a gold ray like outstretched paw of a Persian cat.

Синтетик ўхшатишларда фақат иккита компонент бўлади, like ва look like тил белгилари РОни англатувчи сўз билан бирлашиб кетган исм. Бу уларнинг лингвистик статусини ўхшатишнинг уч компонентли структурасини атрибутив синтагмага тушурувчи функционал сўздан суффиксли морфемага айланишига сабаб бўлади. Қуйида синтетик сизмага мисоллар берилган (3-7 мисолларга қаранг):

(3) мисол: The raftlike tree-houses seemed to be floating over the vaporish waters.

(4) мисол: She saw a fresh flowerlike face.

(5) мисол: Rosemary put her arm round those thin, birdlike shoulders of the girl.

(6) мисол: Three little spiderlike steps were all Fenella saw.

(7) мисол: There were brown cliffs with deep green lakes in the hollows and flat blade-like trees that waved from root to top.

Биз бу мисолларнинг барчасини ўхшатишларнинг зарурият бўлганда аналитик шаклда қайта тузилиши мумкин бўлган синтетик структуравий турларини кўриб чиқдик. Масалан: “The tree-house seemed to be floating over the vaporish waters like a raft”(8), “She saw a fresh face that looked like a flower”(9),

ва ҳоказо. Тадқиқотимиз натижалари инглиз тили структурасининг аналитиклигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда аналитик ўхшатишлар сон жиҳатидан синтетикларидан анча кўплигини исботлади.

Оддий ва инверсив ўхшатишлар

Оддий ўхшатишларда ТО РО олдида туради (Масалан: “All the Tarleton girls were as unruly as colts and wild as March hairs (10) инверсив ўхшатишларда эса, уларнинг компонентлари жойи ўзгариши сабабли, РО ТОдан олдинда туради, қиёслаш мотивациясига синтатик жиҳатдан урғу берилади, шу орқали ўхшатиш янада ифодали бўлади (11-14 мисолларга қаранг).

(11) мисол: Indeed, like gulls resting on a ship’s mast, they were sitting in the absolute tower of the tree.

(12) мисол: Like an inspired frog, Riley hopped and caught hold of one of the sheriff’s dangling boots.

(13) мисол: Dull as a flower, Stephany sat down on a stone.

Очиқ ва яширин ўхшатишлар

Биз асосан уч компонентли структурага эга ўхшатишлар ёрдамида қиёслаш ифодаланганда очиқ ўхшатишларни кўрамиз. Масалан: “The rain had thickened like a deepening scale of piano notes, it struck its blackest chord and drummed into a downpour that did not at once reach us” (46). Очиқ ўхшатишларнинг акси сифатида биз турли объектларнинг қиёси фақатгина кўзда тутилган яширин ўхшатишларни кузатишимиз мумкин, улар ўхшатишда керакли вақтда қайта тузиладиган аттрибютив синтагманинг кичрайтирилган шакли билан берилади (14-16 мисолларга қаранг).

(14) мисол: So pretty she was, so self-possessed. She frightened him. Those cornflower-blue eyes, the turn of that creamy neck, her delicate carves.

(15) мисол: Scarlett’s thick black eyebrows slanted upward, cutting a startling oblique line in her magnolia-white skin.

(16) мисол: HarweyKlausner was a whole head taller than Michael and had apple-red cheeks.

Юқоридаги мисолларда ажратиб кўрсатилган атрибутив синтагмаларга ўхшатишнинг яширин шакли сифатида қаралиши мумкин, чунки улар ўхшатишнинг уч компонентли структурасига айлантирилиши мумкин: “Those cornflower-blue eyes” = Those eyes that were as blue as cornflowers; “her magnolia-white skin” = Her skin was as white as magnolia; ва “apple-red cheeks” = cheeks, that were as red as an apple(17). Тадқиқотда ТО айрим рангларига қараб классификация қилинадиган ўхшатишларда қиёсий предикация амалга оширилиши мумкинлиги очиқ берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Capote, T. (1980). The grass harp. Moscow: Progress Publishers 53 p
2. Christie, A. (1988). Finessing the King. English short stories of the 20th century. Moscow: Raduga Publishers.
3. Galsworthy, J. (1974). In chancery. Moscow: Progress Publishers 76 p
4. Hardy, T. (1986). A pair of blue eyes. U.S.: St. Martin’s Press Inc..
5. Mansfield, K. (1988). A cup of tea. English short stories of the 20th century. Moscow: Raduga Publishers.
6. Mansfield, K. (2011). The voyage. In Ch. Dolley (Ed.), The Penguin book of English short stories. London: Penguin Books Ltd.
7. Mitchell, M. (1979). Gone with the wind. New York: Macmillan Publishing Company.
8. Tushnet, L. (1978). The Klausners. Eleven American stories. Moscow: International Relations. Woolf, V. (2011). Kew gardens. In Ch. Dolley (Ed.), The Penguin book of English short stories. London: Penguin Books Ltd..

БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА ЧЕТ ТИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Давлатова Хулкаррой Уктамовна,
АДУ Чет Тиллар Факультети Инглиз тили
Фонетикаси, кафедраси 1-босқич докторанти*

Аннотация.Тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан ҳисобланади. Мулоқот воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда (оилада, жамоатчилик орасида) ёки уюшган ҳолда (дарсда) амалий эгаллаш мумкин. Ўзбек ўқувчилари инглиз тилини сунъий муҳитда ўрганишади. Ўқувчилар инглиз тили дарсларида ўқитувчи билан мулоқоти жараёнида уларнинг нутқи шаклланиб, такомиллашиб боради.

Калит сўзлар: Тил, нутқ, мулоқот, талаффуз.

Тил ва тафаккур муносабати муаммосининг узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган муҳокамаси турли методологик хулоса ва тавсияларни юзага келтирди. Ташқи дунёнинг онгдаги инъикоси пайдо бўлишида тил асосий рол ўйнашига алоҳида урғу берган олимлар Сэпир, Ҳойжер, Ҳоккет, Будагов, Панфиловларнинг таъкидича, лисоний структура (қурилма) инсоннинг воқелиқни идрок этиш қобилияти ва тажрибасининг шаклланишини таъминлаб, ижтимоий онгга таъсир ўтказди ҳамда шу йўсинда инсоннинг дунёқараши, воқелиқни англаш қобилиятини шакллантиради[6,42].

Тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан ҳисобланади. Мулоқот воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда (оилада, жамоатчилик орасида) ёки уюшган ҳолда (дарсда) амалий эгаллаш

мумкин[1,345]. Тил ходисаларига оид билимлар эса назарий жихатдан ўрганилади. Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ Л.С.Виготский томонидан болалар нутқини таҳлил этишнинг психоллингвистик асослари белгилаб берилди [4].

Ўзбек ўқувчилари инглиз тилини сунъий муҳитда ўрганишади. Ўқувчилар инглиз тили дарсларида ўқитувчи билан мулоқоти жараёнида уларнинг нутқи

шаклланиб, такомиллашиб боради. Бу эса рухий жараёнларни тубдан қайта куради А.Р.Луриянинг таъкидлашича, боланинг ўзини тутишида юзага келувчи мураккаб бошқарув масалаларида нутқ фаолияти асос боғлади[3:80]. Л.С.Виготскийнинг тушунчаси бўйича, "психологик қурол" - бу шахснинг фаол фаолияти ва инсоннинг объектив олам билан бевосита боғланишдир[4].

Бизга маълумки, фонетика нутқ товушлари ҳақидаги соҳадир. Нутқ товушларнинг бош вазифаси коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Нутқ товушларининг ўзи талаффуз органларининг маълум харакати билан бўлиқ бўлади. Нутқ товушларининг аниқ ва ноаниқ талаффузи артикуляция аппаратининг фаол ёки нофаоллигига боғлиқ бўлади.

Илк мактаб ёшидаги болаларнинг кўпчилигида инглиз тили товушларни нотўғри талаффуз этилишининг гувоҳи бўламиз. Уларда айрим ҳолларда шовкинли, титрок, сонор ундош (**r**) ининг талаффуз этишида нуқсонлар кўзга ташланади. Товушларни тўғри талаффузини ўргатиш билан биргаликда, ўқувчиларнинг чет тил ўрганишдаги психик жараёнлар - диққат, идрок, хотира, тафаккур кабиларга ҳам эътибор бериш керак. Улар ҳақидаги маълумотлар психология курсида ўрганилган. Чунончи, диққат - онгнинг муайян объектга йўналтирилганлигини билдирадиган психик фаолият шакли. Унинг икки тури - ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат мавжуд. Ихтиёрий диққатнинг ихтиёрсиздан фарқи шундаки, биринчисида онг иштирок этади. Шунинг учун инглиз тили дарсларида, ўқитувчи аввало, ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиб олиши зарур.

Бизга маълумки, илк мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг (1-синф) инглиз тили дарслигида 14 та бўлим берилган бўлиб, ҳар бир бўлимнинг ичида 4 тадан дарслар мавжуд. Бўлимларнинг бошланишидаги 1-дарсида инглиз тилидаги кўшиқ ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ўргатилиши керак. Масалан: 3 – бўлимда “My family” “Менинг оилам” бўлимининг бошида “Family members” кўшиғи ўргатилади ва 3-бўлим тугагунча бу кўшиқ ҳар дарснинг бошида такрорланади[2,17]. Кўшиқни такрорлаш давомида ўқитувчи томонидан

Ўқувчиларнинг инглиз тили товушлари тўғри талаффуз қилишга йўналтирилади ва бу босқичда боланинг сўз захираси жуда тез ўсади. Бирок, улар хали ҳам сўзларнинг маъноларини тўлиқ тушунмайдилар ва кўп сўзларни аналогик тарзда кўллайдилар. Бу даврда бола луғат бойлигининг ўсиши билан ҳамоҳанг нуткнинг грамматик қурилиши ҳам такомиллаша боради.

Маълумки, тил кишиларнинг бир-бирларини яқиндан билишлари, хурмат-эъозлашлари, дўстлашишларида тенги йўк омил, бебаҳо воситадир. Ўрта ва олий ўқув юртларида бошқа тилларда таълим олувчилар учун иккинчи тил тушунчаси ўзбек тили демакдир. Чет тил - бу хорижий мамлакат тили. Республикамизда чет тилини ўқитиш жараёни турлича кечади: биринчидан, она тилида тафаккур шаклланади.

1. Ўзга тилларни ўрганиш улардаги фонетика, лексика ва грамматикага хос хусусиятларни хис этиш билан боғлиқдир;
2. ўрганиш тартиби она тилидан бошланиб, ундан кейин чет тилга ўтилади;
3. она тили табиий вазиятда, чет тил эса сунъий муҳитда ўрганилади.

Чет тилдаги мулоқот, асосан, дарсда ўқитувчи раҳбарлигида ва назоратида кечади. Мактаблардаги инглиз тили дарсликларида берилган янги мавзу ва топшириқлар инглиз тили ўқитувчиси томонидан ўқувчиларга аввало она тилида тушунча берилиши ва сўнгра янги сўзларни инглиз тилида қандай

номланишини тушунтириш керак, масалан: касблар мавзусини бошлаганида, аввало ўқувчиларнинг она тилисида касблар ҳақидаги тушунчаларини шаклантириб, кейин инглиз тилида номларини айтиши керак. Ўқувчилар ўқитувчига тақлид қилган ҳолда инглиз тилини ўрганадилар, бу вазиятда ўқитувчи хушёр туриб, ҳар бир ўқувчини талаффузига диққат билан эътибор бериши керак, акс ҳолда ўқувчилар инглиз тили сўзларини нотўғри талаффуз қилишлари мумкин. Масалан: **e** харфининг сўз охирида талаффуз этилмаслиги **-apple, Pete; gh** харф бирикмасининг сўз ўртасида ўқилмаслиги **- eight, night; k** харфининг сўз бошида **n** харфидан олдин

талаффуз этилмаслиги - **knock, knee**. Агар “r” харфи сўзларнинг ўртасида ва охирида келса талаффуз қилинмайди “**teacher, brother, mother, sister**”. Бу ҳолат эса чет тили ўрганаётган ўқувчиларда қийинчилик туғдиради. Икки ва ундан ортиқ инглиз тилидаги ундош харфлар ёнма- ён қатнашган сўзларни талаффуз қилишда ҳам ўқувчилар муоммога дуч келадилар, масалан: “**daughter, light, jungle, purple, right**” янги сўзларни талаффузини айтади ва ўқувчилар ўқитувчига тақлид қилган ҳолда қайтардилар. Чет тили ўқитувчиси чет тили фанини ўқувчиларига ва ўрганувчиларига пухта ўргатиш орқали ўқувчининг тўплаган тил тажрибаси меъёрини аниқ билишга ва уни янада такомиллаштиришга эришади. Масалан: Инглиз тилидаги янги сўзларни ўргатаётганда баъзи сўзларни ўқувчилар қийинчиликсиз ўрганадилар, масалан: “**hello, toy, boy, doll, red**“, аммо баъзи сўзларни талаффуз қилишда қийнадилар, чунки инглиз тили алифбосидаги айрим харфлар ва товушлар ўзбек-лотин алифбосида мавжуд эмас. Ўзбек ўқувчиларнинг аксарият қисмига хос бўлган лексик қийинчилик бу кўплик ёки замон ясовчи қўшимчалар қўшилгандаги талаффузида суффикслардан олдин [ə] товушини қўшиб талаффуз этишларидир: books [bu'kəʊs], happened [hæpə'nəd]. Кўришиб турибдики, бундай кераксиз товушни қўшиш орқали улар сўз урғусининг ҳам ўрнини ўзгартирадилар. Ўзбек тилида сўзларга урғу кўп ҳолларда сўзларнинг охириги бўғинига тушади. Инглиз тилида урғу аксарият

ҳолларда сўзнинг биринчи бўғинига тушади. Ўзбек ўқувчилари учун инглиз тили транскрипцияни ўқий олмасликлари ҳам алоҳида бир муаммодир, чунки ўзбек алифбосида харфларни ўрганаётганда ўқувчилар транскрипцияга дуч келмайдилар. Шунинг учун, сўзларнинг тўғри талаффузини ўргатиш товушларни ифодаловчи белгиларни ҳам тушунтириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айта оламизки, халқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш, замон талаби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида тахсил оладиган ўқувчи ва талабалар одатда уч тилни ўрганадилар. “Идрокли ёшларимизнинг кўпчилиги уч тил эгасидир”. Ушбу

тиллар таълим назариясида махсус номлар билан юритилади: она тили, иккинчи тил ва чет тил. Она тили тафаккур шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган биринчи тилдир. Рухшунослар эътирофига биноан "тафаккур - вербал", яъни фикрлаш сўз билан чамбарчас боғлиқ, сўз-тушунча ифодаловчиси. Она тили сўзлари заминида ўзлаштирилган тушунчалар иккинчи ёки чет тил ўрганиш чоғида ўзга тил сўзларининг товуш ва ёзувдаги тимсолида гавдаланади. Она тили, иккинчи тил ва чет тилда ўрганиладиган сўз (мас: **нон - хлеб- bread, ота-отец-father, опа-мама-mother**)микдоран учта, бироқ улар ифодасида шаклланувчи тушунча эса ягона.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асроров. У. Чет тилларни ўрганиш- замон талаби <http://turkistonpress. Uz/article/345>
2. A. Irisqulov. Kids English 1. Teachers book. 17 page
3. Лурия А.Р. Язык и сознание. -М., 1989. -Стр.80.
4. Выготский Л.С. Мышление и речь\\Собр. Соч. – М., -Т.2
5. И. П. Павлов. Лекции о работе больших полушарий головного мозга (лекции 3, 11).- Полное собрание трудов, т. IV.- М.- Л.,1947. - 335-336- betlar.
6. H. R. Huse. The Psychology of Foreign Language Study. Chapell Hill, 1931, p. 42.

IQTISODIYOT SOHASIGA OID TERMINOLOGIYANING LINGVISTIK TAMOYILLARI

*Shodmonova Muhayyo Qurbonovna,
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti magistranti,
e-mail: gaimnazarova.muhayyo@gmail.com*

Annotatsiya. Dunyo tilshunosligida iqtisodiy terminlarni ingliz va o'zbek tillari misolida chog'ishtirma tahlili nafaqat o'rganilayotgan tillar leksikasidagi tizimli

munosabatlarni, balki tillararo qiyosiy-tipologik izlanishlar bilan bir qatorda tasnifiy va tavsifiy tadqiqotlar, sohaga oid iqtisodiy terminlarning bosma va elektron lugʻatlarini yaratish uchun muhim sanalgan oʻxshash va farqli xususiyatlarni, leksik-semantik hodisalardagi tafovutlarni ham aniqlash va tahlil qilish imkonini beradi.

Kalit soʻzlar: terminologiya, iqtisodiyterminlar, qiyosiy-tipologik, leksik-semantik.

Jahon tilshunosligida maxsus terminologik maʼno kasb etgan oʻziga xos til birligi – termini oʻrganishga bagʻishlangan bir qancha lingvistik tadqiqotlar amalga oshirilgan. Ilm-fan, texnika taraqqiyotidagi keskin yuksalish va ishlab chiqarish, sanoatning jadal surʼatlarda rivojlanishi natijasida determinlashgan terminning tabiatiga nisbatan XIX asrda yuzaga kelgan ilmiy-falsafiy qiziqish bu kabi tadqiqotlar uchun zamin yaratdi. XVIII-XIX asrlarda terminologiya muammolari tilshunoslarning diqqat markazida boʻldi. Buning asosiy sabablaridan biri terminlarning yaratilishi bilan bogʻliq boʻlsa, ikkinchi sababi esa ekstralingvistik omillarning terminologiyaga taʼsiri edi. Biroq, ularni terminologiyada uchrovchi sinonimiya va polisemiya muammolari, shuningdek, termin-leksemalar, gibrid terminlar va sof terminlarning kontekstdagi paradigmatic va sintakmatik munosabatlari, muayyan tushunchalar bilan oʻzaro aloqalarni xilma-xilligi koʻproq oʻylantirgan [1,124].

Avvaldan qoʻllanilib kelingan «termin» va «terminologiya» masalalari yuzasidan koʻplab tadqiqot ishlari olib borilgan boʻlib, turli taʼriflar berilgan. «Termin» leksemasil otincha «terminus» soʻzidan kelib chiqqan boʻlib, «oxiri»,

«chek», «chegara», «tugash» degan maʼnolarni bildiradi»[6, 203]. P.Nishonovning taʼkidlashicha «Termin – tuzilishiga koʻra soʻz yoki soʻz birikmasi boʻlib, semantikasi jihatidan maxsus soha doirasi bilan chegaralangan va shu sohaga oid tushunchani ifodalovchi leksik birlikdir»[7, 17]. Termin – mazmunan muayyan mantiqiy tushunchalar tizimidagi maʼlum bir birlik bilan shartsiz ravishda (majburan) nisbatlanadigan (qiyoslanadigan) soʻz. S.Usmonovning tadqiqotlari terminshunoslik uchun muhim ahamiyat kas betib, termin «...ham ishlab chiqarish

qurollari sohasida, ham madaniyat va fan sohasidagi har qanday yangiliklar dastavval til birliklari, to‘g‘rirog‘i, terminlar orqali o‘z ifodasini topadi. Shu ma’noda terminologiya (ma’lum tildagi terminlar majmui) zamona tarixining guvohi, ko‘zguvidir»[8, 3]deya ta’rif beradi. Bizningcha, termin o‘z lingvistik tabiatiga ko‘ra, adabiy til lug‘aviy tizimining ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, boshqa toifadagi so‘zlardan ilmiy, texnikaviy yoxud boshqa kasbiy tushunchalarni aniq, ixcham ifodalashi va axborotga boyligi bilan ajralib turadi.

So‘ngi yillarda termin so‘zi bilan birgalikda «atama», «istiloh», «nomenklatura» so‘zlari ham keng qo‘llanilib kelinmoqda. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasida keltirilishicha: «termin» so‘zi bilan bir qatorda ayni ma’noda «atama», «istiloh» so‘zlari ham qo‘llanmoqda. Lekin, ular «termin» so‘zining to‘liq ma’nosini ifoda eta olmaydi. «Atama» so‘zi keng ma’noda qo‘llanilib, geografik ob’ektlar, atoqli nomlarga nisbatan qo‘llanilsa, «istiloh» so‘zini esa asosan tarixiy mavzulardagi matnlar (masalan: adabiyot tarixi, Sharq falsafasi va b.)da bemalol qo‘llash mumkin[10, 323]. S.Usmonov fikriga ko‘ra: « ... atama so‘zining ma’nosi termin so‘zining ma’nosiga nisbatan keng bo‘lib, u barcha narsalarning nomi sifatida tushuniladi, termin esa muayyan bir tor sohada qo‘llanuvchi rasmiylashgan so‘zdir. Shu ma’noda, termin tushunchasi «atama» tushunchasining ichiga kiruvchi ilmiy-lug‘aviy birlikdir»[11, 28]deya ta’kidlaydi.

Nomenklatura tushunchasiga ensiklopedik lug‘atda ta’rif berilishicha «Nomenklatura (lot: nomenclatura) - ro‘yxat, nomlar ro‘yxati, shuningdek, fan, texnika, huquq va iqtisodiy tsohasida qo‘llaniladigan muayyan termin va

kategoriya nomlarining ro‘yxati»[12, 369]– deb ko‘rsatilgan. Qo‘shimcha sifatida P.P.Nishonov «Biror predmet yoki voqelikka qo‘yilgan termin avvalo, shu predmet yoki voqelikka ta’rif va tasnif beradi.

XX asrning 70-yillari oxirida V.P.Danilenko rus tilining terminologik leksikasiga bag‘ishlangan monografiyasida terminshunoslik masalalarini, xususan, 40-70-yillarga oid qator ilmiy ishlarni tahlil qiladi. V.P.Danilenko «termin» tushunchasining 19 ta turlicha ta’rifini keltiradi. Rus tilshunosining ta’kidlashicha,

«termin tushunchasiga keltirilgan barcha ta’riflar maxsus leksigaga oid tadqiqotlarning deyarli har birida uchraydigan ta’riflarning kichik birq ismi xolos»[4, 86].

N.V.Serbinovskaya ta’kidlaganidek, «termin boshqa turdosh (o’xshash) hodisalar – nomenlar, professionalizmlar, termin oidlar va h.k. lardan farqlanadi»[9, 5]. R.Doniyorovning ishida «Termin bilan professionalizmlar o’rtasidagi farq shuki, termin bu muayyan fan, sanoat sohasi, qishloq xo’jaligi, texnikadagi tamomila rasmiy bo’lgan, qonunlashtirilgan biror tushunchaning ifodasi va nomidir. Professionalizm esa biror kasb, mutaxassislik, ko’p hollarda jonli tilda keng tarqalgan, aslini olganda, tushunchaning qat’iy, ilmiy tavsifiga ega bo’lmagan yarim rasmiy so’zdir»[5, 59]deb qayd etilgan.

Bugungi kunda tilshunoslikda termin va terminologiya bilan aloqador bo’lgan terminosistema, terminosfera singari tushunchalar tez-tez qo’llanilmoqda. «Universal umume’tirof etilgan ta’rifning mavjud emasligi munosabati bilan deyarli har bir tadqiqotchi o’zining «ishchi» ta’rifi va izohini yaratmoqda» .

Ingliz-amerika tilshunoslarining, xususan, terminologiya sohasidagi etakchi mutaxassis Kyu Kageuraning tadqiqotlarida «**a terminological sphere**» (terminologikqobiq) va «**a terminological space**» (terminologik bo’shliq) kabi so’z birikmalarini uchratish mumkin. U terminologiyaning mustaqil fan sifatidagi ahamiyatini asoslagan holda agar biron bir leksik birlik termin deya baholansa, unda u avvaldan mavjud bo’lgan terminologik bo’shliqda joylashgan bo’lishini; shu tariqa terminologiya konsepsiyasini «terminologiya» konseptini terminlarning

yig’indisidek empirik moddiylashtirish sifatida joriy qilishini isbotlaydi [2]. Lingvistik jihatdan matnga oid terminologik sferadan farqli o’laroq hamisha leksik sfera komponenti bo’la oladigan terminologik maydon mavjud bo’ladi.

Shunday qilib, K.Kageuraning nuqtai nazariga ko’ra, «**terminologik sfera**»va «**terminologik bo’shliq**» termini boshqa terminlar bilan tizimli munosabatlarga kirishgan holda ularning qatoriga o’rnashib, terminosistemani shakllantiradigan muayyaan muhitni o’zida ifoda etadi. Lingvistik yondashuvga muvofiq termin

tizimlilik bilan xarakterlanuvchi [3, 78]va ilmiy definitsiyada ifodalangan, bir ma'noga ega bo'lgan ob'ek tsifatida talqin qilinadi. Termin kontekst ta'siriga uchramaydi. Uslubiy jihatdan neytral bo'lib, asosan funksional muhitda, ya'ni turli bilim sohalari mutaxassis va tadqiqotchilari tomonidan ishlatiladigan matn hamda hujjatlarda qo'llaniladi. Termin birliklari o'zaro aloqador munosabatda bo'lib, yaxlit holda terminologik maydondagi terminosistemaning yadrosini tashkil qiladi. Shuningdek terminologik maydon tarkibiga terminosistema va umumiste'mol leksikasi chegarasi (periferiyasi)da joylashgan termin birliklari ham kiradi. Masalan:

inglizcha	o'zbekcha
data	ma'lumotlar
premium	mukofot
processing	ishlovberish
need	ehtiyoj
grade	nav
expert	mutaxassis
effectiveness	samaradorlik
report	hisobot
sash	naqd
net	qoldiq
term	muddat
interest	foiz
drawback	kamomad

Yuqorida berilgan qayd qilingan ma'lumotlarni tahlil qilib, ko'plab mualliflar «**terminosfera**» hamda «**terminosistema**» lisoniy tushunchasini qarama-qarshi qo'yishga intilmayaptilar, degan xulosaga kelamiz. Xususan, tilshunoslar terminosferani terminosistemaga tenglashtiradilar yoki uni nisbatan murakkab terminosistemaning muayyan sohada qo'llanilishga ixtisoslashgan elementi sifatida qaraydilar. «Terminosfera» tushunchasining tabiati, uning definitsiya va xususiyatlariga doir fikrlar xilma-xilligi «terminosistema» va «terminosfera»

tushunchalari o‘zaro analogik (o‘xshash) deb hisoblashimiz mumkin. Ammo turli olimlar tomonidan keltirib o‘tilgan har xil lingvistik ilmiy yondashuvlar prizmasida ko‘rib chiqilgani bois aynan bir xil emas, degan xulosaga kelish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Dagmar S. Terminology Today: A Science, an Art or a Practice? Some Aspects on Terminology and Its Development Brno Studies in English Volume 36, No. 1, 2010, ISSN 0524-6881. – P.124.

2. Kageura Kyo ‘On the study of dynamics of terminology: A proposal of a theoretical framework’(1999) <http://sciencestage.com/d/1639497/on-quid-iuris-of-the-theoretical-status-of-the-study-of-terminology-and-a-sketch-of-a-possible-frame.html>, 1–8.

3. Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах: учебное пособие для филол. спец. вузов. М.: 1987. – С.78.

4. Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания. – М., 1977. – С.86.

5. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. - Т.: Фан, 1977 – Б. 59

6. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: 1998. – С. 203.

7. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология қадқиқи. Номз. диссер...-Тошкент, 2009, 17 –б.

8. С.Усмонов. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент., 1968. –Б.3

9. Сербиновская Н.В. Формирование и развитие терминологического поля «маркетинг» в русском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2008. – С.5

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: 2000. – Б.323.

11. Усмонов С. Юристингнутқаданияти.- Т.: 2007.- Б. 28.

12. Энциклопедический словарь. – М.: 1983. –С.369.

DIFFERENCES BETWEEN WRITING AND SPEECH

*Madraximova Gulnoza Adxamovna,
assistant of “Uzbek language and literature”
Andijon Machine building institute
Sotvoldiyev Oybek Abdurashid o’g’li,
student of “On land of transport system and its exploitation”*

Annotation: This article is about written and spoken languages and their interactions. This article deals with differences between writing and speech in communication.

Key words: Written language, Spoken language, Speech, text

Written and spoken language differ in many ways. However some forms of writing are closer to speech than others, and vice versa. Below are some of the ways in which these two forms of language differ:

- Writing is usually permanent and written texts cannot usually be changed once they have been printed/written out.

Speech is usually transient, unless recorded, and speakers can correct themselves and change their utterances as they go along.

- A written text can communicate across time and space for as long as the particular language and writing system is still understood.

Speech is usually used for immediate interactions.

- Written language tends to be more complex and intricate than speech with longer sentences and many subordinate clauses. The punctuation and layout of written texts also have no spoken equivalent. However some forms of written language, such as instant messages and email, are closer to spoken language.

Spoken language tends to be full of repetitions, incomplete sentences, corrections and interruptions, with the exception of formal speeches and other scripted forms of speech, such as news reports and scripts for plays and films.

- Writers receive no immediate feedback from their readers, except in computer-based communication. Therefore they cannot rely on context to clarify things so there is more need to explain things clearly and unambiguously than in

speech, except in written correspondence between people who know one another well.

Speech is usually a dynamic interaction between two or more people. Context and shared knowledge play a major role, so it is possible to leave much unsaid or indirectly implied.

- Writers can make use of punctuation, headings, layout, colours and other graphical effects in their written texts. Such things are not available in speech

Speech can use timing, tone, volume, and timbre to add emotional context.

- Written material can be read repeatedly and closely analysed, and notes can be made on the writing surface. Only recorded speech can be used in this way.

- Some grammatical constructions are only used in writing, as are some kinds of vocabulary, such as some complex chemical and legal terms.

Some types of vocabulary are used only or mainly in speech. These include slang expressions, and tags like y'know, like, etc.

Spoken language, is language produced by articulate sounds, as opposed to written language. Many languages have no written form, and so are only spoken. Oral language or vocal language is language produced with the vocal tract, as opposed to sign language, which is produced with the hands and face. The term "spoken language" is sometimes used to mean only vocal languages, especially by linguists, making all three terms synonyms by excluding sign languages. Others refer to sign language as "spoken", especially in contrast to written transcriptions of signs.

In spoken language, much of the meaning is determined by the context. This contrasts with written language, where more of the meaning is provided directly by the text. In spoken language the truth of a proposition is determined by common-sense reference to experience, whereas in written language a greater emphasis is placed on logical and coherent argument; similarly, spoken language tends to convey subjective information, including the relationship between the speaker and the audience, whereas written language tends to convey objective information.

The relationship between spoken language and written language is complex. Within the field of linguistics the current consensus is that speech is an innate human capability while written language is a cultural invention. However some linguists, such as those of the Prague school, argue that written and spoken language possess distinct qualities which would argue against written language being dependent on spoken language for its existence.

Both vocal and sign languages are composed of words. In vocal languages, words are made up from a limited set of vowels and consonants, and often tone; in sign languages, words are made up from a limited set of shapes, orientations, locations, and movements of the hands, and often facial expressions; in both cases, these

building blocks are called phonemes. In both vocal and sign languages, words are grammatically and prosodically linked into phrases, clauses, and larger units of discourse.

Hearing children acquire as their first language whichever language is used around them, whether vocal or (if they are sighted) sign. Deaf children will do the same with sign language, if one is used around them; vocal language must be consciously taught to them, in the same way as written language must be taught to hearing children.

References:

1. Tucker, G. Richard (1999). "A Global Perspective on Bilingualism and Bilingual Education." (PDF). Carnegie Mellon University. Retrieved 23 April 2012. (Archive)
2. Kennison, Shelia (2013). Introduction to Language Development. Los Angeles: Sage.
3. Masur, E. F. (1995). "Infants' early verbal imitation and their later lexical development"..

ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI

Almatova Mahfuza Latifovna
AndMI O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida assistenti
maxfuzaalmatova@gmail.com
Yo'ldashev Mirjalol Ne'matjon o'g'li
Andijon Mashinasozlik Instituti EEE fakulteti
talabasi

Annotatsiya. Tilshunoslikning eng asosiy vazifalaridan biri bu muayyan tilning saqlab qolish va uni kengroq omma e'tiboriga namoyon qilishdir. Bu borada eng asosiy qadam bu salomlashish odobini shu tilde so'zlashuvchi xalqlar va elatlar uchun to'g'ri talqin qilishdan iboratdir. Zero, salomlashish odobi bu shu tilni o'rganayotgan yosh-u qarini o'shatilda muloqot qiladigan millat madaniyatiga qiziqish va mehrini uyg'otadi.

Biz shu modelni dunyoga mashxur fransuz modelida ko'rishimiz mumkin.

Kalit so'zlar: salomlashish, odob, so'z boyligi, o'zbek tili.

“Kimda-kim o'zbek tilining bor latofatini, jozibasini va ta'sir kuchini, cheksiz imkoniyatini his qilmoqchi bo'lsa, munis onalarimizning allalarini, ming yillik dostonlarimizni, o'lmas maqomlarimizni eshitsin, baxshi va hofizlarimizning sehrli qo'shiqlariga quloq tutsin”. Sh.M.Mirziyoyev.

Har bir xalqning go'zalligini, uning salomlashishidan bilsa bo'ladi deganidek, o'zbek tilida ham salomlashish odobi bebaho sanaladi. Hattoki, eng nodir kitoblardan sanalgan Qur'oni karimda ham kattalarga salom berish inson farzlaridan biri hisoblanadi. Lekin, har bir xalqning salomlashish odatlari har xil. Masalan, fransuz xalqida salomlashish o'zbek xalqinikiga qaraganda tubdan farq qiladi. O'zbek xalqida o'zidan kattalarga hurmat, kichiklarni izzat qilishdek fazilatlar ulug'lanadi. Tanisa – tanimasa o'zidan kattalarni sizlab gapiradi, hattoki ko'ziga tikqarab gapira olmaydi. O'zidan kichiklarni ham Andijonda ba'zilar sizlashadilar. Salomlashganda ularning yeti avlodidan, echki-ulog'idan, sigir-qo'ylaridan hol-ahvolso'rashadilar. Masalan, Parvona spektaklida O'tkuriy bilan yangasining salomlashishini misol qilib olishimiz mumkin:

Hay, kuyovjon, yaxshimisiz?

Uydaqilar, amma-xola, tog'alar, qo'ni-qo'shnilar, singillar, jiyanlar, echki-uloq, sigir-qo'ylaryaxshi yuribdimi?

Fransuzlarda esa birmuncha farq qiladi. Ular birinchiko'rgan insonlarini ham sizlab gapiradi. Ular bilan muloqot qilib ancha yaqinlashganidan so'ng, sensirab gaplashishadi. Anchadan beri tanigan, birga yashagan insonlarni hattoki ota-o'g'il,

ona-bola bo'lsa ham senlab murojaat qilishadi. Bu ularuchun odatiy hol hisoblanadi. Hamkasblar orasida va shunga o'xshash rasmiy muloqotlarda doim sizlab gaplashishadi. Salomlashish ham xuddi shu tartibda: Bonjour – doimiy har kuni ishlatiladigan salomlashish, Bonsoir – kechki salom.

Ammo o'zbek xalqida bunday emas. Ular uchun 'asosan assalom-u alaykum' qo'llaniladi. 'Hayrli kun', 'hayrli kech' iboralari ham qo'llaniladi.

Bu iboralar asosan yozma nutqda ishlatiladi. Fransuz tengdoshlari orasida ko'proq 'Salut' ishlatiladi. O'zbek yoshlari orasida esa, asosan, 'salom' urfga kirgan:

Masalan: - Bonjour, madame, je peuxvousenseigner?

Julian leurayanterrié Bonsoir; ellerepondirentd'unevoixchantantedans la langueharmonieuse du pays abondonné.

-

Salut!

-

Salut!

-

Qu'est-ce que tufaisici?

Yoki :

Assalomalaykum o'ngdagilarga,

Assalomalaykum so'ldagilarga.

Assalom, hush niyat o'ydagilarga,

Assalom Qur'oni qo'ldagilarga.

Salom.Sabo,qalaysan? Uydagilaring tinchmi? Charchamadingmi? o'qishlaring bilan.Yo'q, rahmat, yaxshiman... Samandar aka, o'zingiz yaxshimisiz? Davlat tomonidan faoliyat yuritiladigan barcha tashkilotlarda muloqotlar asosan rasmiy ravishda olib boriladi. Salomlashish paytida hol-axvol so'rash ham rasmiy ravishda bo'ladi. Ularning ham qo'llanilish o'rnini bor.

Masalan: vous-allezbien? Comment allez –vous?
O'zbek xalqida esa hol-axvol so'rashga doi iboralar qisman farq qiladi.Do'stlar, tanishlar orasida muloqot aynan ma'lum bir qolipda olib borilishi shart emas, ya'ni so'zlashuv erkin ravishda bo'lishi mumkin:

Comment ça va? Ça va? Quoi de neuf?
O'zbektilida esa quyidagi iboralar qo'llaniladi:

Yaxshimisan, qalaysan, uydagilaryaxshimi ? Ikki madaniyatda ham shungao'xshash iboralarni ko'plab uchratishimiz mumkin, bu esa tillarning naqadar boy va sarmazmunligini belgilaydi.

Xulosa qilib shuni aytmoqchimanki, bu ikki tilning ham so'z boyligi juda rang-barangdir. Ammo ularning qo'llanilishi turlicha va turli darajadali bilan ham ular bir –birlarini takrorlamaydilar. Men yuqorida bejizga Fransuz va O'zbek tillaridagi salomlashish odoblarini ta'kidlamadim, chunki Fransuz tili hozirgi kundagi eng mashxur , go'zal va keng tarqalgan tillardan biri sanaladi , bunga sabab ko'pgina o'n yillar muqaddam Fransuz millatiga shu davlatdagi tilshunoslar tomonidan aholiga muomala madaniyatini oshirish va o'zaro xurmat e'tiborni dunyoga namoyon qilish maqsadida salomlashish odobi alohida fan sifatida boshlang'ich maktab va bog'chalarida o'rganilgan. Zero, biz O'zbek xalqi kelajagi buyuk xalq ekanmiz , biz hozirdan dunyoni lol qoldiradigan olamshumul kashfiyot va natijalar asoschisi ekanmiz albatta yaqin kunlarda butun dunyo O'zbek tilini , o'zbek madaniyatini hozirgidanda o'n chandon ko'proq o'rganishga kirishadilar.

Bu borada zamonaviy tilshunoslikning roli beqiyosligini barchamiz juda yaxshi anglaymiz , bugun biz yoshlar, kichkintoy uka –singillarimiz o'zbek madaniyatini, tilini dunyoga asl go'zalligicha namoyon qilish uchun biz eng avvalo salomlashish

odobini buzmasligimiz unga g'ayriso'zlar va qisqartmalar orqali ozor yetkazmaslik bizlarning zimmamizdagi juda kata majburiyatlardan biri ekanligini, bu yo'lda biz bizgacha yetib kelgan tilimizni kelgusi avlodga yetkazib beruvchi bir vositachi ekanligimizni anglashimiz zarur va shuni ham ta'kidlash zarurki maktab va bog'chalarda salomlashish odoblarini o'qitishga kengroq miqyosida e'tibor qaratish orqali biz o'zbektilini sof va go'zalligicha butun dunyoga yoyishimiz muayyan holdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev Ozbek tilinga davlat maqomi berilganligining 30 yilligi munosabati bilan so'zlagan nutqidan.
2. Zaripova P.A ЧЕТ ТИЛИНИ О'ҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН ҚО'ЛЛАНМА
Чет.ТАШКЕНТ:О'ҚИТУВЧИ,1986. -124 б.
3. Назаров П.Ж. Немисча-ўзбекча мақол ва маталлар. –Самарканд:
СамДЧТИ, 2001. -52 б.
4. HorstundAnneliesBeyer. Sprichwörter- Lexikon. /Немецкиепословицыи
поговорки/ -М.: Высшая школа, 1989. –с. 276

TABU VA EVFEMIZM – ETNOMADANIY MULOQOT UNSURI SIFATIDA.

*Ahmedova Odinaxon Abdullajon qizi,
ADU Fakultetlararo chet tillar kofedrasi o'qituvchisi
oydin.axmedova.95@gmail
.com*

Annotatsiya: Ushbu maqolada tabu va evfemizm- etnomadaniy muloqot unsuri sifatida ekanligi va tilshunoslikning eng muhim yo'nalishlardan biri ekanligi tadqiq etiladi. Etnomadaniyat tushunchasi uzoq yillardan buyon urug', elat, millat

madaniyatining tabu va evfemizm bilan doimiy chambarchas holda shakllanishi va rivojlanishini o'rganish masalalari asoslab beriladi. Shuningdek, turli xalqlarning madaniyatning o'ziga xos xususiyatlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Taboo, evfemizm, madaniyat, etnomadaniyat, tilshunoslik, estetika.

Respublikamiz mustaqillikka erishgandan so'ng, o'zbek tilshunosligi tom ma'nodagi mustaqil fan sifatida shakllandi va tilimizning o'ziga xos ichki qurilishini boshqa tillar qoliplariga solmasdan o'rganish fanning ustuvor vazifasi sifatida qo'yilib, buning natijasi o'laroq tilshunoslikka substansional yo'nalish shakllandi va jahon tilshunosligida e'tirof etildi. (Bu haqida “O'zbekiston ovozi

gazetasining 2008-yil 29-yanvar sonida material berilgan). [1] Umuman olganda tilshunoslik, ya'ni lingvistika juda ham katta soha hisoblanadi. Biz bu maqolamizda tabu va evfemizm- etnomadaniy muloqot unsuri sifatidagi ko'rinishi haqida to'xtalib o'tmoqchimiz.

Taboo (polineziya so'zidan “tapu” - to'liq ajratilgan, alohida qayd etilgan) – muayyan harakatlar (taqiqlangan narsalar, oziq-ovqat, ichimliklar) yoki muayyan iboralar talaffuz qilish taqiqlangan so'zlarni bildiradi. Tabu insoniyatning barcha tarixiy davrlarida kuzatilgan. Masalan, ov va baliq ovlash bilan bog'liq tabular, kasallik, o'lim qo'rquvi, "yomon ko'zga", zararga va boshqalarga bo'lgan ishonch bilan bog'liq edi. Har xil yosh va gender guruhlar uchun ham ularning taqiqlari bo'lgan; qizlar va o'g'il bolalarni emizishda, ruhoniylarda va shamanlarda o'zlarining tabulari mavjud bo'lgan.

Evfemizm so'zi yunonchadan olingan bo'lib, “*eu-yaxshi, phemi-gapiraman*” ma'nosini bildiradi. Biror sababga ko'ra qo'llanishi taqiqlangan yoki qo'llanishi noqulay bo'lgan qo'pol, dag'al, so'z, ibora o'rniga boshqa yumshoqroq so'z yoki ibora qo'llash. Masalan: chayon so'zi o'rnida eshak, oti yo'q so'z va iborasining qo'llanilishi.

“Etnomadaniyat” tushunchasi tarixiy jarayonda urug', elat, millat madaniyatining shakllanishi va rivojlanishi aks ettiradi. “An'anaviy xalq

ma’daniyati” tushunchasi esa aynan etnomadaniyatning tarixiy jarayoni shakllangan, sinalgan va an’anaga aylangan avloddan-avlodga meros bo’lib o’tayotgan muhim qismi sifatida namoyon buladi.

Xalq etno madaniyatini nafosat prinsiplariga binoan bunyod etilgan inshootlar, kishilarning olam haqidagi tuyg’ularini, qarashlarini ifoda etuvchi musiqa, tasviriy va amaliy san’at asarlari orqali o’rganishdir. Ilk arxeologik topilmalardayoq o’zbek xalqining badiiy-estetik madaniyatiga oid tasavvurlar, g’oyalar va an’analarga duch kelamiz. O’rta Osiyo xalqlari qadimgi san’atini maxsus o’rgangan L.I. Rempelning ta’kidlashiga ko’ra, ilk topilmalardayoq

ajdodlarimiz o’zining dunyo haqidagi tasavvurlarini ma’lum belgilar (krest, yarim krest, doira, yarim doira), hayvon – belgilar (naqshga o’xshash hayvonlar, arslon, echki boshlari, ilon), antropomorf xudolar (yarim odam, yarim totem, ho’kiz boshli boltalar), mifologik, yarim hudo qahramonlar (ajdaho bilan kurashayotgan shoh va b.)da ifoda etganlar. [2] Ularda hali badiiy usulga ega bo’lmay turib, ma’lim bir qarashlar o’z aksini topgan.

Inson o’z faoliyati davomida o’zi va boshqalar faoliyatini nafosat mezonlari bilan o’lchanadigon ijtimoiy baholashga harakat qiladi. Baholash-voqea-hodisaning qadrini yoki ijtimoiy ahamiyatini anglashning maxsus shaklidir. Insonning voqealikka estetik munosabati aslida voqealikka baho berishning alohida turi, voqea-hodisalarni estetik qadrlash usulidir. Biroq, baholash, barcha ong shakllari singari, o’zining milliy jihatlariga, etnomadaniy belgilariga ega. Masalan, yaponlardek cho’kkalab o’tirib ovqatlanish yevropaliklar uchun qiyin holatdir. Yoki nafaqat yevropaliklar, shuningdek, O’rta Osiyo xalqlari ham janubiy afrikalik zulularning bir oyoqda uxlashini tasavvur qila olmaydi. Shuning uchun deyarli barcha tadqiqotchilar madaniyatni internatsionalizatsiyalashni nomuvofiq hol hisoblab, har bir etno madaniyat o’ziga xosligini saqlab qolishi lozim degan fikrni yoqlaydilar. To’g’ri ba’zi etnomadaniy belgilar yo transformatsiyaga uchraydi yoki iste’moldan chiqadi, bu ijtimoiy madaniy voqealikka xos xususiatdir. Agar, yaponyaliklar uchun

cho'kka tushub ovqatlanish, ayollarning mayda qadam tashlab yurishi, zulular uchun bir oyoqda uxlash estetik madaniyat belgisi hisoblansa, o'zbek xalqining chordona qurib o'tirishi, katta kishiga o'rnidan turib joy berishi estetik qadriyatdir.

Demak, har bir xalq o'zining tarixiy-madaniy an'analarida badiiy-estetik qarashlarini ifoda etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “O'zbekiston ovozi” gazetasining (2008-yil 29-yanvar sonida).
2. L.I. Rempel “O'rta Osiyoda milliy me'morchilik” 1930 y.
3. www Wikipedia. Uz.

**БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН
ЛИНГВИСТИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ**

*Давлатова Хулкарой Уктамовна
1-босқич докторанти
Андижон Давлат Университети
dhulkaroyinbox.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада болалар нутқини Ўзбек тилшунослари томонидан ўрганилиши ёритилган. Болалар бирга яшовчи катталарнинг уларга кўрсатаётган муносабатлари, ғамхўрликлари ва эътиборлари натижасида, уларнинг нутқи шаклланиши миянинг органик ривожланиши кузатилади.

Калит сўз: болалар нутқи, лингвистик хусусиятлар, ижтимоий омиллар

Тилшуносликда болалар нутқи 100 йилдан ортиқ вақтдан буён ўрганиб келинмоқда. Бу давр мобайнида болалар нутқини ўрганиш соҳасининг тадқиқот усуллари назарий йўналишлари ўзгариб борди. Лекин энг асосий кизиқиш бола нутқининг феноменини ўрганиш давом этяпти.

Тилшуносликнинг болалар нутқига ва нутқ онтогонезига қизиқиш кўплаб олимларнинг илмий изланишларига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли болаларнинг бир – бири ва ёши катталар билан мулоқотга киришиш жараёнини тадқиқ қилишга бўлган назарий қизиқишнинг ортиши, нутқий фаолият назариясини яратишда зарур бир йўналиш ҳисобланиши билан бирга, болалар нутқи ва унинг ривожланиш қонуниятини чуқурроқ ўрганишнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади.

Болалар бирга яшовчи катталарнинг уларга кўрсатаётган муносабатлари, ғамхўрликлари ва эътиборлари натижасида, уларнинг нутқи шаклланиши миянинг органик ривожланиши кузатилади.

Ўзбек тилшунослигида болалар нутқи лексикасининг социолингвистик тадқиқи, ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари М.Қурбонованинг тадқиқотларида ва Н.С Сайидираҳимованинг “Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари” илмий изланишларида атрофлича ёритилган.

М.Қурбонова[1:7-8] тадқиқот изланишларида ўзбек ўқувчилари нутқининг лексик – семантик хусусиятларини ва психолингвистик нуқтаи назардан талқин қилиш орқали бир неча натижаларга эришди: Болалар нутқида ижтимоий омиллар таъсирида юзага келувчи лексик диалектизмлар семантик хусусиятларига кўра гуруҳларда таснифланди. Диглоссия ва сунъий билингвизмнинг бола лексиконига таъсири тадқиқ қилинди. Болалар нутқига хос номлаш функцияси асослари ёритилди ва уларнинг нутқига оид индивидуал неологизмларнинг юзага келиш сабаблари, лисоний қобилятининг шаклланишида лексик ўйинларнинг аҳамияти, болалар ва ўсмирлар перцептив луғатида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши таҳлил қилинди. Олима ўз тадқиқотларида ўзбек болалар нутқини ўрганишни янги назарий билимлар билан бойитди ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга хизмат қилди

М.Қурбонованинг[2:10] навбатдаги тадқиқотида ўзбек болаларига хос нутқий акт турлари аниқланган, бевосита ва билвосита нутқий акт турлари фарқланиб, прагматик хусусиятлари, болалар перцептив фаолиятида коммуникатив-прагматик тўсиқни юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омиллар аниқланиб, прагматик тўсиқнинг нутқни тушунишга салбий таъсир кўрсатиши, болалар нутқида дейктик вазифа бажарувчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик бирликлар белгиланиб, болалар ва катталарга хос дейктик бирликларнинг фарқли жиҳатлари, болалар нутқининг

пресуппозицион хусусиятлари очиб берилган, катталарда ҳам кузатиладиган ва фақат болаларга хос “пресуппозиция сигналлари”, коннотациянинг болалар нутқида ҳосил бўлиши усуллари, болалар нутқида баҳо муносабатининг ифодаланиши, ижобий ва салбий баҳо турлари фарқланган.

Болалар нутқини ўрганиш бўйича Н.С Сайидираҳимованинг[3:5-6] изланишларини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Унинг изланишлари натижасида болалар нутқининг ривожланиш даврлари ажратиб ўрганди ва ҳар бир даврда ўзлаштирилувчи тил бирликлари таркиб ва миқдори кўрсатиб, болалар нутқининг катталар нутқидан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари, катталар нутқида учрамайдиган тил бирликлари (сўз – гап, сўз – ижод)га алоҳида эътибор берилди ва болаларда тақлид қилиш ва ғудранишнинг нутққа муносабати, онтогенезнинг филогенезни такрорламаслиги ўзбек болалар нутқи мисолида кўриб чиқди. Боланинг сўз маъноси ва шакли устида олиб борувчи кузатишлари аниқланиб, турларга ажратилди, болалар нутқидаги гапнинг қурилиш ва ифода мақсадига кўра турлари, предикациянинг пайдо бўлиши масалаларига ойдинлик киритилди.

О.Умархўжаев[4:52-53] “Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари” мақоласида гўдакларнинг товушларни талаффуз қилишдаги қийинчиликлари, уларнинг айримларини ўзларига мослаб талаффуз қилишларини айтиб ўтган. Унинг ёзишича, гўдаклар катталарга тақлид қилган ҳолда сўзларни

Ўзлаштирадилар ва натижада катталар нутқида учрайдиган фонетик ходисалар такрорланади. Бу ходисалар қаторига ассимиляция, диссимиляция, метатеза, протеза, эпептеза, эпитеза, апакопа, синирезис ходисалари асосан катталар нутқи ва шева таъсирида кириб келишини айтиб ўтган. Тадқиқотчи 1-3 ёшдан иборат гўдакларда амалиёт олиб борган. Изланишлар натижасида лаб ундошлари, тил олди ва ўрта товушлари талаффузида қийинчилик сезилмаган. Тил олди ва тил орқа ундошларини талаффузида қийинчилик сезилганини айтиб ўтади. Психологларнинг аниқлашича, бола жуда кичиклигидан катталар нутқидаги оҳанг маъносини

ажрата олишади. Турли эмоцияларни ифодалаш нуқтаи назаридан бола нутқи интонацияси энг бой интонациядир. Уларнинг нутқида илтимос, ғазаб ялиниш, буйруқ ва ҳайратни билдирувчи интонациялар максимум даражада бўлишини айтиб ўтган.

Ш.Алпанованинг маълумот беришича Н. Маҳмудов тил ва жамиятнинг алоқадорлиги ҳақида фикр билдирган “тил ва халқ, тил ва жамият ўртасидаги алоқадорлик масаласи жуда қадим замонлардан анланган, бу алоқадорликнинг қонуниятларини инкишоф қилишга ҳаракат қилинган”[5]. Бу ҳақда шундай ёзган эди: “тил сиёсий ўзгаришлар унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, функциявий хусусиятларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди”.

Ҳар қандай тадқиқотчи учун мавжуд бўлган материалларни кўпайтириш, назарияларни амалиётда қўллаш жуда муҳимдир. Дарҳақиқат, юқорида номлари тилга олинган олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, болалар нутқини тилшуносликда ўрганиш ўзоқ давом этадиган жараён дир.

Адабиётлар:

1. Қурбонова.М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи. Филол. фан. Ном..дис. Тошкент 2009. Б-7-8.

2. Қурбонова.М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари. Филол. фан. док. Тошкент 2009. Б-10
3. Сайидирахимова Н .С. “Мактабгача ёшдаги ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ” Филол. фан. номз. дисс... ФАРҒОНА – 2004 Б-5-6.
Golde, C. (2005, November/December). The role of the department and discipline in doctoral student attrition: Lessons from four departments. *The Journal of Higher Education*, 76(6) 669-700.

Golde, C. M., & Dore, T. M. (2001). At cross purposes: What the experiences of today's doctoral students reveal about doctoral education. Wisconsin Univ., Madison, Pew Charitable Trusts, Philadelphia, PA

Harman, G. (2003). International PhD students in Australian universities: Financial support, course experience and career plans. *International Journal of Educational Development*. 23(3), 339-351

Mehra, B. & Bishop, A. (2007). Cross-cultural perspectives of international doctoral students: Two-way learning in library and information science education. *International Journal of Progressive Education*, (3) 1

Wei, C. (2001). *How male and female doctoral students experience their doctoral programs similarly and differently*. Paper presented at the Annual Meeting of the American Educational Research Association, Seattle, WA.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ТЕХНИКА ФАНЛАРИДАГИ МУАММОЛАР

Умарова Мавлудахон Назировна
Материалшунослик ва янги материаллар технологияси кафедраси,
профессори, техника фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада техник соҳаларга тегишли ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилишда учрайдиган муаммолар хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: мартен, ледебурит, ансамбль, ажурли трикотаж.

Тилнинг асосий ва энг муҳим вазифаси — бу коммуникация: одамлар ўртасида маълум бир маълумот, билимлар, хабарлар, фактлар ва ҳис-туйғуларни етказишдан иборат. Худди шу каби Ўзбек тили ҳам барча бошқа миллат тиллари каби одамлар орасидаги муносабатларда катта аҳамият касб этади.

Кейинги вақтларда ўзбек тилига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармониغا биноан 21 октябрь санасининг «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихи,

янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислоҳатларнинг юксак самараларидан биридир [1].

Ўзбек тили байрами – она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтириш айёмидир. Бу байрам давлат тилининг Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг севимли тилига, маънавий эҳтиёжига, фахр-ифтихорига айланишида муҳим омил бўлади.

Ўзбекистонда ўзбек тилига эътибор кучайиши бевосита таълим муассасалари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар учун ўзбек тилида адабиётлар, ўқув қўлланмалар етарли даражада бўлиши зарур.

Давлат тилига эътибор, унинг нуфузини янада ошириш борасидаги ишлардан гап очилса, одатда, кўча-кўй, жамоат жойлари ва оммавий ахборот воситаларидаги рекламалар матни-ю, пешлавҳалардан хато ёзилган сўзлардан бошланади. Фақатгина муаммо бунда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд.

Бизга маълумки, техника йўналишига оид олий таълим муассасаларида соҳага тегишли адабиётлар ва ўқув қўлланмалар етарли даражада эмас. Сўнги йилларда ўзбек тилидаги, лотин ёзувидаги адабиётларни чоп қилиш устида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо булар орасида ўзига яраша муаммолар бор. Бу муаммолар техник терминларга тегишлидир.

Техника фанларига оид терминлар ўзбек тилига деярли таржима қилинмайди. Сабаби бу терминлар бошқа давлатлардаги олимларнинг исмларига қўйилган бўлиши ёки таржима қилинган сўз маъноси бошқа маъноларни англатиши ёки биргина сўз бир неча гаплардан тузилган ҳолда бўлади. Яъни, битта техник сўз бир неча сўзлардан иборат бўлади. Масалан “Конструкцион материаллар технологияси” фанида пўлат олиш учун фойдаланиладиган *Мартен печи* француз мухандиси ва металлурги *Пьера Эмил Мартен*нинг, *Ледебурит - аустенит билан бирламчи цементитнинг майда доналаридан иборат булган механик аралашмаси* бўлиб, у немис

металлурги А.Ледебур исми шарафига қўйилган. Бошқа техника соҳасига оид бўлган терминларга эътиборимизни қаратсак, масалан Ансамбль – сўзи енгил саноат соҳасига тегишли бўлганда “битта дизайнернинг ғояси асосида яратилган кийимлар тўплами, костюм. Ансамбл бир нечта элементлардан иборат бўлиб, кийим-кечак, поябзал, бош кийимларни ўз ичига олади. Ансамбл қатламлик ва барча қисмларни бир вақтнинг ўзида кийиш мажбурияти билан ажралиб туради” – деган маънони англатади. Ёки Ажурли трикотаж - шаффоф трикотаж мато, бу маълум бир олдиндан белгиланган тартибда, бирма-бир ҳалқа устунларидан ҳалқалар илмоқларни илиб олиб, қўшни ҳалқаларга ўтказиш йўли билан олинади. Натижада, матода тешиклар ҳосил бўлиб, турли хил ажур нақшларини яратади. Бундай терминларни минглаб мисол келтириш мумкин. Аммо ўқув адабиётларини ва ўқув қўлланмаларини таржима қилиш жараёнида талабаларга тушунадиган содда ва соф ўзбек тилида келтириш зарур. Шунингдек, уларнинг маъно ва мазмун жихатдан ўзгариб кетмаслиги инobatга олиниши зарар. Акс ҳолда билим олаётган ёшлар, яъни талабаларни келажакдаги иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир соҳага оид бўлган терминлар луғатларини чоп қилиш зарур. Борларини эса янгилаб туриш, сўзлар билан бойитиш, маъноларини кенгроқ ёритиш керак. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган бир вақтда техника-технологиялар ҳам тобора ривож топмоқда. Техника йўналишига оид мутахассислар хато қилмаслиги шарт. Уларнинг биргина хатоси катта бахтсиз ходисаларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли техника йўналишларига оид адабиётларни таржима қилиш профессор ўқитувчилардан катта маъсулият талаб қилади. Шу билан бир қаторда ўзимизнинг ўзбек тилини мукамал билишлик ҳам шарт ва мажбурдир.

Хулоса қилиб айтганда, биз ўз она тилимизни асраб-авайлашимиз, унинг нуфузини оширишимиз, гўзал ва софлигини авлодларга мерос сифатида қолдиришимиз, дунёга танитишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. “Тил яшаса, миллат яшайди”. Агар биз ўз тилимизнинг кўркамлиги, бойлигини дунёга тараннум этсак, миллатимиз янада чароғон бўлади ва бирлигимиз мустаҳкам бўлади.

Адабиётлар:

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони.
2. <http://tmetall.narod.ru/>
3. <https://textile37.ru/tech>

**“ТАРЖУМОН” ТАРИХИЙ ЛУГАТИДА УЙ АСБОБ-
АНЖОМЛАРИГА ХОС СЎЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛАНИШИ ХУСУСИДА**
*Андижон давлат университети Факультетлараро чет тиллар
(аниқ ва табиий фанлар) кафедраси катта ўқитувчи*
Раъно Ҳакимовна Собирова r.sobirova@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада XIV аср ёзма обидаси ҳисобланган “Таржумон” лугатининг биринчи қисм 14-фаслида уй асбоб-анжомлари, аёлларга хос нарсалар ҳақида мавзуй гуруҳдаги сўзлар изоҳлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: идеографик лугат, “Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва мугалий”, кўп тилли лугат, уядош сўзлар

Идеографик луғатларнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири Голландиянинг Лейден кутубхонасида сақланаётган XIV аср обидаси, муаллифи номаълум бўлган **“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”** (қисқа қилиб “Таржумон” деб ҳам атайдилар) сўзликдир. А.Юнусов “Таржумон”даги фактик материаллар кўплаб олимлар диққатини жалб қилиб келганлигини таъкидлайди[1.4].

Мазкур асар А.Юнусов нашрга тайёрлаган таҳлилий матни асосидаги “Таржумон” - XIV аср ёзма обидаси” китобида *“Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий”*, А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” қўлланмасида *“Таржумони турки ва ажами ва мўғули ва форси”*, Қ.Содиқовнинг “Тарихий лексикография” ўқув қўлланмасида эса *“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”* тарзида номланади. Бундай турлича номлар билан аталишига сабаб эса китобнинг бир қисми мўғулча-форсча ва арабча-мўғулча сўзликдан, бир қисми эса туркий тилга бағишланганлигидадир. Бу эса мавжуд ижтимоий муҳит тақозоси билан таржима луғатларига катта эҳтиёж бўлганлигидан далолат беради. Китоб Мисрда ёки Сурияда яратилган дея тахмин этилади.

“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”нинг битта кўлёмаси маълум бўлиб, Халил бин Муҳаммад бин Юсуф ал-Кўнавий томонидан ҳижрий 643 (мелодий 1245) йили кўчирилган... Китоб туркий ва мўғул тилларига бағишланган бўлимлардан тузилган. Унинг иккинчи бўлими мўғулча-форсча ва арабча-мўғулча сўзликдир. Китобга мўғулча-форсча сўзликнинг киритилганлиги бежиз эмас. Хулагулар даврида Эронда мўғул тилини ўрганишга зарурат туғилган кўринади, шундан келиб чиқиб луғатга мўғулча сўзлик ҳам киритилган. Китобнинг ушбу бўлагини Н.Поппе ўрганиб, луғатини тузган. Туркшунослик учун аҳамиятлиси китобнинг туркий тилга бағишланган бўлагидир[2.26-30].

“Таржумон”, биринчидан, кўп тилли луғат, иккинчидан, туркий тиллар материаллари асосида ёзилган дастлабки идеографик луғатдир. Асар тўрт

қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Исмлар ҳақида” деб номланган. Бунда “исм” сўзи кенг маънода, яъни номлар, отлар деган маънода қўлланган. Биринчи қисм 26 фаслга ажратилган: ҳар бир фаслда маълум тематик гуруҳга кирувчи сўзлар баён қилинган:

- 1) осмон ва унга тегишли нарсалар исми ҳақида;
- 2) ер ва ундаги жойлар ҳақида;
- 3) сув ва сув ичидаги нарсалар;
- 4) дарахтлар, мевалар ва бошқа ўсимликлар ҳақида ва б[3].

Биз учун луғатнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, биринчи қисмнинг 14-фасли “*Уй асбоб-анжомлари, палос, аёлларга хос нарсалар ҳақида*” деб номланади ва ушбу мавзуй гуруҳдаги сўзларга изоҳ берилади.

кевуз - гилам, уни *қалы* ҳам дейилади, [кейингиси] туркманча бўлиб, форс тилидан олинган.

тешак - тўшак

йоғурған - кўрпа; уни *йорған* ҳам дейилади, туркманча.

йастуқ - ёстик

сурук - чарм палос, пўстак (?)

чакмән- чакмон; уни қилим ҳам дейилади [кейингиси], туркманча бўлиб, форс тилидан олинган.

кийиз - кигиз; уни кэчэ деб ҳам юритилади, туркманча.

йэгән - бўйра

куб - хум, **кув**, туркманча

бардақ- кўза

қап - қоп, идиш

сәбургә - супурги

чакрық - чиғириқ, чарх, туркманча.

йиг - йиг, урчук

ағыршақ - урчукқа оғирлик бериш учун унга ўрнатиб қўйиладиган нарса

Бу фаслнинг оиҳона асбоблари ҳақидаги бўлими:

қазған - мис қозон, уни *қазан* деб ҳам юритилади.

чәмләк - сопол қозон

чанақ - чаноқ, сопол товоқ

чәмчә - чўмич

чавлы - човли

қашуқ - қошиқ

жамша - маълумдир. Бу сўз форс тилидаги жамча, яъни кичкина жом сўзидан олинган.

декуч - ҳавонча, буғдой янчадиган [асбоб]

кэли - кели, ўғир, буғдой янчадигаи [асбоб]

элэк - элак

сэнит- хамир ёядиган тахта

оқлағу - ўқлоғи, хамир ёядиган хассага ўхшаш узун таёқ.

сач - маълум (темир това]

сач айағи - уч оёкли темир ўчоқ, бу сўзнинг маъноси «това оёғи» демакдир.

шиш - сих

одын - ўтин

от - ўт, олов

кул - кул

чақмақ - чақмоқтош

қав - қов, пилик

туз - туз

бурч - мурч

Луғатдаги аксарият сўзлар ҳозиргача нутқимизда қўлланади: *тўшак, ёстиқ, човли, қошиқ, кигиз, қоп, кели, элак, ўқлов* каби.

Айрим сўзларнинг синоними сифатида “туркманча” изоҳи билан берилган баъзи сўзлар эса ўзбек тилига ҳам ўзлашганини кузатиш мумкин: гилам маъносидаги *қалы* – айрим ўзбек шеваларида *қоли* ёки *қоли гилам* шаклида ҳозир ҳам қўлланади.

Қозон деб таъриф берилган *қазган* лексема шакли *мантиқасқон* кўшма сўзи таркибида сақланиб қолган.

Луғатда *энлик* - хотин-қизлар юзига суртадиган қизил бўёқ деб таърифланган сўз ҳозирги нутқимизда *уна-элик* шаклида қўлланади. (Ранг олинадиган бу ўсимликни *хина* бўлса керак деб тахмин қилдик.)

Луғатда *абак* - ўйинчоқ, уни *қабарчуқ* ҳам дейилади тарзида таърифланган *қабарчуқ* лексемаси ҳозирги *қўғирчоқ* сўзининг эскирган варианты бўлиши мумкин.

Идеографик луғатларнинг дастлабки намунаси бўлганлиги учун унда айрим камчиликлар ҳам учрайди. Буюмлар қаторида ўша буюмга алоқадор, лекин буюм бўлмаган нарсалар ҳам уядош сўзлар қаторида бериб кетилган: масалан, *ўт (олов), кул, туз, мурч, сақич, сурма, элик* каби.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тили лексик-семантик гуруҳларини тадқиқ қилишда туркий тилшуносларнинг лексик идеографик ўрганиш борасидаги узоқ йиллик анъана ва тажрибалари бебаҳо назарий ва амалий манба бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юнусов А. “Таржумон” - XIV аср ёзма обидаси”. Т., Фан, 1980 й. –Б.4.
2. Содиқов Қ. Тарихий лексикография. Т., 2011 й. - Б.26-30.
3. Гафурова С. У. Идеографик луғатлар тарихий манъа сифатида // НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ №7, 2019.

**ОТМ ИХТИСОСЛИГИ ЧЕТ ТИЛИ БЎЛМАГАН
ФАКУЛЬТЕТЛАРДА НУТҚИЙ ЖАНРЛАР ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ
ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАҲОЛАШ
МЕЗОНЛАРИНИ ЯРАТИШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

*Хасанова Ф.М.
PhD, Андижон
давлат университети
катта ўқитувчиси
Андижон, Ўзбекистон*

Аннотация. Ушбу мақолада ОТМ ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетларда жанрий ёндошув асосида тил ўргатиш хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: жанрий ёндошув, тил ўргатиш, жанр, композиция, услуб.

Таълим соҳасига жанрий ёндашув, асосан, XX асрнинг 90-йилларидан кириб келди. Инглиз тадқиқотчилари Ж.Суэльс, Ж.Мартин, Р.Хасан кабилар жанрнинг ўзига хос схематик структураси мавжудлиги, яъни бошланиш, ўрта, якуний қисмлардан ташкил топган типик структурага эгаллигини ўз тадқиқотларида исботлаб бериш билан бирга жанрнинг қуйидагича турларини қайд этдилар: recipe, joke, anecdote, advertisement, note, chat, seminar, toast, biography, consultation, sign, essay, recounts, reports, prayers, sermons, conversations, songs, poems, letters, novels ... кабилар [2, 13]. Ҳозирги кунда фан ва таълимда жанрлар орқали тил ўргатиш жанрий ёндошув деб номланмоқда.

Олий таълим муассасалари ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлар талабаларининг кундалик ҳаётлари, илмий ва касбий фаолиятларида дуч келадиган ҳисобот, тушунтириш хати, кафолат хати, тавсифнома, тавсиянома, ариза, автобиография, шахсий варақа, розилик хати, йўлланма хат, шартнома каби касбий, аннотация, рецензия, тезис, мақола (илмий, газета, энциклопедик, конференция), реферат, битирув малакавий иш, монография, автореферат, конспект, резюме каби илмий-академик, тилак билдириш, омад ёки зафар тилаш каби маиший нутқий бутунликлар ҳам бевосита нутқий жанр намуналари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда яратилаётган ўқув дастурлар, ўқув услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар, ўқув дарсликлари

мазмунига юқорида тилга олинган нутқий жанр намуналарини *тематик ва тизимли* тарзда сингдириш зарурияти мавжуд. Ушбу мақсадга эришишда нутқий жанрларнинг услубий хосланиши, лексик-семантик, грамматик, синтактик тузилиши, шаклий ва мазмуний структураси, социолингвистик ва прагматик, дискурсив хусусиятларини ёритишга бағишланган машқлар тизими, назорат саволлари, тестларни ишлаб чиқиш зарур.

Бизнингча, нутқий жанрларнинг мазмуний ва шаклий тузилишига ишора қилувчи машқлар тизимини шакллантиришда асосий эътиборни муайян нутқий жанрнинг нутқий бутунлик эканлигини кўрсатувчи асосий белгилари, яъни нутқий мақсад, услуб, композицияси каби, нутқий жанрни шаклий жиҳатдан нутқий бутунлик сифатидаги кириш, асосий, якуний қисмларини аниқлаш, нутқий бутунликка тегишли қисмларни бошқаларидан фарқлаш усуллари, қисмларнинг лексик-грамматик, синтактик, социолингвистик, прагматик, дискурсив хусусиятларини аниқлаш каби масалаларга қаратиш лозим. Бунда, аввало, талабаларга муайян нутқий жанр ҳақида умумий маълумот, нутқий жанр мақсади, композицион тузилиши, услубий хосланиши, икки тилдаги услубий шакллари, социолингвистик ва дискурсив хусусиятлари ҳақида тушунча берилиши керак. Керакли илмий маълумотлар билан танишган талабаларнинг ушбу жанрга тегишли интерактив машқлар устида ишлашлари мавзунини ўзлаштиришга ёрдам беради. Бунда матнда қайси жанр ҳақида гап бормоқда?, муайян шахс ёки ташкилот номидан бошқа шахс ёки ташкилотга йўналтирилган хат турини аниқланг, қуйидаги матннинг жанрини топинг, қуйидаги жумла ёки гап қайси жанрга тегишли? - қабалидаги машқлар тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тил ўргатишда жанрлар ҳақида гап борганда шуни таъкидлаш керакки, жанрлар шаклий ва мазмуний тузилишига кўра фарқланади. Тил ўргатиш соҳасида махсус тадқиқотлар олиб борган инглиз тадқиқотчиси Бхатия академик матнларни ўрганишда бизнес соҳасидаги номаларга мурожаат қилар экан, бизнес соҳасидаги номаларни икки турини фарқлайди, яъни 1) Sales

Promotion letter; 2) job application letter. Бхатиянинг фикрича, ушбу икки турдаги жанрлар гарчи ҳар иккаласи ҳам 7 босқичли композицион кетма кетлик асосида тузилган бўлишига қарамай, ушбу номалар мазмуний кетма-кетлиги бир хил эмас [3, 91].

Ёзиш ва коммуникатив компетенция масаласига бағишланган ишларда қайд этилишича, турли ижтимоий жамият аъзолари томонидан ёзилган айнан бир нутқий жанр семантик, синтактик, грамматик, социолингвистик жиҳатдан фарқ қилиниши ҳам мумкин [1, 150]. Бундай фарқлар тавсиянома (recommendation letter) нутқий жанри мисолида унда ишлатилган сўзлар, сифат ва феълли бирикмалар, оддий, кўшма, мураккаб гаплар, аниқ ва мажхул нисбат, замон каби кўрсаткичлар танловида кўриниши кузатилган. Демак, бу ўринда нутқий жанрларнинг шаклий, мазмуний тузилиши ва ижтимоий (социал) лингвистик хусусиятларини ҳам алоҳида ўрганиш кераклигини таъкидлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетларда касбий, академик ва маиший нутқий жанрларнинг лингвистик, социолингвистик, прагмалингвистик хусусиятларига бағишланган машқлар тизимини яратиш ҳамда нутқий жанрлар структурасига оид тестлар тузиш, оралик ва якуний назорат турлари мазмунига сингдириш бўлғуси мутахассисларда касбий ва академик билимларини кенгайтиради ва тўлдиради. Бу мақсадга эришиш учун эса келажакда тил ўргатиш бўйича тадқиқотчи – методист, ўқитувчилар олдида нутқий жанрлар юзасидан умумий маълумотларни жамлаш, назорат топшириқларини шакллантириш ва баҳолаш мезонларини яратиш вазифасини кўяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

4. David L. Chiesa, Ulugbek Azizov, Svetlana Khan, Klara Nazmutdinova, Komila Tangirova. (2019) *‘Reconceptualizing language teaching: an in-service teacher education course in Uzbekistan’*. Tashkent, Uzbekistan: Baktria Press.

5. Paltridge, B. (2001). *‘Genre and the Language Learning Classroom’*. Michigan, USA: Michigan University Press
6. Tony Dudley-Evans, Maggie Jo St John. (1998). *‘Developments in English for Specific Purposes’*. Cambridge, UK: Cambridge University Press

ФОРМИРОВАНИЕ ЛЕКСИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ У УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК

*Аббасова Н.К.,
старший преподаватель кафедры английского языка,
ФерГу*

Цель обучения иностранным языкам не различается лишь к формированию языковых навыков и речевых умений. Компетентный подход расширяет практическую составляющую цель обучения: в ходе обучения английского языка на материале пословиц и поговорок, учащиеся развивают свою коммуникативную компетенцию посредством которой вышедший формирование остальных ключевых и (на профильном этапе обучения) самых наипростейших основ профессиональных компетенций с целью решения задач общественной деятельности в её различных областях.

Значительно важными компонентами коммуникативной компетенции являются:

«лингвистический (знание грамматики и лексики), дискурсивный (изучение языка, используемого членами некоторого языкового сообщества. В ходе такого анализа рассматривается как форма языка, так и его функция.),

прагматический (совокупность условий, сопровождающих употребление языкового знака), стратегический (недетализированный план, охватывающий длительный период времени, способ достижения сложной цели) и социокультурный (методологический подход на базе системного подхода)»

Лексическая компетенция – составная часть коммуникативной, становление которой протекает как градуированный процесс, в нем условно можно выделить несколько уровней. Под уровнем сформированности лексической компетенции нами понимается способность учащихся решать задачи, связанные с усвоением иноязычного слова при практическом пользовании им в речи на основе приобретенных знаний и соответствующих навыков.

В структуру лексической компетенции входят: когнитивный компонент, операционно-деятельностный, действенно-практический, социокультурный и рефлексивный компоненты (рисунок 2.1).




Рис. 2.1. Структура содержания формирования лексической компетенции по английскому языку у учащихся общеобразовательных школ

Когнитивный компонент предложен лексическими знаниями. Под лексическими знаниями рассматривается знание четкие лексические единицы,

знание значения определённого лексикосемантического варианта, знание формы слова (фонетический, графический, грамматический, морфологический, словообразовательный, лексический, семантический, синтаксический ряд языка).

Операционно-деятельностный компонент, который в принципе в готовности описать коммуникативное содержание в ситуации общения. Он включает умения и навыки выразить высказывания в соответствии с лексическими нормами изучаемого языка.

Действенно-практический или процессуальный компонент предполагает стратегию овладения словом, которая включает определенные действия над словом. Это лингводидактические стратегии. Лингводидактические стратегии отражают модель вторичной языковой личности, модель усвоения системы неродного языка и культуры.

Данные стратегии – семантические, лингвосистематизирующие, когнитивно-концептные (лингвокультуроведческие) обеспечивают постоянный поиск значений в широком социальнокультурном контексте, подбор и накопление языковых средств, расширение языковой базы, обобщение изучаемого языка в упорядоченную личностно значимую систему, постоянное ее пополнение и обновление с использованием своего языкового и речевого опыта, в том числе и на родном языке, овладение соответствующей системой понятий, концептов, проникновение в культуру носителя языка, осмысление национально-культурной специфики на уровне межкультурного общения.

Социокультурный компонент лексической компетенции предполагает знание культурного разнообразия лексики, владение лексическими образцами официального и неофициального стиля.

Рефлексивный компонент предполагает конкретно-практические стратегии, которые в условиях самостоятельного изучения языка содержит овладение языковыми средствами, самостоятельную тренировку и речевую практику,

содержание в различных ситуациях речевого общения и использование изучаемого языка как средства выполнения различных функциональных задач. Рефлексивный компонент связан с самоконтролем, под которым мы подразумеваем качество личности, связанное с проявлением ее активности и самостоятельности.

В рамках нашего исследования было определено, что пословицы и поговорки являются предметом исследования особой науки – паремиологии, которая исследует наряду с ними практически все устойчивые выражения в языке – фразеологизмы, веллеризмы, слоганы, афоризмы, максимы, загадки, приметы и т.п. Главным отличием пословиц и поговорок здесь является отсутствие авторства. Это означает, что их происхождение не возводимо к какому-либо литературному авторскому тексту или высказыванию. В остальном же пословицы и поговорки подобны остальным паремиям, или паремиологическим клише.

Сам факт существования подобных инвариантных значений, общих для множества паремий, позволяет нам высказать следующее предположение. Пословицы и поговорки как жанры устного народного творчества является средством концептуализации действительности, т.е. в определенном смысле она по своему назначению сближается с лексемой и способствует выполнению таких функций языка, как когнитивная, императивная, эстетическая. В наименьшей степени пословицы и поговорки способствуют реализации коммуникативной функции языка.

На наш взгляд, данная проблематика находится в поле зрения лингвокультурологии.

Использованная литература:

1. Азизова Ф.С. Лингвокультурологические особенности обучения английским фразеологизмам студентов высших учебных заведений (на примере английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... доктора философии (PhD) по педагогическим наукам. – Ташкент, 2018. – 56 с.

2.Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.

3.Боровых Е.А. Антонимическая парадигма в русских и английских поговорках: структурно-семантический и культурологический аспекты: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 23 с.

4.Голубцова Н.В. и др. Изучение пословиц и поговорок на уроках РКИ / Голубцова Н.В., Глушкова О.В., Матвеева О.Н. // Апробация. – Махачкала, 2016. - №11 (50). – С. 31-33.

INTERACTIVE APPROACH TO TEACHING ENGLISH TO SECONDARY SCHOOL STUDENTS

Abbasova N.K.
FSU, senior teacher of the of English language department.

Annotation. This article examines the technology of learning in collaboration in the study of a foreign language. Disclosure of special organizational and pedagogical conditions for active interaction in order to exchange knowledge and experience.

Keywords: interactive, subject, consciously, social, skill, collaboration.

Collaborative learning is one of the learning technologies. According to our observations, one of the most important features of learning technologies is a rational attitude, which requires their separation from those methods that are designed for unconscious, reflex assimilation of the material being studied. The latter include, for example, behavioral-based methods such as the audio-visual method of teaching foreign languages, the method of programmed learning, and so on. This follows from the fact that almost all methods included in the number of learning technologies are inherently interactive, i.e. to some extent require students to make independent

intellectual efforts, generate ideas, search, analyze, and often create information independently of the teacher.

In other words, learning technologies affect the conscious, i.e., the sphere of the human psyche, which includes only what the subject is aware of at any given time. Note that the conscious stands out along with the unconscious: "The conscious and the unconscious are two components of the human psyche. They participate together, and sometimes simultaneously, in the regulation of almost any behavioral act. Their ratio is dynamic. The conscious and the unconscious are different levels of mental regulation of human activity, and its control from time to time can move from one level to another, i.e., become either conscious or unconscious. The conscious is a higher level of regulation than the unconscious. The conscious is included in the process of regulating activity when a person faces new tasks or serious difficulties" [Nemov, 2007, p. 402].

"The essence of the technology of cooperation is that the educational process creates special organizational and pedagogical conditions for active interaction in order to exchange knowledge and experience. The following forms, methods and techniques are widely used in school practice within the framework of collaboration technology: brainstorming, team training, working in pairs, groups and in pairs of shift staff. The main link in the technology of cooperation is the educational and communication situation, in which students are involved. The content of such a situation is both substantive and socially significant" [Akhmedova, 2016, p. 68]. The social significance of cooperation technology lies in the fact that subject-subject relations cover not only the interaction of teacher and student, but also the interaction of students with each other. It should be noted that the interaction between the teacher and each of the students remains pedagogical, and the interaction between students in the course of applying the technology of learning in cooperation is social. The number of students (two or more), as well as the specific filling of social "roles" depends on the chosen technology. In our opinion, an important consequence of social interaction of students is that it results in leveling the individual subjectivity

of each of the students, its "dissolution" in the so-called collective subjectivity: "When learning in collaboration, favorable conditions are created for interaction and cooperation in the "student – teacher – group" system and the collective subject of educational activity is updated" [Azimov, 2009, p. 169]. The main reason for this is that when completing a task, students are responsible not only for the results of their work, but also for the work of the group as a whole.

In our opinion, a comprehensive description of the principles of learning technology in cooperation is given by L. T. Akhmedova: "the Main principles of learning technology in cooperation are: 1) one task for the entire group; 2) one promotion per group; "rewards" the group receives one for all in the form of a point rating (mark), some kind of promotion, certificate, praise or other types of assessment of joint activities; 3) distribution of roles for each student; 4) individual (personal) responsibility of each student, which means that the success of the entire group depends on the contribution of each participant, which provides for the help of team members to each other; 5) equal opportunities for each student to achieve success, i.e. each participant brings points to his group, which he earns by improving his own previous results. The comparison is thus made not with the results of other students in this or other groups, but with their own previously achieved results. This gives equal opportunities to advanced, middle and lagging students to get points for their team" [Akhmedova, 2016, p. 67-68]. Based on this, we can conclude that the technology of learning in cooperation to a large extent not only ensures the effective development of knowledge, skills and abilities in a foreign language, but also contributes to the maximum degree of socialization of the individual.

From our point of view, the inclusion of a game element in the structure of a particular method of learning technology is methodically justified, and probably allows us to talk about the existence of some, relatively speaking, synthetic methods that combine the features of cooperative learning technology and game learning technologies.

As we can see, the technology of learning in collaboration includes a whole paradigm of methods aimed at developing students' skills to independently search for information and generate ideas, the ability to build a constructive dialogue with other members of the team and at the same time actively promote their own opinions. In our opinion, all these properties and functions of the considered methods and techniques of collaborative learning technology can consistently correlate with the problems of forming lexical competence based on English Proverbs. So, M. G. Golubeva in her article devoted to the study of the use of Proverbs in English lessons as a basis for creating a model of personal compromise among students of non-linguistic specialties comes to an interesting conclusion: "it is obvious that the use of Proverbs in the process of teaching English brings emotional satisfaction and changes the emotional balance in General in favor of positive feelings and experiences significantly improves the psychological climate in the team, reduces the level of aggressiveness and conflict among team members and serves as the basis for creating a new model of personal compromise" [Golubeva, 2016, p. 18]. It follows from this that the goals of learning English Proverbs and the goals of using methods of learning technology in cooperation are largely the same. Both in the process of learning Proverbs of a foreign language and in the process of applying the methods discussed above, students purposefully form some of the so-called super-competencies, namely social competence and moral competence.

References:

1. Azimov E. G., Shchukin A. N. New dictionary of methodological terms and concepts (theory and practice of language teaching). – Moscow: IKAR, 2009. - 448p
2. Akhmedova L. T., Lagay E. A. Modern technologies of teaching Russian language and literature. - T.: Fan va texnologiya, 2016. – 296 p.
3. Golubeva M. G., Burmistrova L. V. Proverb in the English language lesson as a basis for creating a model of personal compromise among students of non-linguistic specialties // Interactive science. – 2016. no. 5. – P. 18-23.
4. Nemov R. S. Psychological dictionary . – M.: VLADOS, 2007. — 560 p.

ТИЛ ЎРГАНИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

*Юсунова Ранохон,
Андижон машинасозлик институти Хотин-қизлар масалалари
бўйича маслаҳат кенгаши раиси.
Тухтасинова Гулсара Абдураимдўжон қизи,
Андижон Машинасозлик институти талабаси.*

Замон шиддат билан ривожланаётган бир вақтда ёшлар чет тилларини ўрганиш орқали ўзлари учун қанчалик улкан имкониятлар эшиги очилаётганлигини чуқур англаб етишмоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг билим олиш ва тил ўрганиш соҳасига жуда катта эътибор қаратилди. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2012-йил 10-декабрьдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарори тасдиқлангандан сўнг бу соҳани ривожлантириш мақсадида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ушбу қарорнинг ижроси сифатида юртимизда чет тилларни ўрганишда замонавий, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган таълим тизими жорий этилди. Бундан ташқари чет тилларини ўқитиш учун янги ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилди ва мактаб, лицей, касб-хунар коллежларининг тил ўрганиш учун мўлжалланган жихозлар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил 18-октябрьда “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони чет тилларни ўқитиш тизимини янада ривожлантиришга туртки бўлди.

Юртбошимизнинг ушбу фармонга асосан барча Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини боқичма-босқич кредит-модул, яъни барча ривожланган давлатларда жорий этилган самарали тизимга ўтказиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга мамлакатимиз ривожига муносиб хисса қўша оладиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини эгаллай оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлашга эришиш, Олий таълим таълим профессор-ўқитувчилари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишини таъминлаш зарурлиги ҳам таъкидланган. Бу эса ўз ўзидан чет тилларига бўлган эҳтиёжни янада оширади.

Бугунги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. У аллақачон ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурган. Интернет маълумотлар макони хисобланиб, ҳар бир соҳада ўрни бекиёс. Чет тилларини ўрганишда ҳам интернетдан унумли фойдаланилса жуда катта ютуқларга эришиш мумкин. Интернет орқали тил ўрганишга келсак, булар чет эллик дўстлар орттириш ва улар билан мулоқот қилиш тил ўрганишни тезлаштиради. Бунда инсон ўз фикрлари, хис-туйғуларини тасвирлаш орқали бэихтиёр ушбу тилни ўрганади. Бу усулда ўқувчи ва ўқитувчи суҳбатига нисбатан дўстлар суҳбати онгимизга осонроқ қабул қилинади. Яна бир жуда кенг тарқалган усулларида бири бу онлайн курслар ёрдамида чет тилини ўрганиш. Бу усул талабага қаерда қай ҳолатда (вақтинча имконияти чекланган) бўлишидан қатъий назар тил ўрганишда давом этишига имкон яратади. Бу усулда талабадан фақат дарсларга масъулият билан ёндошиб, топшириқларни ўз вақтида муддатидан кечиктирмасдан бажариш талаб қилинади.

Ўқув юртлиридаги чет тили ўқитилишига келсак, дарслар презентациялар, фотолавҳалар ва видеолардан фойдаланган ҳолда ўтилганда талабалар ўз онгида визуал равишда маълумотни сақлаб қолишади ва ўтилган мавзунини ўзлаштириши осонлашади.

Талабаларда тил ўрганиш давомида зеркиш пайдо бўлмаслиги учун турли хил ўйинлар, беллашувлар орқали дарслар ўтилиши мумкин. Мисол учун ўқувчилар ёки талабалар орасида бирор ҳаётий долзарб, шу билан бирга улар билан узвий боғлиқ бўлган мавзунини чет тилида муҳокама қилиш. Берилган мавзунинг яхши ва ёмон томонларини кўриб чиқиш. Бу усул орқали талаба

хам тил ўрганади, ҳам ушбу мавзу бўйича тушунча, билимларга эга бўлади ва дунёқараши кенгаяди

Тил тадқиқида замонавий йўналишларга дунё миқёсида назар солсак. Ирландиялик ўн икки тилда сўзлаша олувчи тилшунос Бенни Люиснинг услуги мени эътиборимни тортди. У француз тилини ўрганиш мақсадида ўнлаб грамматика китобларини ўқиган, кўплаб тил курсларига борган, лекин барчаси бесамар кетган. Шунда у тинглаш ва такрорлаш усулини қўллаган ва бир йилдан сўнг француз тилида бемалол гапира бошлаган. Бу усулни шундай тушунтириш мумкин: бола 2 – 2,5 ёшга етгунга қадар гапира олмайди, у фақат атроқдан эшитган сўзларни йиғиб боради. Сўнг эшитган сўзларини такрорлаш орқали ўз она тилини ўзлаштиради. Холбуки болага грамматика дарслари ўтилмайди. Худди шу йўл орқали тил билим малакаларини оширади ва ўрганаётган тилида гапира бошлайди. Бу усулни ҳар қандай тил ўрганишда қўллаш мумкин. Замонавий психологларнинг тил ўрганишдаги изланишларига эътибор қаратсак, улардаги тавсияларга риоя қилиш орқали тил ўрганиш янада осонлашади. Бугунги кунда тил ўрганишдаги асосий муаммолар булар: ўқувчининг даврсалрга қизиқмаслиги, дарсни тушунмаслиги ёки дангасалигидир. Психологик томондан қараганда ҳар бир ўқувчи ёки талаба “Тил ўрганишдан мақсадим нима?” деган саволга жавоб бера олиши керак. Бунда ўқувчи ёки талабага ўқитувчи томонидан тил ўрганса қандай ютуқ ва имкониятларга эришиши, бутун ҳаёти яхши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида тушунчалар бериб ўтиш шарт.

Агар талаба тил ўрганиш орқали қандай юксак марраларга эришишини англаб етса, тил ўрганиш у учун севимли ёки қизиқарли машғулотга айланади. Ўқитувчининг вазифаси эса талабада шу қизиқишни уйғота билишдир. Психологларнинг таъкидлашича инсон онги ўзи қизиққан соҳа ёки машғулот ҳақидаги маълумотларни жуда тез ва тўлиқ қабул қилишга қодир экан. Буни шундай талқин қилишимиз мумкинки, инсон тил ўрганишни қўнгилочар ва

қизиқарли деб қабул қилса, бу жараён ҳақиқатдан ҳам осон ва самарали кечади.

Чет тилини ўрганишнинг яна бир мувоффақиятли услубини америкалик машҳур олим, “Тўрт соатлик иш ҳафтаси” китобининг муаллифи Тим Феррис тушунтирган. Перато назарияси бўйича биз ҳаётимизда керакли ишларга фақат вақтимизнинг 20 фоизини ишлатамиз, лекин эришадиган натижаларимизнинг 80 фоизини айнан шу 20 фоиз меҳнат беради. Тим Феррис еттита чет тилида гапира олади. У тил ўрганишнинг сирини қуйидагича изохлайди: “Хохлаган бир чет тилини 90 фоизини тушуниш учун 3 ой етарли, лекин 95 фоиз тушуниш учун 3 йил керак”. Демак, тилни мукаммал ўрганиш узоқ меҳнат талаб қилади. Перато назариясидан келиб чиқиб, авалло 80фоиз натижа берадиган 20 фоизга эътибор қаратиш керак. Буни энди содда тилада тушунтираман. Луғат ўрганганда тилда айнан энг кўп сўзларнигина ўрганиш керак. Статистика маълумотларига кўра инглиз тилада энг кўп ишлатиладиган 200 та сўз инглиз тилидаги ёзишмаларнинг тенг ярмини ташкил қиларкан. Шунинг учун ҳам луғат ёдлаганда тилда энг кўп ишлатиладиган сўзларни ёд лишнинг ўзи етади. Кейин, унга фақатгина ўзингизга керакли соҳадаги сўзларни кўшиб ўрганиш кифоя.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, янги тилни органиш мажбурият эмас, балки ёқтирган иш, машғулот сифатида қаралса, уни ўрганиш осон кечади. osonlashadi. Ҳамда ҳар қандай мақсадга эришиш йўлида шахсий интизом, масъулиятлилик, сабрлилик асосий талаб этиладиган омиллардир. Тил ўрганувчиларга яна бир маслаҳатим шуки, турк тилшуноси Куршаат Жесурнинг “Opening Many Locks with a Master Key: Six EFL Games Played with a Set of Cards” номли мақоласини ўқиб чивишларини тавсия қиламан. Бу мақолада Куршаат Жесур тил ўрганишни турли хил ўйинлар орқали тасвирлаб, уларнинг бир нечтасига таъриф берган.

Фойдаланилган адабиёт ва манбаалар:

1. <https://proespanol.ru> 12 правил Бенни Льюиса для изучения языков в рекордные сроки.

2. <https://www.uzedu.uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрь кунги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-1875 қарори.

3. <https://kashfiyot.blogspot.com> Чет тилини тез ўрганиш сирлари.

МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

*Халикова Мухтарам Юрсуновна,
Старший преподаватель кафедры Узбекского языка и литературы
Андижанского машиностроительного института*

Современный русский литературный язык является одним из межнациональных языков употребления. Роль русского языка в современных условиях становится всё более значимой в связи с постоянными изменениями, происходящими в стране и мире. История языка объективно указывает, что такая великая, уникальная и самобытная страна, как Россия, была, есть и всегда будет оставаться могущественной державой, несмотря на неоднократные внешние вызовы. Русский язык издревле являлся и остается языком межнационального общения, посредством которого преодолевается языковой барьер между представителями разных этносов внутри одного многонационального государства, а взаимопроникновение национальных культур только способствует его укреплению и обогащению. На школе фактической распространённости языков он занимает значимое место среди

других языков мира. Это язык передовой науки и техники. На русском языке написаны важнейшие договоры и соглашения.

Русский язык входит в число наиболее распространенных языков мира. На земном шаре, на нём говорят около 500 миллионов человека. По степени распространенности русский язык занимает пятое место в мире, уступая лишь китайскому (на нем говорят свыше 1 миллиарда человек), английскому (750 миллионов), хинди (320 миллионов) и испанскому (300 миллионов).

При этом русский язык используют не только те люди, для которых это их родной язык. В 68-й статье Конституции Российской Федерации, русский язык является государственным языком России. Русский язык используется в высших органах государственной власти и управления России, а также в программах телевидения и радио, предназначенных для всей территории страны.

Многие из республик, которые входят в состав Российской Федерации, имеют и собственные государственные языки. Однако, официальные письма и документы, чтобы они были понятны адресатам, должны быть написаны на государственном языке всей России, т.е. на русском языке.

В настоящее время условиях глобализации уже несколько десятилетий в качестве универсального языка общения в мире выступает английский. Это литература и документация, научные форумы, политические и экономические переговоры различных форматов... И конечно, культовое достижение современности Internet с его изначальной англоязычной лексикой.

Но история демонстрирует возможность достаточно динамичного изменения лидерства того или иного языка как средства международного общения: в древнем мире – греческий, затем латынь в Европе и арабский в Азии, которые не сдавали свои лидирующие позиции до конца позднего средневековья, в XIX в. – французский, в XX в. – английский. Однако времена меняются. Еще 20-25 лет назад невозможно было представить, что на русском языке будут составляться путеводители, развешиваться рекламные щиты и

вывески в магазинах. Так происходит в большинстве стран Евросоюза, Турции и Египта, в туристических зонах целого ряда азиатских стран.

Лидирующая роль России на международной арене в условиях новой конфигурации сил и многополярности мира обязательно будет сопровождаться ростом значения русского языка в мире.

Известно, что великий русский мыслитель Н.Я.Данилевский считал, что классификационную основу для каждого культурно-исторического типа народа составляет именно язык. Т. е. в основу своей теории он положил не географическое единство, не единство по крови, а культурное, языковое единство, определяющее культуру мысли нации.

Вместе с тем культура не может функционировать без языка как семиотической (знаковой) системы, кроме того, язык – важнейший коммуникатор. От правильного и грамотного использования языка при коммуникации, от культуры речи и ее контекста во многом зависит понимание сказанного, но также и смысл, содержание и окрас самой коммуникации, а, следовательно, и отношений между коммуникаторами, которые зачастую представляют разные национальности. Иными словами, язык – средство коммуникации и формирования межнациональных отношений и культуры, а незнание языка или неумение им воспользоваться отрицательно сказывается на формировании межнациональных (и не только!) отношений.

Особо следует напомнить о той огромной роли, которую в деле единения и взаимообогащения народов России издавна выполняла классическая русская литература, неразделимая с тем «великим и могучим, правдивым и свободным» русским языком, на котором созданы произведения А.С.Пушкина, М.Ю.Лермонтова, Н.В.Гоголя, И.С.Тургенева, И.Н.Гончарова, Н.А.Некрасова, М.А.Шолохова, С.А.Есенина, В.В.Маяковского, М.А.Булгакова и многих других писателей и поэтов.

Русский язык широко используется и за пределами России. Он представляет собой достаточно удобное средство для межнационального общения и

сотрудничества народов бывшего Советского Союза, например молдаван и украинцев, грузин и армян, узбеков и таджиков.

ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА:

- 1.Таштемирова З.С. Практический курс русского языка. Т., 2004.
- 2.Кариева Ш.М. Учебное пособие по русскому языку. Т., 2007.
- 3.Янко Т. Е. Коммуникативные стратегии русской речи. М., 2001.
- 4.Алефиренко Н.Ф. Теория языка: Вводный курс: учебное пособие. М.: Академия, 2012.

СОВРЕМЕННЫЕ ЦЕЛИ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

*Абдуллаева Н. С.,
старший преподаватель Андижанского
института сельского хозяйства и агротехнологий
Н. ИКРАМОВА, студентка 2 курса УзГУМЯ*

Аннотация. В статье на примере английского языка определены современные цели и задачи обучения иностранным языкам в высших учебных заведениях в системе непрерывного образования Республики Узбекистан. Коммуникативная компетентность рассматривается как основополагающее умение подготовки будущего специалиста при обучении английскому языку.

Ключевые слова: компетентность, преподавание, формирование личности, социокультурная компетенция.

Согласно образовательному стандарту основного общего образования по иностранному языку, обучение английскому языку имеет следующие основные цели:

– развитие иноязычной коммуникативной компетенции, которая подразумевает развитие речевой, языковой, социокультурной, компенсаторной, учебно-познавательной компетенций;

– развитие и воспитание способности и готовности к самостоятельному и непрерывному изучению английского языка.

С позиции компетентностного подхода **цель** преподавания иностранных языков в ВУЗах заключается в формировании всесторонне развитой личности студента, его теоретического мышления, языковой интуиции и способностей, овладения культурой речевого общения и поведения, позволяющей ему быть равным партнером межкультурного общения на иностранном языке в бытовой, культурной и учебно-профессиональной сферах. При данном подходе происходит также развитие творческих способностей, толерантности и общей культуры личности.

В широком смысле целью обучения иностранным языкам в вузе является:

– воспитание осознанного отношения к выбранной профессии и потребности в практическом использовании иностранного языка в будущей профессиональной деятельности;

– расширение общекультурного кругозора студентов, их эрудиции в различных областях знания, в том числе и профессионально значимых;

– развитие у студентов произвольного внимания, памяти, интересов в профессиональной области, а также языковых способностей и речевой культуры;

– подготовка студентов к участию в межкультурном и профессиональном общении в устной и письменной формах с учетом их интересов и профессиональных устремлений.

В процессе преподавания иностранных языков, помимо прочного овладения студентами теоретическими основами иностранного языка, должно обеспечиваться умение применять его на практике.

Основной целью обучения иностранному языку становится развитие личности, формировании интеллектуальных умений, умений самостоятельной познавательной деятельности, мышления, воображения, создание условий для адаптации к употреблению иностранной лексики в речи.

Если главной целью обучения иностранному языку в прошлые годы была языковая компетентность — владение четырьмя видами деятельности (речь, понимание речи, чтение и письмо) и способность их применять, то сейчас **целью** языкового образования объявлена **способность к общению**. Подразумевается не только владение этими навыками и их практическое применение, но и знакомство со страноведческими и культурными реалиями и знание речевого этикета, умение не просто получать интересующую нас информацию, но и логически ее осмысливать и давать личностную оценку. Важно не просто научить ребенка говорить на иностранном языке, важно научить его общаться, то есть мыслить и делиться своими мыслями с окружающими. Ученые называют это состояние **«коммуникативная компетенция»**. Социально-экономический контекст XXI века вносит значительные коррективы в концепцию коммуникативной компетенции. В настоящее время идет осознание тесного единства коммуникативного и когнитивного начал в преподавании иностранного языка в условиях все более индивидуализированного процесса обучения. С другой стороны, в качестве цели обучения иностранному языку выдвигается не только коммуникативная, но и полноценная межкультурная компетенция, несомненно включающая в себя и коммуникативную.

Цель обучения иностранному языку – это **коммуникативная** деятельность обучающихся, т.е. практическое владение иностранным языком. Знание английского языка в современном мире является своеобразным окном в мир. Владея этим языком международного общения, можно достичь поставленных целей с помощью новых возможностей:

- дальнейшее самообразование с помощью английского языка в других областях знаний;
- развитие способности к самооценке через наблюдение за собственной речью на родном и английском языках;
- личностное самоопределение учащихся в отношении их будущей профессии;
- формирование гражданина и патриота.

жумлани талаффуз қиладилар. Аслида, ушбу ёндашув инглиз тилини тез ўрганиш учун ягона тўғри йўлдир. Болалар ана шу тарзда ўз она тилларини ўрганадилар. Улар ҳеч қандай грамматик қоидаларни билишмайди ва хато ва хатолар орқали нарсаларни тўғри бажаришни ўрганишади. Тўғри нутқ назариясининг ўзи улар томонидан кейинроқ ўрганила бошлайди. Янги тилни ўрганишда энг муҳим нарса грамматик қоидалар назарияси эмас, балки шахслараро мулоқот амалиётидир. Талаба ҳар доим она тили билан гаплашишни ўрганишга интилади, қоидалар ва ҳужжатларни тўлдирмайди. Ҳар бир ўқитувчи бу ҳақда билиши ва ҳар қандай йўл билан ўз шогирдига ёрдам беришга интилиши керак. Тинглаш — талаба учун инглиз тилидаги нутқни кулоқ билан тушуниш жуда қийин, айниқса, агар у сўзлашув тилида бўлса талаба янада матнни тушунмай қийналади. Шунини таъкидлаш керакки, бу ҳолат ваҳима учун умуман сабаб эмас. Кўпинча, ҳатто она тилида сўзлашувчилар ҳам ҳар доим ҳам суҳбатдошини тўлиқ англай олмайдилар. Тинглаш муаммоси инглиз тилидаги субтитр билан турли хил фильмларни тинглаш ватомоша қилишнинг ажойиб амалиёти билан ҳал қилинади. Ушбу ёндашув инсон миясида оғзаки сўзни тезкор таржимаси билан ўзаро боғлашга имкон беради, бу унингёдлашини ўн баравар яхшилади ва сўз бойлигини сезиларли даражада кенгайтиради .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Ю. Гибатова. Чет тилини ўрганишда тил қийинчиликлари. «Очиқ дарс» педагогик ғоялар фестивали. — 2014.
2. А.С. Саидқосимова. Инглиз тилини ўрганишдаги асосий муаммолар. Молодой ученый. — 2021.
3. А. Генрих. Using a distance-learning components in EFL course. English Teaching Forum-2019

INGLIZ TILINI KASBGA YO'NALTIRIB O'QITISH-YANGI DAVR TALABI

Mirzayeva N.S., Andijon iqtisodiyot-qurilish instituti, katta o'qituvchi
A'zamova R.M., Andijon iqtisodiyot-qurilish instituti,
1-kurs Buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishi talabasi

Annotasiya: Maqolada ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari va texnologiyalari keng qo'llanilayotgan hozirgi kunda o'qitish jarayonining yuqori samaradorlikka erishishiga, ta'lim jarayonining metodlarini tanlashda, ingliz tilini o'qitishda kasbga yo'naltirilgan holda tashkil etishning takomillashtirish uchun tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: bilish layoqati, sohaga oid atamalar, metodik masalalar, integrasiya, ta'lim jarayoni, monografik tadqiqotlar, o'qitish samaradorligini oshirish.

Hozirgi kunda oliy ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'qitish samaradorligini oshirishga katta ahamiyat qaratilmoqda. Davr talabi bugungi kun mutaxassislaridan o'z kasbiga qo'shimcha ravishda biron-bir xorijiy tilni bilishni taqozo etyapti. Bu o'z-o'zidan xorijiy tillarni o'rgatishda kasbga yo'naltirish masalasiga alohida urg'u berilayotganidan dalolatdir.

O'rta ta'limdan so'ng oliy ta'lim muassasalariga qabul qilingan talabalarning chet tillarini bilish darajalari turlicha bo'lganligini inobatga olib, ularni til bilish layoqati asosida to'g'ri taqsimlash masalasiga alohida ahamiyat qaratish lozimligini taqazo etmoqda. Odatdagi bir qator mashqlarni bajarish, mavzuga oid so'z, so'z birikmalari va ba'zan sohaga oid atamalarni yodlash, matnni gapirib berishni nazarda tutgan yondashuv hozirgi kunga kelib butunlay o'zgardi. Ajratilgan soatlardan oqilona foydalanish maqsadida fanni o'zlashtirish jarayonida sohaga oid terminologiyadan uyg'un ravishda o'rgatishga harakat qilinmoqda. Ammo bu jarayonda qator qiyinchiliklarga duch kelish hollari kuzatilmoqda:

- yuqori kurs talabalari uchun mutaxassisligiga oid atamalarni o'g'atishga mo'ljallangan darsliklarning kamligi yoki mavjud darslik va qo'llanmalarning ilmiy asoslanmaganligi;
- sohaga oid atamalar bo'yicha lug'atlarning yetishmasligi yoki elektron lug'atlarning yo'qligi;
- mutaxassislik atamalarining tor doirada o'qitilishi bilan cheklanish;
- oliy ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan talabalar uchun sohaga oid terminlar minimumining shu paytgacha ishlab chiqilmaganligi;
- ma'lum bir sohaga oid termin, terminalogik lug'at tuzish printsiplari kabi mavzular bo'yicha monografik tadqiqotlar ya'ni dissertatsiya ishlarining kam olib borilganligi;
- pedagogik faoliyatini yaqinda boshlagan til o'qituvchilarining bu borada tajribasining kamligi, mutaxassislikka oid leksikani chuqur o'rganishga halaqit berayotgan ob'ektiv omillar hisoblanadi.

Mutaxassislikka oid adabiyotlarning yetarli emasligi, ba'zi metodik masalalarning ilmiy yoritilmaganligi talabalarni chet tilida muloqot qila olmaydi degan fikrga olib kelmasligi kerak. Bilamizki, barcha oliy ta'lim muassasalarida asosiy adabiyotlar kasbga yo'naltirishga emas, balki chet tilini o'rgatish nuqtai nazaridan tanlaniladi. Bu usul orqali talabalarning maishiy ijtimoiy-siyosiy mavzularda o'z fikrlarini bemalol bayon eta olish ko'nikmalari rivojlantiriladi. Buni biz xorij gazeta va jurnallarning mutolaasi hamda sun'iy yo'ldosh orqali uzatiladigan axborot dasturlarini chet tilida muntazam kuzatishlar bilan ifodalashimiz mumkin. Terminalogiya masalasida esa ularning o'zbekcha tarjimalari to'la unifikatsiya qilinmagan.

Ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari va texnologiyalari keng qo'llanilayotgan xozirgi kunda o'qitish jarayonining yuqori samaradorlikka erishishiga, ta'lim jarayonining metodlarini tanlashda, o'quv rejalarini ishlab chiqishda har bir darsning didaktik vazifalari hamda ta'lim oluvchilarning ijtimoiy talablari inobatga olingan holda amalga oshirilmoqda. Bizning fikrimizcha, xorij

mamlakatlikarining sohaga oid leksikani o'rgatish tajribasidan unumli va samarali foydalanish mumkin.

Bu mavjud muammolarni hal etishni tezlashtradi va ta'lim sifatini oshiradi. Chet tilini mutaxassislikka oid atamalar yordamida o'qitishning bir qator ijobiy tomonlari mavjud. Quyida ularning ba'zilarini keltirib o'tsak:

Birinchidan, talabalar xorijiy tilning grammatikasini o'rgatishdan ko'ra uning matndagi sohaga oid atamalari va mazmun-mohiyatini o'rganadilar.

Ikkinchidan, chet tili alohida fan sifatida o'qitilmasdan, talabalarning mutaxassisligiga bog'liq fanlarga integratsiyalashgan holda darslar tashkil etiladi.

Uchinchidan, til o'rganish jarayonida soha vakillari uchun o'z ona tillarida chuqur egallangan mutaxassislik sohalariga doir bo'lgan matnlar, mashqlar chet

tilida taqdim etiladi. Matni tushinish, uning mazmun-mohiyatiga yetish talabalarning mutaxassisliklariga tegishliligi sababli ta'lim olish jarayoni oson kechadi. Bu bilan chet tilini tez muddatda o'rganish ehtimolini kuchaytiradi. Dars jarayonini talabalarning mutaxassisliklariga doir bo'lgan tarqatma materiallar, taqdimot ishlari, matnlar bilan tashkil etish va o'tkazish tavsiya etiladi.

Ma'lum bir yo'nalishida ta'lim olayotgan talabalarning o'qitishda dars jarayoni va baholash xalqaro chet tilini imtihon qilish tizimlari shakliga moslashtirish maqsadga muvofiq. Bunda sohaga oid matnlar va materialar chet tilini bilishning to'rtta (o'qish, tinglab tushunish, gapirish va yozish) kompetensiyalari asosida tayyorlanib, talabalarni kasbga maqsadli yo'naltirish masalasi o'z yechimini topadi.

Talabalarni mutaxassislik bo'yicha chet tiliga o'rgatish boshqa fanlarni o'qitish bilan integrativ holda olib borishni nazarda tutadi. Chunki u endi boshqa fanda egallangan bilimiga chet tilida qayta murojat etishi faqat chet tilinigina emas, balki boshqa fanni ham chuqur o'zlashtirish imkonini yaratadi. Bunda xorijiy til o'qituvchisi boshqa fanlarning mazmuni, rejasidan xabardor bo'lishi hamda talabalarga aynan shu materiallarni xorijiy tilde berilishiga e'tibor qaratishi yaxshi natija beradi.

Fanlararo aloqani yo'lga qo'yish uchun talabalarga mutaxassislik bo'yicha tavsiya etilgan asosiy adabiyotlar bilan tanishib chiqish, mutaxassisligi bo'yicha ta'lim beradigan kafedra professor-o'qituvchilari tarkibi bilan hamkorlik qilish, tegishli o'rinlarda soha atamalari bo'yicha ulardan maslahat olish, o'quv rejasi bo'yicha ular foydallanmoqchi bo'lgan materiallar bilan tanishish orqali amalga oshirish mumkin.

Amaliy jihatdan esa boshqa fanlardan o'tilgan materiallarni xorijiy tilda to'liq takrorlashning iloji bo'lmasligini inobatga olib, xorijiy tilga o'qitish davrida mutaxassislik fanlar o'tgan materiallarni xorijiy tilda to'liq bo'lmasa ham ularning asosiy va muhim jihatlariga e'tibor berib, ular orqali talabalarning malakalarini rivojlantirishda samarali foydalanish mumkin.

Bugungi kunda ta'lim sohasida olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar, ta'lim mazmunini takomillashtirishga oid qabul qilingan hukumat qarorlari ta'limni hayot bilan bog'lashni, o'qitish samaradorligini oshirishni, tez taraqqiy etib

borayotgan jamiyat uchun har tomonlama rivojlangan barmakol avlodni tarbiyalab yetishtirishni talab qiladi. Zero, ma'naviy dunyoqarashi keng, sog'lom muhitda tarbiyalanib kelayotgan, chet tillarini o'rganishga qiziquvchi yoshlarning kelajagi porloq. Xulosa qilib aytganda, chet tilini kasbga yo'naltirib o'qitish tizimini yanada takomillashtirish, ushbu yo'nalishda rejalar ishlab chiqish, xorijiy tillarni o'rganishning samarali tizimini yaratishda muhim ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenting Qarori “Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari” 2012 yil 10 dekabr
2. English for Specific Purposes Instruction and Researches (Current practices, Challenges and Innovations). Nalan Kenny, Elvan Eda, Huang Jian. Palgrave Macmillan – 2020
3. Key Issues in English for Specific Purpose in Higher Education. Yasemen Kirkkozi, Kenan Dikilitash. Springer - 2018

INGLIZ TILI O'QITISHDA LOYIHA METODINING AHAMIYATI

*Nazarova Ra'no Rahimovna,
Qo'qon davlat pedagogika institute ingliz tili va adabiyot kafedراسи
o'qituvchisi,
Muhammadjonova Intizor Madadjon qizi,
ingliz tili va adabiyot ta'lim yo'nalishi talabasi*

Annotatsiya. Ingliz tili o'qitishda loyixa metodi amarali metodlardan biri xisoblanadi. Ushbu maqolada loyixa metodining ingliz tili o'qitishdagi ahamiyati va uni dars jarayonida qo'llash orqali erishiladigan yutuqlar yoritib berilgan. Mavzuni yoritishda Maxmudov, Kilpatrik va boshqa ushuchi olimlar fikrlaridan foydalanildi.

Kalit so'zlar: chet tillarini o'rganish, ta'lim jarayoni, an'anaviy ta'lim, loyixa metodi.

Barchamizga ma'lumki, chet tillarini o'rganish va o'rgatish barcha rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar qatori vatanimiz O'zbekistonda ham zamon talabiga aylanib ulgurdi. Chet tillarini o'rganish uchun yoshlarga, qolaversa, barcha yurtdoshlarimizga yaratib berilayotgan shart-sharoitlar o'zining ijobiy natijasini isbotlab bermoqda desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Malakali kadrlar tayyorlash jarayonining har bir bosqichi ta'lim jarayonini samarali tashkil etish, uni yuqori bosqichlarga ko'tarish shu bilan birga jahon ta'limi darajasiga yetkazish borasida muayyan vazifalarni amalga oshirish lozim. Jahon ilm fanining zamonaviy yutuqlaridan bahramand bo'lish davr talabidir. Bunga esa faqatgina chet tillarini mukammal bilish tilga oid barcha qonun-qoidalarni egallash zarur. Shu maqsadda chet tillarini o'rganishning yanada samarali yo'llarini izlash, turli xildagi o'qitish metodlarini yaratish olimlarimiz, izlanuvchi o'qituvchi va bilimli yoshlarimiz oldida turgan dolzarb masala hisoblanadi.

Hozirgi kunda xalqaro munosabatlar kengayib va o'zgarib bormoqda, bu esa Ingliz tilini o'qitishda loyixa metodini innovatsion texnologiya sifatidagi rolining ortishiga olib keladi. An'anaviy ta'limdan farqli o'laroq loyixa metodi tarafdorlari talabalarga imkon qadar o'qituvchi rolini kamaytirib, talabalarning o'zlariga muammolarni hal qilishga imkoniyat taqdim etadi. O'qituvchiga bilim va

ma'lumotni yetkazib beruvchidan ko'ra ko'proq yordamchi yoki boshqaruvchi sifatida qaraladi.

Loyiha metodi XVIII asrda Yevropadagi arxitektura va muhandislik maktablarida bitiruvchi talabalar o'qish jarayonida olgan bilimlari va bilimlarini o'zlari hal qilishlari kerak bo'lgan davrda joriy qilingan ta'lim vositasidir. XX asrning boshlarida Uilyam Xeard Kilpatrik loyiha uslubini ta'lim falsafasiga aylantirdi. Uning qurilmasi bolalarga yo'naltirilgan va progressiv ta'limga asoslangan. Ikkala yondashuvdan ham bugungi kunga qadar butun dunyo o'qituvchilari foydalanmoqdalar.

Loyiha metodi muhitida talabalar atrof-muhitni his qilish organlari orqali o'rganishlari va boshdan kechirishlari hamda ma'lum ma'noda shaxsiy qiziqishlari asosida ta'limni boshqarishlari kerak. Ushbu metodda yodlashdan ko'ra tajriba asosida o'rganishga ahamiyat beriladi. Loyiha usulini amalga oshirish uchun 2 ta asosiy yondashuv mavjud. Tarixiy jihatdan kattaroq yondashuvga ko'ra talabalar 2 bosqichni bajaradi:

Dastlab, ular ma'lum ko'nikmalar va faktlarni o'rganish bo'yicha tizimli ravishda o'qitiladi, so'ngra ular ushbu ko'nikma va bilimlarni ijodiy va o'zlariga mos loyihalariga yo'naltiradilar.

Ikkinchi yondashuvga ko'ra, o'qituvchining ko'rsatmasi loyihasidan oldin emas, balki unda birlashtirilgan. Boshqacha qilib aytganda, talabalar avval loyihani tanlaydilar, so'ngra, ular muammoni hal qilish uchun nimalarni bilishlari kerakligini muhokama qiladilar hamda kerakli texnika va tushunchalarni o'rganadilar. Nihoyat ular tanlagan loyihani o'zlari amalga oshiradilar. Ikkala yondashuvda ham o'quvchilarga ularning yutuqlarini baholash imkoniyati berilib, fikr yuritish uchun vaqt ajratilishi kerak. Ko'plab o'qituvchilar, ayniqsa, sanoat san'ati o'qituvchilari o'quvchilarga amaliy muammolarni hal qilishda doimiy ravishda oshirilib boriladigan malakalarni rivojlantirishga yordam berish uchun bir qator kichik loyihalardan foydalanadilar.

Loyiha metodi o'quvchilar o'rtasida ijtimoiy me'yorlar va ijtimoiy qadriyatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Bu mavzuning turli elementlarini o'zaro bog'lash va o'qitish yoki ta'limni o'tkazish uchun bebaho imkoniyatlar yaratadi. Metodning asosiy kamchiliklari loyihani barcha mavzular bo'yicha rejalashtirish mumkin emas. Vaqt va xarajatlar nuqtai nazaridan bu iqtisodiy emas. O'qituvchi uchun o'quvchilarga loyihalarni rejalashtirish yoki amalga oshirish va ularni boshqarish juda qiyin. Ushbu o'qitish strategiyasidan mustaqil o'qitish strategiyasi sifatida foydalanish kerak emas, balki qo'shimcha o'qitish texnikasi sifatida foydalanish kerak. Nazorat muammosidan qochish uchun o'qituvchi har bir talaba guruhiga rahbar tayinlashi mumkin. O'qituvchi har bir loyiha uchun vaqt chegarasini belgilashi maqsadga muvofiqdir.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib xulosa qiladigan bo'lsak, o'qituvchi darsni rejalashtirar ekan, albatta, uni qanday metod asosida o'tkazish haqida bosh qotiradi. Yuzaki qaraganda, har bir mavzuni xohlagan metodni qo'llab o'tkazaversa bo'ladi, lekin amalda buning ilojisi yo'q. O'qituvchilarning xususiy fanlar asoslarini o'qitishga yo'naltirilgan mashg'ulotlar jarayonini noan'anaviy shakllarda tashkil etish, ta'lim jarayonini mukammal andoza asosida loyihalashga erishish, mazkur loyihalardan oqilona foydalana olish ko'nikmalariga ega bo'lishi ta'lim oluvchilar tomonidan nazariy bilimlarni puxta, chuqur o'zlashtirilishi, ularda amaliy ko'nikma va malakalarning hosil bo'lishining kafolati bo'la oladi. Loyiha metodi ta'lim texnologiyasining muhim bo'g'iniga aylanmoqda. Bu metod ta'lim oluvchilarga hayot tarziga moslashish, mustaqil, ijodiy fikrlash ko'nikmalarini hosil qilishga yordam beradi. Loyiha metodi ta'lim jarayonining muhim jihatlaridan biri bo'lib, o'qituvchining talabalar bilan individual ishlash imkonini beradi. O'qituvchi dars vaqtidan unumli foydalanib, talabalarning individual psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda ular bilan yakka tartibda ishlaydi. Bunda ularning kasbiy fanlarni chuqurroq egallashlariga kengroq yo'l ochib beriladi. Loyihalash ishlarini tashkil etishda didaktik vazifaning qo'llanilishi va uni hal etish muammolari ko'rib chiqiladi. Loyiha qatnashchilari o'z qiziqishlari, fikr doiralari bilan bir-birlariga

yaqin, yordam beruvchi, o'quvchi talabalar bo'lib, ularni loyihada qo'yilgan maqsad birlashtiradi. Ularni yoniga keyinchalik boshqa qatnashchilar ham qo'shilishi mumkin. Lekin qatnashchilar haddan tashqari ko'payib ketishi salbiy oqibatlariga olib keladi. Shuning uchun loyihada har bir qatnashuvchining bajaradigan vazifasi aniq yozib qo'yiladi. Ta'lim muassasalarida mavjud imkoniyatlar va shart-sharoitlarni inobatga olgan holda yoshlarga zamonaviy, informatsion axborot texnologiyalarini qo'llash orqali loyihalash metodini amalga oshirish istiqbollarini belgilash zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T.,”Sharq”, 1997 yil.
 - 2.Mahmudov M. Ta'lim natijasini loyihalash // “Pedagogik mahorat”, 2003-yil 1-son
 - 3.Knoll, Michael. 1995. “The ProjectMethod: Its origin and International Influence.”
-

PROBLEMS AND SOLUTIONS REGARDING LANGUAGE ASSESSMENT AND TESTING

Ablazov Ulugbek Hotamali Og'li
Faculty of “International business and trade”
INHA UNIVERSITY SOUTH KOREA, 2021
ablazov1201@gmail.com

1. Introduction
2. Current state of our language assessment system
3. A look at the international system that we can learn

4. Thoughts, ideas and solutions for developing a national Uzbek language testing system

Indeed, language plays a crucial role in a nation, ethnic group or a country's existence. A national language makes it possible and easy for people in the same ethnic group to communicate, share information and ideas, make economic transactions and pass on their wisdom, knowledge and cultural identity to the upcoming generation. In fact, the continuance of a nation depends on how long their language will live on.

There is no doubt that Uzbek language has a very long and deep history which goes back to more than a thousand years. It has seen many development stages and has been influenced by many neighboring languages such as ancient Persian, Latin, Arabic (by a huge amount), Russian and nowadays is being influenced by English. Many scientific, historical and literary books have been created in this language and has benefited not only its own speakers but other nations as well. The likes of Navoi, “Baburnoma”, “Temurnoma” and other world famous books were written in this language.

There are more 3000 different languages in the world right now. And every week one of them disappear forever, because the speakers of the absence of native speakers of those languages. However, another major reason for that is that those languages have no written form or alphabet in other words. Fortunately, Uzbek language has had its written form for over a thousand years. The Arabic letters were the most widely used written form until 1924. From 1924 onwards our language has seen 2 completely different alphabets over and over again. In short it is one of the few languages which have been recognized as the national language of the country.

Considering the points which I have mentioned above, it is extremely important to have a perfect system of assessing, testing and scoring language abilities of individuals, be them students, teachers, government and private sector workers where the medium of communication is carried out in Uzbek language. The need to

develop this kind of system is increasing day by day. Unfortunately, we still do not have any proper language assessment testing system that we can be proud of.

In order to understand our situation better, let us have a look at the international standards. Learning a new foreign language has never been easier thanks to the development of internet and all the resources it offers. All the major international languages including English, French, Russian, Arabic, Korean, Chinese etc. have created tests and certificates to assess the knowledge of its learners. By taking and passing those tests and acquiring the certificates one can show his/her knowledge of that language easily. I myself, as an international student studying in South Korea have taken IELTS, an English Language Testing System in order to get admission to my university as the medium of studies here is in English.

However, with its nearly 40 million speakers around the world, Uzbek language have no official language testing system. And we urgently need to do this project very soon. There are many reasons for why we need this so urgently, one for example is that there is an increasing number of foreign people who are interested in learning Uzbek and working in Uzbekistan or Uzbek people in general. I myself have witnessed many Koreans who are learning or willing to learn Uzbek and are looking for study materials and resources. Another reason is every year we have hundreds of thousands of university applicants who need to have their Uzbek language skills tested in order to choose the best students. But as many people are aware, those university entrance tests are not so developed and cannot assess the true potential of the applicant. So we really cannot be satisfied with what we have available right now.

In my humble opinion, creating and developing a national language testing system would help to boost the overall rating of our language, and it will solve many of the problems that we are facing nowadays. For example, it can help employers to a lot when hiring new staff for their companies. They can easily ask for a certificate (which will be given by the experts) instead of doing that task himself/herself.

And it can also help universities to accept international students to Uzbek taught programs easier than before. Another important aspect which I want to mention is that the costs for taking the test should be cheap, at least for the time being. Because charging a high price may discourage people from taking the test. And reducing the costs may not be easy, so the government should come to help here. A part of developing and maintaining such a system cannot be carried out without the subsidies of the government.

Reference:

1. www.nidcd.nih.gov Speech and Language Developmental Milestones
2. Ongoing Challenges in Language Assessment by Lyle F. Bachman
3. Challenges in Language Testing Around the World BY Betty Lanteigne

TECHNOLOGY USE IN EDUCATION IN LANGUAGE LEARNING AND TEACHING

*Almatova Nazokat Abdulhamidovna,
Teacher of department of foreign languages,
faculty of agro engineering and hydro melioration,
Andijan Institute of Agriculture and Agro technologies*

Abstract: The general purpose of the study was to explore the use of ICT in learning EIL among agrarian university students in an inland city. More specifically, the current study aimed to illuminate students' technology ownership, usage patterns, and levels of ICT skills; the relationships among learner demographic characteristics (e.g., gender, age, major nationality).

Key words: technology, students, framework, category, social, teaching, impact, foreign language.

Today's students learning English as a foreign language come to perceive both the English language and information technology as a means to “read the

world” and have an impact on the world by using them, not an end in itself. Therefore, a new expanded conceptual framework as to what kind of foreign language literacy students should acquire is urgently needed. That framework should also reflect the role of emerging information and communication technologies in social, cultural, political and economic transformation, which in turn has a real impact on changes in the characteristics of foreign language literacy in the 21st century. It is increasingly assumed that we are entering a ubiquitous computing era. As might be expected, a ubiquitous network society will define our time in many ways, especially in technologically advanced countries. Astonishingly, it was more than a decade ago when Mark Weiser introduced the vision of ubiquitous computing, roughly the opposite of virtual reality, which forces the computer to live out here in the world with people functioning invisibly in the background, and enables people move around and interact with computers.

In the field of education, the *2005 Horizon Report* published by the New Medium Consortium presented six technological areas that remarkably will emerge in higher education within the next one to five years. The first category is *Extended Learning*, which refers to augmenting traditional instruction with the support of new communication tools such as blogs, wikis, and instant messaging. *Ubiquitous Wireless* is the second category. The rapid penetration of wireless networks into campuses has allowed students to use more portable devices in their learning, to overcome the constraints of time and space, and to increase sharing information and collaboration. The area of *Intelligent Searching* comes third. Numerous search engines, metacrawlers, online directories and other search agent tools have supported locating, organizing and retrieving information more effectively these days. The fourth area is *Educational Gaming* as a learning tool. With new sophisticated technologies available, games and simulations are considered to have huge potential for promoting peer-interactions, motivation, critical thinking skills, problem-solving ability. The fifth area is *Social Networks and Knowledge Webs*. Social networking tools and websites promise effective knowledge management,

collaboration and cooperative decision-making in classroom settings. In addition, knowledge webs serve as a research tool that lets students hold the responsibility for the given information space. *Context-Aware Computing/Augmented Reality* is the final promising area. Context-Aware computing refers to computing devices and applications that can perceive situations in which the user is located and make decisions accordingly (e.g., a context-aware mobile phone). Augmented Reality is the term for a combination of the virtual and the real viewed by technology devices that show a real object or place with a generated virtual scene (e.g., 3D interactive headgear). Both context-aware computing and augmented reality are promising areas in that they can enable students to expand their learning spaces and experiences, and apply their information and knowledge to the real world.

To help pedagogy keep pace with technological advancement with sound education for a new generation of students, however, has been a daunting challenge to higher education.

Recognizing the problems has led a growing number of educators and researchers to make enthusiastic efforts to investigate the actual conditions of students' information technology use and skills, in the hope that it would shed light on students' growing needs and expectations for the use of technology in their learning environments.

Literature:

1. Pururshotma, R. (2005). You're not studying, you're just... *Language Learning & Technology*, 9(1), 80-96.
2. Rajadurai, J. (2005). Revisiting the concentric circles: Conceptual and sociolinguistic considerations. *Asia EFL Journal*, 7(4), 111-130.
3. Wenger, E. (1998). *Communities of Practice: Learning, meaning, and identity*. Cambridge: Cambridge University Press.
4. Zhao, Y. (2005). *Research in technology and second language learning: Developments and directions*. Greenwich, CT: Information Age Publishing.

INGLIZ TILIDAGI “RANG” MA’NOSINI BILDIRUVCHI SO’ZLAR MATN TARKIBIDA QO’LLANILISHINING PRAGMATIK TAHLILI VA ULARNI O’ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH MUAMMOLARI

*Abduvoitov Ravshanbek Alijonovich,
AndMI “O’zbek tili va adabiyoti” kafedrasida assistenti
Aminboyev ShaxzodKamolatdinovich,
MTMICHJA yo’nalishi 4-bosqich talabasi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilidagi “rang” ma’nosini bildiruvchi so’zlar matn tarkibida qo’llanilishining pragmatik tahlili va ularni o’zbek tiliga tarjima qilish muammolari haqida bo’lib, unda ushbu mavzu misollar bilan atroflicha keng yoritib berilgan.

Kalit so’zlar: rang, ma’no, leksema, ezgulik ramzi, adekvat tarjima, she’riyat janri, oq, qora, kontekst, frazeologik birlik, motam.

Atrofimizni o’rab turgan dunyo turli xil ranglardan tashkil topgan mavjudotlardan iborat va ularning har biri turli xalqlarda turlicha ma’no kasb etadi. Rang dunyo ob’jektining asosi va ko’rish hissi sifatida qabul qilinadi. Masalan Xitoyda oq rang to’y uchun mos kelmaydigan rang bo’lib, u motam rangidir. Agar kelin to’y uchun oq nikoh ko’ylagini tanlasa, uning ota-onasi unga shubhasiz turmushga chiqishga ruxsat bermaydi. Hindistonda, hatto xristian to’ylarida agar kelinlar oq ko’ylak kiyishsa, u odatda boshqa biror xil rang bilan birga aralashtiriladi. Agar turmushga chiqqan ayol boshqa rang qo’shilmagan oq ko’ylak kiyisa, bu uni baxtsizlik va bevalik kutayotganini bildiradi. Boshqa xalqlarda esa oq rang sofdillik, poklik, beg’uborlikni bildiradi. Xitoy madaniyatida ranglar ustida izlanishlar olib borilganda, ba’zi bir ranglar qarama-qarshi ma’nolarga ega ekanligi kuzatiladi. Misol uchun ko’k rang bir vaqtning o’zida ham motam ma’nosini ham umid, ishonch ma’nosini bildiradi. Siyoh rang ham motam belgisi bo’lib, ijobiy ma’noga ham ega.

Ingliz va o’zbek tillaridagi “rang” ma’nosini bildiruvchi leksik-semantik maydonini tashkil etuvchi leksemalar miqdor jihatidan ham, distributsiya jihatidan ham, semantik va stilistik ko’lami jihatidan ham bir-biriga mos tushmaydi. Bu ikki

tildagi mazkur sohada mos tushadigan holatlar 10-15 foizni tashkil etadi xolos. Bu esa ushbu leksik-semantik maydon unsurlarining turli tillardagi joylashuvi tartibi va ishlatilishi ko`lamini o`rganish hozirgi zamon tilshunosligini o`rganish uchungina emas balki muhokama qilinayotgan tushunchalarning o`zbek tiliga tarjima qilinishi va berilishi masalalarini keng yoritish uchun ham katta xizmat qilishi mumkin.

Badiiy adabiyotlarda ranglarning tarjimasida adekvat tarjima emas balki kontekstual tarjimadan foydalanish kerak. Ranglar ayniqsa badiiy adabiyotning she`riyat janrida juda ko`p ishlatiladi.

Har bir so`z o`zi istifoda etiladigan tilde shunday ma`nolarni anglatadiki, boshqa tildagi shunga muqobil so`z o`sha ma`nolarni qisman, bir qadar yoki bir taraflama qoplasa-da, ko`pincha jiddiy farq qiladi. Masalan, inglizcha “white”, ruscha “белый”, o`zbekcha “oq” so`zlarini olaylik. Ma`lumki oqlik, ravshanlik, yorug`lik hamma xalqlarda ham qoralik, zulmat, baxtsizlikka zid o`laroq, ezgulikni anglatadi. Lekin bundan hamma tillarda ham “oq” ma`nosida qo`llanuvchi so`zlar bir-biriga aynan muvofiq keladi, deb bo`lmaydi.

Ingliz tilidagi “white as a sheet”- “choyshabday”, “qog`ozday ”oq degani. O`zbeklarda ham qog`oz oqlik ramzi, tasavvurda bunday tushunchaning paydo bo`lishiga uning tabiiy xossasi asos bo`lgan. Biroq “choyshabday oq” degan frazeologik qolip yo`q, bizda “dokaday oq” deyiladi.

Ingliz, rus va o`zbek tillaridagi “white as a milk”-белыйкакмолоко-sutday oq birikmalarining ma`nosi aynan to`g`ri keladi. Yana “white as a snow”- белыйкакснег-qorday oppoq birikmalarida uchchala tilda ham qor oqlikni ifodalaydi. Ammo “white as a chalk”-белыйкакмелbirikmalari ingliz va rus tillarida bir-biriga yaqin bo`lganiholda, “bo`rdek oppoq” degan qiyos o`zbek tiliga xos emas. “White as wool”-junday oppoq esa faqat ingliz tiligagina xosdir, negaki, na rus tilida va na o`zbek tilida jun oqlik tushunchasini ifodalashga xizmat qiladi.

Oqlik hamma xalqlarda ham ezgulik ramzi ekan, albatta, bu uning asosiy, yetakchi ma`nosidir. Lekin ba`zi hollarda oqlik musibatli tushunchalarni ham anglatadi va bu tillarda turlicha namoyon bo`ladi. Masalan ingliz tilida “white

slave”-oq cho`ri degani bo`lib, bu yaramas ishlar bilan shug`ullanishga majbur qilingan “fohisha qiz” ma`nosini bildiradi. O`zbek tilida “oq qilmoq” hamda “oqpadar” tushunchalari otasi tomonidan la`natlangan farzandga nisbatan ishlatiladi.

Ingliz tilidagi “green” so`zi o`zbek tiliga “yashil”, ayrim paytlarda esa “ko`k” deb tarjima qilinishi mumkin: “green fields”-yashil dalalar, ko`m-ko`k dalalar, “greenery”-ko`kat, “зелёный”(dollarga nisbatan)- ko`ki, garchi dollarning rangi ko`k emas yashil bo`lsa-da. Yoki “голубойэкран”-zangori ekran. Ekraning nimasi zangori ekan? Buni tushunish qiyin. Balki birinchi chiqarilgan televizorlarning ekрани yashil bo`lganligi uchun shu nom berilgandır.

Xalqlarning turli tabiiy, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy sharoitlarda yashashlari natijasida ularning ongi, dunyoqarashlari va axloqida turli maxsus tushunchalar, norma va tamoyillar qaror topadiki, bularning hammasi tilda ham bevosita aks etadi. Aytaylik, tropik iqlim sharoitida yashovchi xalqlar qor nimaligini tasavvur qila olmas ekanlar, ularning tilida “qorday oppoq” degan qiyosning ham yo`qligi o`z-o`zidan ma`lum.

Matn tarkibida qo`llanilgan ko`p ma`noli rangni bildiruvchi leksik va frazeologik birlikning chinakam ma`no va funktsiyasi u foydalanilgan vaziyat, kontekst yordamidagina oydinlashadi. Binobarin tarjima amaliyoti dalillarning kontekst asosida umumlashtirilishi muayyan ob`yektiv nazariy xulosalarga olib kelishi bilan birga tarjimachilik ravnaqiga ham so`zsiz ijobiy ta`sir ko`rsatadi. Shunday qilib, rang ma`nosini bildiruvchi so`zlarni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilganimizda kalka yoki kontekstual tarjima usullaridan foydalanamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Layonz DJ. Osnovi teoreticheskoy lingvistiki, M., Progress, 1976
- 2.Salomov G`. Til va tarjima, Toshkent, Fan,1996
- 3.Musayev Q. Tarjima nazariyasi, Toshkent, 2004

TRAINING CONFERENCE INTERPRETERS AND TEACHING CULTURE IN ONLINE CLASSROOM

AlisherKhamidov,

Teacher and Independent Researcher at UzSWLU

Distance learning, sometimes called e-learning, is a formalized teaching and learning system specifically designed to be carried out remotely by using electronic communication. Because distance learning is less expensive to support and is not constrained by geographic challenges, it offers opportunities in situations where traditional education sometimes faces difficulties in operating. Students under the press of scheduling or distance problems can benefit, as can employees, because distance education can be more flexible in terms of time and can be delivered virtually anywhere.

Popular distance learning technologies include:

- Voice-centered technology, such as CD or MP3 recordings or Webcasts
- Video technology, such as instructional videos, DVDs, and interactive videoconferencing
- Computer-centered technology delivered over the Internet or corporate intranet

Studies indicate that distance learning can be as effective as the traditional format when the methods are appropriate to the teaching tasks, there is a student-teacher interaction, and teachers provide students with appropriate and timely feedback.

In **online teaching and learning** a student usually deals with a computer reading or viewing the curriculum or completing assignments. A student is usually at home or in a computer lab as compared to sitting in a classroom with desks and a **teacher** in front of the room.

So, the difference between Distance and Online language teaching can simply be defined in the following way:

While in distance mode students and instructors see each other via a screen (computer, TV, mobile phone screens and etc.). Students can ask and answer various

questions, give/get feedback and even make presentations on a topic. It is like talking to your friend or family member back in your country or somewhere else via video call.

In online mode an instructor uploads the syllabus and assignments for a specific course and students will just download them, do the exercises and turn their assignments in and an instructor will give them necessary feedback and instructions in written form or in the recorded video format. In this mode a teacher and students might have some designated days when they meet online and can have a live chat with each other.

But in this presentation I would like to focus on the distance learning/teaching of the Simultaneous Interpreting.

I teach and an independent researcher at Uzbekistan State World Languages University. There are about a hundred students who are learning simultaneous interpreting at our Department. They are mostly advanced level students of English. All of them have to be present at the classes. But what if one of them has to miss the classes for some serious excuse? In that case they have to miss the entire lesson. But if we can introduce distance learning to our universities in that case no one would miss a lesson. Of course, there are several advantages and disadvantages in teaching and learning in distance mode. First of all, I would like to point out some advantages, and I am going to focus on my experience in teaching in distance mode at Indiana University. They are as follows:

- Your course can have more students. For instance, if it were not for teach in distance mode we would have had only one student at our Advanced Uzbek course.
- In most cases, the attendance of students is guaranteed, as they can be anywhere during the class and still attend classes. For examples, one of our students was to leave for a conference for about a week, but he did not want to miss classes either, so he would get in touch with us during the classes using Zoom Room application. All he needed was to have a mobile phone or laptop and Internet access.

- No need to spend a lot of money and time to come to the campus and attend the classes.
- Your screen is your blackboard. You can share your presentations and videos with students by just pressing a button. This can help to save paper.
- The possibility of recording your lesson. Your entire class is recorded and both students and teachers can refer them when they need to.

We can keep counting the advantages of the distance learning for a long time, but at this point I would like to point out some disadvantages of the distance mode which we have to face during our classes:

- Students and instructors have to talk to each other face to face but without a direct eye contact.
- Sometimes Internet connection might be weak and students or the instructor might not hear what was said on the other side of the screen.
- No pointing or gestures with head works to make a certain student do something. Instructor has to monitor the flow of the lesson very carefully all the time and tell each student to answer a specific question, otherwise the students do not know who is supposed to speak or answer the question.
- No group work. Individual or pair work can be effective.
- A teacher and students have to be seated all the time unlike in actual classrooms where the instructor can stand or students can be made move from one part of the classroom to another.

When I started teaching the Uzbek language at IU the distance teaching was a brand new approach for me in terms of teaching a foreign language. So, during the first two weeks of the academic year I participated in all the classes to observe how my supervisor conducts the class and my supervisor was present in the classes where I taught. He gave me all the necessary feedback and I learned how to develop materials for the course. Besides, as a part of our FLTA requirements we have to conduct ‘Conversation’ hours or also known as ‘Coffee’ hours. And for sure my ‘Conversation’ hours also take place in the distance learning mode. During the

conversation hours I ask my students to choose a specific topic related to the Uzbek language, culture or Uzbekistan itself for the coming lesson and we discuss them. Sometimes I make various Power Point presentations (true or false quizzes, multiple choice questions or just slides to give some pictures on a certain topic) or bring photos to show to my students or we can watch a short video or listen to an audio related to the topic and then carry out the analysis and discussions. In this term, the digital technologies are very helpful during the distance mode.

The digital technologies used in the distance learning classrooms can help an instructor to teach the culture of a specific language/nation. As Maggie Sokolik (2014) states *“as a skill area, cross-cultural awareness is sometimes ignored. Fortunately, digital environments give students access to online videos, blogs, and host cultural information that can assist in cross cultural understanding. Brinton (2008) suggests using Web-Quests, inquiry based activities in which learners seek specific information.”* (Celce-Murcia, M., Brinton, D. M., & Snow, M. A., 2014. p. 418). As I have mentioned above I also tried to follow Sokolik’s idea. As is known, like other languages of the world the Uzbek language has got various dialects/accents depending on a specific region and one single notion can be expressed by different words in those regions; in addition, some gestures, behaviors or even customs and traditions might also differ based on the region. And I was pleased when it was even mentioned by some of my students during the conversation hours. During the conversation hour one of my students wondered what the word I’d used earlier meant. And when I explained to him the meaning of the word he said that it was very interesting for him to hear that, as the previous FLTA used to pronounce the word in a different way. At that moment I understood that I was to give my students more information about the dialects in Uzbekistan. So, I started to think how to organize my ‘Conversation’ hours more effectively in terms of teaching culture and dialects of Uzbekistan and I decided to invite guests to ‘Conversation’ hours who came from Uzbekistan. Unfortunately, there were few people in Bloomington. Then I decided to invite guests who are in Uzbekistan. For that, I used

Zoom Room application which is very popular now and it is very easy to use. Moreover, I'm confident now, that this application, actually, has to be used during our 'Conversation' hours. My friends and colleagues join our meetings and my students have a chance to experience various dialects of the Uzbek language, they write down the unknown words and expressions and ask us what they mean. This approach has turned out to be very effective and my students ask me to invite various guests to our 'Conversation' hours. I try to invite the people who are related to our topic of the day. For instance, when we talked about Tourism in Uzbekistan, I invited one of my friends who used to work as a guide or when we talked about Uzbek Literature I invited the Uzbek professor who works as a librarian at IU. Why is it so important? Because, an instructor might not be deeply aware of a certain topic or he/she might not be able to speak a certain dialect of a language. Besides, students get an opportunity to practice their speaking skills with various native speakers and based on my own observations of the 'Conversation' hour, my students got used to talk to the instructor (in this case – me) all the time and when I invited a guest for the very first time, they had some challenges in understanding what the guest said and it also helped us to take our students out of their comfort zones. Getting out of one's comfort zone in speaking a foreign language is very crucial. As for me, when I learnt a foreign language I would get used to hearing to the same tone, voice, flow and accent of my instructors all the time and when I had to speak to a native speaker I faced various challenges. As is known, native speakers tend to omit some parts of the sentences or pronounce a certain word or expression differently rather than non-native speakers. Besides, inviting guests from Uzbekistan helps me to keep my students up-to-date all the time. It has been about 5 months since I came to the USA and a lot of changes have taken place in Uzbekistan so far, the ones which are available on various online newspapers and websites can be provided by the instructors, but others can be found out from the people who are in Uzbekistan now. For example, one of my students is carrying out a research on a topic related to a region in Uzbekistan and that student asked me to invite a guest from that place and

I did so. On that day my student had a chance to ask some questions related to his topic.

As a conclusion I would like to stress that inviting a guest speaker to the Simultaneous Interpreting lessons helps an instructor to follow the task selection criteria suggested by David Bohlke. As he points out – an activity for oral skills should include *interactivity, productivity, challenge, safety, purposefulness and authenticity* (Bohlke, 2014). Bohlke (2014) states “When selecting a language activity for an oral skills class, the teacher may want to consider how many of these criteria the activity fulfills” (Celce-Murcia, M., Brinton, D. M., & Snow, M. A., 2014. p. 125) and inviting a guest to the simultaneous interpreting classes, in my point of view, can help to apply the criteria for the task selection suggested by Bohlke, as students can interact both with each other and a guest speaker or me; plus they have an opportunity to ask and answer questions. Besides, both my guests and I pretend not to speak students’ native languages at all, which helps us to make our students speak only English all the time. For sure, this will challenge them but they will experience authentic and live speech. Students know that speaking to various native speakers will help them to understand both the language and culture better.

REFERENCES:

1. Bohlke, D. (2014) Fluency-oriented second language teaching. In M. Celce-Murcia, D. M. Brinton, & M. A. Snow (Eds.), *Teaching English as a second or foreign language* (4th ed., pp. 72-89). Boston, MA: National Geographic Learning.

2. Sokolik, M. (2014) Digital technology in language teaching. In M. Celce-Murcia, D. M. Brinton, & M. A. Snow (Eds.), *Teaching English as a second or foreign language* (4th ed., pp. 72-89). Boston, MA: National Geographic Learning.

<http://whatis.techtarget.com/definition/distance-learning-e-learning>

<https://robdarrow.wordpress.com/2012/02/24/what-is-online-teaching-and-learning/>

FACTORS FOR EFFECTIVE PLANNING OF MODERN AND NON- TRADITIONAL ENGLISH LESSON AT SCHOOL

*Усманова Лобар Абдувасиловна,
ЎДЖТУ Инглиз тили ўқитувчиси,
PhD 1- босқич мустақил изланувчи Иккинчи тилни интенсив ўқитиш
кафедраси, Тошкент, E-mail: lobarkhon.usmanova@mail.ru*

Abstract: The author of the article considers one of the most topical issues of our time - teaching of a foreign language at school. The author underlines a lot of opportunities for increasing the effectiveness of foreign language lessons where the process of linguistic, cognitive, social and creative factors is at play.

Key words: teaching a foreign language, speech activity, a culture of communication, the culture of the country of the studied language, content of a lesson, the organization and conduct of the lesson, successful speech, academic purpose.

As English is universally used as a means of communication, especially in the internet world, English speaking skills should be developed along with the other skills so that these integrated skills will enhance communication achievement both with native speakers of English and other members of the international community.

Mastering any subject in general, and a foreign language - to a greater extent, is possible only if the performances of each student is active, involving them in the speech activity itself. The lack of a natural need in schoolchildren and the need to use the language being studied for communicative purposes creates great difficulties for both the teacher and themselves. Interest in the subject, the desire to master it depends more on what kind of teaching technology is used, as teachers teach, and how schoolchildren learn from them [1,24]. Careful preparation for a foreign language lesson is another opportunity to increase its effectiveness.

A modern lesson of a foreign language is a complex education [3, 36]. First, at the lesson, multidisciplinary tasks are solved. At each lesson, students must receive a

“boost” to the practical knowledge of the language they are studying. The material of the lesson and the means for its activation should be used for educational purposes. A teacher decides what specifically should be taught to students at this lesson, using techniques and methods for their emotional and intellectual development. Secondly, teachers use different organizational forms of work: group, pair, individual. To involve everyone and all, you need to develop and improve your organizational skills to prepare a kind of scenario lesson. Thirdly, a lesson should be provided with the means of instruction appropriate to the tasks to be accomplished. Fourth, teachers’ use of components of complex of training methodology and other teaching aids should be brought to the degree of free manipulation with them. This is possible only if a teacher regularly uses them and keeps them constantly in working condition. Fifthly, an important factor is the creation of a positive motivation in the study of a foreign language with a profound knowledge of a teacher’s personality. This is achieved through the use of techniques that cause a personal interest in the performance of tasks.

Today, more and more attention is paid to a person as his/her consciousness, spirituality, culture, morality, and also highly developed intellect and intellectual potential play an important role. Accordingly, there is no doubt that it is extremely important, the urgent need for such training of the younger generation, in which educated intellectuals who possess knowledge of the fundamentals of science, a common culture, the ability to think independently and flexibly, initiatively and creatively to solve vital and professional issues, would graduate from a high school [4, 17]. At schools, there must be a constant search, the goal of which is to find new forms and methods that enable the work on development and education of students at all stages of education to merge into a single process. Moreover, practice and exposure to both listening and speaking activities in real world situations appeared to be a practical method to promote speaking confidence.

Examples of the verbatim reported factors are displayed in Table 1.

Table 1. Factors enhancing speaking development

Furthermore, another type of qualitative method, surveys are also utilized in current research. The merits of surveys are to identify how usefulness and effective features in foreign language classrooms. The results of conducted surveys are analyzed and the reasons why teachers use first language while teaching are identified according to the answers of people who participated in the process. Although there are advantages of qualitative method, some drawbacks are also seen. For instance, the data gathered by conducting survey or interviews are not valid and scientifically proved. It may lead to some wrong findings and theory. For this reason, in some cases quantitative method is also employed in order to get reliable data. The quantitative data were conducted with the help of questionnaires.

Moreover, questionnaires were carried out as a quantitative method to gain more information which more than ten language teachers participated. It was designed to represent teachers' perspective and role on the use of mother tongue in language classrooms.

Reference list:

1. Auerbach, E. (1993). Reexamining English only in the ESL classroom. *Tesol Quarterly*, 27(1), 9-32.
2. Cristina, G. (2004). Overusing mother tongue in English language teaching, 212-215.

3 మనోహార

అనుభవాలను కలుపుతూ

అనుభవాలను కలుపుతూ



АНЪАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДАН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Хурулбоев Шукрулло Абдуллажонович,
АндМИ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бориши натижасида миллий иқтисодий тизимнинг анъанавий секторларига таъсири кейинги даврларда фақат кучайиб бориши ўрганилиб, бу ҳолат “рақамли” ва “анъанавий” иқтисодий тизимлар орасидаги ўтиш жараёнини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-амалий масалаларнинг аҳамиятини оширига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодий тизим, анъанавий иқтисодий тизим, товарлар ва хизматлар бозори трансформацияси.

Мутахассисларнинг таъбирича [2,3] рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган рақамли иқтисодий тизим бўлиб, у қуйидаги жиҳатлари билан анъанавий иқтисодий тизимдан фарқ қилади:


- Электрон бизнес;
- Электрон савдо;
- Электрон тўловлар;
- Рақамли пуллар ва х.к.

Рақамли иқтисодиёт концепцияси XX-асрнинг охириги ўн йиллигида шаклланди ва ҳозирда инсонлар (оила), корхоналар ва фирмалар, давлатнинг иқтисодий секторлари каби иқтисодий структура бирликларида ўз ўрнини эгалламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг вазифалари белгилаб берилган. Улар қаторида рақамли иқтисодиётнинг қуйидаги бир қатор параметрлари белгилаб қўйилган: “2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг

мамлакат ялпи ички маҳсулотигадаги улушини 2 бараварга кўпайтириш; 2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказиш; 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш” [1]. Рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Бизнесни онлайн ташкил этиш;
2. Корхоналарнинг рақамли фаолияти;
3. IT-хизматларнинг ЯИМдаги улушининг ортиб бориши.
4. IT-хизматларнинг товарлар ва хизматларнинг таннархидаги улушининг ортиб бориши.

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бориши натижасида миллий иқтисодий тизимнинг анъанавий секторларига таъсири кейинги даврларда фақат кучайиб боради ва бу ҳолат “рақамли” ва “анъанавий” иқтисодий тизимлар орасидаги ўтиш жараёнини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-амалий масалаларнинг ахамиятини оширади деб ҳисоблаймиз.



Рақамли иқтисодиётга ўтиш

- биринчи навбатда товарлар ва хизматлар бозорини трансформацияга учрашига олиб келади.
- товарлар ва хизматлар бозори билан боғлиқ бандлик масаласига ёндашув ўзгаради;
- товарлар ва хизматлар таннархидаги “моддий” ва “номоддий” харажатлар орасидаги нисбатлар ўзгаради;
- иқтисодий тизимнинг турли секторлари орасидаги боғланишлар “реал воқелик”дан “виртуал реаллик” томон ўзгаради.

Бу каби ўзгаришлар натижасида макро ва микро даражадаги иқтисодий муносабатлар трансформация бўлади. Ана шу ҳолатларни 1-расмдаги каби тасаввур этиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаймизки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда замонавий тармоқ технологияларини мукамал ўрганишимиз анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтишимизда муҳим ижобий омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси президентининг қарори “рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2020 йил 28 апрель, пқ-4699-сон.
2. Матвеев И. А. Электронная экономика: сущность и этапы развития // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. — 2012. — Вып. 6 (42).
3. Чумаков В. Стратегии цифрового лидерства // В мире науки. — 2019. — № 10. — С. 70—77.

STRATEGIK TAMOYILLAR TAHLILI

Atahanova Gavxaroy Anvarbekovna
Andijon Abu Ali Ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumi,
Umumta`lim fanlari kafedrasi katta o`qituvchisi, natahanova93@gmail.com

Annotatsiya: Strategik maqsadlarning aynan inson kapitaliga va u orqali adolatli qonunlarning, faol ijtimoiy institutlar harakati tashkil etilishiga qaratilayotganligidadir. Shuning uchun har qanday islohotlar inson kapitalini rivojlantirish bilan mustahkamlanadi.

Kalit so`zlar: strategiya, taktika, taraqqiyot, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy sohalar, inqiroziy vaziyat, prognoz, agregatsiya, integratsiya, mafkuraviy g`oya, demografik, madaniy tarix, tabiiy resurslar, YAIM.

Taraqqiyot va yuksak rivojlanishga erishgan davlatlar tajribasiga ko`ra, har bir xalq o`z oldiga ulug` va istiqbol maqsadlarni qo`yishi hamda uni amalga oshirish salohiyatlari bilan jahon hamjamiyatida munosib o`rin egallaydi. Bugun O`zbekiston ham o`z tarixining ana shunday mas`uliyatli chorrahasida turibdi, desak, mubolag`a bo`lmaydi. Binobarin, Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan ishlab chiqilgan Harakatlar strategiyasi istiqbolimiz taqdirini hal etuvchi muhim va yangi davr bosqichini ifodalovchi milliy g`oyaga aylanmoqda.

Xo`sh, strategiya nima? U xalqning maqsadlarini qanday ta`minlaydi? Tanlagan maqsadlarning istiqbollari nimalarda namoyon bo`ladi?

Strategiya — bu ta`limotni izlash, ifodalash va rivojlantirish tizimi bo`lib, u izchillik bilan va to`liq amalga oshirilganda uzoq muddatli muvaffaqiyatni ta`minlaydi.

XXI asrga kelib strategiya tushunchasi ancha kengaydi. Strategiya deb, dunyo miqyosida va davlat ichki hayotidagi iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy hamda boshqa sohalarda vujudga kelgan inqiroziy vaziyatlarni prognozlashtirish va bartaraf etishga qaratilgan boshqaruvni tashkil etish masalalariga doir tushunchalarni qamrab oladi. Shundan kelib chiqib, davlat strategiyasi bir biri bilan o`zaro bog`liq, lekin alohida xususiyat kasb etuvchi ko`plab tushunchalarda ifodalanadi.

Strategiyaning mohiyati taktik vazifalarni belgilashdan iborat. Siyosat, strategiya va taktika — strategik rahbarlik va boshqaruv jihatlari bilan bog‘liq uchta mustaqil kategoriyadir. Ularning farqi shundan iboratki, strategiya tasdiqlangan va amalga oshirish uchun qabul qilingan bo‘lsa, uning joriy qilinishi strategiyalashtirilayotgan obyektning mayog‘iga aylanadi. Taktika esa strategik vazifalarni amalga oshirish bo‘yicha kundalik, oylik va yillik (joriy) rejalarni va ularning yechimi bo‘yicha tadbirlarni taqozo etadi. Siyosat — bu strategiya va taktikani yagona samarali amal qiluvchi tizimga agregatsiya va integratsiya qilinishidir.

Strategiyaning asl mohiyatida xalqimizning orzu-umidlari yo‘g‘rilgan g‘oyalardan tashkil topgan milliy mafkuraning ifodasi yotadi. Mafkuradan nusxa olib bo‘lmaganidek, davlatning strategik maqsadlarini ham boshqa davlat va xalqlarning tarixiy tajribasidan o‘zlashtirib yoxud nusxa olib bo‘lmaydi. Har bir xalqning o‘ziga xos siyosiy-ijtimoiy, demografik, iqtisodiy, madaniy tarixi, tabiiy resurslari mavjud bo‘ladi. Shu omillar ma’lum ijtimoiy sharoit va imkoniyatlarni vujudga keltiradi.

Strategiyani amalga oshirish eng mas’uliyatli jarayon. Agar u real vaziyatni to‘liq qamrab olgan yaxlit va bir butun reja bo‘lsa, uning muvaffaqiyati ta’minlanadi. Mabodo teskari bo‘lsa, unda turg‘unlik yuzaga keladi. Bunga sabab, noto‘g‘ri tahliliy ma’lumotlar, xulosalar, kutilmagan sharoitlar, resurslardan oqilona foydalana olmaslikdir. Strategiyani baholash va nazorat qilish strategik rejalashtirishni mantiqiy yakunlovchi omili bo‘lib hisoblanadi. U hodisalarning qayta aloqalanishini ta’minlash jarayonida strukturaviy bo‘g‘inlardagi bog‘lanish imkoniyatlarini tahlil qiladi, baholaydi, aniqlaydi, xulosalar chiqaradi. Zaruratda strategik rejalarni o‘zgartiradi.

Davlat strategik rejalari aniq va o‘zgarmas tamoyillarga bo‘ysundirilishi muhim. Ular islohotlarning bir maromda, izchil yo‘nalishini ta’minlashga xizmat qiladi. Rahbar o‘z vazifalarini amalga oshirishida turli ilmiy sohalardagi ma’lumotlar va xulosalar bilan qurollanmog‘i, bundan tashqari, improvizatsiya qilmog‘i,

quyilgan vazifalar yechimini topishda individual va kreativ yondashuvlarni tashkil etishi lozim. Mazkur tamoyillar oldin qabul qilingan qarorni o‘zgartirish ehtimoli yoki o‘zgaruvchan vaziyatdan kelib chiqib, qayta ko‘rib chiqish imkoniyatini berishi zarur.

Strategik dastur va rejaning uyg‘unligi hamda turli darajadagi qarorlarning mustahkam bog‘liqligi muvaffaqiyatning kafolati. Mazkur birlik davlat organlarning strukturaviy bo‘g‘inlarida strategik harakatlarni birlashtirish, barcha funksional bo‘lim rejalarining kelishuvi bilan ta’minlanadi. Ayni paytda strategiyani amalga oshirish imkoniyatlarini tug‘diradi. Strategik boshqaruv jarayonida dastur va rejani amalga oshirish uchun tashkiliy va huquqiy sharoitlar yaratilishi lozim.

Istiqbol maqsadlarni qo‘ygan davlatlarning aksariyati milliy strategik muvaffaqiyatlarni YAIMning o‘shishida, fuqarolarining farovonlik darajasining yuksalishida, deb qaraydi. Yaqin o‘tmishda davlatning birlamchi vazifalari hosildorlikni oshirish, oltin-neftni ko‘paytirish, armiyani mustahkamlash bilan izohlangan. Ushbu omillarni inkor etmagan holda bugun O‘zbekistonda milliy qadriyatlar bilan qurollangan davlatning strategik maqsadi fuqarolarning g‘oyaviy e‘tiqodi, bilim-salohiyati, jamiyatdagi mukammal qonunlar va barqaror ijtimoiy institutlarning mavjudligini ta’minlash asnosida amalga oshirish ko‘zda tutilmoqda.

Strategik maqsadlarning aynan inson kapitaliga va u orqali adolatli qonunlarning, faol ijtimoiy institutlar harakati tashkil etilishiga qaratilayotganligi bejizga emas. Shuning uchun har qanday islohotlar inson kapitalini rivojlantirish bilan amalda uning tamal toshi mustahkamlanadi.

Mamlakatimiz strategiyasi nafaqat ichki va tashqi siyosatdagi islohotlar sari tashlangan qadamda, balki, eng avvalo, davlatning xalqqa, xalqning davlatga bo‘lgan munosabatini o‘zgarayotganligida namoyon bo‘lmoqda. Yurtimizda yashayotgan har qaysi inson millati, tili va dinidan qat’i nazar, erkin, tinch va badavlat umr kechirishi, bugun hayotdan rozi bo‘lib yashashi davlatning bosh maqsadi sifatida strategik yo‘nalishlar belgilanmoqda. Ular avvalo, rivojlantirilayotgan ijtimoiy sohalarda o‘z ifodasini topmoqda. Yoshlarga munosib

ta’lim berish, zamonaviy kasb-hunarlar bilan qurollantirish, aholining salomatligini ta’minlash, nogironligi bo‘lgan shaxslar, boquvchisini yo‘qotganlar, yolg‘iz keksalar, umuman, ko‘makka muhtoj qatlamlarni qo‘llab-quvvatlash davlatimiz rahbarining 2018 yil 28 dekabr kuni Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida o‘z tasdig‘ini topdi.

Jamiyatda ijtimoiy ongning o‘zgarishi bilan ijtimoiy munosabatlar ham rivojlanib boradi. Jamiyat va uning holati aslida inson ongining in’ikosi. Fuqarolar qanday ezgu amallar ma’rifati bilan qurollangan bo‘lsa, ana shu ruhiy qudrat istaklarining hosilasini oladi. Bu jarayon ulkan to‘lqin sifatida millatning mushtarak maqsadlarida namoyon bo‘ladi. U, o‘z navbatida, ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida yangi tarmoqlarning, ishchi o‘rinlarning paydo bo‘lishiga, aholining real daromadi va shunga muvofiq turmush darajasining o‘sib borishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi.
2. T.Alimardonov, siyosiy fanlar doktori, professor, “Ozbekiston” gazetasi.
3. Veb sayt <https://www.google.com/search?q=strategiya+haqida&rlz>

A MATERIAL OF CHOICE FOR THE MODERN AUTOMOTIVE INDUSTRY

*Yusupova Ranokhon Kasimdjanovna,
Chairman of the Women's Advisory Council and senior teacher
of Andijan Machine Building Institute.
mail Yusupova.R 1968 @ gmail.com
Abdumominova Nigora Ixtiyarovna,
Winner of the Zulfiya State Prize*

Annotation. This article is devoted to systematization information on the introduction and application of modern materials in the automotive industry. Given both domestic and foreign sources of information, it follows that car manufacturers are constantly pushing to create the lightest cars possible to increase speed and power. Research and development into lightweight materials is essential for lowering their cost, increasing their ability to be recycled, enabling their integration into vehicles, and maximizing their fuel economy benefits. Light weighting without loss of strength and speed properties is the present, and the future, of the automotive manufacturing industry. It brings innovative materials to the frontline of design.

Keywords: steel, aluminum, aluminum alloys, aluminum matrix composites, polymer and composite materials, plastics, lightweight materials.

Automotive is one of the largest consumers of construction materials in the world [1]. Increasing the durability and reliability of the work of the parts of cars is a relevant and important problem of materials science. The development of the automotive industry, increasing the requirements for the quality and safety of used materials requires the creation and application of new forms. At the same time, the growth of resource requirements forms competition between manufacturers of different materials stimulates progress in developing their new types and improving quality [2–4].

The automotive industry employs the latest innovative developments that emerge from the development of science and new technologies. Among the main vectors in the modern automotive industry are:

- creation of intelligent cars that can handle various difficult situations on the road without driver involvement;
- development of cars with alternative energy sources among them the most well-known and successful Tesla car line

Automotive is one of the largest consumers of construction materials in the world [1]. Increasing the durability and reliability of the work of the parts of cars is a relevant and important problem of materials science. The development of the automotive industry, increasing the requirements for the quality and safety of used materials requires the creation and application of new forms. At the same time, the growth of resource requirements forms competition between manufacturers of different materials stimulates progress in developing their new types and improving quality [2–4]. The automotive industry employs the latest innovative developments that emerge from the development of science and new technologies. Among the main vectors in the modern automotive industry are: — creation of intelligent cars that can handle various difficult situations on the road without driver involvement; — development of cars with alternative energy sources among them the most well-known and successful Tesla car line.

The performance of the cars is constantly improving, because the engines become more efficient, the body is more aerodynamic, the transmission is improved, the rolling resistance of tires is reduced. When creating a car, it is very important to reduce its mass. This allows maintaining the basic characteristics of the car, using less powerful engines that consume less fuel and emit less harmful substances into the atmosphere. In addition, the inertia of the car decreases and for its acceleration or breaking it is necessary to spend less energy. Lowering the weight of the car also reduces the load on the suspension parts, which increases their lifespan [5]. Lowering the weight of the car is due to the need to use new, lighter but rather durable materials that are usually more expensive, at the same time cars, for objective reasons, are becoming more complex and, accordingly, more difficult. New light construction materials should be offset by weight, including new units,

and active and passive safety systems, reduced toxicity, and continuous improvement in comfort levels [6]. Lightweight constructions are increasingly used in automotive, aerospace and construction sectors, because using the low density materials allows reducing the structural weight of products. That may result in substantial fuel savings and a lower carbon footprint in transportation and facilitates manipulation of details in the house construction applications .

Traditionally, steel or various metal alloys are used to make all responsible parts of the car. Steel has high strength and reliability, but it is prone to corrosion, and the parts made of it, differ a fairly large mass [8]. Back in the 40th of the twentieth century, the first attempts were made to facilitate the design of the car through the use of parts made of synthetic fibers. Insufficiently worked out technology did not allow at that time to receive a material of high strength, therefore, from synthetic fibers originally manufactured only decorative panels of the car body. Today, thanks to the use of the latest advances in science, polymer compounds demonstrate much greater hardness and strength than conventional steel. Due to the interweaving of synthetic fibers, a strong reinforcing frame is formed by which the load is evenly distributed over the entire surface of the part. In addition, carbon fiber parts weigh almost three times less than steel-like strengths [9]. In the manufacture of elements of modern engines, materials on the basis of composite with an aluminium matrix are widely used [10]. They represent an alloy of aluminium, in which are added fibers of silicon and carbon, previously passed through a special matrix made of titanium or aluminium. Such technology allows in several times to increase the strength of the material for tension. The use of polymer materials can significantly reduce the cost of manufacturing automotive components [11]. The details made of synthetic fibers by forming in the matrix, leave it fully ready for installation, without requiring additional processing and even colouring. From synthetic materials, it is not particularly difficult to make parts of a very complex form, which would be very difficult to do with sheet steel. Polymer materials have virtually unlimited service life. They are not subject to corrosion; easily withstand the effects of significant

loads and vibrations. The strength and stiffness of the car body elements made of synthetic fibers, can significantly improve the reliability and safety of the car while reducing its weight. The only obstacle to the widespread use of carbon fiber in automotive industry is the very high cost of its manufacture. A part made of synthetic fibers costs 30–40 times more expensive than a similar but made of steel. This leads to the fact that components from polymer materials are most often used in the manufacture of tuning cars of an individual assembly. However, over time, refinement of carbon fiber technologies will inevitably lead to a reduction in its value to the level of steel and light alloys. In connection with the above, the main direction of development of the automotive industry should be a significant increase in the quality of products using scientific and technical advances and the development of new materials to be used in the automotive industry. And this continues the development of the scientific direction of applied material science in the automotive industry. The purpose of this work is to systematize information on the introduction and application of modern materials in the automotive industry.

PLASTICS

Many debates at European level are influencing car design, from cleaner air to the management of cars at the end of their useful life. It is a challenge to all players – legislators, manufacturers and consumers – to ensure that all activities are undertaken in synergy in the overall drive for better safety and environmental protection. This report explores the role of modern materials and the developments that are shaping cars and the automotive industry in the 21st century. It also examines the latest automotive developments based on new research into plastics’ use in cars¹. In particular, the report explores the trends which are resulting in ever increasing demands for plastics in cars and the challenges in balancing safety, cost and environmental requirements. It also provides data on the consumption and recovery of plastics and highlights the influence that the principle of sustainable development is having on car design². The conclusions help determine where future emphasis should be directed for greatest environmental gain and innovation. The

demand for plastics is simple to explain; they are strong yet lightweight, versatile and flexible allowing technological innovation and design freedom. The automotive engineer demands a material which can adapt to sophisticated aesthetics, safety, comfort, fuel efficiency, engineering demands and electronic performance in a cost-effective way – plastics meet this need and continue to help designers and engineers innovate and take performance further. ■ in 1997, 1.7 million tonnes of plastics were used by the automotive industry, representing six per cent of total plastics consumption ■ compared to 20 years ago, the use of plastics in automotive manufacturing has grown by 1 096 000 tonnes or 114 per cent – this represents an average increase of 30kg per car, from 70 to 100kg

Innovation design

Plastics’ versatility allows for advanced shapes and forms without compromising the safety, comfort or stability of a car. This makes them very attractive materials for designers. Their strength and durability has also played an important part in expanding the average life span of a car to over 12 years, for example by providing better protection against corrosion. Innovations include: ■ use of computers to control engine performance, creating novel applications for plastics where metal parts could not perform. As cars change from mechanical to more ‘electronic’ machines, the need for car components to provide electronic shielding as well as heat- and chemical-resistance increases. The result is greater demand for engineering thermoplastics. For example, in smaller, advanced applications, new engineering plastics such as polybutyleterephthalate, aliphatic polyketone and liquid crystal polymers are increasingly used in new highly demanding applications, including connectors and housings for electrical components ■ the new rear bumper of GM’s Saturn coupé which is now a single moulded part called a ‘solitary beam’, replacing the function of 13 parts in the former aluminium bumper system.

Increased safety

Thanks to their strength and impact properties, plastics provide essential safety features, from shock absorption for bumpers to air bags, side impact protection and

seat belts. ■ the Opel Astra T 3000 incorporates impact resistant plastics in each side door which considerably enhances the safety of the vehicle occupants in a side-on crash, since the plastics neither splinter nor fracture ■ plastics replacing glass in windows and lights are 250 times stronger.

LOWERING THE COSTS

By using plastics, manufacturers have been able to reduce vehicle assembly time and costs. Bumpers, fenders and dashboards can now be moulded as single parts. In the past, these elements were made of traditional materials which required the production of many parts and multi-component assembly. ■ plastics have begun to replace conventional materials in throttle bodies and a number of companies are now leading the development of polyetherimide throttle housings which are 40 per cent lighter than the aluminium equivalent and cost up to 40 per cent less,

IMPROVED PERFORMANCE

Because plastics are also champions of source reduction – using less to do more – their use in car design helps minimise environmental impact and save resources. Greater use of plastics is vital to produce ever more energy efficient cars. Technological innovations mean lighter, thinner yet stronger plastics parts are being used to perform a growing range of roles in the modern car. Despite their widespread use, the natural resources needed to produce automotive plastics represent just 0.3 per cent of global oil consumption. At the same time, the weight savings achieved through plastics’ use are significant – approximately 100kg of plastics in a modern car replaces 200 to 300kg of traditional materials. All other factors being equal, this has cut fuel consumption in the average car by 750 litres over a life span of 150 000km. Additional calculations suggest that this reduces oil consumption by 12 million tonnes and consequently CO₂ by 30 million tonnes per annum in Western Europe. ■ nylon air-intake manifolds in the new Porsche Boxster weigh 50 to 60 per cent less than their aluminium counterpart. The low flow resistance on inner walls improves fuel economy and performance. At the same time the nylon components offer low thermal conductivity and can be recycled.

As we enter an era of mass customisation, where products will increasingly be tailored to meet individual requirements, diversity will become the new rule. Cars will come in all shapes and sizes, metamorphosing into new ‘part-carpart-truck’ combinations. Plastics’ versatility and flexibility will support the trend in the automotive industry to build very different cars based on the same chassis and a core set of components, thus reducing research and development time and the retail price. Plastics-based composite materials will substantially reduce the weight of the future car and, as a result, less energy will be required to propel it. In fact, the 100kg of plastics that have been added to the average car have already displaced 200 to 300kg of other materials. Thanks to lightweight plastics, driving 50 kilometres on one litre of fuel will soon be possible and the commercialisation of electric cars that need just 40kW instead of the 120kW a conventional-size vehicle requires today, could be only a few years away. As we move into the next century, cars will be fitted with hybrid engines that draw their energy from a combination of sources including fuel, plastics-based solar panels, batteries and fuel cells – which generate electricity catalytically from hydrogen – thus further reducing emissions of CO₂. In 20 years time, cars may even drive themselves, using satellitebased Global Positioning Systems (GPS) to take their passengers safely to the nearest hotel on a crosscountry trip. New plastics are increasingly being tailored to meet the needs of the electronic car of the future. Looking forward to the 21st century, plastics in automotive applications will continue to contribute significantly to the drive towards building better, safer and cleaner cars. The plastics industry will continue to work closely with the automotive industry to meet this challenge by developing technologies and products to turn transport dreams into a reality.

References:

Shashank, M. (2016). Material Qualification in the Automotive Industry. Center for Automotive Research. Ann Arbor, pp. 1–24.

What Materials are Used to Lightweight Cars? (2017). Trevor English, February 8, Blog, automotive, lightweighting, material. Retrieved from <http://manufacturinglounge.com/materials-used-lightweight-cars>.

RAQAMLASHUV JARAYONI VA “YANGI IQTISODIYOT”NING VUJUDGA KELISHI

*Atahanova Gavxaroy Anvarbekovna
natahanova93@gmail.com*

*Andijon Abu Ali Ibn Sino nomidagi jamoat sog`lomligi texnikumi
Umumta`lim fanlari kafedrasida katta o`qituvchisi*

Annotatsiya. Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologiyalarning rivojlanishi sharoitida O‘zbekistonning iqtisodiy taraqqiyotiga raqamli iqtisodiyotni rivojlantirmasdan erishib bo‘lmaydi. Mamlakatimizda bugun jadallik bilan kechayotgan raqamlashuv jarayoni “yangi iqtisodiyot”ni vujudga keltirdi.

Kalit soʻzlar: Raqamli iqtisodiyot, YAİM, globallasuv, texnologiyalar, iqtisodiy taraqqiyot, raqamlashuv jarayoni, yangi iqtisodiyot, **elektron biznes, elektron tijorat, isteʼmolchi, xaridor va mijozlar,**

O‘zbekiston iqtisodiyot tarmoqlari o‘zgarishi, bujarayonning raqamlashuvi, mobillashuvi, sohagasun'iy intellektning joriy etilishi bilan bog'liq muhim davrni boshda nkechirmoqda. 2022 yilga kelib dunyo YAİMning qariyb chorak qismi raqamli sektorga to'g'ri kelishi prognoz qilinayotgan bir sharoitda yangi iqtisodiyotni rivojlantirish zarurati yanada oydinlashadi.

Rivojlangan davlatlarda raqamli iqtisodiyotni joriy etishga allaqachon kirishilgan. Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologiyalarning rivojlanishi sharoitida O‘zbekistonning iqtisodiy taraqqiyotiga raqamli iqtisodiyotni rivojlantirmasdan erishib bo‘lmaydi.

Mamlakatimizda bugun jadallik bilan kechayotgan raqamlashuv jarayoni “yangi iqtisodiyot”ni vujudga keltirdi. Kam o‘rganilgan va kun sayin chuqur tomir otib borayotgan bu bozor segmenti ishlab chiqaruvchilarga biznesda samarali marketing kampaniyalari uyushtirish, minimal xarajat qilib, maksimal foyda olish, tovar va xizmatlarni muvaffaqiyatli sotishning optimal usullarini taqdim etadi. Iste’molchi, xaridor va mijozlarga sifatli xizmat, qulaylik yaratiladi. Bu vaqtingiz tig‘iz paytida Internet orqali tushlikka buyurtma berish, mobil ilova orqali taksi chaqirish, uzoqdagi yaqiningizga pul jo‘natishdan ko‘ra kengroq imkoniyatlar bo‘lib, transchegaraviy biznes hamkorlik, elektron tijoriy maydon, masofaviy ofis kabilarni ham qamrab oladi.

Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalarga asoslangan, elektron biznes, elektron tijorat bilan bog‘langan, raqamli tovar va xizmatlar ishlab chiqarayotgan va taqdim etayotgan iqtisodiy faoliyatdir. Bunda iqtisodiy xizmat va tovarlar uchun hisob-kitoblar elektron pul orqali amalga oshiriladi.

Raqamli iqtisodiyot yirik sanoat obyektlari ish samaradorligini oshirish, ishlab chiqarishda o‘sish, faoliyat shaffofligini ta‘minlash, mahsulot tannarxini kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar olib borgan tahlillar natijalariga ko‘ra, raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga oshiradi, shuning barobarida, xufyona iqtisodiyotga barham beradi.

Raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har bir jabhasiga, xususan, sog‘liqni saqlash, fan-ta‘lim, qurilish, energetika, qishloq va suv xo‘jaligi, transport, geologiya, kadastr, arxiv, internet-banking va boshqa sohalarga jadal kirib bormoqda va ularning har birida o‘zining yuqori samaralarini bermoqda. Davlat o‘z fuqarolari uchun elektron xizmatlar ko‘rsatishi va elektron mahsulotlarni taklif etishi — bu raqamli iqtisodiyotning asosiy qismi hisoblanadi. Mamlakatimizda ushbu sohani keng rivojlantirish korrupsiya illatiga barham beradi.

O‘zbekistonda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini ishlab chiqilishi va hayotga tatbiq etilishi, eng avvalo, puxta va mukammal tashkiliy-huquqiy mexanizmlarni

shakllantirish, qolaversa, innovatsion g‘oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish bo‘yicha davlat organlari va tadbirkorlik subyektlarining uzviy hamkorligini ta‘minlash, barcha soha va tarmoqlarda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishni raqamli texnologiyalar bilan qamrab olish, bu borada zamonaviy bilimlarni chuqur egallagan, intellektual salohiyatli kadrlarni yetishtirish, shu orqali, mamlakatda “axborotlashgan jamiyat” muhitini yaratishga xizmat qiladi.

Zamonaviy ilm-fanning cho‘qqisi yuqori texnologiyalarda, raqamli olamda ko‘zga tashlanadi. Raqamli iqtisodiyot texnologik va biznes jarayonlari, ishlab chiqarish, logistika va tayyor mahsulotlarning savdosini raqamlashtirishni nazarda tutadi. Mamlakatimizda 2020-yilning o‘zida transport, geologiya, ta‘lim, arxiv kabi sohalarni to‘liq raqamlashtirish belgilangan. Zamonaviy infratuzilmaga ega bo‘lgan “IT-park”lar ham fikrimiz dalilidir.

Aholi va tadbirkorlik subyektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yana-da rivojlantirish maqsadida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining yangi versiyasi “business.gov.uz” portali ishga tushirilgani raqamli iqtisodiyot rivoji yo‘ldagi muhim qadamlardir.

Uzoq vaqt davomida byudjet tashkilotlarida texnik xodim hisoblangan axborot texnologiyalari mutaxassislariga yuqori maosh berilmagani ham raqamli iqtisodiyotni joriy etishdagi muammo bo‘lgan. Sababi malakali dasturchilar bu lavozimda uzoq qolmagan. Ular xalqaro tashkilotlar, qo‘shma korxonalar, chet ellik buyurtmachilar uchun ishlashni ma‘qul ko‘rgan. Endilikda ularga ustama berish mexanizmi joriy etilgan.

“Raqamli tengsizlik tengsizliklarning doyasi” bo‘lib turgan bir paytda iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamlashtirish jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuv, dunyo bozorida o‘z o‘rniga ega bo‘lish, iqtisodiy ravnaq topish, aholiga qulayliklar yaratishning asosiy shartidir.

Hozirgi kunga kelib mamlakatimizda asosiy kun tartibidagi masala bu raqamlashtirish bo‘lib, raqamlashtirish borasida O‘zbekiston dadil odimlar bilan ildamlamoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. R.H.Ayupov, G.R.Baltabayeva, “Raqamli iqtisodiyot asoslari”, Toshkent, 2020 yil.
2. Jumanova S. “Yangi O`zbekiston” gazetasi.
3. Veb sayt
<https://yuz.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУЛОҚОТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК

*Пулатова О., Андижон машинасозлик институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчи
pulatova70@gmail.com*

Абдузафорова Г., “Касб таълими” йўналиши иқтидорли талаба

Аннотация: Мақолада замонавий талаблар асосида замонавий ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари бўйича таълим воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг мулоқот жараёнларини фаоллаштириш масаласи ёритилган

Калит сўзлар: ахборот, мулоқот, шахс, интерфаол, қобилият

Бугунги кунда ахборотлар шиддати ва янгиликлар оқими тобора кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ҳар бир шахсдан фикрий етукликни, тўғри мушоҳада юрита олишни, ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Айниқса бу жараён жамиятнинг сезиларли қисмини ташкил этувчи ёшлар онги ва шу ўринда кескин бурилишлар, янгича қарашларни вужудга келишига таъсир кўрсатади. Таълим мазмунини такомиллаштириш, интеграциялаш, ахборот

технологияларига асосланилган таълимни ташкил этиш эса ана шундай тезкор давр тақозосидир.

Соғлом фикр юритувчи ва маънавий жиҳатдан мукамал, ақлан етук, фикран теран, ривожланган шахсни тарбиялаш таълимда ёш хусусиятларига эътиборли бўлиш, ўқитишда таълимнинг барча бўғинлараро алоқадорлигини таъмин этиш ва шахс онги ва тафаккурида янгича ғоя, тасаввурларни шаклланишига имкон берувчи замонавий фаол усуллардан фойдаланишни талаб этади. Олий таълимдаги ижтимоий, гуманитар фанлар доирасида таълимни ноанъанавий усуллари қўлланилиши талаба ёшларни ижодий тафаккурини шаклланишида, мулоқот имконини кенгайтишида, воқеа-ҳодисаларга нисбатан баҳолашлари ва қарашларини шаклланишида ва яна шунингдек, дарс жараёнида вужудга келган қизгин мунозара ва мантиқий ечимларни бевосита иштирокчиси сифатида ўз фаолиятдан психологик қониқиш ҳиссини вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қанчалик таълим жараёнидаги берилаётган янги маълумотлар талабадаги мавжуд тасаввурлар ва тажрибаларга уйғунлашган бўлса, уни идрок этиш, билиш жараёнлари орқали таҳлил қилиш ва баҳолаш фаоллашади. 1-2-курс талабаларида абстракт тафаккур, мантиқий фикрлаш, танқидий баҳолаш, қиёслаб таҳлил қилиш имконини янада такомиллаштиришида «Муаммоли ўқитиш», «Ақлий хужум», «Индивидуал ўқитиш» каби турли субъектив фаолликни талаб этувчи усуллар орқали таълимни ташкил этилиши юқори самарали аҳамиятга эга. Шунингдек, таълимни энг сўнгги интернет хабарларидан фойдаланилган ва турли слайдлар кўринишида ташкил этилиши талабаларда ижодий тафаккурни, ички фаолликни, эркин мулоқотга киришиш, ўз ҳулқини бошқариш имконини шакллантирибгина қолмай, мулоқот маданияти ва савиясини ўзлаштиришига кучли таъсир кўрсатади. Шахс маънавияти, руҳий олами кўринишлари унинг мулоқоти орқали намоён бўлади.

Сир эмаски, бугунги кунда ёшларни мулоқот савияси, маданияти, мулоқот орқали ҳиссий ҳолатларини баён эта олиш имкониятида кўпол нуқсонлар кўзга ташланади. Бу муаммо ечими эса уларни таълим жараёнида ўз устида ишлашларини ташкил этиш, ўзга шахсларни ва ўзини ўзгалар қарашлари (рефлексия) билан баҳолай олишларини юзага келтириш орқали ҳал этиш мумкин. Бу эса кенг дунёқарашни, бой маълумотлар захирасини, турли ахборотлар тизимидан фойдалана олишларини тақозо этади. Бундан ташқари таълимда индивидуал хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ва ички имкониятларга кўра турли усулларни қўлланилиши, талабаларни турли вазиятларда фаоллик кўрсатишларини талаб этилиши улардаги очилмай қолган имкониятларни, забт этилмаган янги қирраларни кашф этилишига туртки бўлади.[1,63]

Мана шундай шахс билиш жараёнларини ўзаро уйғунлигини, ва фаоллигини талаб этадиган усуллардан бири бўлган «Ақлий хужум» усули мантикий фикрлашни, хотира, диққат, идрок, ҳаёл, нутқ жараёнлари узвийлигини, тафаккур тезлиги ва нутқий маҳоратни мукамал даражасини намоён этишни талаб қилади. Бундан ташқари ҳал этилаётган муаммо ечимига қадар турли ёндошишлар, таърифлар кенг қамровли фикр юритишга, ўз ақлий салоҳиятини қай даражада эканлигини баҳолай олишга шароит яратади. Психологик нуқтаи назардан, шахс ўз қобилиятлари ва имконларини қай даражада адекват баҳолай олиши уни жамиятда фаоллик кўрсатишига, шахслараро муносабатлар тизимига осон кириша олишига, ички салоҳиятидан оқилона, самарали фойдалана олишига замин яратади. Бундан ташқари бир хилликка йўғрилган таълим мазмуни шахс хотирасида кам қўзғолишлар ҳосил қилади, тасаввурлар тизимида ассоциатив боғланишлар узвийлиги фаол бўлмайди. Таълимдаги маълумотлар тизими қанчалик янги бўлиб, инновацион технологиялар асосида ёритилган тарзда узатилса ўзлаштириш жараёнида сифат даражасини ошишига олиб келади. Таълимда иложи борича визуал воситалар, слайдлар асосида ўқитишни ташкил этилиши аниқ,

мавҳумликларсиз, мавжуд билимлар билан боғланган мустаҳкам тасаввурлар тизимида ўрин олган тушунчаларни ҳосил бўлишига олиб келади. [2,52]

Интерфаол усуллардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ҳам шахс фаоллигини таъминловчи, ўзига нисбатан талабчанликни оширувчи, бевосита ўзини вазиятни фаол иштирокчиси сифатида эркин идрок қилишига, мавжуд нуқсон ва камчиликларини тўғрилашига таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бунда эса таълимни мультимедиа кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Таълимда қанчалик мураккаб билиш жараёнларини иштироки талаб этилишига эришилса, талаба шахсини яширин бўлган ички имкониятлари, қобилият қирралари намоён бўлади. Бевосита таълим жараёнида талаба ўзи ҳам таълим мазмунини ёритувчи сифатида фаоллик кўрсатиши, муаммони ифодалашда изланиши ўзлаштириш даражасини юқори савияга кўтарилишига олиб келади.

Талаба шахсини баркамол маънавий-руҳий олами мукамаллилигини, теран интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, етук камолот эгаси қилиб тарбиялаш аввало таълим жараёнида белгиланадиган аниқ мақсадлар билан баҳоланади. Тараққиёт сари юз тутиб бораётган бугунги ахборотлар асри эртанги кун ёшларидан турли муаммоли вазиятларда ўзини-ўзи тўғри баҳолай оладиган, мустақил фикрига эга бўлган, ақлий ва руҳий имкониятларидан юксак саъйи-ҳаракатлар йўлида фойдалана оладиган ижобий хусусиятлар соҳиби бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса тўғри ташкил этилган таъсирчан, инновацион таълим ҳамда ўқитиш жараёнида таркиб топиб борадиган инсоний сифатлар, ахлоқий хусусиятлар, кўникмага айланиб борадиган ижодий фаоллик даражаси билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mahkamov U. Kasbiy mahorat. O'quv qo'llanma. T.: TDIU .-2014
2. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. – T: Tafakkur-Bo'ston, 2016

MASOFAVIY TA'LIMNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI, AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI.

*Axmadjonova Shahnoza Tolibjon qizi, o'qituvchi,
Farg'ona davlat universiteti
shakhmadjonova@mail.ru*

*Abduvaliyeva Gulsora Adahamjon qizi,
Farg'ona davlat universiteti*

Annotatsiya: Ushbu maqolada masofaviy ta'lim nima ekanligi, uning o'qitish usullari hamda rivojlantirish bosqichlari, masofaviy ta'limning afzalliklari va kamchiliklari, bugungi kunda ta'limni rivojlantirib borishda ommaviy axborot vositalarining muhim ahamiyat kasb etishi haqida keng yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Masofaviy ta'lim, o'qitish usullari, rivojlanish bosqichlari, masofaviy ta'lim kamchiliklari va afzalliklari, ommaviy axborot vositalari.

Abstract: The article analyses the significance of online education, its teaching methods including improving levels, challenges of distance education.

Key words: Online education, teaching methods, improving levels, challenges and prefers of online education, Mass media.

Hozirgi zamon ta'lim jarayoniga an'anaviy tushunchalar qatoriga yangi tushunchalar kirib kelmoqda. Ulardan biri bu "Masofaviy ta'lim" o'qitish tizimidir. Biz bilamizki, o'qitish bu ma'lum bir maqsadga yo'naltirilgan tizimli bilim va ko'nikmalar bilan qurollangan jarayondir. Ta'lim bu o'qitishning natijasi bo'lib, shaxsni rivojlantirish va tarbiyalash demakdir. Biz bu ikki jumlaning anglab yetdik, endi Masofaviy ta'lim nima? U qanday kirib keldi? Uning afzalliklari nimada? Yoki uning qanday kamchiliklari mavjud? Biz avvalo ushbu savollarga javob olishimiz kerak.

Masofaviy o'qitish – bu yangi axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya texnologiyalari va texnik vositalariga asoslangan ta'lim tizimidir. U ta'lim oluvchiga ma'lum standartlar va ta'lim qonun-qoidalari asosida o'quv shart-sharoitlari va o'qituvchi bilan muloqotni ta'minlab berib, o'quvchidan ko'proq mustaqil ravishda shug'ullanishni talab qiluvchi tizimdir.[2, 5-6]

Masofaviy ta’lim –masofadan turib o`quv axborotlarini almashuvchi vositalarga asoslangan, o`qituvchi maxsus axborot muhit yordamida, aholining barcha qatlamlari va chet ellik ta’lim oluvchilarga ta’lim xizmatlarini ko`rsatuvchi ta’lim kompleksidir.

Bugungi kunda Masofaviy ta'limning kirib kelishiga asosiy sabab - butun dunyo bo'ylab tarqagan "Koronavirus (Covid-19)" deb aytsak joiz bo'ladi. Bu pandemiya yurtimizni qamrab oldi. Shu sababli yurtboshimizning tashabbuslari bilan "Masofaviy ta'lim" tizimi joriy etildi. Bundan asosiy maqsad xalqning salomatligidir. Masofaviy ta'lim bizga ko'plab imkoniyatlarni yaratib berdi va shunga qaramay o'zining ayrim kamchiliklari ham mavjuddir.

Masofaviy ta’lim an’anaviy ta’lim turidan quyidagi xarakterli xususiyatlari bilan farqlanadi.[1, 58-59]

1. Moslashuvchanlik – ta’lim oluvchiga o`ziga qulay vaqt, joy va tezlikda ta’lim olish imkoniyati mavjudligi. Modullilik – bir biriga bog`liq bo`lmagan mustaqil o`quv kurslari to`plamidan – modullardan individual yoki guruh talabiga mos o`quv rejasini tuzish imkoniyati mavjudligi.

2. Parallellik – o`quv faoliyatini ish faoliyati bilan birga parallel ravishda, ya’ni ishlab chiqarishdan ajralmagan holda olib borish imkoniyati mavjudligi.

3. Keng qamrovlilik – ko`p sonli o`quvchilarning bir vaqtning o`zida katta o`quv (elektron kutubxona, ma’lumotlar va bilimlar bazasi va boshqalar) zahiralari murojaat qila olishi. Bu ko`p sonli o`quvchilarning kommunikatsiya vositalari yordamida o`zaro va o`qituvchi bilan muloqotda bo`lish imkoniyati.

4. Iqtisodiy tejamkorlik – o`quv maydonlari, texnika vositalari, transport vositalari va o`quv materiallaridan samarali foydalanish, o`quv materiallarini bir joyga yig`ish, ularni tartiblangan ko`rinishga keltirish va bu ma’lumotlarga ko`p sonli murojaatni tashkil qilib bera olish mutaxassislarni tayyorlash uchun ketadigan xarajatlarni kamaytiradi.

5. Ijtimoiy teng huquqlilik – ta’lim oluvchining yashash joyi, sog`lig`i va moddiy ta’minlanish darajasidan qat’iy nazar hamma qatoritenghuquqli ta’lim olish

imkoniyati. Internatsionallilik – ta’lim sohasida erishilgan jahon standartlariga javob beradigan yutuqlarni import va eksport qilish imkoniyati.

6. O’qituvchining yangi roli – masofaviy o’qitish o’qituvchining o’qitish jarayonidagi rolini yanada kengaytiradi va yangilaydi. Endi o’qituvchi o’zlashtirish jarayonini muvofiqlashtirishi, yangiliklarva innovatsiyalarga mos ravishda berayotgan fanini muntazam mukammallashtirishi, saviya va ijodiy faoliyatini yanada chuqurlashtirishi talab etiladi.

Masofaviy ta’limning afzalliklari:

- Istalgan vaqtda o’qish imkoniyati; har qanday joyda o’qish imkoni; masofaviy ta’lim arzonligi; shaxsiy erkinlik bilan yondashuv.

Masofaviy ta’limning kamchiliklari:

- Kuchli motivatsiya zarur; masofaviy ta’lim muloqot qobiliyatini rivojlantirish uchun mos emasligi; amaliy bilimlarni yetishmasligi; ommaviy axborot vositalaridan foydalana olish savodxonligi yetishmasligi.

Masofadan o’qitishning yana bir afzallik tomoni, unda o’qish muddatini o’quvchi o’zi belgilaydi, ya’ni talaba ixtiyoriy paytda o’qishni boshlaydi, materiallarni o’qituvchi nazoratida o’zlashtiradi. O’zlashtirish topshiriqlarni, testlarni bajarishiga qarab aniqlanadi. O’quvchi berilgan programmani qanchalik tez o’zlashtirsa, shunchalik tez o’qishni tugatadi va guvohnoma oladi. Dasturni o’zlashtira olmasa, unga mustaqil ishlab, o’qishni davom ettirishga imkoniyat beriladi.[3, 25]

Masofadan o’qitish uchun talabalar uchun auditoriyalar, yotoqxonalar zarur emas. Masofadan o’qitishda moliyaviy harajatlar asosan o’quv uslubiy materiallar tayyorlash uchun, maxsus auditoriyalar uchun sarflanadi. Bu xarajatlarning asosiy qismi bu jarayonni tashkil etish bosqichida sarflanadi. Keyinchalik moliyaviy harajatlar kamayadi. Shuning uchun talabalar sonini oshishi bilan o’qish narxi ham pasayadi. Masofadan o’qitishda asosiy e’tiborni o’quv-uslubiy materiallarni tayyorlashga qaratish darkor. Chunki o’quv-uslubiy materiallarning sifati masofadan o’qitish sifatining eng asosiy omillaridan biridir. O’quv-uslubiy material qanchalik

tushunarli va batafsil bo‘lsa, shunchalik o‘quvchiga foydali bo‘ladi. Ya’ni material uslubiy jihatdan puxta bo‘lmog‘i zarur.[4]

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz kerakki, axborot ta’limi texnologiyalari va o‘qitish usullarini, shu jumladan masofadan o‘qitish usullarini ishlab chiqish va joriy etish ta’limni rivojlantirish asosiy tadbirlardan biri sifatida belgilangan. Bilim olishda inson o‘ziga eng qulay va to‘g‘ri yo‘lni tanlab olishi kerak. Har bir inson o‘z so‘z erkinligi, fikr erkinligi mavjudligiga tayangan holda o‘z yo‘lini tanlay bilishi kerak. Ta’lim olishda, masofaviy ta’lim yoki an’anaviy ta’limni tanlashda o‘zining oilaviy sharoiti yoki o‘z istaklariga e’tibor bergan holda tanlashi kerak. Bugungi kunda jadal ravishda butun dunyo bo‘ylab masofaviy ta’lim talabalar orasida mashhur o‘quv uslubiga aylanib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati.

1. Brianna, D., Derrian, R., Hunter, H., Kerra, B., & Nancy, C. (2019). Using EdTech to enhance learning. *International Journal of the Whole Child*, 4(2), 57–63.

2. Kebritchi, M., Lipschuetz, A., & Santiago, L. (2017). Issues and challenges for teaching successful online courses in higher education. *Journal of Educational Technology Systems*, 46(1), 4–29.

3. Liguori, E. W., & Winkler, C. (2020). From offline to online: Challenges and opportunities for entrepreneurship education following the COVID-19 pandemic. *Entrepreneurship Education and Pedagogy*.
<https://doi.org/10.1177/2515127420916738>

4. Temirov A., Sohobiddinov A. “Mamlakatimiz ta’lim tizimida axborot kommunikatsiya va innovatsiyon texnologiyalardan foydalangan holda bilim olish”
// "WORLD SOCIAL SCIENCE" //

KIBERXAVFSIZLIK RAQAMLASHTIRISH IQTISODIY TARAQQIYOTINING MEZONI

Babayeva Gulnozaxon Latibjonovna
gulnozaboboyeva05@gmail.com
Andijon mashinasozlik instituti
O'zbek tili va adabiyoti kafedراسи assistenti
Latifjonov Otabek Haitboy o'g'li
Soliev Boburjon Abdirayim o'g'li
Xizmatlar sohasi 3-kurs talabalari

Annotatsiya. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim omili — mamlakat kiberxavfsizligini ta'minlashdir. Kiberxavfsizlik – kibermakonning barcha tashkil etuvchilari, ya'ni texnik qurilmalar va foydalanuvchilarni har qanday tahdidlar va kutilmagan ta'sirlardan himoyalashdir. Kiberxavfsizlik, tashkilot resurslari yoki foydalanuvchilarini kibertahdidlarga mos ravishda himoyalanganlik xususiyatlarini shakllantiradi.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, YAİM, axborot-kommunikatsiya, texnologiyalar, sun'iy intellect, kiberxavfsizlik, axborot texnologiyalari, elektron hujjatlar.

Bugungi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari iqtisodiyotning barcha sohalarida zamonaviy boshqaruv tizimlarining ajralmas qismidir. Iqtisodiyot tarmoqlarining o'zgarishi, bu jarayonning raqamlashuvi, mobillashuvi, sohaga sun'iy intellektning joriy etilishi bilan bog'liq muhim davrni boshdan kechirmoqda.

2022 yilga kelib dunyo YaİMning qariyb chorak qismi raqamli sektorga to'g'ri kelishi prognoz qilinayotgan bir sharoitda yangi iqtisodiyotni rivojlantirish zarurati yanada oydinlashadi. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim omili — mamlakat kiberxavfsizligini ta'minlashdir.

Короче говоря, наряду с оцифровкой всех систем и процессов, важно обеспечить их технически безупречную и безопасную работу и безопасность. Чем больше внимания уделяется развитию цифровой экономики в нашей стране, тем актуальнее обеспечение кибербезопасности. Узбекистан укрепляет свои позиции в мировом индексе кибербезопасности. В 2017 году наша страна заняла 93-е место в этом рейтинге, а в 2018-м поднялась на 52-е место.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. «Основы цифровой экономики», Ташкент, 2020.

2. Джуманова С. Газета "Новый Узбекистан".

3. Веб-сайт

<https://yuz.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>

RAQAMLI HAYOTNING TIL BORASIDAGI MUAMMOLARI

*Jurabekov TemurbekNodirbeko‘g‘li,
AndMI IATT yo‘nalishining 1 –bosqich magistranti,
Andijon shahar*

Annotatsiya. Ushbu maqolada kompyuter dasturiy ta’minoti bo‘yicha turli dasturlar ishlab chiqilishida qo‘llaniladigan dastur tillarini tanlash borasidagi muammolar o‘rganiladi. Maqola muallifi dasturiy ta’minotni tuzishda tillaridan foydalanishdagi ba’zi muammolar haqida o‘z nuqtai nazarini yoritishga harakat qiladi.

Kalit so‘zlar: dasturlash tillari, dasturiy ta'minot, yangi texnologiyalar, ma'lumotlar xavfsizligi

Nima uchun dasturlash tillari juda ko'p? Virtual tilshunoslikning ham o'ziga xos muammolari mavjud bo'lib, bugungi kunda ikki xil mingdan ortiq turli xil dasturlash tillari bizga ma'lumdir. Ularning soni yildan-yilga aqlga sig'maydigan tezlikda ko'payib bormoqda. Eski tillarning yangilangan yoki qayta ishlangan versiyalari chiqilgan bo'lib, shaxsiy dasturiy mahsulotlar uchun yangi dasturlash tillari ishlab chiqilmoqda. Chunki dasturiy ta'minot bozori yangi texnologiyalarni talab qiladi va yangi texnologiyalar yangi va kuchli ishlab chiqish tillarini talab qiladi. Bu erda yangi rivojlanish tillarini yoki ularning yangilangan versiyalarini teng ravishda tezlashtirishni o'zlashtirish muammosi paydo bo'ladi. Ya'ni, quyidagi holat ko'rsatilgan. Aytaylik, mashhur dastur tilining yangilangan versiyasi chiqdi. Tilning yangi versiyasini o'zlashtirish, agar yangi versiyaning sintaksisi eski versiyaning sintaksisidan unchalik farq qilmasa osonroq bo'ladi. Dasturlash tilining sintaksisi o'zgarmaydi, faqat to'ldiriladi va murakkablashadi. Bunday holatda ishlab chiqilgan dastur kuchli dastur hisoblanadi.

Ishlash mezonlari xususiy ishlash ko'rsatkichlari (sifat ko'rsatkichlari) asosida quriladi. Muayyan ko'rsatkichlar o'rtasidagi aloqa usuli ishlash mezonining turini belgilaydi.

Xususiy ko'rsatkichlar odatda:

- oson o'qilishi (dasturlarni o'qish va tushunish qulayligi);
- dasturlarni yaratishda yengillik (tanlangan sohada dasturlarni yaratish uchun tilga qulaylik);
- ishonchlilik (dasturlarning ishlashi paytida minimal xatolarni ta'minlash);
- qiymati (tilning butun hayot tsiklining umumiy qiymati);
- dasturlarning qulayligi (dasturlarni bir ish muhitidan boshqasiga o'tkazish qulayligi);
- umumiyligi (keng doiradagi vazifalarga tatbiq etish);
- aniqlik (tilning rasmiy tavsifining to'liqligi va aniqligi).

Agar dastur tilning yangi versiyasi tubdan ishlab chiqilib, qayta yaratilishi boshqacha ahamiyat kasb etadi. Ushbu rivojlanish tilining sintaksis, paradigma va

ba'zi o'ziga xos xususiyatlari o'zgartiriladi. Ishlab chiquvchilar shunchaki rivojlanish tilining mutlaqo yangi darajasiga o'tishlari kerak, deb hisoblaymiz. Lekin bu jarayon darhol sodir bo'lmaydi va uni bosqichma-bosqich amalga oshirish zarur.

Bu shuni anglatadiki, dastur tilini ishlab chiquvchi o'z dasturini, masalan, sakson foizini tilning eski versiyasida, o'n foizi yangisida yozadi. Bunda u agar eski versiyani qo'llab-quvvatlashni saqlab qolishi muhim ahamiyatga ega. Ammo versiyalarning, ya'ni irratsional dasturlashning bunday aralashishi natijasida barqarorlik va ish tezligining asosiy talablariga javob bermaydigan mahsulot ishlab chiqilishi mumkin.

Bu narsa mahsulot maxfiylik va ma'lumotlar xavfsizligi ustuvor bo'lgan ilovalar uchun ishlab chiqilganligi bilan ham ahamiyatlidir va bu hatto xavfsizlik muammolariga ham tegishlidir. Yuqorida aytib o'tganimizdek, bugungi kunda dasturlash tillari juda xilma-xil bo'lib, ular katta miqdordagi va kichik kompaniyalar tomonidan ishlab chiqilgan. Ba'zan ular alohida odamlar va guruhlar tomonidan ham ishlab chiqilgan bo'lishi mumkin. Bu borada jiddiy raqobat, ayniqsa, natijalari butun dunyoda katta talabga ega bo'lgan yirik dasturiy ta'minot ishlab chiqaruvchilaridan kelib chiqadi. Lekin bugungi kunda mavjud bo'lgan dasturiy ta'minotlar ichidan hech bo'lmasa eng yaxshi uchta rivojlanish tilini aniqlash mumkin emas. Bu shuni anglatadiki, dasturiy ta'minotni ishlab chiqish bo'yicha eng keng tarqalgan tillarning hech biri dastur ishlab chiquvchilari tomonidan qo'yiladigan ba'zi talablarga (qisman yoki to'liq) javob bermaydi.

Bundan tashqari, dastur tillaridan birining imkoniyatlari qisman boshqa tilda amalga oshiriladi. Shunday qilib, bir til yana bir boshqa til orqali o'zaro to'ldiriladi. Zamonaviy dasturlarni ishlab chiqish muhitlari dasturlash uchun turli xil dasturlash tillarida, hattoki raqobatdosh kompaniya tilida ham kod yozish imkoniyatini beradi va ko'plab ishlab chiquvchilar bundan o'z loyihalarida faol foydalanishni boshlaydilar. Ba'zan dasturni bitta tilda yozishning etarli darajada yaxshi emasligi ham ishlab chiquvchini dastur kodining ma'lum qismida boshqa tilga va orqaga o'tishga majbur qiladi.

Ba'zan dasturni bitta tilda yozishning etarli darajada yaxshi emasligi ham ishlab chiquvchini dastur kodining ma'lum qismida boshqa tilga va orqaga o'tishga majbur qiladi. Va yana muammo shundaki, bunday "aralash" dasturning barqarorligi va tezligi borasida ham dasturiy ta'minot ishlab chiquvchilari o'rtasida ma'lum bir ishlab chiqish tili qanchalik yaxshi ekanligi to'g'risida kelishmovchiliklar mavjud. Hatto dasturlash tillarining reytingi ham mavjud. Ammo, har qanday holatda, bu erda vositalar emas, balki yakuniy natija muhimdir. Shunday qilib, ishning haqiqiy foydasi uchun zarur bo'lgan hollarda siz turli xil tillarda dasturlar yozishingiz mumkin vaular albatta foydalanuvchilar tomonidan keng qo'llanilishi muhim ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Язык программирования. https://ru.wikipedia.org/wiki/Язык_программирования
2. Дастурлаш тиллари. <https://www.terabayt.uz/tag/dasturlash-tillari>.
3. Dastur va dasturlash tillari Maqsad. <https://kompy.info/informatika-12--dars-mavzu-dastur-va-dasturlash-tillari-maqsad.html>.

O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA ELEKTRON

HUKUMAT

Odasheva Nilufar Jamoldinovna
shoyadbektorayev@gmail.com
Yusupova Umidaxon Boybuvayevna
yusupovaumida@gmail.com
Andijon davlat universiteti
Informatika yo`nalishi 2-kurs talabalari

Annotatsiya. Mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ajralmas tarkibiy qismi bo'lib, uning asosiy maqsadi

ma'muriy tartib va taomillardan o'tishni soddalashtirish, aholi turmush sifatini oshirish, investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat, diversifikatsiya, kripto-aktivlar aylanmasi, mayning, smart-kontrakt, konsalting, emissiya.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 2018 yil 3 iyuldagi PQ-3832-sonli qarori qabul qilinishi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim qadam bo'lib, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish bo'yicha bir necha eng muhim vazifalar belgilab berildi. Ulardan biri investitsiyaviy va tadbirkorlik faoliyatining turli shakllarini diversifikatsiya qilish uchun kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi faoliyatni, jumladan mayning, smart-kontrakt, konsalting, emissiya, ayirboshlash, saqlash, taqsimlash, boshqarish, sug'urtalash, kraud-fanding (jamoaviy moliyalashtirish) texnologiyalarini joriy etishni ta'kidlandi.

Yana biri blokcheyn texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanish sohasida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yaxshi tushunadigan, amaliy ish ko'nikmalariga ega malakali kadrlarni tayyorlash, shuningdek, yuqori malakali xorijlik mutaxassislarni jalb qilishni takomillashtirish nazarda tutilgan.

Bundan tashqari kripto-aktivlar bo'yicha faoliyat va “blokcheyn” texnologiyalari sohasida xalqaro va xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikni har tomonlama rivojlantirish, shuningdek, ilg'or xorijiy tajribani hisobga olgan holda zarur huquqiy bazani yaratish hamda raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish sohasida davlat organlari va tadbirkorlik sub'ektlarining yaqin hamkorligini ta'minlashni ham aytib o'tildi.

Mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ajralmas tarkibiy qismi bo'lib, uning asosiy maqsadi ma'muriy

tartib va taomillardan o'tishni soddalashtirish, aholi turmush sifatini oshirish, investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan.

Respublikamizda raqamli jamiyat rivojlanishi, aholi va tadbirkorlar uchun qulay imkoniyatlar yaratish, byurokratik to'siqlar va korrupsiyaviy omillardan holi samarali va ochiq davlat boshqaruvi tizimini rivojlantirish borasida ko'zlangan maqsadga erishish uchun bugungi kunda iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan “raqamli iqtisodiyot” milliy konsepsiyasini asosida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish orqali yalpi ichki mahsulot hajmini qo'shimcha 30 foizga o'stirish imkoni yaratilishi kutilmoqda.

Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologik rivojlanish sharoitida O'zbekistonning iqtisodiy rivojlanishini raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur qilish qiyin. 2022-yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo'lishi kutilmoqda. Bu albatta xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo'yicha O'zbekiston 170 dan ortiq davlat ichida 103-o'rinni egallab turishining o'zi mamlakatimizda bu sohada hali o'z yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo'lgan ishlar ko'pligidan dalolat beradi.

Davlatimiz rahbarining ta'kidlashicha, “...yurtimiz xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo'yicha 2019-yilda 8 pog'onaga ko'tarilgan bo'lsa-da, hali juda ham orqada. Ayrim vazirlik va idoralar, korxonalar raqamli texnologiyalardan mutlaqo yiroq. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko'p mablag' va mehnat resurslarini talab etadi. Raqamli iqtisodiyotga faol o'tish – kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo'lishi kutilmoqda.

Raqamli iqtisodiyot miqyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. O'zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta'sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019 yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41 pog'onaga ko'tarilib, 52 o'rinni egalladik.

Raqamli iqtisodiyotning o'sishi uchun mamlakatning barcha imkoniyatlarini ochib berishga to'sqinlik qilayotgan O'zbekistonning telekommunikatsiya

bozorida muammolar mavjud. Bozorni cheklovchi asosiy omil investitsiyalarni kuchaytiradigan va narxlarni ko'taradigan raqobatbardosh raqobatdir. MDITC UzTelecom orqali ishlaydigan mamlakatning xalqaro shlyuzi ustidan monopoliyaga ega. Natijada IP tranziti narxi dunyodagi eng qimmat bo'lib qolmoqda va aholi jon boshiga nisbatan mamlakatning o'tkazish qobiliyati juda past.

Raqamlilashirish bozor va sektorlarning odatiy chegaralarini buzadi, buni telekommunikatsiya, media bozorlari va raqamli platformalarda "yangi" yaqinlashuv misolida ko'rish mumkin. Iste'molchilar va ishlab chiqaruvchilar o'rtasidagi an'anaviy tafovutni chalkashtirib yuboradi, shuningdek elektr energiyasini iste'mol qiladigan va tarmoqqa etkazib beradigan individual "iste'molchilar" soni ko'paymoqda. Chegaralarning noaniqligi, xususan, tartibga soluvchining vakolatlari va faoliyat doirasiga ta'sir qiladi. Raqamli biznesning iqtisodiy xususiyatlari, shuningdek, narx-navoga asoslangan tartibga soluvchi modellarni talab qiladi, chunki raqamli iqtisodiyotda narxlarni shakllantirish turli qoidalarga rioya qiladi.

Xulosa o'rnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi.

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo'llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim.

Davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo'llab-quvvatlash sohasida raqamli ta'limning zamonaviy metodlarini qo'llab-quvvatlashi, innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o'zlashtirishda ko'maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga

chiqadigan risklarni pasaytirish choralarini ko'rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida” 2018 yil 19 fevraldagi Farmoni.

2. R.H.Ayupov, G.R.Baltabayeva, “Raqamli iqtisodiyot asoslari”, Toshkent, 2020 yil.

3. Nick Malyshev (nick.malyshev@oecd.org) or Céline Kauffmann (celine.kauffmann@oecd.org) OECD Regulatory Policy Division,
<http://oe.cd/regpolicy>

4. THE PERSPECTIVES OF DIGITAL ECONOMY FOR UZBEKISTAN: A NEW STAGE, Rajapova Madina Faridunovna | PhD student, TSUE, e-mail: m.rajapova@tsue.uz

5. Project Information Document/ Integrated Safeguards Data Sheet (PID/ISDS) Concept Stage | Date Prepared/Updated: 05-Sep-2018 | Report No: PIDISDSC24091 Public, : <http://www.worldbank.org/projects>

6. ЧТО ТАКОЕ ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА? ТРЕНДЫ, КОМПЕТЕНЦИИ, ИЗМЕРЕНИЕ, Доклад НИУ ВШЭ.

ЦИФРОВАЯ ЛИНГВИСТИКА КАК НОВЫЙ ЭТАП В НАУКЕ

Ходжаева Тамила Риодовна
студентка 2 курса переводческого факультета (фр.яз)
ГУМЯ, г. Ташкент
E-mail : tamilahodzaeva19@gmail.com
Научный рук.: Орехин-Рыжжина Вита Александровна

Аннотация. В статье рассматривается прогресс цифровой лингвистики, который позволяет развивать язык и общество. Путем рассуждений и результатов исследований определены перспективы новой профессии в языкознании. Также рассмотрена новая профессия в сфере лингвистики.
Ключевые слова: цифровая лингвистика; информационные технологии; исследования; инструмент; сфера деятельности.

В настоящий момент ИТ занимают неотъемлемую позицию в любой сфере профессиональной деятельности, не исключая лингвистики. Сравнительно недавно использование компьютерных технологий не относилось к классу обязательных предметов. Тем не менее, данный этап жизни и внушительный объем информации, требуют знания и развитие компетенций связанных с использованием ПО. Начиная со школы, ученики изучают различные программы, которые в дальнейшем помогут им в выбранной профессиональной деятельности. Соответствующие программы, существует непосредственно для лингвистических исследований. К примеру: преподавателям иностранных языков, переводчикам и лингвистам-исследователям необходимы компетенции, связанные с использованием современных технологий в своей сфере деятельности. Помимо этого, основной задачей является выполнение задач качественно, за минимальные сроки. Тем самым, можно сказать, что информационные технологии-инструмент оптимизации времени и качества той или иной деятельности. Однако именно человек должен контролировать весь процесс. Компьютерная лингвистика или цифровая лингвистика определяется как область использования ЭВМ— программ, технологий организации и обработки

данных — для построения функционирования языка в тех или иных условиях, а также сферу применения компьютерных моделей языка в лингвистике и смежных с ней дисциплинах. Язык — является сложным образованием, в компьютерной лингвистике сложились и развиваются специальные направления, примерно сопоставимые с отдельными уровнями языка, с процессами порождения и восприятия языковых сообщений или другими видами человеческой деятельности, связанной с языком. Сообразно, к направлениям цифровой лингвистики относятся:

автоматический анализ текстов;
автоматический синтез текстов;
создание и поддержка автоматических словарей;
создание автоматизированных информационно-поисковых систем;
машинный перевод;
создание автоматических систем обучения языку;
автоматическая атрибуция и дешифровка анонимных текстов; создание лингвистических баз данных;
разработка программных инструментов для решения задач теоретической и прикладной лингвистики.

Языкознание в целом, и цифровая лингвистика в частности имеют дело с языками различного типа и их отдельными уровнями. Язык является системой, используемой в социуме. Данная система развивается со времен существования человечества, в след за прогрессом научные исследования в области цифровой лингвистики значительно облегчают работу лингвистов.

Известно, что мы живем в цифровом, информационном мире, наша коммуникация полностью основана на ЭВМ, общение в социальных сетях, и массовая коммуникация тоже стала абсолютно цифровой.

Лингвисты получили доступ к обширным базам данных, в которых содержится весь необходимый материал для работы с текстами различного характера. Появилось множество интересных и полезных источников информации для анализа и синтеза важных тем, новые методы и разработки решения тех или иных задач. Вычислительная лингвистика помогает разработать инструменты для автоматической обработки естественного языка. Вплоть до того, что цифровая лингвистика стоит на стадии развития понимания синтаксической структуры и эмоционального окраса текста или контента.

Для наилучшего результата, желательно визуализировать лингвистические данные, для получения наиболее лучшего представления. Например, использовать сетевой график, чтобы отслеживать частоупотребляемые слова и выражения в текстовых корпусах, что очень удобно при переводе. Есть ли практическая ценность использования подобных методов? Цифровая лингвистика позволяет понять общество наиболее быстрым и эффективным путем.

В «Атласе новых профессий» цифровой лингвист является деятельностью, которая будет востребована сейчас и в будущем. Специалисты данного профиля, смогут разрабатывать системы семантического перевода, создавать интерфейсы для более естественного общения людей с компьютерами и другими различными устройствами.

Изменение языка – самая нормальная вещь в мире. Языки всегда менялись и будут меняться. Это жизненно важно для развития языков – адаптироваться к новым реалиям жизни. Невозможно общаться с друзьями на латыни или старославянском языке, так как нет лексического запаса и выражений, чтобы сказать то, что вы хотите, и передать свои чувства, например, с помощью смайликов.

Определенно, используя язык люди находят свои собственные стили общения, которые базируются на уровне образования, возраста и

географического положения людей. Молодые люди или специфические группы людей вырабатывают собственные вариации языка, чтобы показать другим людям свою уникальность.

Роль IT в современном обществе исключительно велика. Информация, кодируемая с помощью языка, превращается в ценные знания; знания же передаются от поколения к поколению, тем самым обеспечивая преемственность норм языка.

Список использованной литературы:

1. Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика: учеб. пособие. М.: МИЭМ, 2011.
2. Алексеевы Услышь меня, машина//Компьютерра. 1997. №49. <http://offline.computerra.ru/1997/226/938> (дата обращения: 28.02.2012).
3. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М.: Просвещение, 1966.
4. Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику: учеб. пособие. 3-е изд. М.: ЛКИ, 2007.
5. Башмаков И.А, Башмаков А.И. Интеллектуальные информационные системы. М.: МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2005.
6. Википедия
7. Интернет ресурс: <https://zillion.net/>

ТА’ЛИМ ЖАРAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISHDA VA CHET TILLARINI O’QITISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARINING O’RNI VA AHAMIYATI

*Mahmudova Nargiza Ravshanovna, o’qituvchi
Basirjonova Mohlaroyim Erkinjon qizi, Farg’ona davlat universiteti talabasi
Mokhlaroyim2606@gmail.com*

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarga sifatli ta’lim berishda, chet tillarini o’rgatishda hamda masofaviy ta’limni tashkil etishda axborot kommunikatsion texnologiyalarining o’rni va roli masalalari tahliliy jihatdan ko’rib chiqildi.

Kalit so’zlar: Masofaviy ta’lim, innovatsion texnologiya, platforma, axborot, kommunikatsiya, tahlil, internet, kompyuter laboratoriyalari, lingofon xonalari.

Chet tillarini o’qitishda, umuman, ta’lim jarayonida interfaol metodlar, pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiyalarini qo’llashga bo’lgan qiziqish va talab kundan kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabablarida biri an’anviy ta’limda o’quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallashga o’rgatilgan bo’lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o’zlari qidirib topish, mustaqil o’rganib, tahlil qilish, hatto xulosalarni ham o’zlari chiqarishga o’rgatadi. O’qitish jarayonida o’rganuvchiga kerakli bilimlarni yetkazib berishda innovatsion texnologiyalarga asoslangan pedagogik yo’nalishlardan biri ta’limni texnologiyalashtirish hisoblanadi. Bugungi kunda innovatsion texnologiyalarning hayotga tatbiq qilinishi, ayniqsa, ta’lim jarayonini osonlashtirdi. Mustaqillikka erishganimizdan so’ng “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ga binoan ta’lim sifatiga e’tibor kuchaydi. Ana shu davrdan ta’lim jarayoni axborotlashtirila boshlandi. Bu esa, o’z navbatida, shaxsning intellektual va ijodiy qobiliyatini rivojlantirishga, jamiyat har bir a’zosining o’z malakasini oshirish va faoliyat sohasini o’zgartira olishiga, tezkor ta’lim uchun shart- sharoit yaratish va masofaviy ta’lim samaradorligini oshirishga imkon beradi.

Zamonaviy axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish orqali yoshlar nafaqat sifatli ta’lim olishadi, balki ularda ma’naviy qadriyatlarga bo’lgan qiziqish hamda

ularni e'zozlash xususiyatlari rivoj topadi. AKT bilan ishlash jarayonida ma'naviyatimizga yot, “ommaviy madaniyat”ga xos bo'lgan axborotlarga qarshi kurashish uchun yoshlarda ma'naviy immunitetni shakllantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Ya'ni yoshlarga zamonaviy texnologiyalar faqatgina ko'ngilochar vositalar emas, balki bilim va ma'naviyatni yuksaltirishga xizmat qilishini tushuntirish muhim sanaladi. Buning uchun esa mutaxassis- kadrlar o'quvchilarda AKT imkoniyatlaridan foydalangan holda milliy qadriyatlarga sodiqlik fazilatlarini shakllantirishi, milliylikni targ'ib etuvchi sayt materiallaridan ta'lim jarayonida unumli foydalana olishlari hamda shunga aloqador yangi AKT loyihalarini tayyorlashlari darkor. Shuningdek, so'nggi yillarda xorijiy tillarni o'qitishda yangi axborot texnologiyalarini qo'llash savol miqyosida ko'tarildi. Chet tilini o'qitishdan asosiy maqsad chet tilida amaliy mahorat o'rganish, talabalar kommunikativ madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish hisoblanadi. Xorijiy tilda so'z o'rganish alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda faqat so'zni eslash va to'g'ri talaffuz qilish haqidagina emas, balki u so'zlarni qayerda va qanday qo'llashni bilish kerakligi haqida ham fikr yuritiladi. Yangi texnologiyalar amaliyotga faol va mustaqil ravishda xorijiy so'zlarni o'rganishda talabalar uchun ko'plab resurslar yaratdi. Xususan, oldin chet tilini o'rganishda lingafon xonalardan foydalanilgan bo'lsa, hozirda uning o'rniga kompyuter laboratoriyalari izlanuvchan yoshlar uchun faoliyat ko'rsatmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 10-dekabr PQ- 1875-sonli “Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora- tadbirlari to'g'risida” gi qarorida “... Zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning ilg'or uslublarini joriy etish yo'li bilan o'sib kelayotgan yosh avlodni chet tillarga o'qitish, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish va buning negizida ularning jahon sivilizatsiyasi yutuqlari hamda dunyo axborot resurslaridan keng ko'lamda foydalanishlari, xalqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirishlari uchun shart- sharoit va imkoniyatlar yaratish maqsadida...” belgilangan vazifalar

ijrosini ta'minlash maqsadida chet tillarini o'qitishning zamonaviy texnologiyalarini, usullarini yaratish va o'quv jarayoniga joriy etish masalalari dolzarb bo'lib turibdi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ham bu keng ko'lamli islohotlarni davom ettirib kelmoqdalar.

Masofaviy ta'lim texnologiyalari – masofaviy ta'lim E-learningga qaraganda kengroq tushunchadir, u interfaol mustaqil ta'limning va qo'llab- quvvatlashning intensiv maslahat sintezi hisoblanadi. Shunday qilib, elektron ta'lim masofaviy ta'limning bir bo'lagidir. Masofaviy ta'lim asosiy o'quv materialini o'quvchilarga yetkazib berish va o'quv jarayonida o'qituvchi va o'quvchi interfaol ishlashini ta'minlaydi. Bunda qo'llanmalarni yetkazib berish kompyuter va Internetsiz ham amalga oshirilishi mumkin. Shuningdek, masofaviy ta'lim platformasi hozirgi mana shunday davrda ham o'quvchi, talaba va o'qituvchilar o'rtasida uzluksiz muloqotni ta'minlashga xizmat qilmoqda. Bu esa dam olish kunlarida ularning bandligini ta'minlash hamda o'z vaqtida bilim olishdan qolib ketmasliklariga yordam beradi. Xulosa qilib aytganda, masofaviy ta'lim texnologiyalari bilim olish sifatining doimiy nazorati, natijalarning baholanishi, inson omilidan xoli bo'lgan holda xolis 'avtomatlashtirilgan baholash joylarda moddiy manfaatdorlikni yo'qotishni ko'zda tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida – T.: O'zbekiston 1999. – 98 bet.
2. I.A.Karimov. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi – T.: O'zbekiston 2000. – 34 bet.
3. O'zbekiston Respublikasining Ta'lim to'g'risidagi qonuni – T.: 1997. – 29-avgust.
4. “Kompyuterlashtirishni rivojlantirish va axborot- kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirish to'g'risida” 2002- yil 31- maydagi PF – 3080-sonli Farmoni.

4 **مۇنداقچە**

تولۇق دەرس تېمىسىدا

تولۇق دەرس تېمىسىدا



ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА СЎЗДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Собиров А.Ш., филология фанлари доктори,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори.
Sobirov-1957@mail.ru*

Аннотация. Мақолада ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг тарбиясида сўзнинг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Терроризм, экстремизм сўзларига изоҳлар берилган. Аجدодларимиз меросидан мисоллар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: ёшлар, таълим, тарбия, лексема, луғат, маъно, мазмун, манба, синоним, сўз, тил, тилшунослик, тил тарихи, тарихий-этимологик хусусиятлар, худбинлик.

Бугун дунё шиддат билан тараққий этиб бормоқда. Ундаги суръатни баҳор тошқинларига, селлардан юзага келган жиловсиз дарёлар оқимига ўхшатиш мумкин. Эътибор бериб қаралса, бундай оқимда оқу қора, яхшию ёмон бирига аралашиб, қўшилишиб оқади. Нима яхшию нима ёмон эканлигини ажратиб олиш мушкул бўлади. Ҳозирги ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган жараёнларда ҳам худди шу нарсани кузатиш мумкин. Бир ёқдан халқимизнинг асрий қадриятларига асосланган энг эзгу ғоялар: имон, эътиқод, ибодат, ҳаё, меҳр-мурувват каби фазилатлар Президентимиз ва давлатимиз томонидан олға сурилаётган, қўллаб-қувватланаётган бўлса, иккинчи ёқдан глобаллашув орқасидан миллатимизга мутлақо ёт бўлган фирибгарлик, ёлғон, ҳаёсизлик, бетаъсирлик, лоқайдлик, боқимандалик, жоҳиллик сингари иллатлар ҳаётимизга суқулиб кириб келмоқда. Энг ачинарлиси, бу ҳолат миллатимизнинг гули, ишончи бўлган ёшлар орасида учраб турибди. Мана шундай иллатлардан бирини мулоқот жараёнида сўздан нотўғри фойдаланиш, айтаётган сўзига беписандлик билан қараш масаласи ётади.

Тилшуносликда сўзга жуда кўп таърифлар берилган. Ҳар бир сўз остида муайян халқнинг, элат ва миллатнинг орзу-умидлари, интилишлари, мақсад ва муддаолари, бир сўз билан айтганда, босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Шу маънода сўзлар халқларнинг бебаҳо маънавий хазинаси, ўзига хос бойлиги саналади. Улар асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб боради ва тилда барқарор ўрнига эга бўлади. Жамият ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маънавий, маданий воқеалар ҳар доим муқаррар равишда сўзлар орқали тарих саҳифаларига муҳрланади.

Реал ҳаётда яшаётган ҳар бир тил соҳиби сўзларни кейинги авлодларга ташувчи, етказувчи жонли восита саналади. Демак, сўзга эътибор бермаслик, унинг қоидаларини писанд қилмасдан бузиб гапириш, айтаётган сўзига диққат қилмаслик авлодлар ўртасидаги алоқага, “тил занжири”га путур етказиши мумкин.

Аслида, сўзга тилшуносликда кўплаб таърифлар берилган. Жумладан, сўз объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни, кишиларнинг ҳис-туйғуларини товушлар кетма-кетлиги асосида фонетик бутунлик орқали юзага чиқара оладиган [1], маъно билдирадиган [2], тарихан шаклланган маълум бир инсонлар жамоаси учун бирдай тушунарли бўлган [3] энг муҳим тил бирлигидир. Сўзнинг фонетик шаклланганлик, кўп маънолилиқ, семантик валентлилиқ, грамматик жиҳатдан ўзгара олишлиқ, мавҳумлик каби ўндан ортиқ белгилари ҳақида маълумотлар учрайди [4]. Энг муҳими, ҳар қандай муомала-муносабат шакллари, ташвиқот-тарғибот ишлари, бошқаларга таъсир кўрсатиш сўзлар воситасида амалга оширилади. Сўзнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти борасида ҳеч ким улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ўтказиб айта олмаган: “*Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот, Ҳам сўз ила топиб ўлук тан нажот*” [5]. Дарҳақиқат, бугунги шиддатли ва тезкор, ҳар томондан тинимсиз равишда турли-туман ахборотлар ёғилиб турган инфор­мацион жамиятда сўзнинг қадри ва ўрни янада юксалганлиги ҳеч кимга сир эмас. Интернет, “сарик матбуот”, “оммавий маданият” каби ҳаётимизга суқулиб киришга

уринаётган ҳодисотларнинг ниқоби остида ҳам ўткир тил – тиғли сўз таъсири яшириниб ётибди. Шу маънода ёшларга таълим-тарбия беришда, уларни маънан юксак ва жисмонан баркамол авлод этиб тарбиялашда бошқа воситалар сингари миллий қадриятларимизнинг боши, халқнинг беминнат ва хокисор хизматчиси саналган она тилининг ва унда барқарор ишлатилаётган лексик бирликларнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Тарғибот-ташвиқот ишларидаги энг зўр қурол бу – сўздир.

Атрофимизга эътибор бериб қарайдиган бўлсак, фаол, интилувчан, истеъдодли ёшларимизнинг *демократия, маънавият, маърифат, миллий зоя, миллий мафкура, суверинитет, диний бағрикенглик, бунёдкор зоялар, леберализм, истиқлол, концепция, мафкура, модернизация, диверсификация, электрон ҳукумат, тадбиркор, ишбилармон, информацион жамият, глобаллашув, маънавий таҳдид* каби минглаб сўзларни ўз ўрнида қўллаётганини ва жамиятимиз учун муносиб кадрлар бўлиб вояга етаётганини эзгу мақсадларимизга эришаётганимизни билдиради. Иккинчи томондан эса, жуда кўп ҳолларда айрим ёшларнинг ҳаётга енгил-елпи, беписандлик билан ёндашаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, бу ҳолат уларнинг муомала-муносабатларида, оғзаки нутқида ишлатаётган сўзларида яққол ўзини намоён этмоқда. Айрим ёшларимиз томонидан *“ништяк”, “папаша”, “братан”, “братишка”, “мамаша”, “бобой”, “о кей”, “айва”, “хелло”* сингари сўзларнинг маъно-мазмунини билиб-билмасдан туриб, бошқаларга тақлидан, замондан орқада қолмаганини исботлаш учун кўр-кўрона равишда қўллаш бу маданиятлилиқ белгиси эмас, аксинча бетаъсирлик ва она тилига нисбатан беписандлик саналади. Шунинг учун ҳам ёшларга тилимизда ишлатилаётган ҳар бир сўзни унинг маъно нозикликлари билан бирга тушунтирмоғимиз нафақат она тили таълимининг, балки ҳар бир зиёли шахснинг Ватан ва юрт олдидаги фуқаролик бурчидир. Айниқса, ёшлар нутқида тез-тез қўлланилаётган *жиҳод, камикадзе, худкушлиқ, диний ақидапарастлик, халқаро терроризм, наркомания, шовунизм, наркотрафик, гиёҳвандлик, селфи,*

селфизм, селфомания, исломофобия каби сўзларнинг асл моҳиятидан уларни хабардор қилиш кейинчалик улар адашиши мумин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, уларни муқаррар чоҳдан асраб қолиш билан баробардир.

Масалан, *ақидапарастлик – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш демакдир*[6].

Демак, диний ақидапарастлик ҳозирда халифаликни даъво қилаётган биз учун мутлақо ёт бўлган диний оқимларнинг исломнинг илк давридаги ғоя ва тамойилларини бугунги кунимизга татбиқ этишга ҳаракат қилаётганини билдиради. Буни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға қараб бораётган Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш хом хаёлдан бошқа нарса эмас.

Глобаллашув жараёнлари туфайли ҳаётимизга, хусусан, ёшларнинг онгини захарлашга уринаётган “оммавий маданият” кўринишлари: *зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, ишёнқмаслик, миллатчилик, кўрслик, қўполлик, шовунизм, жоҳиллик, нодонлик, шахсиятпарастлик* ва шу каби сўзлар остида яшириниб ётган қабих маъноларни ёшларимиз ўзларининг ақл тарозисига солиб туриб, фикрлашлари, уларга қарши курашиш ўзларининг кейинги ҳаёти учун замин бўлиб хизмат қилишини тушуниб етишлари даркор. Вайронкор ғоялар билан боғлиқ сўзларнинг остидаги ёвузликлар, залолат ва жаҳолат ётганини ёшларимиз англаб етишлари лозим. Бунинг учун уларга мазкур лексик бирликларнинг мазмун-моҳияти бўйича мунтазам равишда чуқур тушунтириш ишлари ташкил этиш ва бу борада янги ахборот ҳамда педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш бу – давр талабидир. Бу ўринда ёшларимиз ҳаётига кутку солаётган “*экстремизм ва терроризм*” сўзларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу сўзлар *ғиёҳвандлик, наркомания, одам савдоси, жангарилик, худкушлик, биродаркушитлик* каби вайронкор ғоялар билан битта мазмуний майдонни ҳосил қилади ва уларга

оҳангдош лексемалар саналади. Мазкур сўзлар остида ёш авлоднинг ҳаётига раҳна солувчи жиддий маънавий таҳдидлар, ёвуз кучларнинг ғаразли мақсадлари, қабих ниятлари билан боғлиқ семалар, маъно бўлакчалари яшириниб ётибди.

Яна экстремизм сўзига қайтайлик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унга шундай таъриф берилган:

ЭКСТРЕМИЗМ [лот. *extremus* – энг охири, ўтакетган, ашаддий, кескин] *Сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутушига, кескин чоралар кўришига тарафдорлик. Экстремист, экстремистик* сўзларининг моҳияти юқоридаги маъно билан боғлиқ ҳолда ойдинлашади ва ашаддий, ўтакетган мутаассиб, ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган шахслар ва уларга хос бўлган иллатлар улар орқали тушунилади [7]. Шунга мос равишда терроризм сўзига қуйидагича изоҳ берилган.

ТЕРРОРИЗМ [лот. *terror*– қўрқинч, даҳшат] террор билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактика; сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқ қилиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадида зўровонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва б.); террорчилик [8].

Юқоридаги сўзларга диний ва халқаро сўзлари қўшилгач, диний экстремизм ва халқаро терроризм шаклида ваҳимали, айна пайтда кенг кўламли хавф кўз олдимизда гавдаланади. *Зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, ОИТС, эгоцентризм, индивидуализм, ваҳшийлик, қонхўрлик, қотиллик* каби даҳшатли сўзлар диний экстремизм ва халқаро терроризм атрофида айланиб юрган йўлдошчалардир. Ёш авлодни улар солаётган хавф-хатардан огоҳ этиш, уларни тўғри йўлга солиш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан санади. Бунинг учун биринчи галда юқоридаги сўзлар орқали ифодаланаётган маъноларни ёшлар онгига сингдириш зарур. Мазкур сўзларнинг айримларига тўхталиб ўтайлик.

ЭГОЦЕНТРИЗМ [лот. *ego*– мен, *centrum* – марказ, ўрталик] *Манманлик ва худбинлик (эгоизм) нинг учига чиққан шакли, кишиларнинг фақат ўз қизиқиши доирасидагина боғланиб қолиниши, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, фақат ўз фикрлари ва шахсиятини юқори қўйишидан иборат хислати* [9].

“Эгоцентризм, – деб айтади М.Қуронов, – худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаи, бошқа нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди” [10].

Демак, эгоцентризм лексемасининг остида худбинлик, шахсиятпарастлик, жоҳиллик, такаббурлик, манманлик, нодонлик сингари семалар мавжуд. Бундай иллатлар бугун пайдо бўлгани йўқ. Шунга мос келувчи айрим сўзларни тилимиз тарихида учратишимиз мумкин. *Манманлик, ўзига бино қўйиши, бошқаларнинг фикри билан чиқишмаслик* каби тушунчалар нутқимизда азал-азалдан мавжуд бўлган. Масалан, Алишер Навоий асарларида кенг истеъмолда бўлган худбин сўзи *эгоцентризм* лексемасига тўғри келади. Шоир ғазалларининг бирида шундай деб ёзади: “*Ғайрдин кўнглумни соф эттим юзунг акси учун, Гарчи худбинсен, сенга бўлмас бу кўзгу сори майл. Худбин сўзи бу ўринда “ўзинигина кўрувчи, ўзидан бошқаларни назар-писанд қилмовчи, такаббир”* маъноларда қўлланган. “*Кўрма арода ўзунгни мискинлик аро, Ким бўлди киши ҳалоки худбинлик аро*” [11] сатрларидаги ғоя бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, “оммавий маданият” деб аталган даҳшатли бўҳрон ёшларимиз ҳаётига суқулиб киришга, уларни йўлдан оздиришга ҳараакт қилаётган ҳозирги шиддатли, тезкор замонда ҳазрат Навоийнинг айтганлари узоқ тарихдан туриб ҳозирги ёшларга айтилган огоҳлантиришга, хушёрликка даъват этишга ўхшайди. Алишер Навоий талқинидаги “худбинлик” маънавий таҳдиднинг бир кўриниши, эгоцентризмнинг айнан ўзидир. Навоий асарларида ишлатилган *худком//худкома* (фақат ўз манфаатини кўзловчи), *худкомлиғ* (фақат ўз

манфаатини кўзлаш), **худнамо//худнамой** (шухратпараст, ўзини кўрсатишга интилувчи), **худнамолик//худнамолик**(1. худбинлик, шухратпарастлик; 2. рижорлик), **худоройлик//худоройлик** (ўзига аро бериш), **худпараст** (мутакаббир, худбин), **худпарастлик** (ўзини ҳаммадан устун билиш, бошқани тан олмаслик), **худписанд** (ўз манфаатини кўзловчи, худбин, мутакаббир), **худписандлик** (ўзбилармонлик, ўзбошимчалик), **худрой** (ўзбилармон, ўжар, қайсар), **худройлик** (ўжарлик, ўзбилармонлик), **худситонлик** (ўзини мақташ), **худфуруш** (ўзини бозорга солувчи, ўзининг баҳосини оширувчи сингари сўзлар остида ҳам ушбу талқин мавжуд. Худбин (эгоист) сўзи билан маънодош саналган *такаббур* сўзида ҳам ёшларга ибрат бўлгудек ҳолат бор. *Такаббур* – ўзини улуг тутуш, ўзини катта тутуш, манманлик саналади. “*Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши*”, – деб ёзади Навоий [12]. Бу билан кишини ўздан кетмасликка, такаббур бўлмасликка чақиради, такаббурлик, ўринсиз мағрурланиш шайтон иши эканлигига, катта кетиш (бийиклик) нодонликка олиб боришини уқтиради. Навоий ва у каби мумтоз адабиёт намояндаларининг ижоди ва улар томонидан тилга олинган сўзлар остида ётган мазмун ҳозирги ёшлар учун битмас-туганмас хазина, таълим-тарбия ўчоғидир. Фақат уни чуқур ўрганиш, буюк алломаларимиз ижодининг мазмун-моҳиятини қалбан ҳис қилиш, сатрларда яширинган маъноларни тўла англаб етиш ва улардан тўғри хулосалар чиқариш ёшларимизни интернет тўри, эгоизм деб аталмиш балолардан сақлаб қолади ва уларга тўғри йўл кўрсатади.

“Таълим-турбия олдида турган энг катта муаммолардан бири ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатларини ўзгартириш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириш, таълим-тарбия жараёнини бевосита ҳаёт билан боғлаб олиб бориш, энг муҳими, уларнинг фаолиятини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини юксалтиришдан иборатдир” [13]. миллатининг даҳосини дунёга ёйишимиз муқаррар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Будагов Р.А. Введение в науку о языке.- М.: Просвещение, 1965. - С.12.
2. Тихонов А.Н., Ким Я.Я., Тихонов С.А. Современный русский язык. Лексикология. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991. -С. 20.
3. Фомина М.И. Лексика современного русского языка. -М.: Высшая школа, 1973. - С. 6.
4. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка.- М.: - Просвещение, 1972. - С. 32.
5. Машиқзамин – ҳикмат бўстони.-Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008.-202-бет.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.-Тошкент: Академия нашриёти, 2007.-93-бет.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд.-Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008,-29-бет.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4-жилд.-Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008,-76-бет.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-жилд.-Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008,-21-бет.
10. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз... Тошкент: Маънавият, 2013.-66-бет.
11. Навоий асарларининг изоҳли луғати, 3-жилд.-Тошкент: Фан нашриёти, 1984,-219-бет.
12. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати, 3-жилд.-Тошкент: Фан нашриёти, 1984.-424-427-бетлар.
13. Такомиллашган ўқитиш услуби.-Тошкент: Зангиота босмахонаси, 1993.-4-бет.

**YOSHLARNI O'ZBEK TILIGA MUHABBAT RUHIDA
TARBIYALASH TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISH – DAVR TALABI**

*Yoqubbekova Munavvar Muhammedovna
filologiya fanlari doktori,
O'zRFA O'zbek tili, adabiyoti va folklori
instituti yetakchi ilmiy xodimi,
Toshkent shahri, munasar@mail.ru
Xamidova Nargizaxon Sayfutdinbekovna
Toshkent shahar Shayxontohur tumanidagi
169-maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi,
Xalq ta'limi a'lochisi, xamidova_1975@mail.ru*

Annotatsiya. Maqolada yoshlarni o'zbek tiliga muhabbat ruhida tarbiyalash tizimini takomillashtirishga doir filolog mualliflarning fikr-mulohazalari va amaliy tavsiyalari misollar vositasida taqdim etilgan. Adabiyotlar ro'yxatida ko'rsatilgan ijtimoiy tarmoqlardagi manzillarga qilingan havolalar qo'shimcha ma'lumotlar manbai bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: o'zbek tili, nufuzini oshirish, yangilanish, yoshlar, mashg'ulotlar, mutaxassislar, tizim, shogirdlar, nutq o'stirish, o'zligimiz, Alisher Navoiy ijodi, ijtimoiy tarmoq, tarjimalar, gazeta, to'garaklar, studiya, badiiy so'z, savodxonlik, vorislik burchi, mas'uliyat.

Mustaqil O'zbekistonimizning yangilanish pallasiga yuz tutganini mamalakatda o'zbek tilining davlat va jamiyat hayotidagi ta'siri va nufuzini oshirish yuzasidan ko'rilayotgan chora-tadbirlar hamda muhim o'zgarishlar yaqqol ko'rsatib turibdi. Bugungi kunda har birimiz tilimizning obro'-e'tibori uchun kurashadigan, jonkuyar insonlarga aylanishimiz kerakligini davrimiz taqozo qilmoqda. O'zligimiz va davlatchiligimizning timsoli bo'lgan o'zbek tilini talaba va o'quvchi yoshlarga puxta o'rgatish biz kabi mutaxassislarning muqaddas burchimiz va vijdon ishimizdir. Buyuk bobokalonimiz Alisher Navoiy asos solgan va rivojlantirgan bu til o'zini o'zbekman, O'zbekistonlikman, deb hisoblaydigan millionlab insonlar uchun aloqa-aralashuv, fikr bildirish va ijod qilish vositasidir. Xalqimizda “Tilga

ixtiyorsiz - elga e'tiborsiz” degan hikmatga amal qilish hamisha muhim sanalgan. Ona tiliga bepisandlik el-u yurtga, ona Vatanga hurmatsizlikdir.

Biz yoshlarni Davlat tilimizga e'tibor va e'tiqod bilan munosabatda bo'lishga o'rgatish borasida auditoriyada va auditoriyadan tashqari olib boriladigan mashg'ulotlar tizimini tashkil qilish masalasida anchadan beri izlanishlar olib bormoqdamiz.

Auditoriyada olib boriladigan ishlar:

1. Tolibi ilmlarning og'zaki va yozma nutqiga talabchan bo'lish.
2. Lug'at boyligi, so'zlashuv uslubi va savodxonligi ustida ishlash.
3. Buyuk ajdodlarimizning til haqidagi fikrlarini uqtirish.
4. Qiziqarli ijodiy topshiriqlar berish.

Auditoriyadan tashqari olib boriladigan ishlar:

1. Tilni puxta o'rganishga yo'naltirilgan turli to'garaklar tashkil etish.
2. Badiiy ijod teatr – studiyalarining ishini yo'lga qo'yish.
3. Devoriy, elektron gazeta va jurnallar tayyorlash.
4. Mavzuviy kechalar, suhbatlar, uchrashuvlar uyushtirish.
5. Badiiy asarlar tahlili yuzasidan munozara, muhokama klublari faoliyatini tashkil qilish.

O'z faoliyatimiz davomida yuqorida sanab o'tilgan mashg'ulotlardan qariyb barchasini qo'llab kelmoqdamiz. Ularning natijasida shogirdlarimiz orasidan ijodkorlar, olimpiada g'oliblari, iqtidorli filologlar, shirinzabon va shirinsuhan insonlar yetishib chiqmoqda.

Hozirgi zamon texnik vositalari va ijtimoiy tarmoqlardagi yoshlar faolligini inobatga olgan holda Toshkent shahar Shayxontohur tumanidagi 169-maktabda “169 TIMES” nomli Onlayn gazeta [2] tashkil etdik. Ushbu onlayn gazetada maktab o'quvchilari va o'qituvchilari, ota-onalar tomonidan yozilgan maqolalar, sh'er va hikoyalar, mulohazalar e'lon qilinmoqda. O'quvchilarning ustozlaridan olgan intervyulari, ularga bildirgan dil so'zlari va tabriklari, maktab ijtimoiy hayotida sodir bo'layotgan voqealar, tadbirlar, tanlovlar tafsilotlari ham gazeta sahifalarida

muntazam berib boriladi. Ushbu onlayn gazeta o'quvchilarimiz ijodkorligi, uslubiyati, savodxonligini rivojlantirish, maktab hayotidagi ishtirokini faollashtirish bilan bir qatorda so'zga zargarona munosabatda bo'lish, ravon va chiroyli jumlar tuzish ko'nikmalarini yuksaltirishga xizmat qilmoqda.

“Yosh kitobxonlar” to'garagi a'zolari bilan Alisher Navoiyning “G'aroyib ussig'ar” devonida “Gul” [1] so'zining ishlatilishiga doir izlanishlarimiz natijasini videorolik shaklida ijtimoiy tarmoqlarda va onlayn gazeta sahifalarida taqdim qildik. [3]

O'quvchilarga Navoiy ijodi yuzasidan mustaqil topshiriqlar berib, ijodkorning so'z haqidagi fikrlarini topib kelishga undadik. Natijada ular buyuk mutaffakirimizning ijodidan “Chin so'z – mo'tabar, yaxshi so'z – muxtasar”, “Achchiq so'zdan achchiq ovqat yaxshi”, “Kishining so'zi aqliga dalolatdur”, “So'z bila kufr ahli musulmon erur, So'z bila hayvon degan inson erur”, “Jism bo'stonig'a shajar so'zdurur, Ruh ashjorig'a samar so'zdurur”, “Avval-u oxiringg'a solg'in ko'z, Bil ham avval so'z-u, ham oxur so'z” kabi namunalarni topib kelishdi. Bu izlanish natijasi Navoiy ijodini puxta o'rganish bilan birga, ijodkorning so'z haqidagi hikmatli misralarini dillariga jo qilishlari uchun imkon berdi. Maqsadimiz, shogirdlarni so'z qadrini bilishga, so'zning buyuk qudrati va ahamiyatini anglab yetishga undash edi.

Xorijiy multfilm va badiiy filmlaridagi mashhur qo'shiqlarni havaskor sifatida o'zbek tiliga tarjima qildik, oilaviy kuylab, kompyuter yordamida videomontajni amalga oshirdik, Telegram [4] va YouTube [5] tarmoqlariga joyladik. Bundan kutilgan natija: o'zbek tilimizning maqomini, uning imkoniyatlarini ta'kidlab ko'rsatish va ta'sir doirasini kengaytirishga qaratilgan edi. Keyinchalik bu loyihaga shogirdlarimizni ham jalb qildik. Ular bilan tarjima matnlarni she'rga solib, kuyga mosladik. Bu jarayon ular uchun juda qiziqarli va ibratli bo'ldi.

Inson butun hayoti davomida bilim olish, o'rganish faoliyatidan to'xtamaydi. Ona tilimizning xazinasi ham bir umr nutqimizni boyituvchi, tafakkur va zehnimizni o'stiruvchi durdonalar blan limmo-lim to'lgan tilsimdir. Bu xazinadan qay yo'singa

foydalanishni shogirdlarimizga o'rgatar ekanmiz, ularni o'zimizning hamfikir, hammaslagimizga aylantirishimiz juda muhim. Bizning barcha faoliyatimiz, sayi-harakatlarimiz ilmi toliblardan ona tilimizning qadr-qimmatini uchun kurashuvchi salohiyatli avlodni tarbiyalab yetishtirishga yo'naltirilgan. Ona tilimizning obro'-e'tibori uchun biz qayg'urmasak, kim qayg'uradi.

Noto'g'ri gapirgan yaqinlarimizni Davlat tili haqqi-hurmati to'g'ri talaffuzga chaqirish, xatoliklar bilan bitilgan maktub va SMS larga bir og'iz e'tiroz bildirish barchamizga farzdir. "O'ynab gapirsang ham, o'ylab galir", "So'zning so'zdan farqi bor, o'ttiz ikki narxi bor", deydi xalqimiz. Ajdodlarimizdan bebaho meros sifatida avloddan avlodga o'tib kelayotgan ona tilimiz — bizning jon-u dilimizdir. Bu borada atoqli olimlarimiz, buyuk mutafakkirlarimiz o'zlarining nodir mulohazalarini, noyob fikrlarini aytib o'tganlar. Bu fikrlarni o'rganib, dilimizga jo qilib, ularga amal qilmoq bizning vorislik burchimizdir.

Tilimizdan uchgan har bir so'z, har bir jumla, har bir matn uchun ajdodlar ruhi oldida javobgar ekanimizni unutmaylik. Tilimizdagi har bir so'zni zargar zarni e'zozlaganday e'zozlaylik. Uni joy-joyida ishlataylik. Junday aziz tilimizni asrab-avaylaylik.

Adabiyotlar:

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Хазойин ул-маоний: Фаройиб ус-сиғар, Т.: «Фан» 1988. 616 б.
2. <https://t.me/maktabtimesgazetasi>
3. <https://youtube.be/zueHfa3zqvo>
4. https://t.me/xamidova_ijodi
5. <https://w.w.w.youtube.com/channel/UCsqExdLcNLmyBmYuSUN9UWA>

ТИЛ ВА ТАЪЛИМДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

*Умарова Мавлудахон Назировна
Институт олима аёллар кенгаши раиси
Материалшунослик ва янги материаллар
технологияси кафедраси профессори,
техника фанлари номзоди
Андижон машинасозлик институти*

Аннотация. Ушбу мақолада таълим муассасаларида ўқувчи ва ўқитувчи ёки талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муомила тил орқали амалга оширилишида тилнинг аҳамияти хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар. Умуминсоний ва миллий урф одат мезонлари,

Тил ва маданият масаласи жуда қадимдан ўта долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки тил орқали ҳар бир миллатнинг хулқи, одоби, маънавияти, маданияти, қолаверса, миллат сифатида нечоғлик ўрин эгаллаганлиги маълум бўлган.

Ҳар бир миллатнинг тили ўзаро алоқани тиклайди, аҳолини бирлаштиради, урф одатини намоён қилади, таълим олишда бевосита мулоқотни англатади. Шунингдек тил муомила маданиятини изоҳлайди.

Таълим муассасаларида ўқувчи ва ўқитувчи ёки талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муомила тил орқали амалга оширилади. Бундай мулоқот муомила маданиятини англатади.

Ўқитувчининг иш фаолияти давомида талабалар билан муомала муносабатлари катта ўрин эгаллайди. Бу жараёнда талаба инсоният тўплаган билимларни, муомала қилиш тажрибаларини ўзлаштиради. Ўқитувчи эса педагогик жараёнда асосий шахс бўлиб хизмат қилади, чунки унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган.

Ўқитувчи талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида умуминсоний ва миллий урф одат мезонларидан сабоқ беради. Талабалар муомала одобини, мулоқот олиб бориш йўлларини асосан ўқитувчи тимсолида англаб оладилар. Муаллим талаба учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолади. Ўқитувчи

билан талаба ўртасидаги мулоқотни тартибга солувчи талаблардан бири талабанинг хулқини, муомаласини, талаба бажарган ишни одилона, тўғри баҳолашдир. Мулоқотлар жараёнида ўқитувчи айрим талабларга риоя қилишига тўғри келади:

- ўз иши жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабанинг кадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиши,
- талабага нисбатан ишончи;
- талабага меҳрибон, ғамхўр бўлиши, шодлигига ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўлиш;
- талабалар билан ҳар қандай мулоқот жараёнида алоҳида ёндошиш, педагогик тактни сақлаш.

Ўқитувчи фаолиятида шарқона умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш миллий дастур, таълим тўғрисидаги Қонундан [1,2] келиб чиқадиган вазифаларни мактаб, ўқув юртларининг педагог ходимлари, профессор ўқитувчилари амалга оширадилар. Шу боис педагог ходимлар ўзларининг касбкор шаъни ва кадр-қимматларини ҳимоя қилишлари: одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, талаба ва ўқитувчи шахсининг кадр-қимматини асрашлари; талабаларни меҳнатга, қонунларга, ота-оналарга, маънавий тарихий, маданий миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари, ибратли фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига, ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли хислатларга нисбатан эътиборни қарор топтиришлари лозим.

Ўқитувчининг талабалар билан муомала одоби ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабат ва муомала маданияти уларнинг феъл-атвори, хулқи ва олган тарбиясининг амалий ҳаётда намоён бўлишини билдиради. Кишининг маданияти, аввало унинг муомаласи, атрофдагилар билан муносабатида кўзга ташланади. Ўқимишли, маданиятли, ўқитувчи ҳамкасбидан, талабасидан нимани, қандай сўрашни, у ёки бу масала юзасидан мурожаат қилиш

мумкинми ёки йўқлигини, оилавий муносабатларга дахлдор масалаларга муносабат билдириш зарурияти борми йўқлигини яхши англайди. Муомала жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини кўтариш, унга оптимистик руҳ бағишлаш, унинг ўз кучига ишончини ҳосил қилиш ҳам ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан биридир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, том маънодаги муомала маданиятига эга бўлган ўқитувчи шуҳратпарастлик, манманлик, бифарқлик, ҳасадгўйлик, ғийбатчилик каби иллатларга тоқат қила олмайди ва унга қарши курашади.

Ўқитувчи мулоқотининг негизида сўз, фикр турар экан, фикрни баён этиш ифодаси ҳар бир ўқитувчининг савияси, маънавий дунёси, маданиятига асосланади. Ўқитувчининг мулоқот маданияти нафақат шахслараро муносабатларга, балки шу билан бирга ишлаб чиқариш, меҳнат жамоаси, жамият ҳаётига ҳам кераклигини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда талаба, талабалар феъл - атворини ўрганиш, уларнинг бир-бирларига меҳр-мурувватли бўлишга ўргатиш, диний ақидапарастлик томир отаётган ҳозирги давр учун жамиятни инсонпарварлаштириш нақадар долзарблигини англаш мумкин. Умуман олганда, мулоқот маданиятини такомиллаштириш учун педогоглар дарс олиб бораётган синфдаги ёки аудиториядаги муҳитдан келиб чиқиб тилни ҳамда шу тилга оид урф-одатларни яхши билиши лозим. Ва бир сўз билан айтганда юқоридаги фикрлар учун асосий вазифани миллат – тили бажаради.

Хулоса шуки, миллий маънавиятимизнинг ўзаги, халқимиз мавжудлиги ва тирикчилигининг белгиси ҳисобланган, қолаверса, бугун бизнинг кимлигимизни бутун жаҳонга намойиш қилаётган бой тилимизни сақлаб қолиш халқимиз маданияти, анъаналари, урф-одатларининг умрбоқийлигини англатади. Ҳар биримиз ўз она тилимизга эътиборли бўлишимиз, уни ардоқлашимиз, келажак авлодга нафосат ва назокатли тилимизни бутун гўзалликлари билан етказишимиз лозим. Бу иш бугунги авлоднинг келажак авлод олдидаги энг муқаддас бурчидир.

Адабиётлар.

1. ЎРҚ-637-сон 23.09.2020. Таълим тўғрисида қонуни.

ZAMONAVIY YOSHLARNING MA'NAVIY VA AXLOQIY TARBIYASINING ASOSIY JIHLARI

*Jurabekova Xabiba Madaminovna,
s.f.b.falsafa doktori, Andijon shahri*

Annotatsiya. Ushbu maqolada muallif globallasuv jarayonida yoshlarini ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga alohida e'tibor qaratilishini ta'kidlagan holda, ularning tarbiyasini milliy urf-odatlar va milliy qadriyatlarimizga uyg'unlashtirgan holda olib borilishi haqida fikr yuritadini. Zamonaviy yoshlar bilim olishlari bilan bir qatorda ma'naviy va axloqiy barkamol bo'lishlari mamlakat kelajagini belgilashi mumkin.

Kalit so'zlar: globallasuv, tashviqot, ishtimoiy hayot, ma'naviy-axloqiy.

Zamonaviy dunyo faol globallasuv jarayonlari bilan ajralib turadi. Globallasuv sharoitida odamlarning ham, davlatlarning ham o'zaro bog'liqligi va o'zaro bog'liqligining keskin kengayishi va murakkablashuvi mavjud bo'lib, bu sayyora axborot makonini, kapital, tovarlar va ishchi kuchining jahon bozorini shakllantirishda va ijtimoiy hayotni o'zgartirishda namoyon bo'ladi.

Zamonaviy sharoitda televizion, radio, bosma va Internet orqali yoshlarimiz muntazam ravishda turli xil ma'lumotlarni, shu jumladan ularning ma'naviyati va axloqiga jiddiy tahdid soluvchi ma'lumotlarni oladilar. Va buni taqiqlash mumkin emas. Shu bilan birga, global axborot maydoni doimiy ravishda kengayib bormoqda. Bunday vaziyatda biz atrofimizda sodir bo'layotgan narsalarga befarq bo'lolmaymiz, biz odamlar ongida, ayniqsa, yoshlar ongida o'zimizga yot bo'lgan tashviqot, diniy va ekstremistik qarashlar, turli xil mafkuralar uchun o'ziga xos immunitetni

shakllantirishimiz shart. Hozirgi kunda internet tarmoqlari orqali berilayotgan ko'plab axborotlarning maqsadi - ma'naviy asoslarimizni buzish, mamlakatda vaziyatni beqarorlashtirish, olib borilayotgan siyosiy va iqtisodiy islohotlarni obro'sizlantirishga qaratilganligini ko'rishimiz mumkin.

Zamonaviy yoshlarning hayotiy pozitsiyasi ularning hayotdagi roli va maqsadini anglash va aniqlash uchun muhim maydon bo'lib xizmat qiladi. Jamoatchilik fikri so'rovi ishonchli tarzda ko'rsatdiki, O'zbekistondagi zamonaviy yoshlarning ijtimoiy-siyosiy portretining o'ziga xos xususiyati uning eng yuqori qadriyat sifatida mustaqillikka bo'lgan munosabati, islohotlar jarayonini qo'llab-quvvatlashidir.

Mustaqillik yillarida yoshlar o'rtasida o'tkazilgan so'rovnomalar natijalari ularning bilim darajasi yuqori ekanligini ta'kidlash imkonini beradi. O'zbek yoshlarining asosiy hayotiy qarashlari - bu bilim olish va kasb egallash, o'z-o'zini rivojlantirish. So'rovda qatnashgan respondentlarning har ikkinchisi bu hayotda munosib o'rin egallashni muhim deb hisoblaydi. Mamlakat yoshlari uchun oliy ma'lumotning ijtimoiy ahamiyati ustuvor bo'lib qolmoqda va tadqiqot ushbu tendentsiyani yana bir bor isbotlamoqda: respondentlarning 70,1 foizi oily ma'lumot olish muhimligini ko'rsatishgan.

Bugungi kunda yoshlar uchun eng jozibali kasblar qatoriga o'qituvchi, iqtisodchi, shifokor, shuningdek, muhandis, huquqshunoslik va boshqalar kiradi. Mamlakat yoshlarida Vatanga muhabbat va sadoqat hissi juda rivojlangan. Yoshlar vatanparvarlikni Vatanga muhabbat, Vatanga fidokorona xizmat qilish va uni himoya qilishga tayyorlik bilan bog'laydilar. Shu bilan birga, yoshlar umuman o'zlarining haqiqiy vatanparvarlari sifatida o'z pozitsiyalarini aniq ifodalaydilar.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, o'g'il va qizlarimiz ularning huquqiy savodxonligi darajasini muvozanatli baholash bilan ajralib turadi. Umuman olganda, so'rovnoma qatnashchilari o'zlarining huquqiy savodxonligini yaxshi va o'rtacha deb baholadilar. Olingan ma'lumotlarning tahlili mamlakatimiz Konstitutsiyasi va asosiy o'zbekistonlik yoshlarning asosiy qonunlari to'g'risida etarlicha yuqori bilimga ega ekanligini tasdiqlaydi. Yoshlarning ko'pchiligining fikriga ko'ra, ta'lim va mehnat

yoshlarning huquqiy madaniyatini yuksaltirishga bo'lgan qiziqishining o'sishiga yordam beradi.

Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, so'ralgan yoshlarning aksariyati, avvalambor, keng qamrovli ta'lim imkoniyatlarini yaratish, yoshlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni amalga oshirish, ularning turmush darajasi va farovonligini oshirishda, yosh avlodning sog'lig'ini mustahkamlash va sportni rivojlantirishda namoyon bo'layotgan Prezidentning yoshlarga bo'lgan g'amxo'rligini yuqori baholaydilar. O'zbekiston yoshlari kelajak rejalarini amalga oshirish uchun uning imkoniyatlarini kengaytirishga qaratilgan Yoshlarga oid davlat siyosatini to'liq qo'llab-quvvatlamoda.

Dunyoda sodir bo'layotgan jarayonlarni, xavfsizlikka va tinchligimizga bo'layotgan turli tahdid va xavflarni, ma'naviy-axloqiy qadriyatlarni hisobga olgan holda, O'zbekiston rahbariyati mamlakatimiz mustaqilligi va xavfsizligini e'tiborga olgan holda mustahkamlashning muhim omillaridan biri - ma'naviy-axloqiy qadriyatlarni yanada kuchaytirish deb hisoblaydi. Glofalloshuv sharoitida ham xalqimizning milliy jihatlari, madaniyatimiz, urf-odatlarimizni har tomonlama tiklash, ming yillik tariximizni chuqur o'rganish muhim ahamiyatga egadir. Shuni yodda tutish kerakki, ma'naviyat mavhum hodisa emas, balki jamiyatning ichki holatini tavsiflovchi umumiy tushuncha. Shuningdek, u aniq odamlarning haqiqiy harakatlarida, ularning atrofdagi dunyoga munosabatida o'ziga xos o'ziga xos namoyonlarga ega. Ma'naviyat, avvalo, o'z vataniga, oilasiga, qarindoshlari va do'stlariga muhabbat, vatanparvarlik, odamlarga hurmat, mehr-oqibat, rahm-shafqat, rahm-shafqat, zo'ravonlik va yolg'onlarga, ona urf-odatlarimizga, urf-odatlarimizga va oldingi avlodlarga befarq bo'lishni anglatadi.

Ma'naviyat millat va shaxsning shakllanishi va rivojlanishini belgilovchi omillardan biridir. Yuksak ma'naviyat o'z-o'zidan paydo bo'lmaydi, u avlodlar tajribasi, ma'rifat asosida ta'lim jarayonida rivojlanadi. Shunday qilib, ushbu va boshqa ko'plab ma'naviy-axloqiy tadbirlar birinchi navbatda asosiy vazifani - zamonaviy ilmiy bilimlarni, yuqori texnologiyalarni, ishlab chiqarishni boshqarish

san'atini o'zlashtira oladigan yosh avlodni har tomonlama tarbiyalashga, uning mas'uliyatini anglashga qaratilgan. Har tomonlama barkamol shaxslar esa mamlakatning kelajagi, uning taraqqiyoti va intellektual ravnaqiga albatta o'z hissasini qo'shishi aniq va ravshandir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <http://pv.uz/society/molodezhy-uzbekistana---obrazovannaya-iniciativnaya-energichnaya>.

AXLOQIY TA'LIM - TARBIYA NING BOSH MEZONI SIFATIDA

Rahmonqulova Nodira Ibodullaevna,

O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi 1-kotibi

“Insonlarni yaxshilikga chaqirguvchi, yomonlikdan qaytarguvchi bir ilmdur. Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini dalil va misollar ila bayon qiladurgan kitobni axloq deyilur”.

Abdulla Avloniy[1]

Annotatsiya. Ushbu maqolada muallif axloqning farzand tarbiyasidagi muhim ahamiyatiga e'tibor qaratadi. Axloqiy tarbiya ta'lim bilan uyg'unlashgan holda olib borilishi zarurligi maqolada yoritilib berilgan. Axloqiy tarbiyada birdamlikni ta'minlash uchun o'qituvchi doimiy ravishda ota-onalarni bolalarda insonparvarlik, axloqiylik va altruizmni shakllantirishga yo'naltirishi kerak.

Kalit so'zlar: axloq, tarbiya, ta'lim, qadriyat, ijtimoiy

Insonga ziynat bag'ishlaydigan fazilat odob-axloqdir. Axloq ilmi – yaxshilik bilan yomonlik o'rtasidagi murakkab muammolar haqida bahs yuritib, insonni komillikka erishish yo'lini yoritib berar ekan, u doimiy ravishda takomillashib boradi. Komil insonni tarbiyalash, bu xalqimizning azaliy orzusi bo'lib qolaveradi. Komil inson tushunchasi kechagi gap bo'lmay o'rta asrlarda ishlab chiqilgan tarbiya asosi bo'lib, musulmon Sharqida asosan islomiy nuqtai nazardan ta'riflab kelingan.

Uning falsafiy ma'nosi umummilliy ahamiyatga ega va umuminsoniy qadriyat sifatida asrlar davomida sayqal topib, rivojlanib kelgan.

Aziziddin Nasafiy, komil insonga ta'rif berib, shunday yozadi: «Bilgilki komil inson deb shariat va tariqat va haqiqatda yetuk bo'lgan odamlarga aytadilar va agar bu iborani tushunmasang, boshqa ibora bilan aytayin: Bilgilki, komil inson shunday insondirkim, unda quyidagi to'rt narsa kamolotga yetgan bo'lsin: yaxshi fe'l, yaxshi so'z, yaxshi axloq va maorif»[2]. A.Nasafiy keltirgan ushbu ta'rifdan komil inson bo'lish har tomonlama rivojlangan va unda to'rt narsa kamolotga yetgan bo'lishini ta'kidlab, yaxshi xulq, yaxshi xarakterga ega bo'lishi, nutqi ravon, madaniyatli, va ilmfanda ilm cho'qqilarini yaxshi egallagan bo'lishi kerakligini uqtiradi.

Shuningdek, A.Nasafiy inson kamolotining belgisi sifatida ikki narsani asos qilib ko'rsatadi: birinchisi, axloq, ikkinchisi, o'z-o'zini anglash, shu sifatlarni hisobga olib, inson hamma axloqiy sifatlarni bilan bezangan va o'z-o'zini anglash, ya'ni «men»ini bilish inson kamolotining belgisi sifatida, «Binobarin, insonning kamolotga erishishi hamda axloqqa, ya'ni tarbiyaga ega bo'lishi va o'z-o'zini anglash bilan amalga oshadi», – degan xulosaga keladi. Shunday o'rinli savol yuzaga keladi, xo'sh tarbiya bilan axloq bir ma'noga egami, yoki boshqa-boshqa tushunchalarmi? Tarbiyalanganlik bilan axloqiylikchi?

Axloq ijtimoiy munosabatlarning tabiati bilan belgilanadi. U o'sib borayotgan odamga erta bolalikdan o'rgatiladigan umumiy qabul qilingan me'yorlar, qoidalar, qonunlar, amrlar, taqiqlar, taqiqlarni o'z ichiga oladi.

Axloq - bu guruhlar, sinflar, milliy jamoatchilik fikri tomonidan tasdiqlangan va qo'llab-quvvatlanadigan ijtimoiy ong va odamlar o'rtasidagi munosabatlarning an'anaviy mazmunli shakli. Bu bolaning ijtimoiy hayot sharoitlariga moslashishini ta'minlaydi, uni umumiy qabul qilingan xatti-harakatlar me'yorlari va qoidalari doirasida ushlab turadi.

Lekin har qanday tarbiya ta'lim bilan chambarchas bog'liq holdagina mavjud bo'ladi. Shuni yodda tutish kerakki: ma'lum bir harakatning har qanday tashqi ko'rinishi axloqiy (yoki axloqsiz) emas. Bu erda, birinchi navbatda, amalga

oshirilgan harakatning motivatsiyasi hisobga olinishi kerak. Masalan, siz turli sabablarga ko'ra o'g'irlik qila olmaysiz: fosh bo'lish yoki sudlanganlikdan qo'rqish. Va faqat oxirgi sabab axloqiydir. Shunday qilib, tarbiyaning asosiy maqsadi bolaga axloqiy me'yorlar nima ekanligini tushunishga yordam berish va unga o'z tanlovini qilish imkoniyatini berishdir.

Bolaning axloqiy ongini shakllantirish jarayoni, ayniqsa, oila va ta'lim muassasasining ushbu muammoga nisbatan qarashlari turlicha bo'lsa, ziddiyatli va nizoli bo'ladi. Axloqiy tarbiyada birdamlikni ta'minlash uchun o'qituvchi doimiy ravishda ota-onalarni bolalarda insonparvarlik, axloqiylik va altruizmni shakllantirishga yo'naltirishi kerak.

Qanday qilib bolani mehribon bo'lishga o'rgatish mumkin? Bolalarda boshqalarga nisbatan insonparvarlik munosabatini tarbiyalashni necha yoshdan boshlashingiz kerak? Axloqiy fazilatlarni tarbiyalash umuman mumkinmi yoki ular tabiatan yotibdimi va pedagogik ta'sirga duchor bo'lmaydimi? Ko'plab olimlar va pedagoglar ushbu savollarga javob berishga harakat qilishdi. Tadqiqotlarning katta qismi shaxsning axloqiy va axloqiy asoslarini shakllantirish muammolari, ularning kelib chiqishi, rivojlanishi va tuzatish imkoniyatlariga bag'ishlangan.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning axloqiy tarbiyasi jarayonida bolalar o'rtasida insoniy munosabatlarni shakllantirish juda dolzarbdir. Ularga quyidagi "mumkin emas" bo'lgan narsalarni tushuntirish kerak:

- odamlarni xafa qilish va kaltaklash mumkin emas;
- boshqa odamlarning mehnati natijalarini yo'q qilish mumkin emas;
- boshqalarning shaxsiy buyumlarini egasining ruxsatisiz olish mumkin emas.

Axloqiy tarbiyaning mazmuni maktabgacha yoshdagi bolaning axloqiy fazilatlarini shakllantirishdan iborat: oqsoqollarga hurmat, tengdoshlari bilan do'stona munosabatlar, boshqa odamlarning qayg'usi va quvonchiga munosib javob qaytarish, insonparvarlik hissiyotlari va qarashlarining samarali namoyon bo'lishiga erishish. , ularning ijtimoiy yo'naltirilganligi, javobgarlik tamoyillarini tarbiyalash.

Axloqiy yo'naltirilgan shaxsni shakllantirishda maqsadga erishish uchun ta'lim jarayonining psixologik jihatlariga alohida e'tibor qaratish lozim: bola qachonki o'z yonidagi boshqa odamlarda insonparvarlik bilan munosabatda bo'lishni ko'rgandagina u o'zini o'zi to'g'ri tutish, xulq-atvorni tartibga solish va undan hayotda foydalanish tajribasiga ega bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Avloniy. "Turkcha guliston yohud ahloq". 2018. Yoshlar uyi nashriyoti. 97-b.
2. Aziziddin-nasafiy "Insoni komil" ("Komil inson").
<https://jahonadabiyoti.uz/2019/06/03/aziziddin-nasafiy-komil-inson-kitobi/>

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲАМИЯТИ

*Ийманова Дилафруз Абдиманнобовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири
Рустамов Ихтиёр Исломжон ўғли
“Иқтисодиёт” йўналиши 1-курс талабаси
Iymanova @inbox.ru*

Аннотация. Мазкур мақола таълим-тарбия тизимида давлатимиз томонидан қилинаёган ислохотлар, ёшларни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, илм-фанга ва касбга бўлган қизиқишларини орттириш, соғлом турмуш кечириши учун амалий чора-тадбирлар ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: таълим-тарбия, мактабгача таълим мактаб, олий таълим, мамлакат, ёшлар, ёш авлод, цивилизация, илм, соғлом турмуш.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий ўзгаришлар маънавий-маърифий йўналишларда, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлмоқда. Мустақилликнинг дастлабки чорагида барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни, ислохотларни инкор этмаган ҳолда, ҳозирги шиддатли замонга мос равишда янада хушёр, фаол бўлиш, изланувчанликка интилиш, ҳаракатчан, юракдан меҳнат қилиш зарурий бурчимиздир. Чин маънодаги ўзгаришлар даврида ислохотлардан четда турмай, фаол фуқаролик позициясини номоён этиш, халқ сифатида бир муштга айланиб, яқдил бўлиш, умумий таъкидлаганда ўзгаришларни дастлаб ўзимиздан бошлашимиз кераклигини англадик.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ғояси фаолиятимизнинг бош мезонига айланмоқда[1]. Яна бир ҳақиқат шуки, ўзимизнинг ички муаммо, камчиликларимизни ўзимиз тузатмасак, ҳеч ким четдан келиб холисона, беғараз, манфаатсиз ҳал қилиб бермайди. Мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, юртбошимизнинг ғоялари, ташаббуслари ва бевосита раҳномалиги остида олиб борилган барча ислохотлар, режа ва дастурлар, амалий ва саъй-ҳаракатлар авваламбор инсон учун, унинг манфаатлари, фаровон ҳаёти, хавфсизлиги ва орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун қаратилгандир. Биз ниманики режалаштирмайлик, ниманики амалга оширмайлик, нимагаки интилмайлик- барчамизнинг бош мақсадимиз инсон унинг бахтли ҳаётини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда юртимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз

Ўзимизни алдамасак, ҳалол пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз. Бу борада мен аввало кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олийжаноб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман”[2], деб таъкидлаши, Ватанимиз тақдири, келажаги, фарзандларимиз бахту-иқболи учун ҳақиқий фидойи инсон бўлишга ундайди.

Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, истеъдодли болалар, ўсмирлар ва ёшларни тўғри танлаш ва излаб топишни ташкилий жиҳатдан уюштира билиши лозим [3.203-204]. Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини ўрганиш, юзага чиқариш, уларни буюк мақсадлар сари йўналтириш алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳар бир чиқишида, ҳудудларга ташриф буюриб, одамлар билан олиб бораётган ҳар бир мулоқотида ўсиб келаётган авлоднинг бугуни ҳамда эртаси ҳақида алоҳида тўхталиб, ёшларни қийнаётган, ўйлантираётган муаммоларни узил-кесил ҳал этишга биринчи даражали вазифа сифати қараши бежиз эмас. Эртамиз эгалари саналган ёшларимизни асраш, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ўз касбини ҳақиқий виждонли, интеллектуал салоҳиятли мутахассиси қилиш ишлари юртимизда кенг ислоҳотлар билан биргаликда амалга оширилмоқда. Ҳикматларда, “Агар номинг халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истасанг, оилангнинг доимий роҳатини кўзласанг, болаларингга гўзал тарбия бер”, деб бежиз айтилмаган[4].

Фарзандларимизнинг таълим-тарбия олишида асосий бўғин ҳисобланган таълим тизимида, сезиларли залворли катта ислохотлар амалга оширилди. Эътиборга молик ислохотлардан мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши бўлди. Бу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳаракатлар дастурида яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қурилиши, таълим-тарбия сифатини юқори босқичга кўтариш назарда тутилган. 2019 йилда мактабгача таълим билан қамраб олиш 44 фоизга етказилиши белгилаб берилган бўлса[5], 2021 йил 65 фоизга қамраб олиш белгиланди[6]. Буюк мутафаккиримиз Юсуф Хос Хожиб, “Ўқув қайда бўлса улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар”, “Болани билимли қилмоқчи бўлинса, унга ёшлигиданоқ билим ўргатиб бориш керак”, деб пурмаъно фикрларини мерос қилиб қолдирган[7]. Таълим-тарбия давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Умумтаълим мактабларида АКТни ривожлантириш учун 2019 йилда 18 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган эди. Президент Ш.Мирзиёев “Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан шу бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир”, деб таъкидлайди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида юртимизда Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди. 2021 йилда 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди. Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар

жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади. Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади[8].

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. 2018 йилда қабул квоталари 30 фоизга ошди, 13 та янги олий таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади. 2019 йилда битирувчиларни олий таълимни қамраб олиши 20 фоиз бўлди[9]. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 25 фоизни қамрайдиган бўлди. Олий таълим муассасаларида иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртқи ва кечки бўлимлар очилди. Ўзбекистоннинг келажагини янада тараққий эттириш ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга, мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, олимларнинг ва барча инсонларнинг асосий бурчи бўлиб қолади.

Ёшлар муаммолари институти, истеъдодларни танлаш марказларининг ташкил этилиши ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, рағбатлантириш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг намунасидир. Ёшлар тарбияси соҳасидаги сиёсатнинг кенг жабҳада олиб борилиши, жумладан, оиладаги тарбия пойдеворини таълим масканларида ҳам уйғун равишда мустақкам қўйилишига эътибор қаратилиши керак.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Буларнинг барчасида ягона бир мақсад, юртимизда илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши назарда тутилган. Ҳар бир юртдошимиз Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш, юртини жаҳонга олиб чиқиб, юқори поғоналарни забт этиш, она-Ватанга меҳр-муҳаббатни юракка жо айлаб, дилида доимо юксалтириш ҳар бир ёш авлоднинг ҳам бурчи, ҳам фарзи, ҳам қарзидир.

Чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қайси мамлакатда осонликча амалга оширилган эмас. Лекин ҳаёт давом этар экан, ҳаёт талаби бўлган ислоҳотлар изчил давом этиши муқаррар. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, амалга оширилаётган халқчил ислоҳотлар амалий тасдиғини топмоғи учун биз, сиз-хаммамиз уйғоқ қалб, уйғоқ руҳ ва уйғоқ дунёқараш билан ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар

1. “Ёшлар овози” газетаси, 103-сон, 2017 йил 23 декабрь.
2. “Халқ сўзи” газетаси, 260-сон, 2017 йил 26 декабрь.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. / - Тошкент: Маънавият, 2017. 203-204 бетлар.

4. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 178, 181-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 декабрь
7. 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012. 97 бет.
8. 2020 йил 29 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИНИНГ ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

*Ийманова Дилафруз Абдиманнобовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири
Иномжонов Мақсаджон Умиджон ўғли
Иқтисодиёт 1-курс талабаси
Iymanova @inbox.ru*

Аннотация.Мазкур мақола ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, қадимги бой тарихимизни ёшларга ўргатишда “Ўзбекистон тарихи” фанининг ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: мамлакат, тарих, Ватан, “Ўзбекистон тарихи”, тарбия, ёш авлод, цивилизация, таълим, илм, гуманитар, таълим бериш.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устиворлигидир”. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишдан мақсад - ёш авлод онгида инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтириш, улар онгида миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, тарихий хотиранинг ёшларимизни Ватанга садоқат ҳамда миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги мислсиз аҳамиятини ифода этиш, ўз тақдири ва келажагини барпо этадиган ёш авлодни янги жамиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган ғоялар асосида тарбиялашга қаратилган. Президент Ш.М.Мирзиёев “Хусусан миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”, деб таъкидлади. [1]. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида 200 дан ортиқ мамлакатлар орасида ўзининг қатъий гуманистик (инсонпарвар), тинчликпарвар сиёсати билан дунё меҳварида муҳим ўрин эгаллаганлигини дунё жамоатчилиги тан олиб турибди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва ҳавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”[2], деб таъкидлайди. Тарихчи мутахассис кадрларни тайёрлашни яхшилаш, тарихга ихтисослаштирилган мактаблар очиш лозим. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” телеканали ташкил этилиши юртбошимиз томонидан алоҳида эътироф этилди.[3] Бундан ташқари “Ватанимиз тарихидан лавҳалар” туркумида мунтазам равишда илмий ва илмий оммабоп китоблар нашр этиб бориш кераклиги таъкидлаб

ўтилди. Буюк зотларнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, уларнинг кадамжоларини обод қилиш, хотирасини абадийлаштириш бўйича биргаликда қилган ишларимиз барчамизга мамнуният етказди[4].

Ёш авлоднинг таълими, тарбияси ҳақида гапирганда аллома Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрлари: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” [5], деган пурмаъно гаплари нақадар ҳақиқатдир. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур, бирламчи манбаларга таяниб талқин этиш, келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон тарихи” фанининг вазифаси:

– Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш миллий ўзликни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни кўрсатиш;

- Ўз миллатининг инсоният тарихидаги тарихий ўрнини англашга, миллий кадриятларга содиқликни, миллий тараққиётга виждонан ҳизмат қилишга ўргатиш;

-миллий мустақиллик, ва миллий тараққиётга интилишни, ватанпарварликни, ўзбеклигимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимизни кучайтириш;

- Ватанимиз ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холисона ҳамда ҳаққоний манбаларга

таянган ҳолда таҳлил қилиш, ўргатиш, уларнинг сабаблари ва моҳиятларини ўқувчи, талаба ёшларга очиб бериш, тарихий сабоқ чиқаришини кучайтириш;

– тарихнинг турли даврларида мамлакат иқтисодий ва маданий равнақи учун фидойилик қилган давлат арбоблари, улуғ саркардалар, илм-фан ҳамда маданият намояндалари, миллий қаҳрамонлар фаолиятини ўрганиш, фахр ва ўрнатқ, ибрат олиш асосида ёшларимизни миллатпарварлик, Ватанпарварлик руҳини кучайтириб тарбиялаш;

– тарихий хотира асосида ёшларимизни “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаимиз”, “Инсон ўзгарса – жамият ўзгаради”, “Ўзбекистон-бунёдкор ёшлар юрти”, “Биз фақат ўз билимимиз, иқтидоримиз, истеъдодимиз, кучимиз, меҳнатимизга ишонамиз”, “Ватанимиз-фаҳримиз, гуллаб-яшнаши, тараққиёти учун ҳар биримиз масъулмиз”, “Келажак ёшлар кўлида”, “Биз-Ватанга таянчмиз” каби бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш;

– ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар ва жуда кўплаб бўлаётган замонавий ўзгаришлар моҳиятини, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш йўлидаги янгиликларни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бажарилиши, Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши, жаҳон ҳамжамияти билан кучли интеграциялашуви жараёнларини ёшларга етказиш ва бевосита ўзларининг ҳам шу ҳаракат аъзолари эканлигини таъкидлаб бор куч ва имкониятларини Ватанининг ривожланиши учун ҳиссасини кўшиш кераклигини қалбига жойлаш. Уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур илмга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш.

“Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда талабаларда фан бўйича зарур кўникма ҳосил бўлишида ва келгуси етук мутахассис бўлиб етишида қуйидаги устувор йўналишлар самара беради деб ўйлаймиз:

1. Ўзбекистон тарихи ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Ўлкамиз ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланиб, бу ерда дунё цивилизациясидаги маҳаллий халқларга хос тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтган. Ўлкамиз ҳудудларидан дунё цивилизацияси тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолар, давлат арбобию, саркардалар етишиб чиққанлар. Булар ҳақида талабаларга кўпроқ маълумотлар беришда турли мавзуларга оид тақдиротлардан кенг фойдаланиш самарали натижа беради.

2. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тарихчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларини, жумладан халқаро, республика журналларида чоп этилган материалларидан ҳам дарс жараёнида мунтазам самарали фойдаланишни, янгиликлар билан яшашни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Буюк аллома ва адибларимизнинг бебаҳо ижодий меросини ёшларга кенг ўргатиш, уларнинг мутолаа маданиятини кучайтириш борасида чоратадбирларни жадаллаштириш.

4. Маълумки, педагогик технология таълим-тарбия жараёнга ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. Ўқитишнинг ваъзхонлик, оғзаки баён қилиш усуллари меъёрлаштириб, компьютерлар ёрдамида таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиш ўқувчи билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси якуний натижага эришиши, устоз ёрдамида талабаларнинг кўпроқ мустақил ишларини ташкил этиш, талабаларнинг, ёшларнинг мустақил, эркин фикрлашини кучайтириш зарурдир. Чунки жаҳоннинг етакчи давлатлари андозалари талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги даврнинг талабидир.

5. “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш жараёнида сўнгги замонавий компьютер технологияларидан, овозли тарихий ўқув қўлланмалар, видеороликлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6. Фанни ўқитишда жойлардаги ўлкашунослик, тарихий ва уй музейларга, ёдгорликлар, қадимий меъморий обидалар, зиёратгоҳларга талабаларни олиб бориш, экскурсия ташкил қилиш ва ўз яшаб турган жойининг тарихи билан биргаликда “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш ҳам самарали натижаларни беради.

7. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, амалга оширилаётган халқчил ислохотлар амалий тасдиғини топмоғи учун биз, сиз- ҳаммамиз уйғоқ қалб, уйғоқ рух ва уйғоқ дунёқараш, эзгулик, яхшилик билан ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларимизга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқа оламиз.

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2017.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь

4. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 45-бет

5. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлидан қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 124-125 бетлар

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРНИ УЮШТИРИШ-ДАВР ТАЛАБИ

Ийманова Дилафруз Абдиманнобовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Андижон иқтисодий ва қурилиш институти
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири
Абдужабборов Исломиддин Асадулло ўғли
БХА-07 йўналиши 1-курс талабаси
Iymanova @inbox.ru

Аннотация.Мазкур мақола ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялаб вояга етказишда давлатимиз томонидан қилинаёйган ислохотлар, уларни уюштириш, она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, илм-фанга ва касбга бўлган қизиқишларини орттириш, соғлом турмуш кечириши учун амалий чора-тадбирлар ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: мамлакат, ёшлар, тарбия, ёш авлод, цивилизация, таълим, илм, гуманитар, таълим бериш.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялаб вояга етказишга катта аҳамият берилмоқда. Уларни юксак маънавиятли, етук, билимли, жисмонан соғлом бўлиб камол топиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Чунки юртимизнинг истиқболи ёшлар қўлида. Келажакда мамлакатнинг дунё хамжамиятидаги муносиб ўрни ва рақобатбардошлиги бугунги кунда тарбияланаётган ёшларга боғлиқ. Юртимиз тараққиёти ҳар бир инсондан жуда катта масъулиятни талаб қилмоқда. Бу борада давлатимиз нафақат ёшларни нотўғри йўналиш олишдан химоялаши, балки дунёдаги энг кучли профессионал мутахассисга айланиши учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бугунги замон қайси давлатнинг кадрлари энг кучли бўлса, шу давлат ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармонининг 4-бандида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланиб, унда “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланган алоҳида 4.5-бандда акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб аталган 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар қилиниши – 25 та топшириқнинг бажарилиши аниқ қилиб белгилаб қўйилди [1.203-204] ва бу ишларнинг амалга оширилиши натижасида, самарадорлиги ҳам кўринмоқда. Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, истеъдодли болалар, ўсмирлар ва ёшларни тўғри танлаш ва излаб топишни ташкилий жиҳатдан уюштириш билиши лозим [2.203-204]. Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим [3].

Ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган салбий ҳодисалар, оммавий тартибсизликлар негизига эътибор қаратадиган

бўлсак, уларнинг бош сабаби сифатида ўша давлатнинг униб-ўсиб келаётган ёшларига, янги авлодларнинг қизиқишлари, ҳуқуқлари, манфаатларига эътиборсизлиги, ёшларга оид сиёсатнинг замон талабида эмаслиги сингари омиллар сабаб бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирда ривожланган мамлакатларда ҳам мураккаб муаммо тусини олаётган ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ўпирилишлар, миллионлаб ёш қалбларнинг миллий урф-одатлар, кадриятлардан бегоналашуви келажакка нисбатан хавотир ҳиссини уйғотмоқда. Республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов, “Хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни сусайтириб, ўзбўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин” [4.4], деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли ҳам ҳозирда ёшларни уюштириш, уларни бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Мурожаатномада “2021 йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди. Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур. Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртинининг

магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.” [5], деб таъкидлади. Ёшларни янгиланаётган демократик ва инсонпарвар жамиятга муносиб қилиб тарбиялаш, табиийки, уларнинг фаол ижтимоийлашуви, уюшишларини таъминлашни тақоза этади. Юртимизда ҳам баъзи уюшмаган ёшлар таълим-тарбиясидаги камчиликлар сабабли улардаги айрим салбий ҳолатлар сезиларли даражада кўриниб қолмоқда. Улардан яққолроқ кўринганлари қуйидагилар:

1. Оилада, таълим-тарбиядаги муаммолар, ота-оналар ва бошқа шахсларнинг фарзандларга психологик салбий таъсири;
2. Уюшмаган ёшларда мақсад-муддао мавҳумлиги, ҳаётий режаларнинг амалий эҳтиёжлардан узилиб қолганлиги;
3. Ёшлар ўртасида китобнинг ўрни ва аҳамияти, мутолаа маданиятининг сусайганлиги;
4. Баъзи ёшларда меҳнат кўникмалари ва меҳнатсеварлик ҳисси сусайиб қолганлиги, дангасалик иллатларига учраганлиги;
5. Ёшлар бўш вақтларида назоратсиз қолиб кетиши, ижтимоий-фойдали ишлар билан банд бўлмаслиги;
6. Меҳнат ва таълим жамоаларидаги тарбиявий тадбирларнинг самараси пастлиги ва бошқалар.

Ёшларни уюштириш, она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, илм-фанга ва касбга бўлган қизиқишларини орттириш, соғлом турмуш кечириши учун қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалда қўллаш тавсия этилади:

1. Ёшларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, хулқ-атвори, оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг назоратида бўлишини таъминлаш;
2. Ёшларнинг жамият ҳаётига интеграциялашуви, ўз ўрнини топишга кўмак бериш ва зарур шароитлар яратиш;

3. Илмий дунёқарашини бойитиш, иродавий мустаҳкамликни кучайтириш;
4. Ижтимоий, фойдали меҳнатга ўргатиш, меҳнатсеварлик туйғусини кучайтириш;
5. Замон руҳига мос равишда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид дастурлар ва ҳаракат режаларини такомиллаштириб бориш;
6. Таълим сифатини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;
7. Таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаш. Миллий маънавият, урф-одат, кадриятларимизни тарбия билан сингдириш;
8. Мутолаа маданиятини кучайтириш. Юртимизда, айниқса, ёшлар гавжум жойларда кутубхоналар ташкил этиш, энг яхши китобхонларни рағбатлантиришни жорий этиш;
9. Ёшлар сафларидаги креатив фикрловчи, ташаббускор, фидойи кишилар доирасини кенгайтириш;
10. Келажакда ўзига муносиб касб танлашга ўргатиш. Улар учун махсус ахборот ва маслаҳат хизматларини жорий этиш;
11. Ёшларни жисмонан соғломгини кучайтириш учун спорт инфраструктурасини ривожлантириш. Кам таъминланган оила фарзандларига спорт секцияларида иштирок этиши учун махсус имтиёзлар яратиш ва уларга ҳомийларни бириктириш;
12. Миллий ва умумбашарий кадриятларга эътиқод ҳиссини кучайтириш ва бошқалар.

Бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган аҳолининг 60%дан кўпини ёшлар ташкил этар экан, юртимизни чин маънода ёшлар мамлакати деб атасак бўлади. Шундай экан, ёшларимизнинг қачонки руҳияти соғлом, дунёқарашини кенг, иродаси мустаҳкам, сабрли, матонатли, тоқатли, уюшган бўлсагина бундай ёшлар аждодларимиз орзу қилган баркамол авлод даражасига эришади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. / - Тошкент: Маънавият, 2017. 203-204 бетлар.
2. Ўша жойда, 203-204 бетлар.
3. 2020 йил 29 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ислом Каримов, Юксак маънавият –енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият 2008. 4-бет
5. 2020 йил 29 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИ

*Зайнобиддинов Дилшод Кобирович,
Андижон машинасозлик институти
“Гуманитар фанлар”
Кафедраси доценти*

E-mail: dlshod196510@gmail.com

Мамадалиев Абдулазиз МСМСМ 288 гуруҳ

E-mail: abdulaziz95@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада оила ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлигида оила маданияти, оилавий кадриятлар тушунча сифатида қийин структурага эга, ижтимоий, психологик-педагогик омиллар, талабаларнинг тарбиявий фаолияти тўғрисидаги масалалар ёритилган

Калит сўзлар: кадрият, ижтимоий, психологик, профессионал-педагогик, компонент

Бугунги кунда соғлом авлодни шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уни амалга ошириш эса барча оилалар ва таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан биридир. Оилада тарбиялаётган ўқувчи ёшлар мамлакат мустақиллиги тушунчасини, унинг мазмун моҳиятини англаб етишлари зарур. Жамият тараққиёти жадал ривожланаётган бир даврда ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда оила раҳбар қандай иш олиб бориши тўғрисида фикр юритамиз. Шу ўринда ҳурматли президентимизнинг “Бугунги кунда ёш авлод тарбияси, уларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш масаласи дунё миқёсида энг ўткир муаммолардан бирига айланмоқда. Турли халқаро минбарларда, нуфузли анжуманларда бу ҳақда кўп гаплар айтилмоқда. Биз яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бу борадаги ўз позициямизни аниқ баён қилдик. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар икки

миллиардни ташкил этмоқда. Жаҳон тарихида илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган. Бу – жуда катта кучдир. Лекин ана шу қудратли куч тўғри йўлга солинмаса, ёшларнинг энг муҳим талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаса, улар ҳаётда ўз ўрнини топмаса? Ҳозирги кунда экстремизм ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бундай ёшлар қаердан пайдо бўлмоқда? Улар билим ва касб-хунар эгаллаш, ишлаш, уйли-жойли бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган, норози, аламзада ёшлар орасидан чиқмоқда. Яъни илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳасидаги истеъдодли ва истиқболли ёшларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашда раҳбарлар аниқ режа асосида иш олиб бориши керак”-[1] деган сўзлари биз учун кўрсатмадир.

Таълим муассасаларида билим олиш сифати ва самарадорлигини оширишга, давоматни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиш, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш зарур. Келажагимиз фарзандларимиз қўлида экан, биз уларни руҳан тетик, қалбан пок инсонлар қилиб тарбияламоғимиз зарур. Зеро келажагимиз бугундан бошланади.

Оила маданияти, оилавий кадриятлар тушунча сифатида қийин структурага эга, ижтимоий, психологик-педагогик омиллар, талабаларнинг тарбиявий фаолияти билан боғлиқ ва уни комплекс қарашлар орқали амалга ошириш лозим. Бундай қараш тадқиқот қилинаётган жараёнга таъсирини барча омилларни таъсирини, турли хил мақсад ва вазифаларни аниқлаш ва амалга ошириш, оптимал танлов ва услуб, шакл, воситалар ва педагогик таъсир йўллари аниқлаш, барча тарбия фаолиятида иштирок этувчи субъектлар билан боғлиқ бўлиши лозим.

Айнан шунинг учун ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни комплекс яъни ҳар томонлама бўлиши лозим. Яъни турли хил оилавий муаммоларга тўғри муносабатни шакллантириш, ёшларда оилага нисбатан ижобий кўрсатмаларни шакллантириш. Ёшларда оилавий кадриятлар

жараёнини шакллантиришнинг тўлақонли кечиши асосий компонентларни ҳисоб олинишига, шунингдек бу оила қуриш ва бўлиш омилларига боғлиқ. Шундай қилиб оила кадриятлари шаклланиш модели ўз ичига компонентлар мажмуи, улар ўртасидаги боғлиқлик, унинг бўлишлиги ва ривожланиш шароитларини аниқловчи омиларни олади.

Оилавий кадриятлар шаклланиш жараёни ўз ичига қўйидаги функционал компонентларни олади:

Ижтимоий компонент: талабанинг жамиятда оилавий ҳаёт субъекти сифатида кўрилиши аспекти ва оилавий маданият шаклланиш жиҳатларини акс этади.

Психологик-педагогик компонент: бўлажак педагогнинг компетентлиги шаклланишини таъминлайди, турли хил услублар ва технологияларни билиши, хулқ-атвор ва ўзаро муносабатлар мотивларини аниқлашга ёрдам беради.

Профессионал-педагогик компонент талабани педагогик фаолият субъекти сифатида кўрилишини таъминлайди ва бу бўлажак ўқитувчининг оилавий ҳаётга тайёрланишига йўналган. Шахсий-ўзгартирувчи компонент: талабанинг оилавий ҳаёт ва педагогик фаолият субъекти сифатида йўналтиради. Функционал компонентларнинг турғунлиги тизимли компонентлар билан боғлиқлиги билан белгиланади. Биз тадқиқотимизда илмий манбалар таҳлили ва экспертлар баҳоси асосида педагогик олий ўқув юртлари талабларида оилавий кадриятлар шаклланиш жараёни асослари ва тизимли компонентларини аниқладик. [2,89]

Мотивацион-қадрий компонент бўлажак ўқитувчининг профессионал ва оилавий-қадрий йўналишларини ўз ичига олади ва бу оилавий ҳаётга муносабатни шакллантиради. Компонент оилавий-қадрий йўналишларнинг шаклланганлиги, оилавий тарбия муаммоларга қизиқишнинг борлиги, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ижтимоий буюртма бажарилиши орқали таърифланади.

Ривожлантирувчи компонент бўлажак педагогнинг оилавий кадриятлар шаклланиши учун назарий асосни яратади. Талабларни тайёрлашдаги таълимда куп билимлар интеграция бўлиши лозим: ижтимоий ва оилавий психология, этнопедагогика, шунингдек таълим-тарбиявий жараёнга билимлар тизимини киритишга, педагогик билимларни сингдиришга ёрдам беради.

Маънавий-ахлоқий компонент педагог ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган ахлоқий йўналтирилган хулқ моделини очиб беради. Ўз ўрнида бу оилавий мулоқот учун муҳим, ўзини тутиш маданияти, мулоқот ва ташқи кўриниш маданияти шаклланади, бир бирига толерантлик муносабатлари шаклланади. [2,93]

Хулқий компонент ўз ичига амалий билимларни олади ва оилани хўжалик-иқтисодий вазифалари бажарилишини таъминлайди, унинг иқтисодий талаблари қондирилишини таъминлайди, шунингдек талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун ўқитувчининг профессионал-педагогик фаолмиятида етарли билимларга эгаллиги. Жараён компонентлари ўзаро мустаҳкам алоқададир ва педагогик олий ўқув юртлари талабаларида оилавий кадриятларнинг динамик тизими ривожланиши ўз ичига олади. Улар оила ривожданишининг дунёвий тенденциялари, ўз халқи анъаналарини қамраб олади, шунингдек ўз ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва демографик ўзига ҳосликларига эга. Айниқса оиланинг тарбиявий омиллари, маънавий, маданий ва оила кадриятлари шаклланиши жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ёшларда оилавий кадриятлар шаклланиш жараёни кўп омиллилиги-турли хил йўналишлардаги, оила институтини ҳар томонлама мураккаблигини қамраб олади ва тадқиқотда кўйилган вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини таъминлайди.

Оила ва таълим масканининг маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишдаги асосий йўналишларига қўйидагилар киради: - оила, маҳалла ва таълим даргоҳи дастурларини ўз анъаналарига, миллий-регионал ўзига

хосликлари, замонавий фанлардаги ютуқлари ва тажрибалари дастурлари мазмунини янгилаб бориш, - оилавий тарбия ва оилавий конфликт ва ажралишдаги маҳалла ролини ошириш, -оилада маънавий муҳитни шакллантиришда турли хил ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш, ёшлар, ўсмирларда турли хил салбий ҳислатлар пайдо бўлишини олдини олиш ва профилактика ишларини олиб бориш; - фаровон оилаларнинг педагогик потенциалида кенг фойдаланиш, маҳаллий педагогика анъаналарини киритиш, оилавий тарбиянинг ижобий тажрибалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўрсатиб бориш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев - Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан -2019 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори. 2020 йил 6 ноябрь. ПҚ-4884.

3. Ш.Мухаммедова Оила педагогикаси ўқув қўлланма – Навоий 2018

ЁШЛАРНИНГ МУЛОҚОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Пўлатова О.,
Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчи,
pulatova70@gmail.com
Махамматов Улуғбек,
“Касб таълими” йўналиши иқтидорли талаба*

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар мулоқотини шакллантиришда оила ва таълим муассасаларда фаолият олиб бораётган педагогларнинг фаолиятлари ҳамда мулоқотга киришуванликнинг босқичлари юзасидан методик маслаҳатлар ёритилган

Калит сўзлар: шахс, мулоқот, нутқ, педагогик меҳнизм

Шахснинг етуклиги унинг ўз ўзига ва бошқаларга, табиат ва жамиятга оқилона муносабатида, мулоқотида намоён бўлади. Инсоннинг тани учун саломатлиги қанчалик зарур бўлса, унинг руҳияти, қалби учун эса эзгулик, оқилоналик, ахлоқ – одоблилик, мулоқотга киришувчанлик шунчалик муҳимдир. Инсон ақлан ва ахлоқан тобора бойиб ўз олдида олийжаноб мақсадлар кўя олади. Ахлоқ-одоб инсониятнинг шахслараро муносабатлари мезонидир. Инсонлар дунёда яшаганликлари учун эмас, балки билимли ва ахлоқли бўлганликлари учун кадр топадилар.

Шахс мулоқотда камол топади ва касбий маҳоратни ҳам эгаллайди, Шу жиҳатдан олганда таълим-тарбия жараёнида кўриш, эшитиш сезгилари, идроклари ҳамда турли руҳий жараёнлар: хотира, тасаввур, тафаккур, хаёлни талаб қиладиган кўникма-малакаларни шакллантирадиган усул ва методлардан фойдаланиш ўринлидир. Бундан ўқувчи таълим-тарбия жараёнида иштирок этиб, ахлоқий тушунчалар-билим ва кўникмаларни ҳосил қилади, натижада у таълим-тарбия жараёнининг кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланади.

Ўқувчилар тафаккурини ўстирмай туриб, уларнинг нутқини ўстириб бўлмайди. Оғзаки гапириш, баён ёки иншо ёзишда ўқувчиларнинг режа тузиб олишларига эътибор бериш керак. Ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш учун китоб

устида мунтазам ишлаш, ўқиган матнларнинг тезисини, конспектини тузиш, маъруза, рефератлар тайёрлаш, адабий кечалар, ёзувчилар билан учрашиш муҳим аҳамиятга эга. [1,48]

Болаларни ёшликдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида муомилага ўргатиб борилади. Мулоқотга ўргатишнинг усулларида бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир.

Шундай экан педагогик фаолиятимиз давомида касбий-педагогик ва психологик мулоқотнинг 5 та босқичини амалга ошириш талаб этилади

1. Мулоқот жараёнида мўлжал олиш. Бу босқичда педагог мулоқотининг анланганлиги юзага чиқади. Шунингдек, мулоқот услубини янги коммуникатив фаолият шароитида аниқлаш ҳам юзага чиқади.

2. Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати эътиборни ўзига тортиш бўлиб, бола билан самарали мулоқотни амалга ошириш учун дарс жараёнида боланинг диққати барқарор бўлиши керак.

3. Объектнинг (киши) калбини забт этиш босқичи педагогик мулоқотни ташкиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан бу босқич коммуникацияни ўзига хос излаш босқичидир. Масалан, янги материални баён этишда педагог болаларни мулоқотга тайёрлаб олади. Ўқитувчининг ўқувчини тушуниши касбий-педагогик мулоқотнинг калити ҳисобланади.

4. Педагогик мулоқотнинг яна бир босқичи бу вербал мулоқот, яъни ўқитувчининг янги материални ўқувчиларга оғзаки баён қилиб беришидир. Педагог учун нутқ мулоқоти жуда муҳим. Педагогик мулоқот тизимида педагогнинг сўзи образлар кўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади.

5. Педагог билан тингловчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатда ҳаяжонланишни кузатишнинг коммуникатив воситалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, педагогнинг нутқи жонли, оҳангларга бой, тушунарли, аниқ, содда тилда бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг идроки тўлиқ, образли бўлади. [2,24]

Педагог талабанинг диққатини тўплаб олишига имкон бериши керак. Бир-бирини тушуниш учун қуйидаги 5 та шартни айтиб ўтиш жоиз:

- биргаликдаги касбий тилга эга бўлиш;
- интеллект даражасини ҳисобга олиш;
- ахборотнинг тўлиқ бўлиши;
- мантиқан баён этиш;
- диққатни бир жойга тўплай олишдан иборатдир..

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини баҳолашда асосий эътиборни компетенцияларнинг алоҳида элементлари мавжудлигига эмас, касбий вазифаларни хал эта олиш лаёқатларини намоён қила билишга қаратиш лозим. Баҳолаш учун бериладиган топшириқларни реал касбий вазифаларни ҳамда, ана шу нуқтаи назардан олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари кўшиб олиб боришнинг аҳамияти каттадир.[3,72]

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини педагог эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини ҳолисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача эътиборни қаратиб, гуруҳдошларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Бундай ҳаракатлар жамиятнинг янгиланиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

Хулоса сифатида талабалар билан мулоқотда “Олтин сўзлар” усулини қўллаш яхши самара беради.. Олтин сўзларнинг синоними-бу “ажойиб”, “бебаҳо” каби сўзлар. Масалан, “сиз бошқалар қўролмайдиган нарсаларни

кўра оласиз!”, “сиз билан мулоқотда бўлган киши кўп нарсаларни билиб олиши мумкин!”. Бу сўзлар улар учун “олтин сўз”лар бўлиб ҳисобланади.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам муомилага ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам муомилани шаклланишига ёрдам беради.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида таълим муассасаларда фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янгича тафаккурни шакллантириш билан биргаликда уларни фаол, замонавий мулоқот маданиятига ўргатиш вазифаси турганлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.И. Иванов, М.Э. Зуфарова. Умумий психология. Дарслик. “Ўзбекистон файласуфлари» миллий жамияти нашриёти, 2008. -480бет.
2. В. Каримова. Психология.Ўқув қўлланма –Т.: “А. Қодирий” номли нашриёти, 2002. -203 бет.
3. В.Каримова, Ф.Акрамова, Г.Очилова, Г. Мусахонова. Педагогика. Психология. Ўқув қўлланма. –Т.:“А. Қодирий” номли нашриёти, 2011. - 300бет.

ОИЛАДА ОТА-ОНА ВА БОЛА МУНОСАБАТЛАРИДА ТИЛНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Шерматова Дилфуза Якубжановна
E-mail:shermatovadilfuza@mail.ru
НамМҚИ “Ўзбек тили ва адабиёти”
кафедраси катта ўқитувчиси,
НамДУ мустақил изланувчиси

Мақолада оилада ота-она ва бола муносабатларида соф ўзбек тилида сўзлашиш маданиятига эътибор қаратилган. Мактабгача, мактабнинг бошланғич синф, ўсмир ёшдаги болалар билан муносабатда сўзларни кўллашда масъулият ва ўзбекона таълим-тарбия орқали бола қобилиятларини шакллантиришга доир айрим муаммоли вазиятлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оила, оилавий муҳит, ота-она, фарзанд, соф ўзбек тилида сўзлашиш, маънавият, маънавий онг, маънавий қашшоқлик.

Оила-маънавий тарбия пойдевори. Чунки инсоннинг келажакда қандай маънавий–маърифий салоҳиятга эга бўлиши оилавий муҳитга боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим ва тарбия борасида бир қатор янги ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизнинг мустаҳкам бугуни ва порлоқ эртаси айнан, бугун таълим-тарбиянинг қандай шароитда, кимлар томонидан ва қандай мақсадларда сингдирилишига боғлиқдир.

Жамият эртаси бўлган фарзанд оила аъзоси ва тарбияланувчиси ҳисобланади. Тарбия-ёш нуқтаи назаридан бир қатор талабларни бажаришни тақозо этади. Оилада нафақат ота-онанинг ирсий хусусиятлари фарзандда шаклланади, балки уларнинг ўзаро сўзлашув тили, нутқий қобилиятлари, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, мазмун ва моҳият масалалари, одоби, маданияти, феъл-атвори, дунёқараши, ахлоқи, миллий қадрият ва анъаналарга муносабатлари, жамиятда эгаллаган ўрни ва нуфузидан ҳам фарзандлар кўчирма оладилар. Уларга ўхшагиси келади, бор имкониятларини ишга солади, баъзан эса акси бўлиши ҳам мумкин.

Фарзанднинг маънавий баркамоллиги келажакда жамият учун катта муваффақиятлар олиб келиши муқаррар. Бу борада ёшлар тарбиясининг муҳим жиҳатларидан бири тил ва нутқий маданиятдир. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда соф ўзбек тилида сўзлашиш, ўзбек тилининг давлат тили даражасидаги нуфузини янада ошириш масаласига доир олиб борилаётган ислохотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир фуқаро ўз зиммасига ўзи учун шахсий талабларни қўйиши керак. Жумладан, ПФ-6084-сон Фармонида белгиланган вазифаларга кўра:

“Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш” [1].

Ҳар бир оилада давлат тилига нисбатан тубдан ислохот олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу борада оиланинг масъул шахслари “ота” ҳамда “она”нинг ҳам зиммасига катта масъулият юкланади.

Оила-фарзанд учун тирик ҳаётнинг биринчи амалиёт макони ҳисобланади. У дастлабки маълумотлар, тушунчалар, турли таъсирлар, ижобий ва салбий вазиятларни оилавий муҳитда бошидан кечиради. Айтиш жоизки, илк бола ҳаётдан андоза оладиган ва қизғин унда иштирок этадиган тажриба майдони бўлган оилавий ҳаёт саҳифалари бир умрлик хотираларни ўзида мужассам этади. Шу жараёнларда ўзаро муносабатлар ифода воситаси “тил” ва унда фойдаланиладиган “сўзлар”дир. Албатта, ўзбек тили миллатимиз тили бўлганлиги учун бенуқсон, равон сўзлашиш ва нутқимизни турли ёт сўзлар билан бузмаслик мақсадга мувофиқдир. Аммо эндигина сўзлашишга киришаётган болага ота-она томонидан тўлиқ ўзбекча сўзламаслик, нутқ

талабларининг бузилиши беихтиёр, вақт ўтган сари ўз салбий таъсирини кўрсатади. Негаки, тилимизда ўзга миллат (бошқа миллат тиллари ҳурмат қилинади) сўзларини аралаш ишлатиш одатий ҳолга айланиб қолган. Бола томонидан фикр ва мақсадларни баён этишнинг асосий воситаси ҳисобланган тил эшитилган сўзлар билан аста-секин бойиб боради. Катта ёшдаги инсонлар тилидан андоза олган бугунги ёшлар нутқида рус тилидаги “давай”, ”короче”, ”так что”, ”только”, ”ответ”, ”привет”, уже”, ”конечно” каби бир қатор сўзларнинг фаол қўлланиши сир эмас. ҳолатлари учун ота-оналар ҳам сабабчи бўлмоқдалар. Фарзандлар бу сўзларни ўзбек тили луғатидан ўрин олган сўзлар каби доимий равишда фойдаланишни одат тусига киритадилар. Баъзан, сўзнинг таржима маъносига эътибор қаратмасдан сўзлашув мазмунига зид ҳолда келса-да, ишлатиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, болаликда берилган билим, таълим-тарбия ва кўрсатмалар улар онгида бир умрга сақланиб қолади. Зеро, халқимизда “Ёшликда берилган билим, тошга ўйилган нақшдир” деб бежиз айтилмаган. Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-она билан суҳбатлашиш, меҳр ва эътиборига эҳтиёжининг баландлиги табиий ҳол. Бирок, ҳар доим ҳам ота-оналар томонидан фарзандларга талаб даражасида вақт ажратилмайди. Уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинавермайди. Ота-оналар баъзан, ўз зиммасига бириктирилган вазифаларни мақсадли амалга оширмайдилар, фарзандлар билан шунчаки, юзаки ҳолда вақт ўтказадилар. Бола тилидаги самимий сўзлар тўлиқ тингланмаслиги, ўз вақтида муносабат кўрсатилмаслиги, яъни фарзанд истагидек суҳбатнинг бўлмаслиги аста-секин тарбиявий жараёнларда ўзининг салбий аксини намоён этади.

Ўзбек тили нуфузини ошириш ва сақлашнинг асосий омилларидан бири, уни тўлиқ билиш, тилшунослик қоидаларига ҳамда ўзаро муносабатларда нутқ услублари талабларига риоя этишдир. Бу талаблар дастлаб оилада амалга оширилади. Оилада ота-она билан биргаликда оиланинг бошқа аъзолари ака-укалар, опа-сингиллар, қолаверса, яқин қариндошлар, кўни-кўшни,

маҳалланинг ҳам сўзлашув жараёнларидаги нутқий истеъдоди ва маданиятининг аҳамияти катта. Фарзанд эса доимо эътибор ва назоратга олиниши муқаррар.

Ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жиддий вазиятлар фарзанд маънавий камолотига ўз таъсирини ўтказди. Одатимизга кўра, ота оиланинг моддий таъминотчиси. Она эса отанинг топганини исроф қилмай, тежаб-тергаб сарфлаш вазифасини бажарувчи масъул зот. Ҳар икковининг умумий мақсадлари оилани муқаддас сақлаш, таъминлашда ҳамкор, ҳамфикр бўлишдир. Аммо ўзбек хонадонларида кўпроқ фарзанд тарбиясини доимий назоратга олиш оналар зиммасига тушиб қолмоқда. Ўз юмушларидан ортмаган ота-оналар озгина бўлсада, эътиборсизлик қилсалар, кўплаб тарбия жараёнларида нохушликлар рўй бериши мумкин.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобидаги “Тарбиянинг замони” бобида шундай жумлалар бор.

“Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни кувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур, қайда қилинур? - деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур” [2]

“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” [3].

Ҳаётимизда учраб турадиган айрим тарбия иллатларининг илдизи айнан, ота-онанинг фарзандларига эътиборсизлиги, одатий, оилавий сўзлашувда сўзларни қўллашда бепарволик, тилни менсимаслик ҳолларига мисоллар келтириб ўтамыз.

Масалан, 3-5 ёшли болалар оилада дарс тайёрлаётган ака-опаларидан инжиқлик билан дафтар, китоб, ручка сўрайдилар, талашадилар. Уларнинг ҳам ёзгиси, китобларни варақлагиси келади. Аммо бу болалар истагини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Ушбу ҳолатни икки хил оилада таҳлил қиламыз.

Биринчи оилада:

Фарзанди ғашликларини кузатиб, вазиятга тўғри муносабатда бўлмаган она дарҳол боласининг қўлига гўёки “эскирган китоб”(китоб маънавий бойлик), “ёзувлари бор дафтар”, “расмли журнал”ни тутади ва фарзандига “бу сенга”, “ёзавер”, “чизавер” деб уқтиради, ҳаттоки, ўзи биринчи бўлиб кўрсатиб беради. Болага “сўзи” ва “амалий фаолияти” билан таъсирини ўтказади. Бироқ, ҳали ёзиш-чизишни билмаган бола ака-опаси сингари оппоқ қоғозга ёзгиси келади, онасидан шуни талаб қилади. Ваҳолангки, бола онанинг маънавий қашшоқлиги таъсирига тушади. Яъни, она “сўз орқали” бола ихтиёрига қарши чиқиб, “босим қилиш” ва боланинг кичик жуссасидаги беғубор қалби “истагини” рад этади. Бу ҳолатнинг салбий таъсири шундаки, бола ручка ёки қалам билан ҳали муомалада бўлган китоб ва бирор журналнинг саҳифаларига чизиб ташлайди. Китобда мавжуд расмларни ўз истагидек қайта-қайта бўяйди. Мана энди онанинг боласига бир вароқ оқ қоғоз тутишга эриниши, болага тўғри муносабатда бўлмаслиги келгусида шу фарзандни маънавий тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

биринчи оиладаги таҳлилимизга кўра, она ва бола муносабатларидаги қуйидаги камчиликлар:

- мактабгача ёшдаги болаларга ота-она томонидан эътиборсизлик, истакларнинг рад этилиши;
- ота-она (асосан оналар) мактабгача ёшдаги болаларга ўз тилида нутқимиздаги сўзларни тўғри ифодалаб, муносабат билдирмасликлари;
- мактабгача ёшдаги бола эҳтиёжларини кўр-кўрона бажариш; (фарзандига қалам, ручка тутқазиб, китоблар, расмли журналлар, газета саҳифаларига ёзиш, чизишга йўналтириш ва бу ҳолатга бефарқлик)

Иккинчи оилада:

Иккинчи оилада эса худди шу истакни она самимий қабул қилади. У ўз фарзандининг нутқига жиддий қарайди. Бола қалбидан айтилаётган сўзларни тушуниб, бола истагига кўра унга оқ қоғоз тутиб, гарчи у ёш бола китобнинг

маънавий ва моддий жиҳатларини англамас-да, “*сўз орқали*” болага таъсир ўтказди. Шундай вазиятда она “*бу китоб*”, “*бу дафтар*”, “*бу журнал*”, “*бу газета*” каби сўзларни ишлатади. Уларнинг ҳар бирини ўз фикри билан таърифлайди. Бу “*акангники*”, “*бу опангники*”, “*унга тегиш мумкин эмас*”, “*бу китобга чизиш мумкин эмас*”, “*буларни эҳтиёт қилиб, олиб қўямиз*” дея болага тушунтиради. Фарзанд онасидан эшитганларини ёдда тутди. Кичик ёшдаги бола бу фикрларни бошқаларга такрорлайди. Боланинг шу тариқа муносабат билан тарбияланиши, яъни онанинг тил орқали “*сўз ифодаси*” билан муносабатни тўғри шакллантириши келгусида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади. Бола оилавий муҳит тарбияси орқали маънавий етуклик сари кадам босади. Ушбу жараёнда онанинг асосий воситаси сўздир.

Иккинчи оиладаги таҳлилимизга кўра;

- она агарда, мактабгача ёшдаги фарзанди ёзиш, чизиш истагини билдирса, унга алоҳида эътибор қаратади;

- она мактабгача ёшдаги болага бир вароқ “*оқ қоғоз*”ни тутди;

- она мактабгача ёшдаги фарзанди китобнинг маънавий ва моддий жиҳатларини англамас-да, “*бу китоб акангники*”, “*бу китоб опангники*”, “*бунга тегма*”, “*бунга чизма*”, “*буларни эҳтиёт қилиб, олиб қўямиз*” каби сўзларни тил воситасида уқтиради;

- мактабгача ёшдаги бола ҳам кейинчалик бошқаларга шу гапларни такрорлайди;

- мактабгача ёшдаги болада китоб, газета ва журналларга ёзиш мумкин эмаслиги фикри шаклланади.

Сўзларнинг ўз вақтида ва тўғри ишлатилиши, оилавий тарбиянинг ижобий хусусиятларини намоён қилади. Юқоридаги иккита оилавий муҳитда бу ҳолга гувоҳ бўлдик. Кўриниб турибдики, ёшлар тарбиясида тил муҳим алоқа воситаси. Ҳаттоки, ўз қўли билан муомаладаги китоб, газета, расмли журналларга чизиб болага кўрсатаётган она (*ота, бошқа яқинлар бўлиши*

мумкин)нинг маънавий қашшоқлиги келгусида катта-катта камчиликларга сабабчи бўлиши мумкин.

Онанинг ўз фарзандига таъсир кучи “сўз” орқали тез етиб боради. Оилавий нутқ маданиятининг илдизи ота-онанинг сўз бойлигига боғлиқ. Шунинг учун миллий тарбияда сўзларнинг ўз вақтида ва ўринли қўллашга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Эътиборсизлик нафақат оила учун, балки бутун бир жамият учун катта зарар келтиради. Масалан, турли эҳтиёжларимиз учун сотиб олинган жиҳозлар, мебеллар бизнинг хизматимизда. Уларни албатта, эҳтиётлаб сақлаймиз. Чунки, ишлаб, пулга олганмиз. Билингки, маънавий қашшоқлик тўрига илинган фарзанд нон каби азиз китоб саҳифаларига ҳеч иккиланмай ёзиб, чизиб улғайяптими, кейинчалик сесканмай қиммат мебелларга, стол-стулларга, мактаб парталарига, бекатлар, жамоат транспортларининг ўриндиқларига ёзиш, турли расмлар чизиш билан зарар келтиришни давом эттираверади. Бу ҳол юқоридаги оилавий муҳитда фарзанд тарбиясига масъул ота-она ва барча яқинларнинг кичик эътиборсизликларининг катта оқибатларидир.

Маънавий қашшоқликнинг товони ҳам қимматга тушади. Жамиятимиз мулкани ота-она оиладаёқ “ўзимники”, “уни эҳтиёт қилиш керак”, “жамоат мулки” ,”ҳалқники” каби сўзларни ифодалаш билан болаларни комиллик даражасида вояга етишларига пойдевор яратади ва бунда тил бойлиги катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
“МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА” 2020 йил 20 октябрь, <https://lex.uz/docs/5058351> [1]
2. Абдулла Авлоний. ”Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”-

[://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq/](http://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq/) [2]

3. Абдулла Авлоний. ”Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”-

[://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq/](http://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq/) [3]

ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК ПОТЕНЦИАЛИ – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Тўраев Хайдарали Акбарович
Андижон машинасозлик институти
катта ўқитувчиси
turayev67@mail.ru
Рустамов Хусанбой Рашиданбек ўгли
талаба

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий педагогда креативлик потенциалининг мазмуни ва моҳияти, йўналишлари, потенциал малакалар ва сифатларнинг фаолиятда намоён бўлиши, педагогнинг бу йўлда амалга ошириши лозим бўлган сайъи-ҳаракатлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар. креативлик потенциали, тафаккурнинг тезлиги, ташаббускорлик, педагогик муаммо, мақсадли-мотивли ёндашув, мазмунли ёндашув.

Педагогнинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг

шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характериға хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Педагог креативлик потенциалиға эға бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларға эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятиға ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш ҳамда ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш.

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятиға эғалиги билан боғлиқ.

Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади: ижодий топшириқлар, индивидуал ишланмалар, муаммоли вазиятлар, ижодий лойиҳалар, “Заковат” мусобақаси кабилар.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятиға эға бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишға интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалға ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятиға эға бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва

касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.

Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- ✓ бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- ✓ масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- ✓ масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- ✓ масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез,
- ✓ индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- ✓ масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- ✓ қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- ✓ масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- ✓ масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;

➤ илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;

➤ педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш;

➤ имкониятларини мустақил таҳлил қилади;

➤ педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади.

Педагогнинг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади:

- Мақсадли-мотивли ёндашув, унда ижодий фаолият қадрият саналади ва у педагогнинг қизиқишлари, мотивлари, фаолиятни ташкил этишга интилишида кўзга ташланади.

- Мазмунли ёндашув, бу йўналишда ўзида педагогик, психологик, махсус ва инновацион характердаги билим, кўникма ва малакаларни акс эттиради.

- Тезкор фаолиятли ёндашувда эса ўзида маълум фикрий-мантиқий фикрлашга доир ҳаракатлар, шунингдек, амалий (махсус, техник, технологик) фаолият усулларини ифодалайди.

- Рефлексив-баҳолашда эса бунда шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўзга ташланади.

Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қуйидаги бир қатор тамойилларга таянади:

➤ Муаммоли характерга эгалиги;

➤ Имкониятларни ошириб бориш;

➤ Ижодий йўналтирилганлик;

➤ Креативликнинг ёрқин намоён бўлиши;

➤ Индивидуалликка эришиш;

➤ Бир бутунлик, изчиллик ва тизимлилик;

➤ Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаётининг фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлашуви.

Педагогнинг кротивлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар мавжуд бўлиб, уларга педагогнинг ташаббускорлиги, фаоллиги, креатив қобилиятга эгалиги, изланувчанлиги киради. Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради:

Юқори даражада мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намоёиш этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан бўлади.

Ўрта баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир кадар фаол, изланувчан бўлишга интилади

Паст даражада гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суришга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, ҳозирги тезкор даврда юқори потенциаллик даражасини намоён этиш учун мутахассис доимо ўз устида ишлаши, тинмай изланиши ва фаолиятида мунтазам равишда юқорида зикр этилган ижодкорлик хусусиятларини жамлай олиши керак бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ишмуҳамедов Р, Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент - 2013 йил
2. Толипов У, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент - 2006 йил
3. Толипова Ж. Педагогик квалиметрия. Тошкент- 2015 йил.

ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ОДАТЛАНТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўхтаназаров Қахрамонжон Абдувахобович
Андижон машинасозлик институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта
ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада келажак пойдевори бўлган ёшларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, бу борада таълим муассасаларининг олдида турган вазифалар, соғлом турмуш тарзининг тарихий илдизлари, ҳозирги кунда ёшларни соғлом турмуш тарзига одатлантиришда амалга оширилиши зарур бўлган педагогик масалалар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар. Маънан етук, жисмонан соғлом, соғлом турмуш тарзи, жисмоний комиллик, ёт ғоялар, шахсий-мотивацион.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни ҳуқуқий, маънавий, маданий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир. Дарҳақиқат, ҳозирда жамиятимизнинг 64% дан ортиғини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар жамиятимизда амалга оширилаётган тарихий жараёнларнинг барча соҳаларида адолатли, маънан етук, жисмонан соғлом, анъаналарга ҳурмат билан ёндашувчи, янгича маънавий тафаккур эгаси бўлишга ҳаракат қилмоқда. Жамиятимизни миллий қадриятлар асосида, жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтиришда олий ўқув юртлиари олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда демократияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, янги инсонни камол топширишнинг муҳим муаммолари амалда ҳал қилинаётган ҳозирги босқичда ёшларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Шунини унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия

олишига боғлиқ. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси[1.62]. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялаш орзуси аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғудир. Ота-боболаримиз қадимий ва бой турмуш тарзи ва оилавий тарбия усулига эгадир. Авлод-аждодларимиз қадимдан соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом фарзандларни тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Соғлом ҳаёт тарзи ҳақидаги ғоялар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу ғояларга уч минг йиллик тарихга эга Зардуштийлик динининг китоби “Авесто”да ҳам алоҳида эътибор берилган. Халқимизнинг тарихий, диний, маданий ёдгорлиги “Авестода фарзандларни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашнинг зарурлиги уқтирилади. “Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг”, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейди Ахурамазда”[2.24]. Ўрта Осиё халқларининг маънавий меросида алоҳида эътироф этилиб, ўзига хос ўрин олган бу китобда оила ва унда фарзандларнинг тарбияси уларнинг баркамол бўлиб ўсишига катта эътибор қаратилган. Инсоннинг маънавий ҳамда жисмоний комиллик даражаси асосан оилада шаклланиши, эркак ҳам аёл ҳам оилада тўкинликни таъминлай оладиган соғлом, жисмонан етук бўлиши алоҳида таъкидланган. Соғлом фарзанд туғилиши учун, уни соғлом қилиб тарбиялаш учун оила қураётган ёшлар ўз оилаларида соғлом турмуш тарзи билан ўсган бўлишлари, фарзандларига жисмоний ва маънавий тарбия беришга тайёр бўлишлари талаб қилинган. Инсон бақувват бўлиши билан бирга ахлоқий жиҳатдан ҳам етук бўлиши лозимлигини уқтириб ўтишган. Уларнинг фикрлари бугунги кунда ҳам спорт соҳасида хизмат қилаётган мураббийлар, устозлар ҳамда спортнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, шуғулланаётган ёшлар ва аҳолини соғломлаштириш учун баркамол этиб тарбиялаш учун қадрлидир”[3.111]. Ўзининг оиласи, халқи ва ватанига садоқатли баркамол шахсларни тарбиялаш муоммолари доимо давлат ва

жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келган. Шунга кўра мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб “Республикамизда спортни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга устувор аҳамият берилаётганлиги ҳамда ҳар томонлама мукамал қонун ва ташкилий асослари яратилаётганлиги бу йўлда кўйилаётган қадамдир. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини қишлоқ жойларда ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, Ватанга садоқатли, келажакка ишончи бор, баркамол авлод тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълимтарбия соҳасида туб ислохотлар рўй бермоқдаки, буни спорт йўналишида ҳам кўришимиз мумкин. Албатта, аҳолига фақат барча моддий шароитларни таъминлаб бериш билан спортни ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам фақатгина моддий томондан эмас, балки аҳолининг онгу тафаккурини, халқимизнинг спортга бўлган қизиқишлари, ҳамда эски тузумдан қолган эскича қарашларни ҳам ҳисобга олиб фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Ўзимизга хос тарихий анъаналаримиз ва қадриятларимизни миллий спорт турлари орқали ёшлар онгига сингдиришимиз, ёшларимиз дунёқаришига салбий таъсир қиладиган иллатлардан огоҳ бўлиб, улар орасида спортни оммавийлаштириш усулларини ишлаб чиқишимиз даркор. Спортни ривожлантириш

жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини юксалтириш борасидаги мақсадимизга, керак бўлса, сиёсатимизга ҳам жуда катта ҳисса қўшади. Соғлом ҳаёт тарзи индивидларнинг шахсий – мотивацион юзага чиқиши билан боғлиқ бўлиб, бунда ўзининг ижтимоий, рухий, жисмоний имкониятлари ва қобилиятларини юзага олиб чиқиши асосий ўринда туради. Соғлом ҳаёт тарзининг шакллантирилиши асосида муаллиф томонидан эътибор қаратиш керак бўлган бир қатор жиҳатлар кўрсатиб ўтилади, жумладан одам фаолият кўрсатувчи мавжудот сифатида ўзида бир бутун ҳолатдаги биологик ва ижтимоий хусусиятларни бирлаштиради, соғлом ҳаёт тарзи ижтимоий функцияларнинг тўлиқ ҳолатда амалга оширилишини таъминлаб, ўз таркибига касалликлардан огоҳлантириш жиҳатини ҳам қамраб олади. Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлод ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш орқали мамлакатимизда қуйидаги вазифалар бажарилади: иккинчидан, бу ғоя, аввало фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишига ёрдам беради; иккинчидан, бу ғоя ҳар бир фуқарода ватанпарварлик туйғуларининг қарор топишига кўмаклашади; учинчидан, соғлом авлод ғояси одамларни ҳамиша хушёрликка ва огоҳликка ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”. 2008.
2. Авесто – тарихий маданий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси. Тошкент. “Шарқ”. 2001.
3. Маннапова Н. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2011/№1.

ONA TILI VA YOSHLAR TARBIYASI

Almatova Mahfuza Latifovna
Andijon Mashinasozlik Instituti
O‘zbek tili va adabiyoti“
kafedrasi assistenti.
mahfuzaalmatova@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola yoshlarning tilga bo‘lgan e‘tibori, ularning tarbiyasida tilning o‘rni va jamiyatda ona tilimizning nufuzini oshirish maslalarini haqida.

Kalit so‘zlar; Vatan, onaizor, til, nutq, tafakkur, millat, kommunikatsiya, umumbashariy.

Ona tilida fikrlashga, toza gapirishga, nutqingizni har xil yot unsurlardan saqlashga harakat qiling. Qayerda va kim bo‘lmasin, ona tili kamsitilishiga yo‘l qo‘ymasin. Til mavsumiy libos emaski, ob-havoning o‘zgarishiga qarab almashtirilsa, Onaizor, Vatan, millat har biri bittadan, Ona tili ham bitta. Agar o‘z xalqingiz orasida gungalak-soqov va bo‘lishni istamasangiz, ona tilini puxta o‘rganing. Boshingizga ko‘taring. Kishi boshqa tilda bilimli bo‘la oladi, ammo faqat o‘z tilida bekami-ko‘st bo‘lishi mumkin

G‘aybulla as-Salom

Darhaqiqat, til – hayotning boshlanishi. Inson o‘z ona tili yordamida yangi tushunchalar va munosabatlarni anglay boshlaydi. Ona tili bizga ona suti bilan singdiriladi. Inson ulg‘aygan sari atrofdagilar bilan muloqot qilish, kitoblar o‘qish orqali so‘z boyligini oshirib boradi. Ota-bobolarimiz tarixi, milliy va ma‘naviy qadriyatlarimiz bizga ona tilimiz yordamida meros bo‘lib qoldi. Xalqlar tarixi – bu ular tilining tarixi. Davlat rivojlanishi bilan davlat ham rivojlanadi. Dunyoning barcha davlatlari o‘z ona tillarini asrab avaylashga intilishadi va hurmat qiladi.

Hech kim hech qachon o‘z ona tiliga bo‘lgan e‘tiborini yo‘qotmasligi kerak. Tilga hurmat – bu xalqqa hurmat. O‘z ona tiliga ega bo‘lmagan xalq mamlakat bo‘lolmaydi. Til davlat timsoli, mulki hisoblanadi. Shu sababli, bugun bizning oldimizda turgan eng dolzarb vazifalarimizdan biri ham yosh avlodning ong

shuurida, qalbida tilimizga bo'lgan muhabbat va sadoqat, hurmat - e'tibor kabi tuyg'ularni uyg'otishimiz va shakllantirishimizdan iborat. Shundagina tilning, millatning qadri va obro'yi, nufuzi oshadi. Tilning egasi xalq, ammo xalqning bitta vakili loqayd bo'lsa ham tilning sofligiga putur yetadi. Binobarin, o'zini o'zbek millatining farzandiman, deb bilgan har bir shaxs ona tilimizga e'tiborli bo'lishi, uning sofligini asrab-avaylashni muqaddas burchi deb bilishi shart. Ayniqsa ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan o'qituvchi tarbiyachilar bu masalada ko'proq mas'uldirlar. Chunki inson olamni narsa va predmet shaklda, voqeya va hodisa tarzida miyyasida aks ettiradi, idrok qiladi, fikrlaydi. Bu jarayonda muhim vosita hisoblangan tilning ahamiyati g'oyatta muhimdir. Shuning uchun ham til va tafakkurni bir-biridan alohida tarzda tasavvur qilib bo'lmaydi. Tilning inson uchun fikrlash vositasi bo'lishi, moddiy asos sifatida xizmat qilishi uning amalda bo'lishdagi birinchi bosqich hisoblanib, ikkinchi bosqichda fikr, tafakkur mahsuli reallashadi, ya'ni u miyyadan tashqariga chiqadi. Shunday qilib, ikkinchi bosqichda til kommunikativ – aloqa vazifasini bajarishga kirishadi. Mana shu o'rinda tilning hech bir imkoniyati nutqsiz, nutqiy jarayonsiz amalga oshmasligiga amin bo'lamiz. Ma'lum bo'ladiki, til nutqning o'ta muhim ustuni sifatida aloqa, xabar, ta'sir etishdek, shu bilan birga, imkoniyatlari nihoyatda kengayib borishi natijasi o'laroq kishilik jamiyati to'plagan tajriba va bilimlarni kelajak avlodlarga yetkazib berishdek ulug'vor ijtimoiy vazifani bajaradi. Shu o'rinda nutqning tozaligiga e'tibor berish, unda chet so'zlarni o'rinsiz ishlatishga yo'l qo'ymaslik nutq madaniyati hisoblanadi. “Til shuncha sharafi bilan nutq qurolidir. Agar nutq nomaqbul bo'lib chiqsa – tilning ofatidir.” degan edi ulug' bobokalonimiz Alisher Navoi. Shu jumladan, nutqni benihoya ulug'lab aytganiday, “Insonni so'z ayladi judo hayvondin, Bilki, guhari sharifroq yo'q ondin”. Tilning ravon va tarovatli nutqning shaxs kamolotidagi, uning ma'naviy va intellektual takomilidagi o'rnini hech narsa bilan qiyoslab bo'lmaydi. Tabiiyki, psixofiziologik jihatdan sog'lom har bir bola nutqining muntazam o'sishi maktabda, bevosita ta'lim va tarbiya olish jarayonida

kechadi, inson hayotining boshqa davrlariga qaraganda aynan shu davrda tilning sirli dunyosi, nutqning nozik sinoatlari bilan tanishish ishtiyoqi bolalarda kuchli bo'ladi. Aytish lozimki, bolalarning nutqiy ko'nikmalari turli yosh bosqichlarining eng muhim davri sifatida maktabgacha bo'lgan davr va kichik maktab yoshidagi davrni alohida ta'kidlash mumkin, Shunga ko'ra ham, bolalar nutqini ayni shu davrdan boshlab rivojlantirib borish muhim pedagogik jarayon hisoblanadi. O'qituvchi uchun namunali, chinakam ma'nodagi madaniy nutq sohibi bo'lish uning o'z kasb koriga tayyorligini namoyon etuvchi ko'rsatkich hisoblamog'i lozim. Demakki tilimizni e'zozlash, uning davlat tili sifatidagi maqomi, jamiyatdagi mavqeyini yuksaltirish, ona tilimizga hurmat ruhuda tarbiyalash hamisha dolzarb ma'naviy burchimiz bo'lib qoladi. O'zbek tilining xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini yuksaltirish, uni milliy va umumbashariy tushunchalar asosida taraqqiy etgantillar safiga qo'shish har birimizdan tilimizga chuqur hurmat bilan yondashishni talab etadi. Zero, Tilga e'tibor, elga e'tibor

Foydalanilgan adabiyotlar;

1. G'oziyev E.G. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot. -T.Shark-2000
2. Ochilova G. Pedagogika . T;2005
3. Til va adabiyoti talim jurnali jurnali
4. G'aybulloh as-Salom. Ey umri aziz. -T.Sharq.1997.

БАРКАМОЛ ШАХС ШАКЛЛАНИШИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ- ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

*Алимова Х., Нуритдинова Ё.
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологилар
институтини Хорижий тиллар
кафедраси ўқитувчилари*

Аннотация: Оила инсоний меҳр-мурувват мезонлари каби туйғуларни ўзида мустаҳкам идрок этишга чорловчи муқаддас ва улуғ даргоҳ. Ана шу даргоҳда инсон улғаяди, камол топади.

Калит сўзлар: Экологик таълим-тарбия, мерос, атроф-муҳит, урф-одатлар.

Экологик тарбия – ватанпарварлик бўлиб, табиатни асраш – Ватанни асрашдир. Экологик таълим-тарбия жараёнларини оиладан бошлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилада аёлнинг ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, рўзгорни саранжом-саришта ва озода тутиш, тозалikka риоя қилиш хонадонимиз бекаларидан алоҳида эътибор ва масъулият талаб этади. Мана шу оилада камол топаётган қизалоқ ўз онасини синчковлик билан кузатади ва унинг юриш-туриши, ўзини тутиши, идиш-товоқларни покиза сақлашидан тортиб, ҳовли супириши, гуллар парвариши, қўйингки, барча-барча ишларда андоза олади ва шу зайлда улғаяди. Ўғил болалар эса эркакларга хос хислатларни ўз отасидан ўрганади. Ота баҳор ойларида ерларни чопиш, дарахт ниҳоллари ва гул ўтқизиш, маиший асбобларни тоза тутиш ва созлашни бажараётган вақтда ўз ўғлини олдига олиб шу ишларни оз-оздан ўргатиб борса, ўғил ҳам ундан андоза олиб ўлғаяди.

Фарзандларга илк сўзлар ўргатилаётганда, “сув”, “ўсимлик” ва “нон” тушунчаларини, уларни кадрлаш кераклигини, сувсиз ўсимлик ўсмаслигини, ўсимлик ўсмаса нон бўлмаслигини улар онгига сингдириб бориш лозим. Зеро бу удумлар бизга ота-боболаримиздан мерос.

Атроф-муҳит, урф-одатларда тан олинган меъёрлар ва тартиб-қоидалар оилада болаларнинг шахс сифатида шаклланишига кусли таъсир қилади. Бола, асосан, оилада ўсиб-улғаяди, ривожланади, ўз ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини назорат қилишни ўрганади. Ота-оналар боланинг кайфияти, аҳволи ва хулқи у яшаётган шароитга боғлиқ бўлишини яхши билиши керак. Шу билан бирга, фарзандларига соғлом бўлиш учун гигиена қоидаларига риоя қилиш шартлигини оз-оздан уқтириб боришлари лозим. Бу эса оилада соғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келади.

Соғлом турмуш тарзи – бу инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўникмаларга эга бўлиши асосида ҳаётий фаолиятини йўлга қўйиши ҳамда саломатлигининг юқори даражада бўлишига эришишни таъминлаш шакли бўлиб, у кун тартибига риоя қилиш, фаол жисмоний ҳаракат асосида организмни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, тўғри ва сифатли овқатланиш, гигиена қоидаларига риоя қилиш, экологик мулоқот ва маданиятга эришиш, умуминсоний ва ўзбекона кадриятлар асосида маънавий тарбия олиш, зарарли одатлардан ўзини тия билиш ҳолатларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Болада ижобий хислатларнинг шаклланишида оила билан бирга мактаб, маҳалла-куй, тенгдошлари ва умуман, атроф-муҳитнинг таъсири катта. Бугунги кунда ҳар бир оила олдидаги вазифалардан бири бу болалар онгида ёшлигиданоқ экологик онг ва экомданиятни шакллантириш, уларни табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, ноёб табиатни асл ҳолича келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини вужудга келтириш орқали атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирнинг олдини олишдан иборат. Экологик тарбия самарадорлигини ошириш экологик таълимга боғлиқдир. Болалар онгига таълимни яхшироқ сингдиришда ўйинлардн фойдаланиш мақсадга мувофидир. [1, 240]

Бунинг учун барчамиз, хусусан, ёшларимизнинг онгида Она-ер, Она-табиат, Она-Ватанга, унинг бойликларига бўлган юксак эътибор, меҳр-муҳаббат, чуқур эҳтиромни, яъни ватанпарварлик туйғусини янада юксалтириш лозим.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар баркамоллиги, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг бахту саодати ва фаровон келажагини кўриш орзуси мужассамлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўсиб келаётган ёш авлодга экологик таълим-тарбия беришни узлуксиз таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш айни муддаодир.

Таълим муассасаларида фан асосларидан мустаҳкам билим бериш билан бирга, турли фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ҳозирги экологик муаммолар моҳиятини очиб берувчи билимлар билан қуроллантириш ва шу билимларни уларнинг амалий фаолиятига, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчи шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиши, шунингдек, тинимсиз изланиши, ўрганиши талаб қилинади.

Миллий бойликларимиз, урф-одатларимиз, миллий кадриятларимиздан дарсларда ўринли, мақсадли фойдаланиш, атроф-муҳитнинг тоза ва мусаффолиги нафақат мамлакатимиз, балки сайёрамиз учун ҳаётий зарурат эканлигини тушуниб етишга ёрдам беради. Миллий кадриятларга суянган ҳолда экологик таълим-тарбия элементларини ўқувчиларга сингдириб бориш зарур. Таълим муассасаларида экологик билимларни тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида уларда “Экологик марказ”, “Экология клуби” ташкил этиш, мунтазам равишда экофестиваллар ҳамда танловлар ўтказиб туриш ижобий самаралар беради.

Маҳаллалар ҳам экологик таълим-тарбиянинг ўзига хос ўчоқларидан биридир. Азалий кадриятларимиз ҳисобланган умумхалқ ҳашарларини

Ўтказиш ва унга кўпроқ ёшларни жалб этиш уларнинг табиатга нисбатан тўғри муносабатини шакллантиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Бинобарин, ота-боболаримиздан бизга мерос ҳисобланмиш она табиатни софлигича келгуси авлодларимизга етказиш нафақат табиатни муҳофаза қилувчи мутахассислар, балки ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу билан бир қаторда, ёшларнинг экологик маданиятини оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга:

- ёшлар иштирокида экологияга оид мавзуларда семинар тренинглар ташкил этиш;
- экобоғлар барпо этиш, экологик ҳашарлар ва акциялар ўтказишга ёшларни кенг жалб қилиш;
- экологик мавзуларда танловлар ташкил этиш;
- экологик адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш;
- талабаларнинг илмий конференцияларини ташкил этиш ва ижтимоий рекламаларни кўпайтириш;
- экомарафон ва бошқа турли спорт ўйинларини ўтказиш;
- боғча ва мактабларда экологик тўғараклар ташкил этиш;
- экологик саёҳатлар уюштириш;
- юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданияти, дунёқараши, билим ва масъулиятини ошириб бориш билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва махсус дастурларни мунтазам равишда эфирга узатиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир”. Т., Шарқ, 1997 й.
2. Ҳасанбоева О. “Оила педагогикаси”. Т., Алоқачи, 2007 й. 240 б.

ТИЛ - МИЛЛАТНИНГ РУҲИ

*Аҳмаджонова Гулбаҳор Одиловна
Андижон вилояти юридик техникуми
Ўқув-методик бўлим услубчиси
III-даражали юрист
Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси*

Аннотация: *ушбу мақолада Ўзбек тилининг давлат тили мақоми ва унинг нуфузи, тарихи ва муаммолари, шунингдек, тилимизга оид долзарб муаммоларни бартараф этиш борасидаги фикр-мулоҳазалар ёритилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги қонун, Давлат тили мақоми, Умумий ўрта таълим мактабларидаги тил дарслари.*

Инсоният ўз руҳий кечинмалари, тафаккуридаги мулоҳазаларини борлиққа тил орқали намоён этади. Она тили – миллатнинг руҳи. Тилнинг бойлиги, гўзаллиги, жозибаси ҳар бир миллатнинг ахлоқини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Буюк аждодларимиз ҳеч қандай замонавий технологиялар ривожисиз, интернет ва оммавий ахборот воситаларисиз ҳам бир неча тилни билиши таажжубланарли. Ҳозирги кунда эса айримларнинг ўзбек тилидаги сўзларнинг ҳам мукамал билмаслиги ачинарлидир. Бу айнан зиёлиларнинг оғриқли нуқтасидир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан эди. Тилнинг мавқеини ошириш учун биргина қонунларнинг қабул қилиниши, унга давлат тили мақомининг берилиши етарли бўлмайди. Тилнинг нуфузининг юксалишида болалиқдан шу тилнинг бутун жозибаси, маънолари ва чиройли ифодаси билан сингдиришдадир.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ва 1995 йил 21 декабрь “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни Ўзбек тили нуфузининг қонуний асоси бўлса, бу қонунни тарғиб этиш ва амалда тил ресурсларидан кенг кўламли, сифатли ва унумли фойдаланишни ўргатиш

зиёлилар, тилшунослар ва устозларнинг зиммасидадир. Масалан, боғча ёшидаги болалар жумла тузиш, сўзлардан фойдаланишда бевосита ота-онаси, яқинлари, шунингдек, тамоша қиладиган мультфильмларга асосланадилар. Мактаб ёшига етгач эса ўқитувчи ва бошқа мактабдошлари нутқига тақлид қиладилар. Шу ўринда мактаб “Она тили” ва “Адабиёт” дарсликлари муаллифларига эътирозлар кўп. Тилни ўрганишдаги мезонларни бирмунча ўзгартириш зарур. Ўзбек тилимиз равнақи, умрибоқийлиги, бойлиги ва жозибасини сақлаш учун мавжуд қуйидаги муаммоларни бартараф қилиш даркор, деб ўйлайман.

1. Мактаб таълимида рус тили ва инглиз тили дарслари кичик гуруҳларга бўлиб ўтилади. Она тили фани дарслари ҳам шу тартибда кичик гуруҳларга бўлиб ўтилиши керак. Бу таълим самарасини оширади ва Зеро, ўз тилини мукамал билган тақдирдагина бошқа тилларни ўрганиш мумкин.

2. “Она тили” ва “Адабиёт” дарсликлари ўқувчилар ёш хусусиятларини инобатга олинган ҳолда тузилмаган. Мавзулар болалар учун қизиқарли тарзда, ўйин усулларига бой ва расми топшириқлар кўп бўлиши лозим.

3. Тил таълимининг мезонини узвий тарзда шакллантириш керак. Ҳаётий зарурат асосида 1-синфдан 11-синфгача айрим мавзуларни қайта-қайта ўтавермасдан, бола тўғри ва равон, ифодали ва мукамал ўзбек тилида ёза олиши ҳамда сўзлаши учун тизимли дастур ишлаб чиқиш керак.

4. Айрим синфлар дарслигида умуман керак бўлмаган мавзулар бор. Масалан, мураккаб қўшма гапнинг тузилишига кўра турларига жуда кўплаб соат ажратилган. Буни ўрнига тўғри ва бой нутқни ўрганиш зарур эмасми?!

Чет тилларни ўрганиш учун жуда катта эътибор ва маблағ ажратилаётган ҳозирги даврда ўз она тилимиз равнақи ҳамда миллат тилининг умрибоқий бўлиши учун масъул ёш авлодни бой, бетакрор ҳамда Алишер Навоийдек буюк алломаларимиз улуғлаган тилимизни мукамал билишига бугунги зиёлилар масъулмиз.

ЁШЛАР КАМОЛОТИДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ-ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

*Фуломжоновна М., Мажидова З.
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологилар
институтини Хорижий тиллар
кафедраси ўқитувчилари*

Аннотация: Дунёвийлик асослари ва демократик тамойилларга таянган барча давлатларда инсоннинг турли ижтимоий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш баробарида алоҳида эътибор бола, ўсиб келаётган авлод саломатлиги масаласига, яъни соғломлик ақидаларини шахснинг кундалик турмуш нормалари даражасига кўтаришга йўналтирилади.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашига кўра, соғлом турмуш тарзини шакллантириш омиллари инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги комплекс, яъни гигиеник, экологик, гендер, тиббий, жинсий ва бошқа билим ва кўникмаларнинг инсон тафаккурида инъикос этиши билан алоқадордир. Ана шу жараён учун эса махсус психологик-педагогик шароитнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ана шундай талаб этиладиган шароитларни ўзбек оиласида ҳам вужудга келтириш зарур бўлади. Талаб қилинаётган шарт-шароитлар сирасига саломатлик ғоясининг умуммиллий ғояга айланиши, саломатлик ва спорт инфратузилмаларининг мавжудлиги, саломатликни муҳофаза қилиш борасидаги билимларни эгаллаш имкониятларининг яратилганлиги каби талаблар жуда катта аҳамият касб этади. Мана шундай шарт-шароитлар инсонни соғлом турмуш тарзига ундайди ва соғлом турмуш тарзи тамойилларининг амалийлигини таъминлайди. Бола соғломлиги ғоясининг жамиятда умуммиллий ғояга айланиши ва унинг таъминланиши соғлом бола ғоясининг ҳар бир оила қадриятига айланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Саломатликнинг энг муҳим қадриятлардан эканлигини онгли равишда англаш унинг амалийлигини таъминлашга қаратилган онгли саъй-ҳаракатларни талаб этади. «Бола соғломлиги – бебаҳо бойлик» талаби

саломатликни муҳофаза қилишга қаратилган шахсий муносабатни шакллантириши лозим. Ана шундай шахсий муносабат оилавий таълим-тарбиянинг энг муҳим талабига айланиши тақозо этилади.

Д.Шарипованинг фикрига кўра, «саломатлик – барчанинг ва ҳар бир кишининг иши»дир. Инсон саломатлиги – оила, маҳалла, мамлакат бойлиги ҳисобланади. Инсон саломатлиги, касалликлар даражаси ва хасталикларнинг олдини ола билишдир. Саломатлик соғлом турмуш тарзининг муҳим омилларидандир. Инсонга ўз саломатлигини сақлаб қолишга кўмак берадиган омилларни олима қуйидагича таърифлайди:

- жисмоний тарбия ва спорт;
- тўғри ташкил қилинган кун тартиби;
- оила аъзолари ва ён атрофдагилар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва тинч-осойишта турмуш кечириш;
- зарарли одатларнинг қули бўлмаслик;
- уйдаги тартиб, озодалик ва саранжом-саришталик;
- шахсий ва умумий гигиена қоидаларига амал қилиш.

Таъкидланган омиллар халқимизнинг миллий кадриятларининг муҳим унсурларидан саналади. Кўриниб турибдики, соғлом бола шаклланишига оид зарур билимлар мажмуасини ота-оналар онгида тарбиялаш мақсадга етишнинг энг қисқа ва самарадор йўлидир. Оилада соғлом бола шаклланиши оила, бола ва саломатлик асослари, бола, ижтимоий қатламлар ва саломатлик, бола, шахс ва тиббий маданият, бола, шахс ва соғлом турмуш тарзи, бола, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида мунтазам саъй-ҳаракатлар ташкил қилинишини тақозо этади.

Дунёвийлик асослари ва демократик тамойилларга таянган барча давлатларда инсоннинг турли ижтимоий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш баробарида алоҳида эътибор бола, ўсиб келаётган авлод саломатлиги масаласига, яъни соғломлик ақидаларини шахснинг кундалик турмуш нормалари даражасига кўтаришга йўналтирилади. Бугунги

кундаги вазифа мана шу соғломлик ақидаларининг халқимизга доир ва замонавий мазмунини оилавий қадриятлар тизими даражасига кўтаришдан иборатдир. Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” давлат дастурининг қабул қилиниши соғломлик ақидаларининг қонуний тарзда ҳаётга жорий этилиши учун имкониятлар яратади, унинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлайди, шахснинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний тараққий этиши учун зарур шарт-шароитлар тизимини яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 49-бет.
2. Ислом Каримов “Юксак маънавиятенгилмас куч”.Т.”Маънавият”.2008 йил
3. Ислом Каримов “Биз келажагимизнинг ўз кўлимиз билан қураимиз”. Т.Ўзбекистон 1999 йил.
4. Мусурмонова О., Абдурахимова Ф. Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. -Б. 53.
5. Шарипова Д.Ж. Оиламнинг саломатлик сирлари. –Т.: UNICEF, 2000.

YOSHLARDA KASB ODOBI TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

*Irgashev M. Ahmadjonova Sh.N.
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Xorijiy tillar” kafedrasi o'qituvchilari*

Annotatsiya: Har bir jamiyatda muayyan guruhlar borki, egallagan kasblari ularni boshqa jamiyatdoshlariga nisbatan imtiyozli darajaga olib chiqadi. Ko'pchilik jamiyat a'zolarining hayot-mamotlari, sog'ligi, ma'naviy sog'lomligi, huquqiy himoyasi, ilmiy salohiyatining namoyon bo'lishi kabi omillar shu singari imtiyozli kasb egalarining o'z kasbiy burch mas'uliyatini qay darajada his etishlariga, halollik va vijdon yuzasidan ish ko'rishlariga bog'liqligi hammaga ma'lum.

Kalit so'zlar: kasb odobi, axloqiy, me'yot, munosabat, muallimlik odobi, huquq-tartibot xodimlari odobi.

Rahbarlikning axloqiy jihatlari, rahbar borasida Islom Karimovning mana bu fikrlari ibratlidir: *“Oddiy odamlarning rahbarlarga munosabati ikki fuqaro o'rtasidagi munosabatgina emas. Ayni paytda u jamiyatda qaror topadigan ma'naviy-ruhiy, siyosiy-axloqiy muhitni ham yaratadi... Haqiqiy rahbar*

odamlarning ko'ngliga yo'l topib, ularni ezgulikka, yaxshilikka, yaratishga da'vat etadi”.

Chunonchi, tabobat xodimini, jarrohnini olaylik. Deylik, u har bir operatsiya kunida bir necha kishini hayotga qaytaradi; yuzlab odamlar uning yordamiga muhtoj, unga umid va ishonch, ilinj bilan qaraydilar. Bordi-yu, shaxsiy manfaat yo'lida jarroh o'z bemoriga xiyonat qilsa-chi, ya'ni, uni qasddan halok etsa-chi? Kim uni shunday qilmasligini kafolatlaydi? Shu bois boshqalarning qo'lidan kelmaydigan ishlarni bajara oladiganlar faoliyatida o'zboshimchalik, manfaatparastlik, xudbinlik va kasbni suiiste'mol qilish singari illatlarga yo'l qo'ymaslik uchun, shuningdek, ular axloqiy darajasini yuksak bosqichda turishini ta'minlash maqsadida ko'p hollarda o'zaro qoidalar majmui yaratilgan. Bu qoidalar majmui, odatda, qasamyod yoki me'yorlar ko'rinishini olgan. Uni buzish o'ta

odobsizlik va axloqsizlik, hatto jamiyatga xiyonat tarzida baholanadi. Bunday qasamyodlar juda uzoq tarixga ega. Misol tariqasida hozirgi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan Qadimgi Yunon hakimi Gippokrat tomonidan qisqa va lo‘nda shaklda tuzilgan, tabobat xodimlari kasbiy odobi qonun-qoidalari jamlangan mashhur «Gippokrat qasami»ni keltirish mumkin.

Tarixda o‘z dushmanini davolagan tabiblar ham ko‘p uchraydi. Chunonchi, qadimgi hind eposi «Ramayana»da behush yotgan Lakshman boshida turgan devlar shohining xos tabibi kechinmalari shu jihatdan muhim. Tabib oldida ikki yo‘l bor edi: biri – saltanat dushmanini muhtoj bemor sifatida davolash, ikkinchi yo‘l davolashdan bosh tortish bilan uni o‘limga mahkum etish. Tabib uzoq mulohazadan so‘ng tabiblik odobi qoidalariga bo‘ysunishni – Lakshmanni davolashni afzal ko‘radi. Zero, kasbiy odob qonun-qoidalari talabiga ko‘ra, bemor to‘shagi ustidagi tabib uchun do‘st yoki dushman degan tushunchalar o‘z ma‘nosini yo‘qotadi, uning qoshida faqat tibbiy yordamga intizor, shafqatga muhtoj, zaif inson yotadi. Davolanib hayotga qaytgan Lakshman devlar mamlakatining tengsiz buyuk jangchisi va saltanat valiahdi Indirjidni jangda halok etadi hamda tabib fuqaro bo‘lgan Lanka davlatining tanazzuliga yo‘l ochadi. Lekin, kitobxon tabibni xiyonatkor yoki sotqin demaydi, aksincha, uning ma‘naviy jasoratiga, halolligiga, kasbiy burchiga sodiqligiga hayrat bilan tasannolar o‘qiydi.

Yoki mashhur rus olimi akademik Andrey Saxarovning taqdirini olaylik. Buyuk nazariyotchi, fizik, termoyadro sohasida tengi yo‘q mutaxassis, vodorod bombasining asosiy kashfiyotchisi, Vatan mudofaasini mustahkamlashdagi xizmatlari uchun o‘nlab orden va medallar sohibi, obro‘li, badavlat bu insonga nima yetishmasdi? U hammasidan kechishga – ommaviy qirg‘in qurollari, jumladan, o‘zi yaratgan vodorod bombasi sinovlariga ochiq bayonotlar bilan qarshi chiqishga ahd qildi. Natijada qatag‘onlarga asoslangan sho‘rolar tuzumi uni ilmiy jamoatchilikdan ajratib, poytaxtdan olisdagi Rossiya shaharlaridan biriga badarg‘a qildi, uning nomini matbuotda yoki kitoblarda qayd etilishini taqiqladi. Vaholanki, u hammadan izzatliroq yashay olishi mumkin edi. Saxarov yuksak axloq yo‘lini tanladi – olimlik

burchi, odobi talablarini bajarishni har qanday boylik, izzat-ikromdan baland qo‘ydi. Buyuk olim o‘z kashfiyoti insonning eng oliy huquqi bo‘lmish – yashash huquqiga rahna solishi mumkinligi va qisman solayotgani uchun uni amalda qo‘llanilishiga qarshi kurashdi. U sho‘rolar hukumati va mafkurachilari tomonidan o‘zining Vatan mudofaasi quvvatini susaytirishga harakat qilgan salkam xiyonatkor fuqaro deb e‘lon etilishiga, boshiga behisob tuhmatlar, ta‘na-dashnomlar yog‘dirilishiga sabot bilan chidadi. Ahdidan qaytmadi, yovuzlik saltanati qo‘lida o‘z olimlik iste‘dodining qo‘g‘irchoq bo‘lishiga, harbiy murvatga aylanishiga yo‘l qo‘ymadi. Oxir-oqibatda u inson huquqlarining jahon tan olgan himoyachilaridan biri sifatida butun insoniyat tahsiniga sazovor bo‘ldi. Bunday misollarni ko‘plab keltirish mumkin.

Bulardan tashqari, muallimlik odobi, huquq-tartibot xodimlari odobi, muhandis odobi singari bir qancha kasbiy odob turlari borki, ular ham jamiyatda axloqiy munosabatlar silsilasida muhim ahamiyatga ega. Shuni aytish kerakki, barcha kasbiy odob qonun-qoidalarining ta‘sir doirasi, miqyosi bir xil emas. Ba‘zi bir kasbiy odobning buzilishi oddiy odobsizlik doirasidan chiqib, axloqsizlikka aylanib ketadi. Masalan, rahbarlik odobidagi ba‘zi nuqtalarga to‘xtalaylik. Rahbar quyi lavozimdakilarga mensimay, qo‘pol munosabatda bo‘lishi, o‘ziga ishonib topshirilgan hudud yoki tashkilotdagi oddiy odamlar arz-dodiga, orzu-istaklariga to‘ralarcha qarashi odobsizlikka kirsas, uning shaxsiy boylik orttirishi yo‘lida korrupsiya vositasida mamlakat, viloyat yoki tashkilot manfaatlarini qurbon qilishi axloqsizlik, nafaqat rahbarlik kasbiga, balki Vatanga ham xiyonat tarzida baholanishi mumkin. Ba‘zan kasbiy odobning kasbiy axloq deb atalishi ham ana shundan.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

5. Karimov.I.A. “Milliy g'oya targ'iboti va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish to'g'risida”gi 451-sonli farmon. 2006-yil 25-avgust.
6. O'zbekiston Respublikasida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish tizimini rivojlantirish konsepsiyasi. Maktab va hayot. Ilmiy ommabop jurnal. 2002-yil, 5-son.
7. A.V.Tsoy. Sening kasbing. Maktab va hayot. Ilmiy ommabop jurnal. 2002-yil,

ТИЛ - МАДАНИЯТ - ИНСОН

*Исроилова Махбуба Ахматовна
Андижон педагогика коллежи*

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек тилининг бой тил эканлиги ҳақидаги таълимотлар, айниқса XXI аср адабиётига кириб келган янги атамалар билан янада бойиганлиги, қолаверса ўзбек тилининг таъсир кучига бефарқ бўлмаган, кўнглида гўзал нутиққа ошуфталик туйғуларини хис қилган ҳар бир инсоннинг ўз нутқи, тили бор эканлиги, ҳар қандай маданиятли инсон ўз тилини ҳурмат қилиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: тил, аудиовизуал, бакалавр, магистр, мененджер, дастурчи, дизайнер

Мамалатимизда янги аср кириб келиши билан, тамоман янги ижтимоий-сиёсий тизимни барпо этилиши, бозор иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши, янгича молиявий-кредит тизимининг барпо бўлиши, фан ва таълим соҳасидаги туб ислохатлар, янги техника ва технологияларнинг ривожланиши, барча соҳалардаги халқаро алоқаларнинг

мисилсиз кўлам касб этиши ва бошқа кўплаб ўзгаришлар хорижий сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши, айниқса, ахборот-коммуникатсия технологиялари, молия-иқтисод, сиёсат, таълим ва маданиятга оид ўзлашмалар юзлаб эмас, балки минглаб деган ўлчовлар билан ўлчана бошланди.

Бугунга келиб улар кенг омма нутқидан деярли жой олиб бўлди. Мисол учун аудиовизал, аптитеррор, бакалавр, банкамат, интернет, кредит, литсей, магистр, мониторинг, мультимедия, рейтинг, сертификат ва бошқалар.

Бундан ташқари бугун мамлакатимизда мустақиллик боис пайдо бўлаётган янги-янги атамаларни ифодалаш учун, аввало, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари тўлалигича ишга солинмоқда, хусусан, янги сўзлар ёйилмоқда масалан, дастурчи, ахднома, кафолатнома; идоралараро, ҳукуматлараро, давлатлараро; нодавлат, нохикмат, нотижорат; маҳаллийлаштириш, компютерлаштириш, моделлаштирилиш каби эскирган деб қаралган сўзлар қайтадан тилга олиб кирмоқда.

Илгари салбийлик бўёқига эга бўлган сўзлар давр тақозосига кўра ижобий бўёқ касб этмоқда. Масалан, бизнес,

бизнесмен, миллиноер, савдогар, фермер, жаноб, капитан, парламент, журнал кабилар зарурий ҳолатларда хорижий тиллардан бошқа тил воситачилигида эмас, балки тўғридан тўғри ва меъёрга амал қилган ҳолда сўзлар ўзлаштирилмоқда.

Дунёда тил ҳақидаги маълумотлар тараккаийётнинг турли даврларида гоҳ эътироф этилган гоҳ рад қилинган ёки унутилган ёхуд унуттирилган. Бу ҳақиқат ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида, хусусан, бутун тилшуносликнинг турли йўналишлардаги ҳаққоний тадқиқотларнинг чинакам тамал тошига айланди. Жумладан, соддароқ айтганда, инсон тилшунослик маскур ҳолатга асосланган, унинг намоён бўлиш йўллари тадқиқ этиш ва асослашга қаратилган энг истиқболли йўналишдур, бу йўналишнинг тармоқларидан бири маданиятшунослик бўлиб, у тилни “Тил-маданият-инсон” учлиги доирасида ўрганади, бу фан бугун кенг истемолда бўлган

миллий онг, миллий тафаккур, миллий маданият, миллий маънавият, миллий минталитет, миллий характер каби тушунчаларнинг негизини тил ташкил этиши, тилсиз уларнинг моҳияти барқарор бўла олмаслигини очиб беришни асосий мақсад деб билади,

Халқнинг руҳияти ва минталитетини тилдан айрий ҳолда тассавур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди, тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўзлар ибора-ифодаларда халқнинг ўзига ҳослиги муайян тарзда ўзлигини англатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсоннинг дунё қараши дунёни билишида, ўз тилда равон сўзлашида, қадирлашида, ўхшатиш-киёслаш бениҳоя катта ўрин тутди. Бу бехат муҳим мантикий категория, табиийки тилда ҳам ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдигон бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шакилланган, нафакат ўзаро муомила, балки ҳаётимизнинг узвий боғлиғи бўлган тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳеч қачон йўқотмаслигимиз керак”. Ана шу хусусиятлар ўзбек тилидаги софлик муаайян тарзда ифодаланади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Н. Маҳмудов, Д. Худойберганова “ Ўзбек тилинг изохли луғати. – Тошкент “ Маънавият “, 2013 йил.
2. М. Исроилова. “ Кутубхонашунолик фанининг мақсад ва вазифалари. Касб-таълим коллеж ўқувчилари учун ўқув кўлланма. - Андижон “ Ҳаёт “ наширёти 2020 йил.

UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA MA'NAVYI-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL ETISHNING DOLZARBLIGI.

Minovarova Madina Muslim qizi
O'zbekiston Jahon Tillari Universiteti talabasi
Ilmiy rahbar: Ahmedova Anorxon Nasilbaevna

Annotatsiya: Maktabda ta'lim-tarbiya ishlari bilan birgalikda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni birgalikda olib borish muhim vazifalardan biridir. Mazkur maqolada maktabda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etishning dolzarbligi hamda ahamiyati xususida so'z boradi.

Kalit so'zlar: ma'naviy-ma'rifiy ishlar, maktab, tarbiya, milliylik.

Ma'lumki, ota-bobolarimiz azal-azaldan inson tarbiyasi masalalariga jiddiy e'tibor berib kelishgan va bu an'ana avlod-dan-avlodga ko'chib, takomillashib, yangicha usullar evaziga boyib borgan. Zotan, inson ma'naviyati tarbiyaga bog'liq. Tarbiyasiz ma'naviyat poydevorsiz binoga o'xshab omonatlik kasb etadiki, bu holni sharhlab, izohlab o'tirishning hojati yo'q. Shu boisdanda, ta'lim-tarbiya jarayoniga barcha davlatda kuchli ehtiyoj sezilgan. Ma'naviy barkamol, komil inson tarbiyasi hozirgi kunning eng muhim, dolzarb masalalaridan biridir. Ma'naviy islohot ma'naviyatimiz manbalari va sarchashmalari bo'lgan madaniy merosimizni istiqlol mafkuramizning asosiy manbalaridan biri sifatida qarash bilan birgalikda bu merosni har tomonlama xolisona o'rganishni, uning hozirgi davrimiz uchun nihoyatda ahamiyatli ekanligini nazarda tutadi. Shu bilan birgalikda ma'naviy soha milliy qadriyatlarimizni tiklash, ularni to'plash, o'rganish, xalqqa yetkazib berishni ma'naviy siyosatimizning poydevoriga aylantirish kabi jihatlarni ham qamrab oladi.

Jahonning milliy mustaqillikni qo'lga kiritgan mamlakatlari o'z taraqqiyot yo'llarini belgilab olib, har biri o'z xalqining milliy qiyofasi va o'zligi xususida chuqur o'ylab, milliylikni, milliy ma'naviyatni tiklashni bosh vazifalaridan biri deb islohatga kirishganlar. Bizning davlatimiz ham xalqimizning o'tmish taraqqiyoti va ma'naviyatini hisobga olib, shularga mos tarzda yo'l tanladi. Ayniqsa respublika

rahbariyatining jamiyat ma'naviyatini yuksaltirish borasidagi sa'yi-harakatlari yoshlar tarbiyasini xalqimiz ruhiyatiga mos bo'lishini taminlashga yo'naltirilmoqda. Chunki bu - davlatimizning milliy ma'naviyatini tiklash, jamiyatni ma'naviy yangilash, o'quvchi-yoshlarning milliy mafkuraviy ongliligini oshirish vazifalarini malga oshirishga qaratigan siyosatning amaliy-pedagogik vositasi bo'lib xizmat qiladi. O'zbekistonda bozor iqtisodiyoti munosabatlarini shakllantirishning xos va mos xususiyati shundan iboratki, bu munosabatlar ijtimoiy-ma'naviy yo'naltirilgan, milliy mazmunga ega. . Buyuk kelajakni yaratish zarurati respublika fuqarolarining umummilliy ijtimoiy hamkorligini yaratishning pedagogik muammolarini o'rganishni ham taqozo etadi. Bu milliy taraqqiyotimiz tadrijini pedagogik o'rganish uchun hayotiy ahamiyatga ega. Chunki mamlakatimizning hozirgi va bundan keyingi taraqqiyoti xalqimizda, ayniksa yoshlarimizda milliy mustaqillikni mustahkamlashga qodir, har qanday buzg'unchi g'oyani fikr bilan yenga oluvchi e'tiqodning shakllanganligiga bog'liq. Ma'naviyat – insonning insoniylik mohiyati, shaxsdagi ijobiy fazilatlar majmui, insonning zohiriy va botiniy qiyofasi. U inson hayotining tub mohiyatini belgilaydigan aqliy, ruhiy, axloqiy va jismoniy qarashlar, ko'nikmalar, odatlar tizimidir. Ma'naviyat – har bir insonning milliy va umuminsoniy komillik darajasi, unga yetaklovchi, undovchi imkoniyat. U inson shaxsini insoniylik bilan boyituvchi, kamol toptiruvchi, ko'rkamlashtiruvchi beqiyos hayotiy omil. Ma'naviyat – yaxshilik va ezgulikka moyil, yomonlik va yovuzlikdan tiyilish, nafosat va haqiqatga, halollik va rostgo'ylikka intilish, o'zi mansub jamiyatning axloqiy, huquqiy, ma'rifiy-madaniy mezonlariga amal qilish hissidir. U insonning umrguzaronlik mohiyati, faoliyatining tabiatini belgilab bergan va faoliyatida gavdalangan ijobiy, go'zal fazilatlar majmui. Ma'naviyatda inson qalbi, shuuri, aqlzakovati, tabiati, bilimi, madaniyati aks etadi. Ma'rifat esa insonning o'zini o'zi anglash, o'zini o'zi kamol toptirish, imkoniyatlarini harakatga keltirish yo'lida bilim, tarbiya, madaniyat boyliklaridan bahramand bo'lishini kafolatlovchi omildir. Ma'rifat – mohiyatan aql-idrok, tafakkurning mayog'i, mijozning murabbiysi, qalbdan munavvarlikni, insoniy ulug'vorlikni qaror toptiruvchi umriy

vosita, iymon-e‘tiqod, xarakter, lafzning me‘mori, vujudning jon tomiri. U – bilish, tanish, ilm va adaniyatning kamol topish mazmuni, usul va vositalaridir. Respublikamizda o‘kazilayotgan iqtisodiy islohotlar taqdiri pirovard natijada ma‘naviy-marifiy ishlarni qay darajada yuksak saviyada tashkil qila bilish muhim hayotiy muammo. Chunki ma‘naviy –ma‘rifiy ishlarning asosiy vazifasi yuksak axloqiy fazilatlarni o‘zida mujassamlashgan komil insonni tarbiyalashdan iborat. Ma‘naviyat va ma‘rifat davlat ichki hayotidagi bir butunlikni, odamlar ruhiyatidagi ko‘tarinkilik va kelajakka ishonchni, aql-zakovat yuksakligini, o‘z faoliyatida tinchlikni, millatlararo hamjihatlikni barqaror rivojlantirish yo‘lini aniq belgilashdagi o‘z fuqarolarning orzu-umidlarini, manfaatlarini ifoda eta bilish, uni buyuk kelajak sari harakatga yo‘naltirish va unga rahbarlik qilish salohiyati hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimova V., Umarov A., Quronov M. Milliy istiqlol g‘oyasini xalqimiz ongiga singdirish omillari va vositalari.-T.: —Yangi asr avlodil, 2001 yil.
2. Azizxo‘jaev A.A. Chin O‘zbek ishi.-T.: —Akademiyall, 2003 yil.
3. A‘zamov Q., Jumaev Sh. Ma‘naviyat va ma‘rifat ishi. Toshkent, «Ma‘naviyat», 2005.
4. Abilov Milliy g‘oya, ma‘naviy omillar.-T.: —Ma‘naviyatl, 1999 yil.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА ТИЛНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мирзаева Барнохон Адҳамовна,
Андижон вилояти ИИБ хотин-қизлар билан ишлаш масалалари
бўйича бош мутахассиси*

«Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг гайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо ҳазинаси сифатида қадрлайман».

Ш. Мирзиёев.

Тил - инсониятнинг энг муҳим алоқа воситаси. Алоқа бошқа воситалар билан ҳам ўрнатилиши мумкин: Морзе алифбоси, имо-ишора ва бошқалар. Масалан, Африкада узоқ масофага ахборот бериш учун қўлланадиган ноғора товушлари, Канар оролларида ишлатиладиган “Хуштак - тили” шулар жумласидандир. Бошқа алоқа воситалари тилга нисбатан ёрдамчи, иккинчи даражалидир. Тил ва бошқа алоқа воситаларини бирлаштирувчи хусусиятлар куйидагилар:

- фикр ва ҳиссиётни ифодалаши;
- ижтимоий, чунки жамият томонидан яратилиб, унга хизмат қилиши;
- моддийлик (товуш тўлқинлари, график чизмалар...);
- объектив борлиқни акс эттириши.

Улар орасидаги фарқлар куйидагилар:

- тил фикр ва ҳиссиётларни ифода қилувчи восита. Инсон уни барча фаолиятида қўллайди.

Бошқа алоқа воситаларининг ишлатилиш кўлами чекланган, масалан, кўча харакати белгилари фақат ҳайдовчиларга хизмат қилади;

- тил қуруқ ахборотнинг ўзинигина бир шахсдан иккинчи шахсга етказмасдан, балки гапирувчининг бу ахборотга муносабатини, унинг хоҳиш - истаги ва баҳоси, руҳий ҳолатини акс эттиради.

Биз кўп тилли дунёни сақлаб қолишни истар эдик, чунки ҳар бир тилни ўрганишимиз билан биз янги билимларга эга бўламиз. Буюк мутафаккир Гёте шундай деган: «Инсон нечта тил билса, у шунча марта одамдир». Бошқа тарафдан эса бугунги кунда дунё аҳолисининг катта қисми сўзлашадиган инглиз тилини билишга етарлича баҳо бермаслик ҳам тўғри эмас, чунки у иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида миллат, мамлакат ва умуман жамият ривожланишига ёрдам кўрсатади. Инсон, энг аввало, мулоқот қилувчи зотдир, шу боис, фикримча, миллатларнинг тилини унутмаслик зарур, бироқ ривожланишимиз ва комил бўлишимиз учун бир-биримизни тушуниш қобилиятига эга бўлишимиз шарт. Бутун тарих давомида мамлакатлар кўпгина масалаларни ечиш учун бир-бирига эҳтиёж сезган ва умумий тил уларнинг ўзаро мулоқотини амалга ошириш имконини берган.

Бугун ер юзида олти мингга яқин тил ва лаҳжа бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги бизнинг бахтимиз, фахримиздир.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлди, афсуски ўзбек тили ҳали ҳам ҳар томонлама тараққий қилолмади, давр ва технология талабига монанд равишда тўла ривожлана олмади. 21 асрнинг ўзгаришларини ёритиш, таҳлил қилиш талабига кўра ўзбек тилшунослиги фани доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлиши керак еди, лекин буни қай даражада бажара олди? Зеро, барча даврлар мобайнида ўзбек тилшунослигининг асосий вазифаси адабий тилнинг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш йўлларини, бунда амал қиладиган қонуниятлар, сабаб ва имкониятларни таҳлил ва тадқиқ қилишдан иборат бўлиши керак эди.

Ўзбек тили оддий тил эмас, у хушмуомалаликнинг турли шаклларига эгадир. Бу тил бошқа тилларда мавжуд бўлмаган грамматик элементларга

эгадир. Шунинг учун ушбу тилни ўрганаётганлар турли қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Чунки, уни ўзлаштириш асносида улар нутқнинг бутунлай янги қирралари билан тўқнаш келишади. Бироқ бу билан улар умидсизликка тушмаслиги зарур, ҳар қандай тилни ўрганиш мумкин ва ўзбек тилини ўрганиш янги ҳамда қизиқарли маданият билан танишишни, бой лексикани ўрганишни билдиради. Шу ўринда айниқса ёшлар ўртасида кенг тарқалган жаргон тилига ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак.

ЖАРГОН (франц. jargon. — сафсата) — бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос лексикаси, фонетикаси ва грамматикаси билан умумсўзлашув тили ва маҳаллий диалектлардан фарқ қиладиган тили. Шундай қилиб, бу фақат бир ижтимоий гуруҳ одамлари томонидан ишлатиладиган сўзлардир. Улар бир касб, ихтисос, кизиқишлари, ёши, умумий фикр, ва хоказо бирлаштирилиши мумкин.

Бугунги кунда жаргонга мойил деярли ҳар қандай инсонни топиш мумкин. Мисол учун, мактаб ўқувчилари, талабалар, аскарлар, созандалар, спортчилар, ичкиликбозликка ружу қўйган, жинойтчилар, ва бошқалар нутқида жаргонни кузатишимиз мумкин.

Жаргонлар турли тилларда сўзлашувчи халқлар вакилларининг бир-бирлари билан алоқа қилишида ёки турли халқ вакиллари йиғиладиган жойлар (масалан, чегара, паспортлар)да ҳам пайдо бўлади. Жаргонлар қайси ижтимоий гуруҳ орасида юзага келган бўлса, деярли фақат шу гуруҳ вакиллари учун тушунарли бўлади, шу тоифадагиларнинг вазият, шароит тақозасига кўра бошқалардан яширин тутиладиган мақсадларига хизмат қилади.

Ёшлар орасида «кетдим» ўрнида «сирпандим», «пул» ўрнида «соққа», «доллар» ўрнида «кўки»; санъаткорлар орасида «хизмат учун ҳақ олмаслик» ўрнида «том сувоқ», «пул» ўрнида «якан» ва ҳ. к. жаргонлар учрайди. Жаргон бадиий ижодда асар қаҳрамони хусусияти, табиатини очиб бериш учун хизмат қилади. Ана шу жаргонлар ўрнини бугунги кунда бадиий иборалар билан

алмаштира олсак биз ёшлар тарбиясида катта муваффақиятга эриша олган бўлар эдик. Чунки кўп китоб ўқиган инсон, аввало, маънавий озуқа олиш билан бирга тил маданиятига зид бўлган турли кўча тилидаги ибораларни ишлатишдан ўзини тияди. Ўз нутқини чиройли ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлишига интила бошлайди.

Ўзбекистон Республикасининг бундан кейинги ривожланиши бевосита таълим-тарбия натижасига боғлиқлиги барчага аён. Таълим-тарбияни такомиллаштирмай маънавий бой баркамол инсонни тарбиялаш мушкул. Тарбия-шахсини мақсадга мувофиқ шакллантириш жараёнидир. Тарбия тушунчаси икки маънода ишлатилади: тор ва кенг. Кенг маънодаги тарбия тушунчаси ўз ичига болага таъсир қиладиган ҳамма нарсани, бола шаклланишини, уни ҳаётга ижтимоий, маданий, ишлаб чиқариш тайёрлаш барча қирраларини ўз ичига олади. Буни нафақат мактаб оила ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари ишлари, балки жамиятнинг ҳаёт тарзи ундаги ғоялар, адабиёт ва санъат, ташвиқот воситалари радио, телевидение, газета ва журналлар таълим ва маълумот ҳам киради.

Тор маънодаги тарбия тушунчаси - бу ёшларда дунёқарашни шакллантириш, хулқ-атворни шакллантириш, уларнинг эстетик динини ривожлантириш ва жисмоний камолотга етиштиришдир.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

А) Талабанинг қайси ҳислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади.

Б) Шу ҳислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топилади.

В) Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолиятини ташкил қилади. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсоннинг мушоҳада қилиши қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди, ақл онгни сақлайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва қунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлган муносабат муҳим рол ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга таклид қиладилар. Сўнг секин-аста қилаётган ишларининг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими, тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига боғлиқ.

Инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб, энг машаққатли ва энг қийин вазифа – ёшлар тарбияси масаласи бўлиб келган. Барча аллома, мутафаккирлар, миллатнинг зиёлилари жамият ривожини, мамлакат фаровонлигини, тинчлиги хотиржамлигини ёшлар тарбияси билан боғлаганлар. Бу бежиз эмас. Қайерда тарбия масаласини таълим билан, миллий қадрият, анъаналар, менталитет билан узвий боғлиқликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлган. Ёшлар таълим – тарбиясига

этиборсизлик қилинган жойда эса инқирозлар, миллий ўпирилишлар содир бўлаверган.

Истиқлол адабиётининг буюк вакилларида Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Агар динга, Ватанга, молга, жонга, авлодга муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожини, Ватан ободлигини, авлоднинг тинчлигини, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятлиларни таҳсил учун ўқишга юборинг”. Ушбу иқтибосда буюк алломанинг миллат ва Ватан келажиги, ёшлар таълим-тарбияси учун қанчалар куюнчаклик билан ёндашганини кўришимиз мумкин.

Миллий мустақилликнинг ўтган даврида буюк мутафаккир, алломалар орзу қилган ниятларга етдик, мамлакатимиз ривожланишнинг мутлақо янги йўлига чиқиб олди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ёшларнинг тарбияси хусусида тўхталиб, шундай дейди: “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг ёшларимиз бошқача тарбия олмоқдалар. Ҳозирги йигит-қизларимиз бундан 20-25 йиллар аввалги тенгдошларидан қатор сифатлари билан ажралиб турадилар. Агар ўша давр ёшларида ташаббуснинг суғлиги, ғоявий-мафкуравий қарамлик, бировга кўр-кўрона эргашувчанлик, воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда ўз мустақил фикрига эга эмаслик кабилар устунлик қилган бўлса, ҳозирги ёшларимизда ўз қатъий фикрига эгаллиги, ўз иқтидорини намойиш этиш имконияти мавжудлиги, ташаббускорлик, миллий-маданий, мафкуравий-сиёсий собитқадамлик, танлаган мақсад сари интилишдаги изчиллик сингари ҳолатларни кўриш мумкин.

Айни пайтда, айрим ёшларимизда замон талабларига жавоб бериш борасида муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Масалан, миллий-маданий меъросимиздан фахрлана билишда, ундан руҳий қувват олишда баъзан сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Гап шундаки, мақсад фақат ўрта асрлар шарқ алломалари, мутафаккирларининг қачон ва қайерда туғилгани-ю, қайси асарни ёзганини куруқ ёдлашдан иборат эмас. Мақсад, биринчидан, аллома – мутафаккирларимизнинг жаҳон илму фанига қўшган ҳиссасини билиш, улардан фахрланиш кўникмасини ҳосил қилиш бўлса, иккинчидан, ҳозирги йигит-қизларимизда ўша алломаю мутафаккирлар олдидаги маънавий қарзини узиш, шунингдек, буюк аجدодларимизга муносиб равишда миллат ва Ватан олдида масъулият сезиш ҳиссини шакллантиришдан иборатдир. Бошқача сўз билан айтганда, мақсад фақатгина миллий-маданий меросдан фахрланишдан иборат эмас. Мақсад – XXI аср Ўзбекистон ёшларининг жаҳон тамаддунига қўшадиған ҳиссасини англашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев.Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. – 56 б
2. Каримов .И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 176 б.
3. ”Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 2020 йил 23 сентябрь
4. Шарипова.Ў. Тилшунослик асослари - Т.: Низомий номидаги ТДПИ 2006 92 б
5. Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли луғати. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002

YOSHLAR TARBIYASIDA HADISLARIMIZNI O‘RGANISHNING AHAMIYATI

*Mirzayeva N.S. katta o‘qituvchi
Andijon iqtisodiyot-qurilish instituti,
G‘ulomova M.U. 1-kurs talabasi
Andijon iqtisodiyot-qurilish instituti*

Annotasiya: Maqolada yoshlarimizning tarbiyasida ajdodlarimizning merosi katta ahamiyatga ega ekanligi haqidagi fikrlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: yoshlar tarbiyasi, ajdodlar merosi, e’tiqod, ixlos, milliy an’analar, umuminsoniy qadriyatlar, hadis ilmi.

Muborak hadisi shariflarda “Al-ulamou varisatu I-Anbiyo” ya’ni “Olimlar Payg‘ambarlarning me’rosxo‘rlaridir” deb ta’kidlangan. Buni g‘azal mulkinging sultoni buyuk mutafakkir bobokalonimiz Alisher Navoiy hazratlari ham quyidagicha nazmga solgani ma’lum:

“Kishikim qilsa olimlarga ta’zim

Andoqki qilur Payg‘ambarga ta’zim “.

Yoshlarni tarbiyasi, dunyoqarashi, butun ma’naviy fazilatlarining shakllanishi jamiyat taraqqiyotida juda katta ahamiyatga ega. Bugungi kunda yoshlarimizning tarbiyasini ajdodlarimiz merosi orqali amalga oshirish davr taqozosi bo‘lib qolmoqda. Jamiyatni yangillash, taraqqiyot imkoniyatlarini tezlashtirishda ma’naviy olamni yangilash va boyitish kerak bo‘ladi. Tarbiya ishlarini amalga oshirishda dunyoqarash, e’tiqod, ixlos, milliy an’analar, umuminsoniy qadriyatlarni reja asosida uzluksiz amalga oshirib borishda ajdodlarimizning xadislari katta ahamiyatga ega.

Hadis ilmini o‘rganishdan maqsad talaba yoshlarni vatanga, oilaga mehr-muhabbatli bo‘lish, sabr-toqat tushunchalarini anglash, insonparvar bo‘lish, Islom va uning asosiy ta’limoti mujassamlangan “Qur’oni Karim”da insonni ham aqliy, ham axloqiy, ham jismoniy shakllantirishda, bir so‘z bilan aytganda komil insonni tarbiyalashda muhim manba sifatida o‘rganish.

Hadislar insonni kamolotga erishishi uchun talab etiladigan insoniy fazilatlar ifoda etilgan bo‘lib, ushbu fazilatlar sirasiga o‘zgalarga mehr-oqibat ko‘rsatish, sahiylik, ochiq ko‘ngillik, ota-ona, kattalarga va qarindoshlarga nisbatan muruvvatli bo‘lish, ularga g‘amxo‘rlik qilish, vatanga muhabbat, mehnat va kasb-hunarni ulug‘lash, halollik, poklik, do‘stlik, oliyjanoblik, rahm-shafqatlilik, kamtarlik, rostgo‘ylik va vijdonlilik kabi xislatlar kiritiladi. Bundan tashqari insonning o‘zini yomon illatlardan tiyilishi, yaxshilik sari intilishi kerakligi borasida pand-nasihatlar ham o‘z aksini topganki, bularning barchasi Qur’oni Karimda qayd etilgan ko‘rsatmalarga asoslangan va komil insonni shakllantirishda asosiy mezon bo‘lib xizmat qiladi.

Islom ta’limoti g‘oyalariga ko‘ra har bir musulmon eng avvalo iymonli bo‘lishi kerak. Qur’oni Karimda ta’kidlanganidek, Islom dini ta’limotining yaratilishidan muddao, murod kishilarda iymon, e’tiqodni shakllantirishdir. Hadislarda iymonning mukammal va mustahkam bo‘lishi quyidagi 3 shartga qat’iy amal qilinishiga bog‘liqligi ko‘rsatilgan:

- To‘g‘ri e’tiqodli bo‘lmoq;
- Kishilar bilan yaxshi munosabatda bo‘lmoq;
- Kishi o‘z ustida ishlamoq‘i va o‘zini ibodatga va itoatga chaqirmog‘i.

Iymon daraxtga tenglashtiriladi va uning oltmishdan ortiq shohlari bor deya iymonning belgilari sanab o‘tiladi. Sanab o‘tilgan belgilarning har biri inson ma’naviy qiyofasini shakllantiruvchi va mukammallashtiruvchi xislatlardir. Bular quyidagilardan iborat: “qo‘li bilan va tili bilan o‘zgalarga ozor bermagan kishi musulmondur”, “o‘zingiz yaxshi ko‘rgan narsani birodaringizga ravo ko‘rmaguningizgacha hech biringiz chinakam mo‘min bo‘la olmaysiz” (3-4 boblar)”, uchta xislatni o‘zida mujassam qilgan kishining iymoni mukammal bo‘lgaydir:

- Insofli va adolatli bo‘lmoq;
- Barchaga salom bermoq;
- Kambag‘alligida ham sadaqa berib turmoq.(20-bob);

Hadislarda inson ma’naviy kamolotining mezoni, uning tafakkur doirasi, dunyoqarashining kengligi, ilmiy bilimlarni qay darajada egallaganligi, o‘z bilimi bilan atrofdagilar va jamiyatga foyda keltirguvchi shaxs bo‘lib yetishishida muhim omildir deya ko‘rsatiladi.

“Tolibi ilm qilish farzdir. Tolibi ilmga har bir narsa istig‘for aytadi, hatto dengizdagi baliqlar ham”. Bilimsiz kishilarning nodonligiga zamin hozirlashi, ilmsiz jamiyatda esa jaholat hamda razolatning hukmronlik qilishi alohida ta’kidlab ko‘rsatiladi. “Ilm o‘rganmoq va o‘rgatmoqning fazilati” borasidagi hadis (21-bob)da ilm o‘rganish ko‘p yoqqan yomg‘irga qiyoslanadi va ilm ahli quyidagi 3 turga bo‘linadi:

“Ba’zi yer sof, unumdor bo‘lib, yomg‘irni o‘ziga singdiradi-da, har xil o‘simliklar va ko‘katlarni o‘stiradi va ba’zi yer qurg‘oq, qattiq bo‘lib, suvni emmasdan o‘ziga to‘playdir, undan Alloh taoloning bandalarifoydalangaydir. Odamlarsuvni ichgaydilar, hayvonlari va ekinlarini sug‘orgaydirlar. Ba’zi yer esa tekis bo‘lib, suvni o‘zida tutib qolmaydir, ko‘katni ham ko‘kartirmaydir. Buni quyidagicha muhoyasa qilishmumkindir: Bir kishi Alloh ilmini (Islomni) teran o‘rganadir, teran tushunadir, undan manfaatlanadir va Alloh yuborgan hidoyatni o‘zi o‘rganib, o‘zgalarga ham o‘rgatadir. Ikkinchi bir kishi ilm o‘rganib, odamlarga o‘rgatadir. Ammo, o‘zi amal qilmaydir. Uchinchi bir kishi mutakabbirlik qilib, o‘zi ham o‘rganmaydir, o‘zgalarga ham o‘tgatmaydir”.

Ammo ilmga e’tiborsizlik va nodonlik (jaholat)ning avj olishi jamiyatning inqiroziga olib keladi. Hatto “Rasululloh (s.a.v) quyidagilar qiyomatning alomatlaridir, deganlar: ilmning susaymog‘i, jaholatning kuchaymog‘i, zinoning avj olmog‘i, xotinlarning ko‘paymog‘i, erkaklarning ozaymog‘i”.

Demak, qiyomatni odamlarning o‘zlari sodir etadilar. “Ilm ravnaq topmagan mamlakatda zino avj olgan, o‘zaro urushlar kuchayib, erkaklar ozayib ketganda albatta qiyomat qoyim bo‘ladi” (22-bob). Shu bois” Ilmga amal va rioya qiluvchi bo‘linglar, uni faqat hikoya qiluvchi bo‘lmanglar”-deyiladi (673-hadis). Islomda ikki xil ilm haqida so‘z yuritiladi. Biri huquqiy (fiqh), diniy yo‘l-yo‘riqlar

to‘g‘risidagi ilm bo‘lsa, ikkinchisi dunyoviy ilmlardir. Har ikki turdagi bilimlarni chuqur egallash va unga qat’iy amal qilish har bir mo‘min uchun farz hisoblanadi. “Ilmning ofati unutishdir. Uni noahil kishiga gapirish esa uni zoye qilishdir” mazmunidagi hadis orqali va puxta bilimlarigagina ega bo‘lgan kishilarning atrofida qilarga ilm berishining maqbul ekanligiga urg‘u beriladi. Shuningdek, hadislarda ilmning kishilarni fahm-farosatli, o‘tkir zehnli, zukko hamda hotirani kuchli qilishdagi ahamiyati ham ta’kidlanadi va “Ilmu hunarni Xitoydan bo‘lsa ham borib o‘rganinglar”-deya da’vat etiladi. “Olim bo‘l, ilm beruvchi bo‘l yoki ilm o‘rgatuvchi bo‘l yoki tinglovchi bo‘l. Beshinchisi bo‘lma halok bo‘lasan” mazmunini ilgari suruvchi hadisning bayon etilishi orqali ham ilmli bo‘lish insonni falokat va uning yomon oqibatlaridan saqlovchi omil ekanligiga urg‘u beriladi (41-hadis).

Yoshlarimizni allomalar haqidagi va hadislarimizdagi tarbiyaviy pand-nasihatlarini haqidagi bilimlarini boyitib, ularning madaniy va intellectual salohiyatini oshirishga harakat qilish har birimizning vazifamizdir.

Adabiyotlar:

1. Imom – al Buxoriy. “Al jome as - sahih”. Qomuslar bosh tahririyati. 1991.
2. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. “Olam va odam, din va ilm”. T.:2019
3. Toxir Malik. “Tilingni avayla” Davr Press-2010.

YOSHLARNI AXLOQIY TARBIYALASH JARAYONIDA TIL FUNKTSIYALARINING LINGVISTIK JIHLARI

Nizamova Umida Sandjarovna
Andijon Mashinasozlik Instituti o`qituvchisi
e-mail:umidanizamova18@gmail.com
Abdujabborov Nuralxaq G`olibjon o`g`li
Andijon Mashinasozlik Instituti 2-bosqich talabasi
e-mail: nurulhaqabdujabborov@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarning axloqiy ongini shakllantirish jarayonida tilning asosiy roli tavsiflanadi, bu tarbiyaning muhim omili bo`lib, og`zaki muloqot jarayonida tilning zarur xususiyatlari berilgan.

Kalit so`zlar: liberal, demokratik, ma`naviy-axloqiy, tarbiya, pedagogik model, paradigma, yetakchilik, sub`yekt.

O`zbekiston mustaqillikka erishish uchun qo`ygan qadamlardan birinchisi bu albatta davlat tili, ya`ni O`zbek tili to`g`risida 21 oktyabr 1989 yilda qabul qilingan qonundir. Til – bu millat ko`zgidir. O`zbekiston jamiyati boshidan kechirgan tizimli inqiroz, 20-asrdagi ijtimoiy tajribalarning halokatli oqibatlari va O`zbekistondagi kuzatilgan liberal demokratik islohotlar ma`naviy-axloqiy sohada o`ziga xos kuch bilan namoyon bo`ldi va o`zbek tilidan foydalanish shartlariga ta`sir qilmasdan qolmadi.

Jamiyatning hozirgi holati ma`naviyat va axloq muammolarini hal qilishni qat`iy talab qilmoqda. Bugungi kunda, xuddi 19-asrda bo`lgani kabi, axloqiy tarbiyaga yaxlit yondashish yo`llarini falsafiy va pedagogik tushunishga ehtiyoj paydo bo`ldi va biz yoshlarning ijtimoiy, ma`naviy yetukligi davriga alohida e`tibor qaratish lozim deb hisoblaymiz. Gap yoshlarni ijtimoiy yetukligini shakllantirish jarayonining asosiy asoslarini izlash, jamoat tizimining yangi ijtimoiy ehtiyojlariga javob beradigan yetarli darajadagi pedagogik modelni yaratish yo`llari haqida ketmoqda.

Bugungi kunda biz ta`kidlab aytmoqdamizki, sub`yekt-ob`yekt paradigmasi tarbiyaning sub`yekt-sub`yekt paradigmasi bilan almashtiriladi, bu esa o`quvchining

insoniy qadr qimmatini, uning shaxsiy huquqlari va erkinliklarini birinchi o`ringa qo`yadi. Erkin demokratik jamiyatning ushbu toifalari ta`limning yangi kontseptsiyasining asosini tashkil etadi, bu yerda “yetakchilik” va “yetakchi” tushunchalari ijtimoiy yetuklik va fuqarolik ongiga ega bo`lgan “sub`yekt” tushunchasining sinonimlari sifatida markaziy o`rinni egallay boshladi.

Hozirgi sharoitda, bizning nuqtai nazarimizcha, butun pedagogik faoliyatni shaxsning qadriyat sohasini shakllantirishga yo`naltirish kerak, bu yerda dunyoqarash masalalari hal qiluvchi ahamiyatga ega bo`lishi kerak, quyidagi tushunchalar esa dunyoqarashni kengaytirishga asos bo`lib xizmat qiladi va yosh kishining ijtimoiy yetukligini shakllantiradi ya`ni, shaxsning kelib chiqishi va mohiyati; odamdagi tan va ruh; inson xayotining mazmuni va maqsadi; hayot baxti va quvonchi; inson o`limining ma`nosi va mazmuni; yovuzlikni kelib chiqishi va tabiati; ruhni yaxshilash uchun azob-uqubatlarning ma`nosi va ahamiyati; insonparvarlik va g`ayriinsoniylik, rahm-shafqat; erkinlik, adolat, tenglik; mehnat va bekorchilik, pul, boylik va hashamatning inson hayotidagi o`rni; ta`limning maqsadi va ma`nosi oilaviy qadriyat sifatida; nikoh va bolalarni sevish; o`z-o`zini anglash, kasbiy faoliyatda shaxsiyat va boshqalar.

Vatanparvarlik yoki vatanga muhabbatni tarbiyalash va ona tilga bo`lgan ijobiy munosabatni shakllantirish maqsadida vatanparvarlik tarbiyasi oldida yosh avlodning qadriyat sohasiga ta`sir o`tkazadigan nozik vositalarni talab qiladigan qiyin vazifa turibdi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlar va yoshlarga bo`lgan e`tiborni inobatga olib, o`z ona tilimizni xar tomondan rivojlantirish va takomillashtirish, aniq tizimni yo`lga qo`yish hozirgi dolzarb masalalardan biridir.

Xulosa qilib shuni ta`kidlash kerakki, bugungi kunda amalga oshirilayotgan ichki pedagogikani modernizatsiya qilish nafaqat ma`naviy-axloqiy tarbiyaning ustuvor yo`nalishisiz, balki ushbu faoliyatni amalga oshirishda to`g`ri tanlangan qiymat yo`nalishlari va metodologiyasiz amalga oshirish imkoniyati mavjud emas, ayniqsa kommunikatsiya sohasida.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Шульженко М.Э. Патриотическое воспитание современной молодежи // Молодой ученый. 2017.
2. <https://cyberleninka.ru>
3. <https://psyjournals.ru>

BARKAMOL AVLODNI VOYAGA YETKAZISHDA OILADAGI RUHIY MUHITNING AHAMIYATI

*Nuriddinova Yo., Alimova X.
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Xorijiy tillar” kafedrasi o'qituvchilari*

Annotatsiya: Xozirgi kunda mamlakatimizda sog'lom turmush tarzini yaratish borasida juda ahamiyatga molik bo'lgan ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan qilinayotgan ko'pgina hayrli ishlar, yoshlarga yaratib berilayotgan shart- sharoitlar, sog'liqni saqlash borasida qilinayotgan ko'zga ko'rinadigan ishlarning ko'pchiligi shular jumlasidandir.

Kalit so'zlar: Islom dini, tarbiya, sog'lom turmush tarsi, oila, jamiyat.

Sog'lom turmush tarzini yaratishda boy madaniy an'analарimizning roli ham beqiyosdir. Jumladan biz uchun muqaddas bo'lgan mo'tabar islom dinimizda ham sog'lom avlod tarbiyasigi katta e'tibor berilgan.

Ma'lumki islom dini avvalo inson faravonligiga, uning ma'naviy kamolotiga xizmat qiladi va ayni paytda, jamiyat taraqqiyotiga, ilm ma'rifatga, halollik, rostgo'ylik va ezgulikka chorlaydi. Yana ahamiyatli jihati shundaki, islom dinida

sogʻlom turmush tarzining tayanchi boʻlgan-oila muqaddas hisoblanadi va eʼzozlanadi.

Bilamizki, oila naslni davom ettiradigan muhim muassasadir. Oila har tamonlama mustahkam boʻlishi uchun ota onalarning oʻrinlari beqiyos ahamiyatga egadir. Alloh taolo oʻzining Kalomi majidida marhamat qilib shunday deydi: «Ey moʻminlar! Oʻzlaringizni va ahli ayollaringizni doʻzax otashidan saqlangiz!» (Tahrim 6).

Bundan kelib chiqadiki, hamma faqat oʻzini oʻylamasin, oʻz gʻamini yeb yuravermasi, balki ahli ayoli va farzandlarini ham doimo diqqatda tutsin. Bunda faqat moddiy taʼminot bilan cheklanib qolmasdan, ularni iymon eʼtiqodli, dinu diyonatli va ona vatanning asl farzandlari safiga qoʻshilishlariga astoyidil harakat qilsin.

Paygʻambarimiz Muhammad alayhissalom bir hadisi muboraklarida «Alloh rozi boʻlishini istasangiz, bolalaringizga doimo adolat qilingiz» dedilar.

Dinimiz kishilarni bir-biriga mehr muhabbatli boʻlishga chaqiradi. Ularning dinidan, millatidan qatʼiy nazar, oʻzaro izzat hurmat, adolat tamoyillarini belgilab bergan. Bu hol oʻz navbatida, jamiyat birligini kuchaytirishga, ijtimoiy hamkorlikni qaror toptirib, tinch-totuvlikni saqlashda nihoyatda ahamiyatlidir.

Farzandga ilm, hunar oʻrgatish farz. Ilmli kishilar doimo el orasida xurmatga loyiq boʻlib, alohida eʼzozlanadilar. Arablarda «yoshlikda olingan bilim goʻyo toshga oʻyilgan naqsh kabidir» degan naql bor. Shunday ekan ilm olishga yoshlikdan harakat qilish kerak. Har bir kishi yoshlik davrini gʻanimat bilib, beparvo boʻlmay, kelajakda oʻzi va xalq manfaati, baxt-saodati yoʻlida foyda beradigan bilim olishga intilmogʻi lozim. Bu borada Paygʻambarimiz Muhammad alayhissalom: «Ilm sahroda doʻst, hayotchorrahalarida tayanch, yolgʻiz damlarda yoʻldosh, bahtyor daqiqalarda rahbar, qaygʻuli onlarda madadkor, odamlar orasida zebu – ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda quroldir», deganlar. Ha, darhaqiqat sogʻlom hayot va sogʻlom turmush tarzini yaratish- oiladan, yaʼni farzand tarbiyasidan boshlanadi.

Qahf surasi 46 oyatning mazmuni bunday «Mol davlat va farzandlar dunyo hayotining ziynatidir». Ha farzand qalb rayhonidir. Yoshlik chog'laridan ularni ko'rib ko'zimiz quvonsa, katta bo'lganlarida yordamlaridan bahramand bo'lib, dilimiz yayraydi. Payg'ambarimiz sollolohu alayhi va sallom , aytadilar: «inson vafot etgandan so'ng uning amali to'xtaydi, faqat uch narsa- sadqai joriya, foydali ilm, duoi hayr qiluvchi solih farzand tufayli uning nomi a'moliga savob yozilib turadi.»(muslim rivoyati). Alloh taolo insonga farzandni ne'mat qilib bergan. Bu ne'matning munosib farzand bo'lib yetishishida ota onaning xizmati beqiyosdir. Shunday ekan farzand tarbiyasida otaning ham , onaning ham o'ziga yarasha vazifalari mavjuddir.Otaning vazifalari quydagilardan iboratdir.

-ota farzandlariga , o'zining otasiga yaxshilik qilishi bilan o'rnak bo'lmog'i, ularni jonidan ham ortiq ko'rmog'i lozim. Shundagina farzand otasining tutgan yo'lidan yuradi, undan ta'sirlanadi, shu xolatda unib o'sadi va voyaga yetadi.

- er o'ziga solih umr yo'ldoshi tanlamog'i lozim. Chunki bu ayol kelajakda farzandlarining onasi, ularning tarbiyachisi bo'ladi.

- ota farzandining tariyasini, shuningdek, yaxshilamog'i, unga Qur'on va hadis ta'limotlarini, dunyoviy ilmlarni o'rgatishi, yaxshi axloqli bo'lishga undashi lozim.

- yomon do'st va yomon bolalar ta'siridan farzandini asrashi kerak. Chunki, buzuq ahloqli bolalar bilan do'stlashibqolsa, farzandining ham tarbiyasi buzulishi tayn. Eng avvalo, ota fazandu zuryotlarini solih bo'lishlarini Allohdan doimo duo qilib so'rashi lozim. Farzand tarbiyasida onaning vazifalari quydagilardan iboratdir.

Go'dakning haqlaridan biri va onaning eng mo'tbar vazifasi farzandini 2 yil emizishdir. Tug'ilgan go'dak jismi va ruhining sog'lom bo'lib o'sishiga onasining sutidan afzal ozuqa yo'q. Bunga Qur'oni karimning ushbu oyati mazmuni dalolat qiladi: «Onalar bolalarini to'la 2 yil emizadilar (bu xukm) emizishni kamolga yetkazishni istaganlar uchundir.» (Baqara 233). Bu Qur'oniy haqiqat bundan 1400-yil keyin fan tomonidan to'la isbotlandi. Hozirgi paytdagi ilmiy tekshirishlar go'dak uchun eng yaxshi ozuqa onaning suti va uni 2 yil emizish ekanini ko'rsatmoqda. Boshqa bir oyat mazmuni ham ushbu ma'noni quvvatlaydi.

«Biz insonga ota- onasini rozi etishni amr etdik. Onasi uni zaiflik ustiga, zaiflik bilan qornida ko'tarib yuradi. Uni (ko'krakdan) ajratish muddati 2-yilda (bitar). (Biz insonga buyurdik) Sen menga va ota-onangga shukr qilgin! Qaytishlik mening xuzurimgadir! (Luqmon 14)». Ushbu oyatda ota-onani hurmat qilish har bir farzand uchun Allohning amri ekanligi bayon qilinib, ularni hurmat qilishni asosiy sababi ham aytib o'tilgan. Ulamolarimizning shar'iy emizish 2 yil ekanini bildiruvchi xukmi ushbu oyatlardan olingan. Bola 2 yoshga to'lguncha biror begona ayolni emsa, sut orqali unga bog'liq xukmlar joriy qilinadi. Misol uchun uni emizgan ayol unga emakdosh ona, uning eri ota, bolalari aka- uka, opa singil bo'ladilar. Mahramlik va nikoh masalalaridagi xukmlar ham shunga muvofiq kuchga kiradi.

Yana oyatlarda va hadislarda shu narsaga katta e'tibor beriladiki, agar ona emizikli paytida xomilador bo'lsa, uning suti buzuladi, bu esa bolaga yomon ta'sir qilishi aytilgan. Bunda bola katta bo'lgach ojiz va beso'naqay bo'ladi deyilgan. Sog'lom turmush tarzini shakillantirishdagi eng muqaddas odatlardan biri bu oila qurish – nikoh hisoblanadi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki xalqimizda shunday ibratli urf odatlar mavjudki, bu odatlarga har bir inson rioya etsa albatta u inson kelajakda hamma uchun namuna bo'ladigan vaibratli komil inson bo'lib yetishadi. Bu esa sog'lom hayotning va sog'lom tumush tarzini yaratishda muhim ahamiyatga egadir. Shunday urf odat va an'analari bilan har bir xalq faxirlansa arziydi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Hasanova O. “Oila pedagogikasi” T., 2007. 125-bet.
2. www.pedagogy.com

BARKAMOL YOSHLAR TARBIYASIDA IJTIMOIIY-SIYOSIY TARBIYA TIZIMI

*Odilova N, Qodirova G.
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Xorijiy tillar” kafedrasi o'qituvchilari*

Annotatsiya: Bugungi kunda davlatimizda juda ko'p o'zgarishlar ro'y berib, ko'pgina yangi qonunlar qabul qilinmoqda. Jamiyatimizning barcha a'zolari qonunlari o'rganib, ularga rioya qilish va hayotga tatbiq etish yo'llarini o'rganmoqdalar.

Kalit so'zlar: huquqiy madaniyat, jamiyat, qonunlar, tarbiya tizimi, huquqiy bilimlar.

Huquqiy madaniyat-bu jamiyat muhitidir. Huquqiy madaniyat deyilganda birinchi navbatda jamiyat iqlimi tushuniladi. Huquqiy madaniyat bu qonunlarni ongli tushunish, ularga hurmat yuzasidan qarash, ularga bevosita kundalik hayotda huquqiy madaniyatni tatbiq qilish tushiniladi. Jamiyatimiz fuqorolarning huquqiy madaniyati qanchalik yuqori darajada bo'lsa uning rivojlanishi shunchalik, tez yuksak, tekkiz bo'ladi. Bunday jamiyat esa huquq buzarlilik jinoyatchilikda o'rin qolmaydi. Chunki inson nima qilish kerakligini-yu, nimani qilmasligini yaxshi biladi va aksincha huquq normalariga hurmatsizlarcha tartibsizlik hamda jinoyatchilikning o'sishiga keladi.

Huquqiy madaniyat masalari turshimizmizning ko'p jihatlariga tegishlidir. Lekin ular bo'lg'usi o'qituvchilar uchun, ayniqsa dolzabdir. O'quvchilarning huquqiy ongini oshirmasdan demokratik huquqiy davlat va erkin fuqorolik jamiyatini tasavvur etib bo'lmaydi. Huquqiy ong poydevoriga maktablarda asos solinadi. Shuning uchun ham ta'lim mussasalarida pedagog o'qituvchilarning tomonidan o'quvchilarga huquqiy bilimlar ijtimoiy hayot me'yorlarini va qoidalari to'g'risida keng ma'lumotlar berib borish uchun o'qituvchilarning o'zlari quyidagi huquqiy bilimlarga ega bo'lishi lozim:

-demokratik huquqiy davlatning eng asosiy belgisi bo'gan qonun ustuvorligini bilishi;

-Konstitutsion huquq asoslariga oid tushunchlarni o'zlashtirish;

-O'zbekiston Respublikasi Davlar suvereniteti va ramzlari haqidagi bilimlar;

-O'zbekiston Respublikasi Davlat hokimiyati to'g'risida;

-inson huquqlari hamda fuqorolarning asosiy huquqlari, erkinliklari to'g'risida bilimlar, ya'ni:

-siyosiy huquqlar;

-iqtisodiy va ijtimoiy huquqlar;

-inson huquqlari va erkinliklarining kafolatlari;

-O'zbekiston fuqorolarining asosiy burchlari;

-fuqorolarning oila va nikoh huquqi;

-tabiatni muhofaza qilish haqida ekologik bilimlar;

-tartibbuzarlik, bezorilik jinoyat qilganlik uchun ma'muriy yoki jinoiy javobgarlik bo'yicha bilimlar;

-harbiy yoki muqobil hizmat to'g'risida va hokazo.

Barcha ta'lim muassasalarida huquqiy madaniyatni oshirish va yanada rivojlantirish eng muhim jihatlaridan biri huquq-targ'ibot organlari militsiya hamda prokratura hodimlari, xalq deputatalari, mahalla oqsoqollari, Mehnat va Urush veterantlari va boshqa turli huquqiy idoralarga aloqador hodimlar bilan hamorlikda o'qituvchilarning ish olib borishdir.

Ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jaroyonida o'qituvchi-pedagoglar tarbiyachilarning quyidagi holatlarga, xususiyatlarga e'tibori qaratish hamda rioya etish muhim va maqsadga muvofiq hech bir inson huquqbuzar yoki jinoyatchi bo'lib tug'ilmasligi tushuntirish :

-o'quvchi shaxsi, qadrlash, hurmat qilish hamda huquq va erkinliklarinig ta'minlanishi, uning poymol etilishi va kamsitilishiga yo'l qo'ymaslik;

-o'quvchiga uning haq-huquqlarini hamda burch va vazifalarini ado etishning yoshlikdan, bolalik davridan tushuntirish;

-sinf rahbari va ota-onlar o'rtasida o'zaro munosabatni yo'lga qo'lga qo'yish;
-o'quvchilarning bo'sh vaqti tashkil etish hamda ota-onalar bilan hamkorlikda uni nazorat etish;

-har bir o'quvchining oilasidagi muhitdan xabardor bo'lish;

-pedagoglar tomonidan ota-onalarga voyaga yetmagan maktab o'quvchisi tijorat, savdo ishlari bilan shug'ullanishi, keyinchalik, savodsizlikka olib kelishini uqtirish, tushuntirish;

-o'qituvchilar, sinf rahbarlari tomonidan o'quvchi- yoshlarga o'zini uni nazorat qilish, iroda, mas'uliyat javobgarlik hissini, murakkab bo'lgan vaziyatlarda mustaqil fikr qaror qabul qilish hissiyotlarini uyg'otish hamda tarbiyalash;

-maktabdagi to'garakda huquqiy madaniyat targ'ibot ishini faoliyatlashtirish,

O'quvchilarning qiziqishlarining qarab buyuk ajdodlarimiz Forobiy, sohibqiron Amir Temur, Alisher Navoiy, Ulug'bek, Zahriddin Muhammad Bobur huquqiy qarashlari mavzusida davra suhbatlari, muloqot kechalarni rejaviy tarzda o'tkazishilini tashkil etish;

-huquqiy targ'ibot idoralari hodimalari bilan hamkorlilda maktablarda ota-onalar, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida tez-tez uchrashuvlar uyishtish, hujjatli kinofilmlar namoyishini tashkillashtish ;

-maktab sinf o'quvchilarni jamoatchilik ishlariga, turli xil o'tkaziladigan tadbir va olimpiadalarga jalb qilish;

-o'quvchi-yoshlarga « jinoyat-jazosiz qolmaydi har kim qilmishiga yarasha javobgarlikka tortiladi »qoidasini yetkazish;

-asosiy e'tibor qonun buzarlikka va jinoyatchilikka kurash emas, balki uning oldini olishga qaratilmog'i lozim;

Respublikamiz mehnatkashlarning, ayniqsa, yosh avlodning huquqiy madaniyat saviyasini yuqori darajada ko'tarish bilan biz qonun buzilishlarini adolatsizliklar, jinoyat oldini olgan bo'lamiz. Qonunlarga rioya etishimiz, ularni hurmat qilshimiz, oilalarimizni, davlatimizni mustahkamlashga asos bo'ladi.

ЁШЛАРНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахмонова Дилнура Саидовна
Андижон машинасозлик институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти
Олимжонов Пахлавон Фарходжон ўғли
иқтидорли талаба

Аннотация: ушбу мақолада, ёшларнинг креатив қобилиятини ривожланишида оила муҳитининг аҳамияти ҳақида фикр билдирилган бўлиб, унда оила китобхонлиги фарзандларнинг дарсга тайёргарлиги, уй вазифасини бажариш билан боғлиқ жараён ижодий қобилиятини ривожлантириши ёритилган.

Калит сўзлар: оила, бола, китобхонлик, ота-она намунаси, савол-жавоб, баҳс-мунозара, синфдан ташқари тадбирлар, ижодкорлик, тинглаш, китоб.

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги кенг кўламли ишлар, жамият тараққиётини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, шунингдек, мустақил фикр эгаси, эркин ва ижодкор шахсни тарбиялаб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган мустақил ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади”, - деган фикрлари ҳар биримиздан катта масъулиятни талаб қилади. Тараққиёт шиддат билан ҳаёт тарзимизга кириб келаётган бир даврда бир-биридан мураккаб техника ва технологиялар ёшларимиз онгу шууридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бундай вазиятда ўқувчига бирор янги билим бериш, уни ўқиш ва изланишга ўргатиш учун ўқитувчидан жуда катта маҳорат талаб қилиниши бор гап.[1, 12]

Маълумки, халқимизнинг ажойиб удумлари, анъаналари беҳисоб. Аммо улар орасида бир анъана борки, у ҳақда ҳар қанча сўзласанг шунчалик оз. Бу -

китоб билан боғлиқ анъана. Китоб яқин йилларда пайдо бўлган эмас. Китоб-бир неча минг йиллар аввал пайдо бўлган ва қадим-қадимдан мукаддас саналиб келинган. Китоб-инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатгўйи ҳисобланади. Умуман олганда китоб уни яратган маънавий халқнинг бебаҳо бойлигидир. Китоб ҳаёт дарслиги, барча билимлар асоси халқ ва элатлар тарихидан хабар берувчи асосий манбаа сифатида қаралади. Ўтмишдан ҳикоя қилувчи тарих, бугунни акс эттирувчи кўзгу, эртанги кунни айтиб берувчи мўъжиза – китобдир. Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кўрмаган уй қоронғизимистондир. Қадимги даврларда ҳам китоб ўқиган инсонларнинг ҳурмати ўзгача бўлиб, уларга юксак обрў-эътиборга эга бўлишган. Тарихга назар соладиган бўлсак, бирон бир халққа душман бостириб кирса, унинг кутубхоналарини ёндириб юборган, донишманд инсонларини эса қатил эттирган. Бу орқали ўша жамиятни ўзлигидан, тарихидан, бугунидан ва келажагидан айирмоқчи бўлган. Бундан кўриниб турибдики китоб давлатнинг асосини пайдо этишдаги асосий қурол ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда ёшларимиз китобга меҳри сезиларли даражада сусайиб бормокда. Оилавий анъаналарга китоб танлаш, кундалик суҳбатларда турли асарлардаги воқеаларни солиштириш, вазиятдан чиқишда намуна сифатида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ота-она синчков психолог, нозик дидли педагог, боланинг келажагини яратувчи башоратгўй бўлиши лозим. Агар ота-она боладаги истеъдод қуртакларини ўз вақтида сезиб, уларнинг ривожланишига шароит яратиб бера олса, бола шахсининг креатив китобхон бўлиб камол топишига катта йўл очади.[3.1] Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бадий асар ўқиган одам ҳаётда ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунар экан. Мутолаа мия фаолиятини яхшилайти. Тадқиқотларда аниқланишича, доимий равишда китоб ўқийдиган инсонларда фикрлаш қобилияти бошқаларга нисбатан секинроқ пасаяр экан. Мутолаа ёзувчилик қобилиятини ривожлантиради. Китоб ўқиш жараёнида муаллифнинг ёзиш услуби ҳам ўқувчига таъсир кўрсатади. Мусиқа тинглаш жараёнида мусиқачининг услуби тингловчига

Ўтгани сингари ёзувчининг услуги ҳам ўқувчининг ёзиш услубига таъсир ўтказди. Мутолаа чет тилини ўрганишни осонлаштиради. Доимий равишда китоб ўқиш бошқа тилларни ўрганишга, янги сўзларни осон тушунишга ва ёдда сақлаб қолишга ёрдам беради. Чунки доимий равишда китоб ўқиб юрган инсоннинг эса сақлаш қобилияти ҳам ривожланиб боради. Мутолаа тинглаш қобилиятини ривожлантиради. Қанчалик ғалати туюлмасин, китоб ўқиш тинглаш қобилиятини оширади, бошқаларни осон тушунишга ёрдам беради. Оилада бошқа инсонлар гапини бўлмасдан эшитишга ҳам ўрганади. Чунки китоб ўқиш учун сабрли бўлиш керак инсон, мутолаа ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради.[3.2]

Обафеми Аволау университети педагоглари таълим олувчиларнинг машғулотларига мавзули комиксларни киритишганида, суратлар ва сўзлар аралашмаси болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини оширишини аниқлашди. Китоблар катталарга ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. Биргаликда китоб ўқиш ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини яхшилади.[4,42] Психологлар биргаликда китоб ўқиш жараёнида ота-оналар ва болалар ўртасида ўзига хос муносабат ўрнатилади деб ҳисоблашади. Уларнинг айтишларича, бундай муносабат биргаликда телевизор кўрганда асло пайдо бўлмайди. Кўп китоб ўқийдиган болалар дарсларни яхши ўзлаштиришади. [5,8]

Китобхон оила фарзандлари, келажакда ўз ўрнига эга, мустақил фикрга, ҳар қандай муаммоли вазиятда ҳам чиройли ечим топиб, ижобий хулоса чиқара оладилар. Таълимдан ташқари берилган барча мустақил ишларни бажаришда ота-онага катта масъулият юклайди, улар ўқитувчи билан теппа-тенг фаолият олиб боришсагина кутилган натижага еришилади. Негаки, ўйин фаолиятидан эндигина синф-дарс тизими, таълим-тарбияга қадам кўйган вақтда ўқувчини бездириб кўйиши – унинг қизиқишларини сўндиришга олиб келиши мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, китобхон оилада камол топган фарзандлар ҳеч камида ижодкор, машҳур шоир ёки ёзувчи бўлиши

аждодларимиз намунаси орқали барчамизга маълум. Ота ва она бола тарбиясида баб-баравар масъулиятлидир, дейди Довоний. Албатта, мана шу маъсулиятни ота-она биргаликда ҳис қилиб, оилавий китобхонликка – фарзанди, оила камолоти учун биргаликда ҳаракат қилсалар, бундай оила, ўқувчиларнинг креатив қобилиятини ривожлантиришда чинакам таълим субъекти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М “Эркин ва фарвон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”.-Тошкент: “Ўзбекистон НМИУ, 2016-56 б.
2. Ҳайитова Ф.А “Китобхонлик – миллат кўзгуси” конференциялар тўплами. Тошкент, 2018
3. Холмўминова О. Ж “Оила – таълим ва тарбия субъекти сифатида”, конференциялар тўплами. Самарқанд, 2018.
4. “Kitob va kitobxonlik – inson ma’naviyati ko‘zgusi” internet ma’lumotlari <http://www.uzdon.uz/uz/news/info/events/873/>

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА УНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

*Тўраев Х., Андижон машинасозлик институти
Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
turaev67@gmail.com*

Аннотация: Ушбу мақолада барқарор турмуш тарзини соғлом асосга қуриш феномени антик даврдан то шу кунгача турли илмий-назарий таъриф ва талқинларга эгаллиги, унинг ҳозирги таърифида соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти, баркамол авлод тарбияси мазмуни ўзига хос ўрин тутиши юзасидан фикрлар берилган

Калит сўзлар: соғлом турмуш тарзи, гигиена, назарий ва амалий билимлар
Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан асосланган ўзига хос турмуш тарзи таркиб топмоқда. Бундай барқарор тараққиётни белгиловчи муҳим омил соғлом ҳаёт, миллат саломатлиги негизини ташкил қилади.

Барқарор турмуш тарзини соғлом асосга қуриш феномени антик даврдан то шу кунгача турли илмий-назарий таъриф ва талқинларга эга. Унинг ҳозирги таърифида соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти, баркамол авлод тарбияси мазмуни ўзига хос ўрин тутди.

Умумий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилувчи шахс ижтимоий-касбий функцияларни бажаришида организмни ички қувват захиралари асосида ривожлантириш, бойитиш, ташқи муҳитнинг турли таъсирларига тез мослаша олиш хусусиятларини шакллантириш қобилияти соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти деб эътироф қилинади.

Жисмоний камолотга эришиш соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти таркибида рационал кун тартиби унинг кундалик, ҳафталик, ойлик, йиллик, керак бўлса, умр охиригача «оптимал» деб белгиланган ҳаракат фаоллиги даражаси билан боғлиқдир. Унга оид назарий ва амалий билим-малакалар соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти машғулотлари орқали шаклланади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги давр босқичида баркамол инсонни тарбиялаш энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Шундай экан, мамлакатимизда соғлом авлод дастури ҳаракатининг кенг тус олгани, таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга ошириш ёълидаги қадамдир. [1]

Комил инсон руҳан тетик, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш,

саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, соғлом ва чиниққан қилиб тарбиялаш педагог ва тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, ота-оналар ва

кенг жамоатчилик олдида турган юксак вазифалардан биридир

Ҳукуратимиз томонидан ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини яхшилаш ва ҳимоя қилиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, “Соғлом авлод” жамғармаси тузилди ва “Соғлом авлод” ордени таъсис этилди. Она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир.

Ватан ва жамият соғлом инсонларнинг онгли фаолияти натижасида раванк топади. Айниқса, Ватан тараққиётининг келажаги ёш авлод зиммасига тушади. Соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, усул ва услубиятлари мавжуд бўлиб, унинг омиллари ҳам кўп. Бола тарбияси энг маъсулиятли, баъзан эса оғир, бироқ айна вақтда олийжаноб ва қувончли вазифа ҳисобланади, бола тарбияси билан ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва мактабларнинг муаллимлари шуғулланадилар. Мактабларда ўтказиладиган таълим-тарбия болаларнинг ёшига хос анатомик-физиологик хусусиятларини ва гигиена талабларини ҳисобга олмасдан уюштирилса, бу улар организмнинг ривожланишида турли салбий ўзгаришлар юзага келтириши мумкин. Ақлий меҳнат билан шуғуллангандан кейин, албатта, дам олиш, бадантарбия машқлари билан шуғулланиш лозим (керишиш, гавдани пастга эгиш, ўтириб-туриш) ва ҳатто, уй ичида айланиб юриш чарчоқни ёзиб, иш қобилиятини тиклайди.

Мускулларни фаоллаштиришнинг ўта муҳимлиги, самарали (оптимал) жисмоний ҳаракатларнинг саломатликка ижобий таъсири қандай намоён бўлади? Бу масалани тадқиқотчи Ю.И.Евсеев (2008) “Фаол ишлаётган мушак-

лар, мускуллар, импульслар оқимини юзага келтириш назарияси” асосида изоҳлайди. Бунда ҳаракатдаги бу импульслар организмда модда алмашинуви, асаб системаси ва бошқа барча органлар фаолиятини барқарорлаштириш, тўқи-маларнинг кислороддан фойдаланиш ҳолатини яхшилаш, танада ортиқча ёғ ҳосил бўлиш ва тўпланишига йўл қўймаслик ҳамда ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларидан организмни ҳимояланиш қобилиятини кучайтиради, деган хулоса келиб чиқади.

Агар ҳаракат фаолиятига жалб қилинган мушаклар гуруҳи етарли даражада тонус, таранглик ёки зарурий даражада ривожланганлик, жисмоний тайёргарликка эга бўлмаса им-пульсларнинг ички органларга таъсири суст бўлиши, органлар иши нормал кечишига салбий таъсир қилиши, ривожланган мушаклар эса фақат чиройли кўриниш, адл қадди-қомад учун етарли эмаслиги ўз-ўзидан аён. Жисмоний камолотга бефарқ қаровчи, ҳаракатни ёқтирмайдиган турмуш тарзи билан ҳаёт кечирувчи ёки суст ҳаракатланувчи шахс мушаклари ривожлан-маган-лиги оқибатида им-пульсларда қувват даражаси ва унинг таъсир кучи пасаяди, бу нарса бош мия, сўнг бошқа ички органлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Натижада нерв ҳужайлари қувват заҳираси, иммуниал ҳимоя даражаси кескин пасайиб, ошқозон-ичак тракти, остеохандроз, радикулит ва бошқа касалликларга чалиниш хавфи кучаяди, модда алмашинуви бўзилади, ёғ ҳ-жайралари кўпаяди, тана массаси ортади. Бу дегани вазн ортиши, юрак, оёқ, кўл, бўғинлар, нафас ва бошқа аъзолар фаолияти қийинлашади, организмда ҳаётий заҳиралар тез ва бесамар сарфланади демакдир. Бинобарин, “жисмоний маданият-ҳаракатлар занжири. Қачонки, бу занжир ўзилса, инсон ум-ри ҳам ўзилади”[2].

Асримизнинг асосий хусусиятларидан бири замондошимиз ҳаракат фаоллигининг чекланиб қол-ганлигидир. Бундан 100 йил аввал 96% меҳнат мушаклар кучи ва қуввати ҳисобига бажарилган (академик И.А.Берг) бўлса, ҳозир инсон фаолиятининг 99% ни механизмларга юклатилган. Гиподинамия,

гипокенезия, чегараланган жисмоний юкламалар организм функционал ҳолати камайиб кетишига олиб келмоқда, руҳий сусткашликлар натижасида бу жараён янада тезлашиб бормоқда. Ўзоқ умр кўрувчилар ҳаёт тарзини ўрганиш улар орасида ўта ҳара-катчанлиги боис умуман пессимистлар, ҳар нарсадан камчилик ахтарувчилар, ҳаётдан норизо, жаҳлдор, димоғдор, одамлар камлиги аниқланган. Демак, “Жаҳлдорлар ўзоқ яшамайди” деган ибора бежизга айтилмаган.

Жисмоний камолотга эришишдаги фаоллик талаб даражасида бўлса, субъектнинг эмоционал ҳолати юқори, кайфияти яхши бўлади, юзида қизиллик, мускулларида “хурсандчилик” жўш уриб туради, бинобарин, жисмоний машқ билан шуғулланиш инсон мускулларига тетиклик бағишлайди, организмнинг жисмоний юклама, тизимли машқларга кўникиши таъминлайди. Бу - соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятини эгаллашнинг дастлабки қадами ҳисобланади.

Шундай қилиб, шаклланаётган ёш авлод соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти соҳиби сифатида ўзида жисмоний ва маънавий гўзалликни уйғунлаштирмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари.-Т.: Адолат, 2006. 81 б.
2. Ашмарин, Б.А. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси: Дарслик / Б.А. Ашмарин. Москва: Таълим, 2018. 287 б

ТИЛ - МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Рустамова Феруза Махмуджановна
Андижон иқтисодий ва қурилиш институти
“Ижтимоий ва иқтисодий фанлар” кафедраси ассистенти
Вахобжонова Муштарий
”Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йуналиши талабаси.

Аннотация. Бу мақола Давлат тили ҳақидадир. Ушбу мақолада ўзбек тилини тарихи кенг очиб берилган. Тил-бу маданият, халқ анъаналаридир. Ёш авлод миллатимиз анъаналарини ва маданиятини ривожлантириши ва сақлаши кераклиги ҳақидадир.

Калит сўзлар: тил, анъана, мерос, омиллар, маданият, ривожлантириш

Мустақилликка илк қадамлар ташланаётган даврдаёқ Биринчи Президентимиз томонидан ўзбек тилига давлат мақоми бериш масаласи кун тартибига қўйилиб, бу иш амалга оширилган эди. Она тилимиз – ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди. Бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Агар ўшанда тил тўғрисида қонун қабул қилинмаганда эди, ўзбек тили ҳам тарих саҳифаларидан жой олган бўлармиди?! Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. “Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади... Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади” -деб таъкидлаган эди И.Каримов.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Она тили – миллатнинг руҳидир. Тил — давлат тимсоли, мулки. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

Тил ўзлигимизни англашнинг бош белгисидир. Халқимизда «Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас», деган ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган. Аввало, она тилимиз қадрига етсак, ўзга тиллар аҳамиятини англаймиз, ҳис қиламиз. Чет тилларни чуқур ўрганиб, керакли ўринда фойдаланишимиз фойдадан холи бўлмайди. Аммо, уларни бўлар-бўлмасга тилимизга қориштириш яхши эмас.

Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, урф-одатини акс эттирувчи кўзгудир.

ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига кўра, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тиллар сони 8 мингтагача етган бўлса, ҳозирги кунда сайёрамизда 6 мингдан зиёд тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатлар тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан ҳам бебаҳра. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имкони йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологиялар ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб

бораётганини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини муносиб нишонланди.

Бугун миллат билан бирга яралиб, шонли тарихнинг барча сокин ва суронли даврларини миллат билан ҳамнафас босиб ўтиб, миллат дарду қувончига шерик бўлиб келаётган, Ватан янглиғ бепоён ва муқаддас, она каби мўътабар ва мунис, жон каби яқин ва азиз ўзбек тилимизнинг мақому мартабаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан яна бир қарра юксалди, эъзоз топди.

Ўзбек тилимиз “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк кадриятдир” дея улуғланади ушбу қарорда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев - “ Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда” — дея таъкидлаган эди.

Биз Давлат тилининг асосий тарғиботчиси, ҳимоячиси бўлган ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимизни ўзбек тили тараққиёти йўлида бирлашишга, ҳамкор, ҳамфикр бўлишга чорлаб қоламиз.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий

тушунчалар асосида таракқий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Тўлаганов. Она тили – миллатнинг руҳидир. Халқ сўзи. 21.02.2018
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 04.10.2019 й. N ПҚ-4479
3. Қ.Очилов Тил ва эҳтиёж. “Тулистон” журнали 2020 йил 4-сон

TIL VA YOSH AVLOD TARBIYASI

*Temirova Gulsanam Abdusamatovna,
Andijon viloyati, Izboskan tumani,
8-o`rta maktab o`qituvchisi*

Annotatsiya. Maqolada til va tarbiyaning bugungi kundagi ahamiyati, yosh avlodning tilga bo`lgan e`tibori, muhabbati haqida soz boradi. Ushbu tushunchalar har qanday jamiyat va harqanday mamlakat hayotida hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Yosh avlodning tili va tarbiyasi bilan yetarlicha qiziqmagan va etiborsiz bo`lgan mamlakating kelajagi ham mo`rt bolishi tayindir. Shunday ekan yoshlarimizning hayotda adashishi, tuzatib bo`lmas hatolari tarbiyada yo`l qo`yilgan hato va befarqlikning yaqqol isbotidir.

Kalit so`zlar: islomiy tarbiya, tarbiyada ota-onaning ro`li, til va tarbiyaning so`z orqali ifodalanishi.

Bugun bilimdon yoshlarimiz juda ko`p .O`quvchilarimiz va talabalarimiz nafaqat Respublika fan olimpiadalari balki xalqaro fan olimpiadalarida ham yetakchi o`rinlarni egallab kelmoqdalar. Ularning aqliy saloiyatini ko`rib xursand bo`lasan kishi. Shu o`rinda qalb hazinasini boyitadigan, ruhiy kamolot sari eltadigan tilimiz

va tarbiyamizning ahamiyati yuksakligi, uning o`rnini hech narsa bosolmasligini alohida takidlashimiz zarur. Zero aql va qalb muvozanatiga erishgan insongina chinakamiga bahtli bo`la oladi. Til har qanday jamiyat va har qanday mamlakat hayotida hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Yosh avlodning tili va tarbiyasi bilan shug`ullanmagan mamlakatning kelajagi yoqdir. Bunga misol tariqasida yosh bola boshlangich ta`lim va tilga doir qoidalarni yod olganidan keyin u mashg`ul bo`lishi mumkin bo`lgan biron bir narsaga yo`llaymiz. Albatta buning uchun bolalarning maylini inobatga olamiz. Bundan roppa rosa bir asr oldin ma`rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy tarbiya haqida bunday degan edi ”Tarbiyani kimlar qilur?Qayday qilunur? Bu savolga javoban; biirinchi uy tarbiyasidir. Bu onalar vazifasidir. Ikkinchi maktab tarbiyasidir. Bu otalar ,muallim va hukumat tarbiyasidir. Yoshlarning tilga bo`lgan etibori va tarbiyasi –hayot mamot masalasi ekanlgini juda yahshi bilamiz. Chunki o`z tilini hurmat qilmagan, tarbiyasi mo`rt bo`lgan mamlakat yoshlaridan jamiyat, mahalla, oilasi uchun ham hech qanday naf yo`q . ”Olamda eng avval inson aqli bilan yaralgan aql qalb posbonidir. Aql yana uch qo`riqchi; til, ko`z, quloqning ustidan ham posbonlik qiladi. Zero, ezgulik va yovuzlik aynan ana shular orqali qalbgga kirib boradi” degan buyuk mutaffakkir Abulqosim Firdavsiy. Darhaqiqat, tilimizdan oldin qalbimizni tarbiya qilishni yoshlarimiz ongiga sindirishimiz zarur. Chunku,so`z qalbdan kelib, tildan chiqadi. Til va tarbiya bir-biriga chambarchas bog`liqdir.O`zbekiston mustaqillikga erishgach til va yoshla tarbiyasiga va unga bog`liq jarayonlarga sog`lom yondashuv qaror topa boshladi. Tilimizning milliyligiga alohida e`tibor qaratilmoqda. Buyuk mutaffakkirlarning pedagogik qarashlari sinchikovlik bilan o`rganilmoqda. Sho`rolar pedagogikasida til orqali harqanday odamni istalgan qiyofaga solish mumkin degan qarash hukmron bo`lganligi uchun ham shaxsni shakllantirishdagi o`rniga ortiqcha baho berildi. Tarbiyalanuvchi shaxsning tilga berilish yoki berilmaslik hususiyatlarini hisobga olinmasligi tarbiyaviy tadbirlarga mahliyo bo`lishdek pedagogik hatolikga olib keldi. Buning natijasida til maqsadsiz bo`lib qoldi. Tarbiyalanuvchilarga alohida shaxs sifatida emas, istalgan ijtimoiy yo`nalishga solishga mumkin bo`lgan

qiyofasiz olomon tarzida qarash qaror topdi, bi hol tilning samarasizligiga olib keldi. Til va tarbiya ta’lim bilan chambarchas holdagina mavjud bo’ladi. Chunki til va tarbiya har qanday jamiyat va har qanday mamlakat hayotida hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Tarbiya shaxsda muayyan ruhiy, ahloqiy ma’naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan jarayondir. Tarbiya insonning insonligini taminlaydigan eng qadimiy va abadiy qadriyatdir. Tilsiz va tarbiyasiz inson jamiyatda mavjud bo’la olmaydi. Chunki inson jamiyat mavjudligini taminlaydigan qadriyatdir. Til va tarbiya tufayli bi ravlodan boshqasiga o’tadi. Odam til bilan boshqa hayvonlardan imtiyozlidir. Uning tili orqali boshqa odamlardan afzalligi bilinadi. Til shuncha sharafi bilan nutqning qirolidir. Ko’pincha til bilan berilgan jarohat qilich bilan yetkazilgan jarohatdan og’irroqdir. Tilning vazifasi shuki unda kishi bir narsani aytganda boshqa bir kishi uning maqsadini to’liq anglashi kerak. Qalblar ham qozon kabi ichidagi bor narsasi bilan qaynab turadi. Tillar esa uning cho’richidir degan edi Yahyo Ibn Muos. Til va tarbiya faqat oila, maktab, bolalar va yoshlar tashkilotida olib boriladigan tarbiyaviy ishlarni emas, balki butun ijtimoiy tizim, unug yetakchi g’oyalari, adabiyot, san’at, kino, radio, televideniya va boshqalarni o’z ichiga oladi. Shuningdek keng ma’nodagi til va tarbiya tusunchasi o’z ichiga ta’lim va ma’lumot olishni ham qamrab oladi. Shu o’rinda Abdulla Qahhorning quydagi so’zlari yodimizga tushadi: “Nima uchun ko’cha harakati qoidasini buzgan kishiga militsiya hushtakchaladi –yu, butun bir tilni buzayotgan odamlarga hech kim hushtak chalmaydi”. Darhaqiqat dili va tili bir bo’lmagan inson yuz tilni bilsa ham tilsiz sanaladi. Hadisi shariflarda “ Bolalaringizga odob beringlar va odoblarini chiroyli qilinglar” deyilgan edi (Imom Muslim rivoyati.) Tarbiya haqida Imom G’azzoliyning “Ihyou Ulumud din” kitobida bunday deyiladi:” Bola ota-ona qo’lidagi omonatdir, unung qalbi turli naqsh va rasmlardan holi, qanday naqsh solinsa qabul qiladi, nimaga moyil qilinsa, moyil bo’laveradi. Agar yaxshilikka undalsa va o’rgatilsa soadatli bo’ladi, ota-onasi hamda odob, ta’lim tarbiya bergan ustozlariga sherik bo’ladi, agar yomonlikka undalsa halok bo’ladi. Muborak hadislarda hech bir ota-ona farzandiga go’zal tarbiyadan ko’ra qimmatliroq meros

qoldira olmaydi deyilgan. Muhtasar qilib aytganda mamlakatimiz aholisining 64 foizini yoshlar tashkil etadi. Ularni ulg'ayib, komil inson bo'lishlari uchun yangi 2021- yilda ulkan imkoniyatlar eshiklari ochilishiga shubha yo'q. Zero muhtaram yurtboshimiz buni har jihatda bayon qilib bergan.

Foydalanilgan adabiyotlar royhati:

- 1.Imom G`azzoliy.”Tavba kitobi”
- 2.Abdulla Avloniy “Turkiy Guluston Yohud Ahloq”
- 3.Imom G`azzoliy.”Hyuo Ulimid –Dil”
- 4 Hadislar to`plami. Imom Muslim rivoyatlari.
- 5.Muhammad Atiya.”Islomiy tarbiya va uning falsafasi.”
- 6 .“Til va adabiyot” jurnali.

YER YUZIDAGI ENG MASHHUR TIL

*To'ychiyev Abdumalik
Tursunovich,
“Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi”
kafedra assistenti
Madaminova Inoyatxon Olimjon qizi AnDMI
“Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi”
Mutaxassisligi 1-kurs talabasi*

Annotatsiya: Ma'lumki, o'zlikni anglash milliy ong va tafakkurni ifodasi, avlodlar o`rtasidagi ruhiy – ma`naviy bog`liqlik til orqali namoyon bo`ladi. Zamon bilan ham nafas yashash uchun esa chet mamlakatlari bilan o`zaro aloqalar bo`lishi muhimdir. Bu bog`liqlikning poydevori bo`lib xizmat qiladigan predmetimiz bu tillardir.

Kalit so`zlar: til, davlat, o`lik tillar, tirik tillar, paleolit, kompyutr, smartfon.

Inson zoti borki kundan kunga taraqqiylashib, rivojlanib bormoqda. Komyutr, smartfonlar, turli detal va aparatlarni yasab chiqaradigan dastgohlar mavjud zamonda yashsayapmiz. Haqiqatdan ham XXI asr elektronika, texnologiya asri desak to`g`ri bo`ladi. Xo`sh bularning bu taraqqiyotning o`tmishi, boshlanish davri, qisqacha qilib aytganda insonlarning rivojlanishiga asosiy sabab nima bo`lishi mumkin? Albatta bu biz insonlarning nutqimiz, bir-birimiz bilan so`zlasha olish qobilyatimiz bu kabi rivojlanishning poydevori bo`lib xizmat qiladi. Odamlar bir birlariga o`z fikrlarini so`zlar bilan, imo ishoralar bilan ma`lum bir tillarda tushuntirib muloqot qiladilar. Qadimgi paleolit davri, ya`ni Insoniyatning Ibtidoiy jamoa tuzumidan boshlab hozirgacha bo`lgan davrlarda bir necha minglab tillar almashinuvi ro`y bergan va hozir ham bu jarayon davom etmoqda.

Biz sizlar bilan dunyo tillarini o`rganar ekanmiz, ularni ikkiga bo`lib o`rganishimiz maqsadga muvofiqdir. Chunki tillar har yuz yillik va hatto bir necha o`nyillikda o`zgarib borishi kuzatilmoqda. Masalan, Qadimgi Yunon tili, Lotin tili, Qadimgi Slavyanlar tillari hozirgi kunda juda ko`plab guruhlarga bo`linib ketgan. Keling avvalo dunyo tillarini ikkiga bo`lib olaylik:

- 1) O`lik tillar
- 2) Tirik tillar

O`lik tillar guruhiga yuqorida aytilgan Lotin, Yunon, Qadimgi Slavyan, Prus, Vestgot, Gall, Qadimgi Fors, Eski O`zbek va shunga o`xshash jonli iste`moldan chiqqan, ya`ni foydalanilmayotgan tillar kiradi. Bu kabi tillarning yuqolib ketishining asosiy sababi mustamlakachilik paytida biron davlat yoki qabila boshqa to`dalarni jangda mag`lub qilgandan so`ng o`zlarining tillarini majburan mag`lub tomon xalqiga singdirgan yoki aksincha mag`lub tomon tillarini o`zlari o`rganishgan. Masalan: Qadimgi Rim imperiyasi davrida Galiya qabilasi bo`ysindirilgandan so`ng Rim imperiyasi tili majburan yo`lga qo`yilgan bo`lsa, milodiy IV-V asrlarda German qabilalari tomonidan Rim imperiyasi ish`ol qilinib German qabilalari imperiya tilini o`rganib olishgan. Tillarning yo`qolib ketishining yana bir asosiy misollaridan biri bo`lgan Lotin tili juda mashhur bo`lishiga

qaramasdan hozirgi kundagi ingliz, fransuz, ispan, portugal, italyan va nemis tillarga bo`linib parchalanib ketgan. Lekin hali hanuzgacha o`z meroslarni shu tillarda mujassamlashtirgan: chunki bu sanab o`tilgan tillarning qariyb hamasi lotin alifbosiga asoslangan bo`lib, o`zgartirishlar kiritilgan holda ishlatilib kelinmoqda. Qadimgi slavyan tili ham, xuddi shu tarzda parchalanib, rus, belarus, Ukraina, Moldava, Ruminiya, Latviya, Litva kabi turli mamlakatlar davlat tiliga asos bo`lgan. Garchi bu mamlakat tillari bir biridan ma`lum darajada farq qilsada lekin bularning kelib chiqishi, ajdodi, alifbosi bir xil edi, hozirgi alifboga o`zgartirishlar kiritilib davlat tiliga aylantirilgan. Biz dunyo tillari tarixi bilan ozmi ko`pmi xabardor bo`lib ma`lumot oldik, endigi navbat hozirgi hayotimizga ishlatiladigan jahon tillari mavzusiga to`xtalsak qaysi bir til jahonda mutlaq ustun. Bu mas`alada turli insonlarning fikri turlicha bo`lib, ba`zilar ingliz tili desa, ba`zilar rus tili deyishadi,ba`zilar esa fransuz yoki arab tillari afzalroq deyishlari mumkin. Lekin hozirgi kunda eng aholisi ko`p bo`lgan Xitoy tili ham kata ahamiyat kasb etadi. Dar haqiqat bu tilde bir milliarddan ziyod inson so`zlashadi. Bizlar bu savolga javob topishimiz uchun avvalo tarixga nazar solishimiz va kelajakka ongli ravishda boqishimiz lozim. Quyida bu gapning isbotini ko`ramiz:

Bizga ma`lumki XVII-XX asrlarda dunyoni bo`lib olish harakati, mustamlakachilik siyosati juda avj oldi. Bu jarayonga daxldor eng muhimlarini sanab o`tadigan bo`lsak bu mamlakatlarga Angliya, Fransiya, Germaniya, Ispaniya, Italiya, Turkiya, Rossiya, Portugaliya va o`rta asrlarda kuch qudratga to`lgan Arab xalifaligi misol bo`la oladi. Bir gina Angliya o`z yer maydoni 300 ming km² bo`la turib 30 million km² yer maydonlarini zapt etib o`zig abo`ysundirgan. Asosiy katta hudud mustamlakalariga, AQSh, Kanada, Hindiston, Avstraliya, Misr va Afrika mamlakatlari mamlakatlarini mustamlaka qilib olgan. Yoki Rossiya mamlakatini olsak butun O`rta osiyoni, Bolqon dengizi atrofidagi mamlakatlarini bosib olgan. Germaniya bilan Fransiya ham mustamlakalardan bebahra qolmaganli sizu bizga sir emas. Ispaniya va Portugaliya Janubiy Amerikaning ko`plab mamlakatlarini bo`ysundirganlar. Hozirda ko`plab Janubiy Amerika davlat tillari Portugal yoki

Ispan tillaridir. Angliya mustamlakalari bo`lgan, Hindiston, Avstraliya, Kanada va AQShda ham ingliz tili juda muhim rol o`ynaydi. Osiyo mamlakatlarida turkey tillar, fors-tojik tili, rus tili, arab tili va asosiy so`zlashuv tilidir.

Endi qaysi tilni o`rganish muhim? Keling endi mavzuga boshqacha nigoh bilan nazar solamiz. Biz O`zbekistonda yashayapmiz, shu yurtning bir bo`lagimiz. Yuqorida sanab o`tilgan tillarning hech qaysi biri jonajon o`zbek tilimizga teng kela olmaydi. Ona tilimiz juda chiroyli, lig`aviy jihatdan boy, hisoblanadi. Bolaligimizda tilga kirib birinchi aytgan so`zimiz anashu tilimizda chiqdi. Yaqinlarimiz bilan shu tilde so`zlashamiz, quvonamiz, qayg`uga tushamiz, xayol suramiz, ya`ni ongimizda biron narsani tahlil qilsak ham o`zbek tilida amalga oshiramiz. Lekin shu joyida afsuski lekin degan so`zni aytishga majburmiz. Bizlar dunyo taraqqiyoti, ilm fani bilan barobar ketishni xohlasak chet tillarini o`rganishga majburmiz. Hozirda ko`plab texnika dasturlari ingliz tilida yozilmoqda. Buning sababi hozirgi kunda AQSh dunyo bo`yicha har tomonlama birinchi o`rinda turibdi. Goh im-fan, goh elektronika deymizmi, harbiy sohani olamizmi, iqtisodiy jihatdan qaraymizmi har tomonlama rivojlangan mamlakat. Tabiiyki ularning davlat tili ingliz tilidir. Demak biz yoshlarga kerak bo`lgan eng muhimlari ingliz tili, rus tili, nemis tili va yapon tilidir. Yurtimizga munosib xizmat qilmoqlikni istasak shunga intilishimiz lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Nurmonov A, O`zbek tilshunosligi tarixi, T.,2002
2. X.T.Odilqoriev, D.X. Razzaqov, Siyosatshunoslik.2008

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИЯНИ ЎРНИ

*Ураимова Матлубахон Маматисақовна
Андижон Абу Али Ибн Сино номидаги
жамоат саломатлиги техникуми психологи
uraimovamatluba@gmail.com*

Аннотация: Қуйидаги мақолада ҳозирги таълим тизимимизда психология фани бир қанча фанларга ўзини ижобий ва салбий хусусиятларини очиб берилди. Турли психолог олимларни фанга оид фикр мулоҳазалари ўрганилиб, уларни фикрларини қиёсий талқинда таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Психология, педагогика, таълим, тарбия, ижтимоий психология, психодиагностика, психокоррекция.

Мамлакатимизда ижод мактаблари, президент мактабларини ташкил этишдан кўзланаётган асосий мақсадлардан бири ҳам ижодкорликни ривожлантиришдир. Ҳозирги таълим тизимимизда ўқувчилардаги ижодкорлик хусусиятини ривожлантиришга алоҳида талаблар қўйилмоқда. Шу талаб ва мақсадга мос равишда психология ва педагогика фанларимизда ижодкорликни ривожлантириш услубияти, технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак эканлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Лекин ҳозирча психолог ва педагогларимизнинг фаолиятларида бу масалани тезроқ ва атрофлича тадқиқ этишга интилиш сезилмаяпти.

Тарбия жараёнида уқтиришнинг муҳимлиги шундаки, ўқувчиларда унинг ёрдамида ижобий сифатларнинг зарурлигига ишонч ҳосил қилиш орқали бу сифатлар онгостига сингдирилади. Бунга фақат панд-насихат қилиш йўли билан эришиб бўлмайди.

Мамлакатимиздаги университетларнинг ўқув режаларига ўқитувчилар учун зарур бўлган педагогик психология ва ёш даврлари психологияси, ижтимоий психология, психодиагностика, психокоррекция сингари фанлар киритилмаган. Ҳозирда психологиянинг ўқитувчилар учун мутлақо зарур

бўлган бу соҳалари бўйича етарли билим олмаган битирувчиларнинг 90 фоиздан ортиқроғи мактабларга ўқитувчилик қилиш учун бормоқда.

Таълимда ўқитувчининг асосий вазифалари тушунтириш, уқтириш ва шу усуллар ёрдамида ўқувчиларга билим бериш ва тарбиялаш. Таълим жараёни қисман, тарбия жараёни эса, асосан, онгостига таъсир ўтказиш орқали амалга оширилади. Онгостига таъсир қилмай ҳам таълим ва тарбия тадбирларини ўтказиш мумкин. Аммо бундай тадбирларнинг самарадорлиги жуда паст бўлади.

Тиббий психолог, профессор Абдуллажон Бегматов мамлакатда психология соҳасига оид муаммолар ҳақида ўз фикрлари билан бўлишди. Психология университетини очиш тўғрисидаги президент қарорининг лойиҳаси 3 январга қадар жамоатчилик муҳокамасида бўлди. Психологияга оид муаммоларни ҳал қилиш мамлакат тараққиёти учун нақадар муҳимлигини шундан ҳам билса бўладики, уларни ечиш нафақат таълим ривожига, балки иқтисодиётдан тортиб спортгача, тиббиётдан тортиб тадбиркорликкача бўлган соҳалар тараққиёти тезлашишига сезиларли таъсир ўтказади.

Ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жаҳон психология фанида мавжуд хулосаларга кўз югуртирсак, аввало, ижодкорлик яна ўша онгостида шаклланиши ва ривожланиши маълум бўлади. Ижод мактабларимизда ишлаётган ўқитувчи ва мураббийларда эса онгостининг тузилмаси ва хусусиятлари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор берилмаяпти. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолат бу вазифани бажара оладиган психологларнинг камлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Ижодкорликнинг доимий йўлдоши бўлган бир ҳодиса бор. Бу илҳом деган ҳодисадир. Агар ўқувчиларда ижодкорликни шакллантириш жараёнида уларда илҳом уйғотиш муаммосини ҳал қила олсак, олдимизга қўйилган мақсаднинг ярмига етган бўлар эдик. Бу вазифани бажариш учун ҳам онгостига мурожаат қилишимиз ва у билан ишлашимиз керак бўлади.

Психологиянинг мамлакатимизда энг кам ривожланган, эндигина оёққа туриб келаётган соҳаларидан бири спорт психологияси ҳисобланади. Бу йўналиш бўйича Жисмоний тарбия ва спорт университетида мутахассислар тайёрланмоқда. Бу университетнинг мазкур йўналишини тамомлаган мутахассисларнинг назарий тайёрлигини билмадим-у, лекин мен билганларим амалий жиҳатдан ўз йўналиши бўйича ишлашга тўла тайёр эмас.

Спортчи маҳорати ўзи танлаган спорт туридаги зарур кўникмаларни қанчалик пухта эгаллашига боғлиқ. Кўникмалар эса барча дарслик ва кўлланмаларда такрорланаётганидек, зарур амалларни кўп марта такрорлаш натижасида шаклланади. Спортчи зарур кўникмани шакллантириш учун уни юзлаб ва минглаб марта такрорлайди. Бу кўникмалар онгда эмас, онгостида шаклланади.

Шунинг учун мураббий ёки жамоа психологи онгостига таъсир ўтказиш усулларида хабардор бўлса, зарур кўникмаларни шакллантириш жараёнини бир неча марта тезлаштириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат спорт, балки, таълим-тарбия, тиббиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам психология фанида вужудга келаётган янгиликларни ўрганиш ва имкон борича амалиётга тадбиқ қилиш Янги Ўзбекистоннинг тезроқ шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Э.Ғозиев, 1-китоб, “Умумий психология”, Тошкент, 2009 йил.
2. “Психология тарихи” pdf.
3. Н.И.Халилова, З.Нишонова, Н.Муллабоева “Педагогика ва психология” маъруза матн, Тошкент 2019 йил.
- 4.Веб сайт <http://kutubxona.adu.uz>

ОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Алматова Махфуза Латифовна,
Андижон машинасозлик институти «Узбек тили ва адабиёти»
кафедраси ассистенти
Абдуллаев Максудбек Музробжон ўғли,
Андижон машинасозлик институти «Машинасозлик
технологияси» факультети
Иқтисод йуналиши 2- курс талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада ёш авлоднинг тарбияси ва уларнинг камолотида миллий қадриятларимизнинг ўрни беқиёс эканлиги, буюк аجدодларимизнинг бой маънавий ва маърифий меърослари асосий мезон эканлиги ёритилган. И

Калит сўзлар: қадриятлар, даҳолар, истикбол, урф-одат, экотарбия, тарихий меърос, жамият, миллийлик, тасаввур.

Бугун, биз ифтихор туядиган маънавиятимиз даҳолари, аждодларимиз шарофати ила бой утмиш анъаналаримиздан, тарих синовларига дош бериб, бизгача етиб келган урф-одат ва қадриятларимиздан ҳар қанча фахрлансак оз. Истиқлол шарофати билан қулга киритилган эркинлик халқимизга бошқа неъматлар қатори утмиш анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни ҳам қайтариб берди, шу билан бирга тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналаримизни, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги урни ва ахамияти қайта тикланди. Қувонарлиси шундаки, айна вақтда бутунжаҳон учун глобал муаммога айланиб улгурган маънавий қалоклик, миллийликни унутиш ва бу орқали узлигини унутиш каби иллатлар уч минг йиллик урф-одатларни эъзозлаган бизнинг халқимиз учун ётдир.

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Қаримов “Янгисини яратмай туриб, эскисини бузмаслик” тамойилини илгари сурди. Шунинг натижаси уларок, Ўзбекистоннинг маънавий - маърифий янгилаш ва ривожлантиришнинг уз йўлини белгилаб,

турт асосий негизи курсатиб утилган эди.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий - маърифий меъросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг уз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик.

Маънавияти юксаклигининг асосий қуринишларидан бири - бу уз тарихини билмоқ, утмиш аждодларини танимоқ, хамиша ёдда тутмоқдир, менинг назаримда. Шу нуқтаи назардан, истиқлолнинг илк кунларини , яъни 1991 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳри марказида Алишер Новой хайкали ва миллий бог барпо этилди, 1992 йилда хурфикр шоиримиз Боборахим Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланиб, Наманганда музей ҳамда бог ва хайкал барпо этилди, буюк мутасаввуф Бахоуддин Нақшбанд хазратлари таваллудининг 675 йилигини нишонлаш хақида қарор қабул қилинди. 1993 йилда Навруз-умумхалқ байрами хақида қарор, шунингдек, буюк олим Мухаммад Тарагай Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш хақида фармон эълон қилинди ва х.к.

Мустақиллик йилларида тарихий меъросга муносабат тубдан узгарди. Шурулар даврида хурофот дея қораланиб, тахқирланган халқимизнинг нодир дурдоналари булган қуплаб асарлар тадқиқ этилди ва қайта нашр қилинди, шу тариқа улар халқимизнинг чинакам мулкига айлантирилди. Қувонарлиси шундаки, муқаддас динимиз - ислом динига эътиқод эрки яна халқимизга қайтарилди. Зеро маънавиятимизни ота - боболаримизнинг дини булмиш Ислон динисиз тасаввур қилиб булмайди. Истиқлол даврида бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Диний ибодатга, урф-удумларга, маросимларга кенг йул берилиши, масжид-мадрасаларнинг, диний обидаларнинг таъмирланиши, янгидан қурилиши муқаддас китобимиз - Қуръони Карим таржимаси бутун дунёга машхур аждодимиз, хадисшунос олим Имом Ал-Бухорийнинг сараланган 4 жилдлик Хадислар мажмуаси каби

диний-маърифий китоблар босилиб чиққанлиги, Ўзбекистон фуқороларининг хар йили Хаж сафарига боришлари жуда хам қувонарли ҳолат ва бу қаторда Тошкент Ислон Университетининг бунёд этилиши, дунёга машхур уламолар юбилейларининг утказиб турилиши диний-маънавий кадриятларга янги муносабатларнинг яққол натижасидир.

Мустақиллик, эрк ва озодлик сингари муътабар онларнинг қулга киритилишида жонбозлик курсатган, хатто ўз жонини аямаган юртдошларимиз, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида хам мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди, хусусан, халқимизнинг миллий ўзлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш йулида бутун ҳаётини бағишлаган Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чулпон, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев сингари элимиз ардогидаги инсонларнинг номларини абадийлаштириш учун Қатағон қурбонлари хотираси, музейи – Ўзбекистон фан тизимидаги илмий-маърифий муассаса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тугрисида 2001 йил 1- майдаги фармони қабул қилинди ва шунинг асосида Тошкент шаҳрида Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуи 2002- йил 31- августда барпо этилди.

Ушбу далиллар мамлакатимизда халқимиз маънавий меросига билдирилаётган чуқур ҳурмат ва эътибордан далолат булиб, уни урганиш, тадқиқ этиб, келажак авлодга етказиш борасида олиб борилаётган саъи-ҳаракатлар давлатимизнинг маънавий соҳасига устувор сиёсат даражасида қараётганлигини курсатади. Шу боис мамлакатимизда бугунги кунда миллий урф-одат кадриятларни асраб авайлаш, уларни ёш авлод онгига сингдириш орқали боқийлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни куриб, дунё ахли хайратланаётганлиги бежиз эмас. Зеро, бизнинг халқимиз учун маънавий кадриятлар ҳамиша қадрли ва комил инсонни тарбиялашда юксак аҳамиятга эга муҳим восита – маънавий қуприк булиб ҳисобланади, келажак авлодни ана шу руҳда тарбиялаш орқали миллийлигимизни асраб - авайлаш, миллий

кадриятларимизни сақлаш ва авлоддан-авлодга етказиш, айниқса биз ёшлар учун доимо энг долзарб масала булиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев «Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистондавлатини биргаликда курамиз»
2. Гозиев Э.Г. Ижтимоий адабиёт ва ижтимоий амалиёт. Т., «Шарк», 2000
3. Очилова Г. Педагогика. Т., 2005
4. “Тил ва адабиёт» таълим журнали, 2020

БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

*Усмонова Ш. Эгамбердиева Д.
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологилар институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари*

Аннотация: Соғлом авлод ғояси миллий ғояга айлантирилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланишича, оилавий таълим ва тарбия жараёни, хусусан мактабгача таълим тизими бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди.

Калит сўзлар: соғлом бола, педагогик фаолият, оилавий таълим-тарбия, педагогик метод.

Мустақиллик йилларида соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, соғлом мафкура ва соғлом ғоялар, тиббий соғломлик баробарида жисмоний ва мафкуравий соғломлик нормалари педагогик илмлар мазмунига чуқур сингдирилди. Мактабгача таълим болада ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача таълим болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро

фондлар фаол иштирок этади. Бинобарин, оилавий таълим ва тарбиянинг соғлом бола ўстиришдаги ўрни муҳим бўлиб, унинг ўзига хос вазифалари кўлами мавжуд. Оила болани соғлом қилиб ўстиришда жуда муҳим бўлган илк босқичлардан бири саналади. Бунда оиланинг ўрни ва мавқеи бетакрордир. Шу боис соғлом бола шаклланишида унинг илк муҳим бўғинларидан бири бўлган оилавий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор зарур. Оилада соғлом бола шакллантирилишининг педагогик асослари, унинг педагогик метод, усул, восита ва йўллари назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик амалиётига айлантирган ҳолда миллий қадрият даражасига кўтариш зарур.

Нима учун оиланинг соғлом бола тарбия қилишдаги ўрни ва унинг вазифалари ҳар доим, айниқса ҳозирги замон учун долзарблик касб этади? саволининг туғилиши табиий.

Бола характери ва унинг шахсий қадриятлари тизими оилада илк бора кўлланила бошланади ва шакллантирилади. Уларнинг таркибида, оддий гигиеник талаблар қаторида, бола соғломлигини таъминлашга йўналтирилган ўзига хос мураккаб тиббий талаблар, яъни тиббий билим, малака ва кўникмалар тизими ҳам мавжуд. Тиббий билимлар жуда катта трансформациядан, яъни қайта англаниш жараёнидан ўтмоқда. Агар оила муҳитида соғломлик масалаларига, унинг замонавий мазмунига алоҳида эътибор қаратилмаса, боланинг тафаккури ва унинг ўз саломатлигига, атрофидагилар саломатлигига бўлган эътибор оқсай бошлайди. Бунинг ўзига хос ижтимоий оқибатлари ҳам мавжуд. Чунки оила институти барча мавжуд миллий анъаналарни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказувчи механизм ролини ҳам ўйнайди. Бир авлод, ёки биргина бола тафаккурида ўз вақтида шакллантирилмаган соғломлик ғоялари аслида бутун бир авлод анъаналарида соғломлик ғояларининг сиқиб чиқарилишига олиб келади.

Айнан мустақиллик йилларида соғлом авлод ғояси педагогик илмлар таснифига янгитдан жорий этилди ва саломатлик асослари таълим тизимининг

муҳим унсурларидан бирига айлантирилди. Бунинг натижасида таълим тизимида «Саломатлик алифбоси», «Тиббий билим асослари», «Инсон анатомияси ва физиологияси», «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Мактабгача гигиена ва педиатрия асослари», «Валеология», «Экологик тарбия», «Ёш физиологияси ва гигиенаси», «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш» каби махсус ўқув соатлари ажратилди, дарслик ва ўқув кўлланмалари яратилди. Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласининг ижтимоий, психологик, педагогик, иқтисодий, тиббий ва гигиеник аспектиларини ўз ичига қамраб олган «Жинсий тарбия ва оиладаги жинсий муносабатлар гигиенаси», «Оила педагогикаси», «Оилавий турмуш бўсағасида», «Талабаларни наркотик моддаларга қарши тарбиялаш» каби ўқув дастурлари таълим йўналишларида ўз аксини топди. Бироқ, боланинг соғломлик ақидаларини шакллантириш фаолияти мактабгача бўлган даврдаёқ бошланади. Бугунги кунда мана шу йўналишда ишлашимиз тақозо қилинади. Ўзбекистон телевидиеси орқали эфирга узатила бошланган “Оилавий” каналининг, шунингдек инсон саломатлиги асосларини тарғиб этувчи барча кўрсатувларнинг мазкур вазифаларни амалга оширишдаги ўрни жуда муҳим. Телевидение инсонлар тафаккури, уларнинг онгига йўналтирилган энг қисқа ва энг таъсирли йўл саналади. Жамиятимизнинг мана шундай каналга эҳтиёжи жуда баланд. “Оилавий” канали фаолиятини оилавий тарбиядаги соғломлик ақидалари масаласига йўналтириш жамият олдида турган улкан вазифани амалга ошириш учун кўмаклашиши табиий. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш жойизки, оилавий тарбияда соғломлик ақидаларига бағишланган илмий-назарий китоблар қаторида ота ва оналарга мўлжалланган турли методик кўлланма ва оммавий нашрларга бўлган эҳтиёж ҳам жуда баланд саналади. Мана шундай нашрлар қаторида “Ота-онанинг педагогик вазифалари ва уларни амалга ошириш методикаси”, “Педагогикада ота ва оналар роли ва ўрни”, “Оилада соғлом бола тарбия қилиш асослари”, “Бола тарбиясида ота-оналарга педагогик-психологик маслаҳатлар” каби нашрларни амалга ошириш

долзарблик касб этиб бормоқда. Чунки ҳаётимиз шиддат билан ўзгариб бормоқда, мана шу шиддатли замонда ота-оналарни педагогик билимлар билан қуроллантириш масаласи ҳам кундан кун энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олмоқда.

Оилада таълим ва тарбия фаолияти билан шуғулланувчилар таркибида катта ва кичик макон мавжуд. Кичик макон боланинг ота ва онаси саналса, катта макон бобо ва бувилар, тоға-холалар, амаки ва аммалар, умуман қариндош уруғларни ўз ичига қамраб олади. Мана шу тизим кўпроқ миллий урф-одатлар асосида ўз фаолиятини ташкил қилади. Унинг фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришида илмий-назарий манбаларга таяниши сустр кечади. Бунинг сабаблари, бир томондан, таълим-тарбия олиб боровчилар учун махсус педагогик билимларнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ўз маконидан ташқарига чиқиб кетиш иштиёқларининг мавжуд эмаслиги, бунга оила кадриятлари йўл қўймаслиги саналади. Бироқ замонавий оилаларда болаларнинг турли ахборот-коммуникация тизимларини яхши эгаллаганлиги оқибатида ёшлар орасида турли нотўғри ва ноахлоқий ахборотларнинг кенг тарқалаётганлиги ҳолати мавжуд. Шунга кўра, боланинг соғломлик ақидаларини шакллантирилишида ота-онага нисбатан ўзга таъсир кучи кучаймоқда, яъни бола манфаатларига аслида узвий боғланмаган ҳамда унинг муҳофазасини таъминлашни ўзининг бош вазифаси санамаган турли ахборот-коммуникация воситаларининг тарбиявий таъсири болага кўпроқ ва кенгрок бўлиб бормоқда. Бинобарин, ота ва оналарнинг тарбиявий мавқеини таъминлаш, уларни улар шуғулланиши зарур бўлган оилавий педагогик фаолиятга мақсадли тайёрлаш, улардан таълим ва тарбия менежерларини яратиш, уларнинг оилавий тарбиядаги масъулиятини ошириш баробарида давлат томонидан турли ёт ахборот-коммуникация воситаларининг бузғунчи таъсиридан болани ҳимоя қилиш тизимини кенг жорий этиш тақозо этилади. Агар мана шундай ноахлоқий ахборотларни тарқатаётган структураларга нисбатан жинойий чора-тадбирларни қўллаш ва таъминлаш кучайтирилса,

табiiй равишда ноахлоқий ахборотлар тарқатилишининг олди олинган бўлади.

Адабиётлар:

1. Мусурмонова О., Абдурахимова Ф. Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. -Б. 53.
2. Шарипова Д.Ж. Оиламнинг саломатлик сирлари. –Т.: UNICEF, 2000. – Б. 17.

БАРКАМОЛ ШАХС ШАКЛЛАНИШИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

*Қодирова Г.Т, Мажидова З.А.,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологилар институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари*

Аннотация: Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга қанчалик муҳим эътибор берилаётгани шунда ҳам намоён бўладик, бу вазифа фақатгина маълум синф ёки босқичда эмас, таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида амалга оширилиши лозимлиги дастурда аниқ белгилаб қўйилган.

Калит сўзлар: Миллий тизим, маънавий-ахлоқий тарбия, кадрлар тайёрлаш, диний бағрикенглик.

Ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш дастурнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Бу ҳақда Миллий дастурнинг мақсади ва вазифаларига бағишланган махсус бобда шундай дейилади: “Мазкур дастурнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир”. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш дастурнинг

асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланиши билан бирга, уни рўёбга чиқариш учун ҳал этилиши назарда тутиладиган вазифалар қаторида ҳам маънавийахлоқий тарбияга алоҳида ўрин ажратилади. Дастурда, жумладан, ”таълим олувчиларни маънавийахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” асосий вазифалар жумласига киритилган .

Ҳар бир халқнинг кучқудрати унинг маданияти ва маънавияти билан ўлчаниши ҳақида гапириб, И. Каримов шундай деган эди: ”сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳияти шахс ва жамият мақсадлари, орзу-умидларини акс эттирадиган, Ватан ва халқ ўтмиши ҳамда келажагини уйғунлаштирадиган, умрбоқий хоҳиширодасини амалга оширишга кўмаклашадиган ва бевосита ҳисса қўшадиган тарбиявий ғоялар тизимидан иборатдир. Шахснинг камолтопишида ахлоқий тарбиянинг ўрни қанчалик муҳимлигига аждодларимиз алоҳида эътибор берганлар. Тарбия жараёнини чуқурроқ таҳлил қилиш шундан далолат берадики, унда фақат тарбияланувчи эмас, тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланиб боради. Бу ҳолат укув машғулотларида ҳам, дарсдан ташқари тадбирларда ҳам, жумладан, маданиймаърифий тадбирларда ҳам яққол намоён бўлади. Дарсдан ташқари тадбирлар сифатида спорт машғулотлари, ўйинлари, мусобақаларининг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳар бир спорт тадбирларини ташкил этишда ўқувчиларнинг қизиқишларини, имкониятларини ҳисобга олиш уларнинг қизиқарлилигини оширади ҳамда шу орқали иштирокчилар ва томошабинлар ўртасида маънавий-руҳий яқинлик пайдо бўлади. Бу эса ҳар икки томоннинг бирбирларига тарбиявий, жумладан, ахлоқий-тарбиявий таъсир ўтказиши учун имконият яратади.

Тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш шахс шаклланиши жараёнининг икки томонидир. Ўзини ўзи тарбиялаш деганда, шахснинг ўзини такомиллаштиришга йўналтирилган онгли, мақсадли ва мустақил фаолияти тушунилади. Ўз ўзини тарбиялашда теннис, волейбол, футбол, кураш ва бошқа спорт турларининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада улар маданий-маърифий тадбирлар орқали ёш авлодда халқимизнинг қуйидаги миллий хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутиши лозим:

- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, элорт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага ҳурмат ва кичикка иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи — аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо”.

Шунингдек, маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилишда ва ўтказишда педагогмураббий қуйидаги умумбашарий кадриятларга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилар:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақхуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Ёш авлоднинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнига жалб этилишлари учун муҳим омиллардан бири уларнинг ўзини ўзи англашидир. Машғулотлар давомида ва дарсдан ташқари пайтларда маданий-маърифий тадбирлардан

кенг ва унумли фойдаланиш уларда юксак ахлоқий қадриятларнинг шаклланишига баракали замин яратади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавийруҳий иқлимни соғломлаштириш ва аҳолининг жипслигини таъминлаш, ёшлар онгида юксак маънавийахлоқий қадриятларни шакллантириш зарурияти маънавийахлоқий тарбия масаласига алоҳида эътибор беришни тақозо этди; Иккинчидан, баркамол авлодни спорт турлари, жисмоний тарбия, оммавий спорт орқали шакллантириш мумкинлигини мутахассислар алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар. Ёшларимиз доимий равишда ўз вақтларини спорт машғулотларига сарфлашлари учун нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлишлари керак; Учинчидан, тарбия жараёнида фақат тарбияланувчи эмас, тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланиб боради. Бу ҳолат ўқув машғулотларида ҳам, дарсдан ташқари тадбирларда ҳам, жумладан, маданиймаърифий тадбирларда ҳам яққол намоён бўлади; Тўртинчидан, маданиймаърифий тадбирлар тарбияга ҳам, ўзини ўзи тарбиялашга ҳам жиддий таъсир ўтказди. Шунинг учун ҳам маданиймаърифий тадбирларни ташкил қилувчи педагог ва мураббий ўқувчиларни ўзини ўзи тарбиялашни йўлга қўйишлари учун уларга истиқболни аниқ кўра билишларида, унга эришиш йўлларини излаб топишда, юксак идеалларга эга бўлишларида ёрдам бериши ва имконият яратиши лозим; Бешинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, *кучли* фуқаролик жамияти курилаётган экан, бу жараён маънавийахлоқий тарбияни кучайтиришни тақозо этади. Чунки кучли фуқаролик жамияти маънавияти ва ахлоқи юксак одамлар томонидан бошқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом Каримов “Юксак маънавиятенгилмас куч”.Т.”Маънавият”.2008 йил
2. Ислом Каримов “Биз келажагимизнинг ўз қўлимиз билан қураимиз”. Т.Ўзбекистон 1999 йил.

ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПТИРИШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

*Эгамбердиева Д., Усмонова Ш.,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологилар институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари*

Аннотация: Маънавий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар, дин ва бошқа кўплаб тарихий амалий ва замонавий қадриятларнинг таъсирида шаклланади. Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги оила аъзолари таъсирида шаклланади.

Калит сўзлар: жамият, қадриятлар, соғлом, тadbиркорлик, ишбилармон, меҳнатсевар, шахс.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш улуғвор мақсадлардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўз асарларида оиланинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига юқори баҳо берар экан, қуйидагиларни қайд этади: “Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. ...Бу эса олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”. [1, 49 б]

Зотан фуқаролик жамияти улкан ижтимоий макондир. Бу маконда эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади. Унда жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши, ҳар бир фуқаронинг ўзаро тенглиги, фуқаро мақомидаги мустақиллиги каби принциплар устувор аҳамият касб этади. Демак, шу жиҳатдан олиб қараганда, оила ҳам фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми саналади, у ҳам муайян ижтимоий вазифани бажаради.

Маълумки, жамиятнинг биринчи ва бирламчи бўғини ҳисобланган оила инсонларнинг турмуш кечириш ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзидир. “Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги-миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: халоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган”.[2, 9-10 б]

Жамиятдаги юксак нуфузи, эътибори ва аҳамияти боис оилага Асосий Қонунимиз – Конституцияда алоҳида боб бағишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси умум эътироф этилган ҳуқуқ нормаларига тўла мос равишда тузилганлиги, айниқса, “оила – жамиятнинг таянч тузилмасидир” деган қоидага асослангани бежиз эмас, албатта. Шу билан бирга, Ўзбекистонда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури” қабул қилинганлиги ва унинг ҳаётга тўла тадбиқ этилганлиги улкан маъно касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Фармони ва унда белгиланган вазифалар янги давлат ва янги жамият сари тараққиётимиз манфаатлари ҳамда мақсадлари билан узвий боғлиқдир.

Оилада кичик оилавий бизнесни йўлга қўйиш, оилавий корхоналар, оила пудратини ташкил этиш деҳқон, фермерлик фаолиятини кучайтириш оилада тадбиркорликни, йўлга қўйиш унда «Уста-шогирд» анъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятдан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маъсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш оилада тўкинлик ва

фаровонликни таъминлаш учун заминдир. Ҳар томонлама бадастур оилада эса жисмонан ва маънан соғлом, тadbиркор, ишбилармон, меҳнатсевар шахс шаклланади ва вояга етади.

Ўзбекистан Республикасининг мустақилликка эришиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган покланиш, оила, оилавий муносабатлар, оилада маънавий ва жисмоний баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар қилишни тақозо этди. Жумладан: оиланинг жамиятдаги ўрни, оилавий муносабатларга боғлиқ миллий анъаналар, сермазмун миллий кадриятларнинг илдизлари аجدодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш, миллий оилавий тарбияда умуминсоний кадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш, ўзбек оиласига хос хусусиятларни (менталитетини) яратиш ва кенг тарғиб этиш жамиятнинг асосий негизи ҳисобланмиш оилани истиқлол мафқурасига мос шаклан ва мазмунан шакллантиришнинг гаровидир.

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний кадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи. Уни тўла, одилонга эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Ўз маданий меросини, кадриятларини билмаслик ёки менсимаслик манқуртликдир, Уларни бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик эса миллат ва унинг истиқлоли учун фожeadир. Маънавияти юксак даражада ривожланган инсонгина истиқлол, ватанимизнинг улуғ бир келажаги учун меҳнат қилишга ўзида куч ва қудрат топа олади. Шахс маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади.

Шу боисдан, маданий меросдан, бугунги кун кадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, маданий мероси ва маънавий кадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжу сиёсий ва ҳуқуқий амалиётига, турмуш тарзига танқидий кўз билан қарай олиш – мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий асосидир.

Мана шу маънавий асос ҳар бир ота-она, оилага кириб борсагина оила маънавияти қарор топиши табиийдир. Аксинча бўлса эса оиладаги ҳар бир ёшни жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларни нотўғри талқин этишга олиб келади.

Ўзбек оиласида ватанига, халқига, оиласига, истиқлол ғояларига садоқатли, фидокор, мустақил фикрлайдиган, дунёқараш кенг, эътиқоди юксак, иқтидорли, ташаббускор, масъулиятли, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш келажаги буюк Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун гаровдир.

Юксак маънавиятга эга ота-она оиланинг моҳияти, қадри, бурч, масъулият, оила вазифалари, оилада баркамол фарзанд тарбияси, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, унинг осойишталигини сақлаш каби вазифаларни англаб етади ва унга амал қилади. Юксак маънавиятли ота-она фарзандларини инсонпарвар, ватанпарвар, ахлоқий жиҳатдан пок, билимли, камтар, олийжаноб қилиб тарбиялайди.

Ўзбек халқи қадимдан оила маънавиятига алоҳида эътибор қаратган. Бугунги кунда маънавий меросдан фойдаланиб, мустақил республикамиз талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялаш ҳар бир оиланинг муқаддас бурчидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 49-бет.
2. 1998 йил –Оила йили – 1998 год - Год семьи. Т., Ўзбекистон”, 1998, 9-10 –бетлар.

ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Якубова Барно Бахтиёровна
Андижон Машинасозлик институти
Гуманитар фанлар кафедраси ассистенти
b.yakubova1990@gmail.com
Иминжонов Элёр Фарходжон ўғли
Андижон Машинасозлик институти талабаси*

Аннотация: Мақолада илм-фан, тиббиёт, техника соҳаларида амалга оширилаётган кашфиётлар, янгиликларга қарамасдан таълим-тарбия масаласи янада долзарблашиб бораётган, инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар асосида йўлга қўйиш зарурлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: цивилизация, тарихий тараққиёт, ижтимоий билим,

Албатта, инсоният бугун XXI асрда шахдам қадамлар билан одимламоқда. Халқимиз қадимдан таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор билан ёндошган. Қомусий олим, дунёга “Муаллим ус-сомий” унвони билан машҳур бобокалонимиз Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри”, “Бахт соадатга эришув тўғрисида”, “Ихсо-ал-улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби асарларида таълим-тарбия тўғрисидаги қарашларини баён қилган. Фаробий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим-деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаши учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим[1].

Ватанимиз тарихининг қайси даврига назар солмайлик таълим-тарбия масаласи доим муҳим масала ҳисобланиб келинган. Жумладан, буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам таълим тизими, илм-фан ва маданият

ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари маданият, илму-маърифат марказига айланди [2]. Амир Темур ва Темурий шахзодалар томонидан кўплаб мадрасалар қурилишига, олиму-фузалоларга ҳомийлик қилиниши илм-фан тараққиётига замин яратди. Мадрасаларда таълим тўрт босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич муддати 8 йилдан жами 24 йилни ўз ичига олган. Таълим-тарбияда диний дунёқарашни шакллантириш билан бир қаторда диний-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий тарбия ва ҳарбий-жисмоний тарбия ишлари олиб борилган. Темур Тузукларида “Амр қилдимки, вазирлартоза наслик, ақл фаросатли, халқ ахволидан хабардорлик, уларга нисбатан хуш муомилалалик, сабр чидамлилик, тинчликсеварлик ва ёшлар тарбиясига, уларнинг ҳаётига бефарқ бўлмаган вазирларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтодор берилсин” деб таъкидлаб ўтилган [3].

Амир Темур азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди [4]. Буюк саркарда ҳаёти ва фаолияти бугунги кунда ёшларни ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғуларида тарбиялашда, уларда ватан тақдирига маъсуллик, фидойилик, уларни яратувчанлик ишларига даъват этишда муҳим аҳамиятга эга.

Барчамизга маълумки, шарқ фалсафасига кўра таълим-тарбия жараёни биргаликда амалга оширилган. Миллий педагогикамиз асосчиларидан, маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” фикрларида миллат келажагида тарбиянинг роли яққол очиб берилган.

Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, халқимизнинг асрлар давомида мустақиллик ва эрки учун кураши натижасида мустақилликнинг қўлга киритилиши муҳим тарихий воқеа бўлиб, халқимиз эртанги кунини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, юксак орзу-умидлари, эзгу ниятлари ва буюк ишларини амалга ошириш келажак авлод қўлида. Шу сабабли ёшлар масаласи доимо давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, мустақилликнинг илк кунлариданоқ иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан таълим тизимини ислоҳ этишга давлат бюджетининг асосий қисми қаратилди.

Шарқда қадимдан тарбия ўчоғи оила ҳисобланган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир [4]. Айниқса ватанга муҳаббат, ватанпарварлик тушунчалари, инсоний туйғулар дастлаб она сути, алласи ва ота меҳри орқалиболанинг мурғак қалбида шаклланиб боради. Бу туйғулар маҳалла ва таълимтизимда янада юксалтириб борилади. Бугунги кунда кўплаб оилаларда ота-она асосан турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, фарзанд таълим-тарбияси масаласини таълим тизимига зиммасига юклаб қўйишган. Глобаллашув жараёнлари тезлашиб бораётган бу даврда таълим тарбия борасида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир ёшларимиз ўз тарихини яхши билмаслик туфайли ота-боболари, аجدодлари тарихий мероси, урф-одатлари ва маданиятидан узилиб қолаётгани, охир-оқибатда улар турли кучлар таъсирига тушиб қолиш хавфи кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим носоғлом кучлар, гуруҳлар ва оқимлар тарихни маънавий ва мафкуравий қуролга айлантириб, ўз манфаати йўлида зарарли ғояларни ёйишга уринаётганлиги сир эмас. [5]

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон

хамжамиятида қандай ўрин эгаллаши буларнинг барчаси биринчи галда янги авлод, униб ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Таълим – тараққиёт гарови”. Анъанвий илмий-амалий конференция материаллари. Т.: 2014, 96-99-бет.
2. Азамат Зиё “Ўзбек давлатчилиги тарихи” Т.: 2002, 168-бет.
3. “Темур тузуклари” Т.,2011 йил,63 бет.
4. Жаббаров И.”Ўзбеклар” Т.:2008 й.183-бет.
5. Тарихий хотира ва мустақиллик. Тўплам.-Тошкент.2016,137

ФОРМИРОВАНИЕ ПЕРВОЙ ДУХОВНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ МОТИВАЦИИ В СЕМЬЕ.

*Бурхонова Зарина Баходир кизи
Студентка Узбекского Государственного Университета Мировых языков.
E-mail: burhanovazarina@gmail.com*

Аннотация: Необходимо стабилизировать здоровый образ жизни в семье, гармонично воспитывать детей, повысить гражданскую ответственность в выполнении воспитательной и социальной роли семьи.

Ключевые слова: воспитание, образование, наследственность, биологические особенности, патриотизм, способности.

Образование - важная задача любого общества. Образование - это процесс регулярного воздействия на духовное и физическое развитие человека с целью его подготовки к социальной, духовной и продуктивной деятельности. Наш первый Президент И.А. Каримов; «Новая модель образования приведет к

формированию в обществе свободно мыслящей личности. Мы сможем воспитать людей, понимающих свое достоинство, сильную волю, цельную веру и ясную цель в жизни », - сказал он. Сегодня в Национальной программе особое внимание уделяется воспитанию личности. Сила, изменяющая природу человека, влияющая на формирование его личности, - это социальные факторы. Кроме того, мощным фактором, влияющим на формирование человеческой личности, является передача человеческого опыта детям через образование. Человеческая личность - очень сложная психологическая категория, которая постепенно формируется в течение индивидуальной жизни человека под влиянием определенных специфических факторов. Согласно научным источникам, человеческая личность состоит из трех факторов: Первый - это влияние внешней социальной среды, в которой человек родился и вырос, второй - это влияние социального воспитания, которое систематически дается человеку в течение длительного периода времени, и, наконец, третий - влияние наследственности. Таким образом, роль внешней социальной среды и воспитания имеет решающее значение в умственном развитии человека и формировании личностных качеств. Третий фактор является наследственным влиянием определенных анатомических и биологических особенностей. Люди унаследуют эти черты. Например, строение тела, цвет волос, манеру речи, некоторые способности могут быть врожденными. Однако никогда не следует забывать, что человеку никогда не передаются его умственные качества, то есть качества, связанные с его умственными аспектами. Наконец, в редких случаях определенные навыки, такие как музыкальные и математические навыки, могут передаваться по наследству. Для реализации таких возможностей должны быть определенные условия. Сегодня талантливые ученые, инженеры, писатели и поэты, государственные и общественные деятели, талантливые художники, живописцы и другие люди, выросшие среди нашего народа, имеют все условия для реализации всех возможностей, предоставленных им по наследству.

Основная цель обучения - разработка и внедрение организационных, социально-психологических инструментов в духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения, основанных на богатых национально-духовных, исторических традициях, обычаях и незабываемых ценностях народа. Развитие человеческой личности - очень сложный и непрерывный процесс, на воспитание которого напрямую влияют родители, школа, соседство, друзья, общественные организации, окружающая среда, средства массовой информации, искусство, литература, и др. При удовлетворении всех перечисленных жизненно важных потребностей важно воспитывать личность и обеспечивать единство воспитания через сферу взаимодействия. Образование началось и развивалось с появлением человеческого общества. Как только ребенок появляется на свет, он знакомится с окружающей средой благодаря заботе родителей. Защита себя от окружающей среды, которая негативно влияет на его физическую активность, например алкоголизма, наркомании, курения и других пороков, - сложный процесс. Известно, что великие ученые Востока уделяли особое внимание образованию и воспитанию. По словам Ибн Сины, воспитание ребенка в школе является главным институтом семьи и общества, который постоянно участвует в формировании личности как центра образования. Социально-психологическая среда, межличностные отношения и уровень зрелости испытуемых определяют социально важные функции семьи. Сложно представить психологическую среду в семье, когда роли, статус и взаимопонимание находятся в кризисе. Специфика межличностных отношений в семье служит залогом ее стабильности. Конечно, при изучении факторов, оправдывающих данную ситуацию, мы сочли необходимым применить следующий подход: Объяснить социально-психологические особенности кризиса в современных семьях. Социально-психологическая среда в семье, гармония с ней общества, сохранение уровня ценностей, сохранение в ней этнокультурной среды, устранение межпоколенческих конфликтов, социальных ожиданий,

разделение ролей, закладывает прочную основу для предотвращения кризисов. Сегодня проблема семьи требует разработки мер по обеспечению ее устойчивости и преодолению кризиса в ней. В семье ребенку необходимо жить в речевой среде, в рабочей среде, чтобы работать, в среде умственной деятельности, чтобы умственно развиваться. Вот тогда ребенок показывает, на что он способен. Врожденные способности не развиваются сами по себе, как будто они находятся в состоянии «сна» и нуждаются в благоприятных условиях для развития своего пробуждения. Это сочетает в себе воспитание нового поколения физически здоровым, психически разностороннейлтчностью, правильную организацию труда, досуга и общественной деятельности, рациональный образ жизни. Следовательно, создание здорового образа жизни. Комплексное изучение социально-экономического и природного, духовных аспектов воспитания с учетом реальной ситуации - требование времени.

Литература:

1. Каримов И.А. «Родина священна, как святыня», Издательство «Узбекистан», 1995. 2. Абу Али ибн Сино. Тадбири манзил, 1-джилд.- Ташкент., 1994. - 304 с. 3. Ахатова Д. «Взгляды Абдурауфа Фитрата на семейные отношения». Журнал "Народное просвещение" Ташкент, 2006 г. 4 - сын, 62-65 р. 4. Ахлиддинов Р.

5 സ്മാരകം

21 ഹരഘോഷാഭയാമൃതം

ഘോഷാഭയാമൃതം ഘോഷാഭയാമൃതം



SCIENTIFIC OBSERVATION OF LITERATURE AND LANGUAGE CRITICS OF UZBEKISTAN

Misirov Sohibjon

Abdupattayevich

Candidate of Pedagogical Sciences,

*Associate Professor of
Namanga State University*

Annotation. In this article we want to tell about the work of literary critic Umarali Normatov and his contribution to the development of Uzbek literature. In this article, we can observe the synthesis of U. Normatov's scientific activity, the honest and effective analysis and interpretation of all the innovations in the literary process, the history of the new Uzbek literature, and his scientific achievements.

Keywords: critic, Uzbek literature, literary critic, scientist, scholar-critic, spiritual heritage, spiritual-moral.

Recognition and respect for language and literature is the key to keeping peace. Each language is unique. It has its own expressions that reflect the mentality and customs of the people. Like our name, we learn our mother tongue from our mother in childhood. It forms our consciousness, permeates the culture embedded in it. International Mother Language Day, proclaimed by the General Conference of UNESCO in November 1999, has been celebrated every year since February 2000 to promote linguistic and cultural diversity and multilingualism. Languages are the most powerful tool for the preservation and development of our material and spiritual heritage.

The subject of the native language and literature is the main source in the education of universal human values among students. An article about teachers of the language and literature.

In the article, we are going to describe our observation regarding to a literary critic and teacher Umarali Normatov".

Professors, who have been working as a native language and literature teacher for many years, can say with confidence that the upbringing of universal human values in students is an integral part of lessons and activities in their native language. Despite the small number of lessons of the native language at the Universities curriculum, they try to use each lesson and extracurricular activity for the purpose of spiritual and moral education of students.

From 1974 to 2000 he headed the Department of Uzbek Philology at the National University of Uzbekistan. During these years, such well-known personalities in Uzbek literature as O. Sharafiddinov, A. Aliev, A. Rasulov, N. Khudoyberganov, S. Sodikov worked with him at the department. B. Karimov, A. Ulugov, R. Buchkarov. D. Kuronov. W. Hamdam. Thanks to them and their contribution to the development of Uzbek literature, it has become recognized not only at home, but also abroad.

The goal of our upbringing is to ensure continuity between generations, to convey moral values, knowledge and experience of older generations, the foundations of culture, respect for the history of mankind, people, country.

During the years of Soviet rule, he began to study the works of his contemporaries, many of whom were no longer alive. The results of his research work formed the basis for such works as "Umidbakhsh tamoyillar" (Inclination to hope), "Tafakkur yodusi" (Light of the mind), "Kakorni anglash mashagati" (To understand the works of Kahkhar), "Kungillarga In 1957, U. Normatov began to publish in the media, and during this time he has published more than 500 articles, about 50 literary works, 20 books, including textbooks, teaching aids, etc. The synthesis of scientific activity of U. Normatov is a vivid evidence that the scientist-critic honestly, fruitfully analyzed, interpreted, generalized everything new that appeared in the literary process, in the history of new Uzbek literature.

The main books of U. Normatov are "The Horizons of Uzbek Prose" (1974), "Maturity" (1982), "Revolution in the Soul" (1986), "Qadiri Garden" (1996), "Hopeful Tendencies" (2000). U. Normatov "Honored Scientist of Uzbekistan" (1981), laureate of the State Prize of Uzbekistan (1989) kochgan shehriyat entered

the soul), "Ustoz ibрати" (Teachings of the teacher), "Ijod sehri" (The magic of the composition). His works have been published in Russian, Tajik, and Turkish.

Finally, U. Normatov in 1962 defended his dissertation for a candidate of philological sciences, in 1978 he defended his doctoral dissertation.

For his great contribution to the development of Uzbek literature, he was awarded the title of Honored Scientist of the Republic of Uzbekistan (1981), laureate of the State Prize named after Khamza (1989), Excellence in Education of the Republic of Uzbekistan (1992), "Skillful Teacher of Tashkent State University" (1998). For the fact that he published his literary critical articles, the magazines "Star of the East", "Gulistan", "Tafakkur" awarded him a prize.

On January 3, 2006 he turned 75 years old. By this anniversary date, at the Department of Uzbek Philology of the National University of Uzbekistan, all of his works were collected in the library of the department, and a bibliographic list of his works was created, where his biography was published, all his works were classified by dates and types of works.

In my opinion, literature has exceptionally great opportunities for the moral education of the younger generation. Our task is to make the most of these opportunities in our lessons. Of course, each work has not a one-sided direction of upbringing, in one work you can find educational elements of patriotism, respect for the native language, about tolerance, about family, about a kind attitude towards parents, about kindness and evil, etc.

Literatures:

1. Bill Bryson “ The mother tongue” The New York 2009 chapter 2
2. Ur P. *Discussion that work: Task–Centered fluency practice*. Cambridge, UK: Cambridge University Press. 1981.
3. . Warschauer M. *Technology and Social Inclusion: Rethinking the Digital Divide*. MIT Press: Cambridge. 2003.
4. . Warschauer M., Healey D. Computers and language learning: An overview. *Language Teaching* 31: 1998. 57–71.

5. . Wenden A., *Learner Strategies for Learner Autonomy*. London: Prentice Hall. 1991.
6. <https://zen.yandex.ru/m>

ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Икромхонова Фируза Икромовна,
п.ф.н. доцент
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
“Тиллар” кафедраси мудири,
feruzaikr@mail.ru*

Аннотация.Мақолада жаҳон адабиётшунослигидаги илғор фикрлар ва мулоҳазалар, тарихий роман назарияси, тарихий шахсларни бадиий акс эттириш, тарихийлик тамойилининг қўлланиш меъёри каби масалалар адабиётшунослик назариясидан келиб чиқиб илгари сурилган.

Калит сўзлар: роман, сюжет, композиция, бадиий тўқима, дoston, миллий, ўзлик, назария, шахс, оғзаки ижод, эпос, қисса, жанр.

Илмий манбаларда ўзбек адабиётида замонавий талқиндаги наср XX аср бошларида шакллангани қайд этилади. Бу Ҳамза, Мирмуҳсин, Шермуҳаммадовларнинг гурунинишлари ва Абдулла Қодирий тажрибаси маҳсули ўлароқ майдонга чиқди. Бизда ҳам хикоя, роман каби жанрлар шаклланди. Бироқ адабиётимизда тарихий воқеликни бадиий идрок этилиши, тарихий шахс образини яратиш жуда қадим замондан мавжуд эди. Хусусан, халқ оғзаки ижодининг “Оламнинг яратилиши”, “Одамнинг пайдо бўлиши”, “Тўфон”, “Скифлар тўғрисида афсоналар”, “Тўмарис”, “Широқ” каби миф ва афсоналари[1, 10-14-15-22], “Кул тегин”, “Тўнгюк” каби тошбитиглар[2,93], Алпомиш”, “Ойсулув” дostonларини келтириш мумкин [3,38-63]. Бизда

романнинг нисбатан кечроқ шакллангани оғзаки ижод, хусусан, халқ эпослари жуда яхши ривожланганлиги халқимизнинг эпик асарга бўлган эҳтиёжини қондиргани билан изоҳланади. (Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тарихни халқ оғзаки ижодиётида қайта бадиий идрок этиш анъанаси Европада ҳам яхши ривожланган). Кейинчалик эса тарихий воқеаларни бадиий асарларда акс эттириш ёзма адабиётга кўчган. Александр Македонскийнинг Шарк адабиётидаги бадиий ифодаси, [4, 191] хусусан, Саддий Искандарий” [5, 640], Бобурнинг “Бобурнома” каби асарлар шулар жумласидан ҳисобланади [6, 368]. Тўғри, мазкур асарларда тарихийлик тамойили турлича, жумладан, лиро-эпик асарда Алишер Навоий Искандар билан боғлиқ воқеликни бадиий тўқимага шу қадар сингдириб юборганки, уни соф тарихий асар дейиш мушкул. Бобур эса тарихий асарини “Вақоеъ” деб номлаган, жанр жиҳатидан эса мемуар ҳисобланади. Бу ерда бадиийликдан кўра тайёр характер, образ, тасвирлар етакчилик қилади. Бадиий тўқима деярли йўқ. Агар шеърий асарлар мавжудлигини ёки муаллиф тилидаги баъзи тасвирий ифодаларни инобатга олмаса, асарда тарихийлик етакчилик қилади.

Жаҳон адабиётшунослигида мавжуд бўлган тарихий романпоэтикаси, бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлиги, асар сюжет ва композицияси, мавзу ва ғоя уйғунлиги, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима мутаносиблиги, бадиий асар тили ва масалаларини ўзбек адабиётшунослигида ўз вақтидатоққилинган. Бунда олимларимиз жаҳон адабиётшунослигидаги илғор фикр ва мулоҳазаларига ҳамда адабиётимиздаги илмий ютуқларга таянишган.

Хусусан, адабиётшунослик тарихида сюжет ва композиция, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима, мавзу ва муаммо ҳақидаги дастлабки фикрлардан деб этироф этиладиган Афлотун қарашлари инобатга олинади: “Болаларимизни дуч келган мифларни, қайсики–тайину нотайин қаслар томонидан тўқилган, аксарияти биз улар улғайганда онгларида бўлиши керак деб ҳисоблаган қарашларга зид келувчи мифларни тинглашлари, мурғак қалбларига сингдиришга осонгина йўл қўйиб

бераоламизми... Аввало миф яратувчи (ёзувчи)ларни назоратга олишимиз керак: агар уларнингасарлари яхши бўлса, қабул қилаоламиз, йўқса – рад этамиз”[7, 99-100]. Бу ерда Афлотун яратилган бадиий асар ўқувчини яхшиликка бошлаши, ўқувчининг онгини маънавий озукалантириши лозимлигини таъкидлар экан, ёзувчига ҳам катта масъулият юкляпти. Яъни “тайину нотайин каслар томонидан тўқилган” дея бизнинг идеализмизга, турмуш тарзимизга зид келувчи воқеаларни айтган ёзувчиларни рад этиш лозимлигини кўрсатган. Унинг мазкур қарашлари ўзбек адабиётида ҳам қадимдан мавжуд эди. Демак, тарихий воқеа, аввало, умуминсоний тамойилларга мос келадиган, ўзи мансуб халқ бадиий-эстетик қарашлари асосида қайта ишланган бадиий асар бўлиши керак, деган етакчи талаб қўйилган.

Афлотундан кейин Арастуҳамасарсюжетивакомпозицияси ҳақидасўзюритган. Унинг асосий эътибори драматик асарларга қаратилган бўлса-да, асар композицияси, фабула, сюжет ва конфликт каби масалаларга оид илмий-назарий қарашларини насрий асарларга ҳам жорий этиш мумкин.

Юқорида айтилганидек, ўзбек адабиётида тарихий роман XX аср бошларида пайдо бўлди. Бироқ у пайтларда “йирик жанрдаги асарларни махсус тадқиқ этишнинг концепциялари ҳали адабий танқидчиликда шаклланмаган эди”[8, 22 (232)]. Шунинг учун биринчи бўлиб яратилган ўзбек романи тарихий роман бўлишига қарамай, унга мафкуравий, ғоявий жиҳатдан ёндашилди, вульгар социологик, кейинчалик сохта метод бўлган социалистик реализм нуқтаи назаридан қаралди. Хусусан, Михаил Шевердиннинг “Ўзбекларнинг биринчи романи” (А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”) тақриз-мақоласида “ талқин қилинаётган тарихий воқеалар Отабек, Юсуфбек ҳожи ва бошқа қаҳрамонларга деярли таъсир кўрсатмайди. Ҳодисалар, ўрта асрлар даражасидаги Қўқон хонлигида ҳукм сурган жаҳолат шунчаки намоиш (декорация), холос; қаҳрамонлар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар ҳаётига дахл қилмайди...”[9,67 (33-84)] дея ёзади. Роман билан танишган одам

М.Шевердиннинг мазкур даъвоси ёлғонлигини дарҳол сезади. Чунки танқидчи айтган жаҳолат, маънавий қашшоқлик туфайли (баъзи кишиларнинг чақуви билан) Отабек ва Мирзакарим қутидорни хон саройига банди қилиб этиб олиб келишган эди. Лекин танқидчи буни инкор этади ва давом этади. “Роман тарихий мавзуда ёзилган. Буни аввалом бор, даврни акс эттириш, айрим табақаларнинг ўзаро алоқасини ижтимоий негизда кўрсатиш лозим, демакдир. Бошқа воқеа-ҳодисалар ана шу асосда рўй бериши керак. Романда мутаносиблик, яхлитлик етишмайди... Қодирий давр манзарасини акс эттирадиган тарихий роман ёза олмаган; энди пайдо бўлаётган тижоратчиларни улуғлаб кўрсатган, холос”[9, 69] Бу ўзбек тарихий романи муаллифи мисолида миллий ўзлик, миллий тарих ва тарққиётга қарши бошланган катағоннинг бошланиши эди. Кейинроқ эса адабиётшунос Сотти Хусайннинг “Роман ҳам ҳақиқат” номли мақоласида “А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи фақат отигина тарихий бўлиб, аслида тарихий эмас. Тарихий ҳақиқатларга романдаги аҳволлар асосан тўғри келмайдир”, дея қайд этади [10,42 (38-43)]. Аслида қуруқ тухмат ёки сохта асосларга қурилган мақолалар сони ўнлаб топилади. Келтирилган иккита фактнинг ўзиёқ тарихий асар тарққиёти оғир кечганини исботлайди.

Тарихий асарлар, хусусан, тарихий романларнинг поэтик хусусиятлари ҳақида баҳслар яна давом этди. Улар орасидан Иззат Султон, Ғулом Каримов, Собир Мирвалиев, Умарали Норматов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Азим Раҳимов, Акрамбек Каттабеков каби олимларнинг фикрлари прогрессив хусусияти билан ажралиб туради. Адабиётшунослар тарихий роман назарияси, тарихий шахсларни бадиий акс эттириш, тарихийлик тамойилининг қўлланиш меъёри каби масалалар адабиётшунослик назариясидан келиб чиқиб илгари сурилган. Хусусан, Иззат Султон “Тарихий воқеаларни тасвирлаган асарлар фақат ўз замонасининг муҳим проблемалари нури билан ёритилгандагина адабиётга катта ҳисса бўлиб кирадилар, замондошлар диққатини ўзига жалб эта оладилар”, деган

фикрни илгари сурган [11,78 (408)]. Академик олимимиз бу ерда адабиётнинг ҳаёт дарслиги, замондошларга сабоқ бериш имконияти эканлигига эътибор қаратган. Юқоридаги мулоҳазаларни яқунлаб айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида тарихий асарлар яратиш анъанаси кўҳна тарихга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд / Тузувчилар: Насимхон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Фан, 2003, – Б.10-14-15-22.
2. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – Ленинград: Наука, 1951. 93 стр.
3. Nasimxon Rahmonov. O‘zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: Sano-standart, 2017, – Б.38-63 (556).
4. Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. Москва-Ленинград: Изд-во академии наук., 1948, 191 с.
5. Алишер Навоий. МАТ, Йигирма томлик, ўн биринчи том. Хамса, Саддий Искандарий. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
6. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989, – 368 б.
7. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 99-100.
8. Карим, Баҳодир. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан. – Б.11 (232 б)
9. Набижон Боқий. Қатлнома. Ҳужжатли қисса // Шарқ Юлдузи, 1991, №5. – Б. 67-69 (33-84)
10. Сотти Ҳусайн. Роман ҳам ҳақиқат / Ўзбек адабий танқиди тарихи: антология. Тузувчи Б.Каримов. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 42. (38-43).
11. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б.78. (408).

XXI ASR ADABIYOTIDAGI MODERNIZM ATAMALARI TAHLILI

Шокиров Шерали Иброхимович
Sheralis790@gmail.ru
Андижон давлат университети
ФЧТ кафедраси мудири, PhD

Annotatsiya. XXI asr adabiyotida modernizm tushunchasini ichki kompotensiyalari mavjud bo`lib ular futurizm kelajakka yetaklovchi, ekzistensializm mavjudlikni bildiruvchi, ekspressionizm ifodalovchi, impressionism taasurotlar kaliti, syurrealizm fransuz falsafasi nuqtai nazaridan insonning «men» iga erkinlik berishga, insonning ijodiy imkoniyatlarini cheklovchi an'anaviy estetika zanjirlaridan xalos qilishga chaqiradi.

Kalit so`zlar: Futurizm, ekzistensializm, ekspressionizm, impressionizm, irratsional falsafa, modern, realizmi va romantizm, g'ayrishuuriy hissiyotlar, naturalizm, simvolizm, syurrealizm, syurrealizm estetikasi,

XXI asr adabiyotida modernizmning vujudga kelishiga Shopengauyer va Nitshe irratsional falsafasi, Bergson intuitivizmi, E. Gusselning fenomeno-logiyasi, Freyd va Yung psixoanalizi, Xaydegger, keyinroq Sartr va Kamyu ekzistensializmi, Franfurkt maktabi ijtimoiy falsafasi g'oyalari asos bo'lib xizmat qildi.

Modernizm fransuzcha moderne (zamonaviy, eng yangi) so'zidan olingan bo'lib, XXI asrning 20-yillarida vujudga kelgan badiiy estetik tizimni anglatadi. Shu davrdan boshlab XX asr san'atidan farq qiluvchi yangi san'at shakllana boshlaydi.

Modernist o'zlaridan oldingi falsafani narsalar falsafasi bo'lgani uchun tanqid qiladilar, falsafa diqqat markazida inson turishi lozim, degan fikrni ilgari suradilar, insonning asl hayoti real voqelikdagi emas, ko'ngildagi, ongdan tashqari, aql-idrokka bo'ysunmaydigan hayoti deb biladilar. Ayni paytda ular an'anaviy shakldan ham qoniqmaydilar; XX asr realizmi va romantizmi uchun xos bo'lgan qolip tusini olgan shakl va usullarni takrorlash, naturalizmning voqelikdan passiv nusxa ko'chirishi, badiiy ijodda akademizmga qarshi isyon ko'tardilar.

Ushbu yo'nalish tarafdorlari an'anaviy shakl hozirgi zamon voqeligini ko'rsatishga ojizlik qilib qolgan, deb hisoblaydilar. Ruh-qalb hayotini alohida qadrllovchi modernistlar, endi realistik usul va vositalar inson qalbining yashirin tublariga kirish, uni bor bo'yicha, ro'y-rost tasvirlash uchun ojizlik qilib qolgan, deb hisoblaydilar.

XXI asr adabiyotida modernistlarning shakl bobidagi izlanishlarini aks ettiruvchiko'plab oqimlarni ko'rsatish mumkin.

Futurizm - lotincha (futurum) so'z bo'lib, «kelajak» ma'nosini anglatadi. Bu oqimning maqsadi kelajak san'atini yaratishdan iborat edi Futuristlar san'at tamomila erkin bo'lishi kerak, deb hisoblardilar, o'tmish san'atini inkor qilardilar. Futuristlar yozish texnikasiga alohida e'tibor beradilar, poetik qonuniyatlarni buzadilar.

O'zining bir qancha ziddiyatli jihatlariga qaramasdan futurizm V.Xlebnikov, Pasternak kabi shoirlar ijodiy yo'nalishlarining shakllanishida katta rol o'ynadi, shakl bobidagi dadil tajribalariga asos bo'ldi.

Ekzistensializm (existence - mayjudlik) - XX asrdagi ana shu nomdagi falsafa asosida vujudga kelgan modernistik oqim. Ushbu falsafa markazida inson hayotining ma'nosi, shaxs erki va mas'uliyati muammolari turadi. Adabiy oqim sifatida ekzistensializm borliq va insonning g'aroyib sirli-sehrlilijihatlarixususida bahs yuritadi. Ushbu adabiyot namunalarida insonning jamiyatga begonaligi, yolg'izligi, mahkumligi muammosi ko'tariladi.

Ekspressionizm (fransuzcha - expression - ifoda so'zidan) - Birinchi jahon urushi va inqilobiy to'ntarishlar davrida san'at va adabiyotda vujudga kelgan oqim. Ushbu oqim vakillari hissiyotga, tuyg'uga alohida e'tibor beradilar, qahramonning tasawurlari, taassurotlari ifodasi yetakchilik qiladi, hissiyotga, kechinmaga urg'u beriladi. Ekspressionizm ko'proq she'riyat (Pol Elyuar) va dramada namoyon bo'lgan.

Impressionizm (fransuzchaimpression - taassurot) - XIXasroxiri - XXasrboshlaridaFransiyadavujudgakelib, tasviriysan'at, adabiyot, musiqadao'zini namoyishqilganoqim. Impressionistlar insonning biron hodisa

ta'sirida tug'ilgan taassuroti, hissiyoti, hayajoni, ruhiy holati san'atning diqqat markazida turishi kerak deb hisoblaganlar.

Ular insonning asl hayotini g'ayrishauriy hissiyotlar, o'zgalardan yashirin tuyg'ularda ko'rganlar, ushbu olamni bor bo'yicha ko'rsatishga harakat qilganlar. Impressionizm atamasi Monening «Taassurot. Quyosh chiqishi» nomli kartinasi ko'rgazmada namoyish etilgandan so'ng paydo bo'lgan. Rassomlar o'zlarining sevimli janrlari bo'lgan peyzaj, portret, ko'p shaxslar tasvirlangan kompozitsiyalarda ularni qurshagan dunyodan olgan lahzalik taassurotlahni ifodalaganlar.

Adabiyotda impressionizm yo'nalishlari naturalizmdan simvolizmga o'tish jarayonida shakllandi. J. va E. Gonkurlar, J.Gyuismans, Gi de Mopassan ushbu yo'nalishga moyillik bildiradilar, asarlarida oniy lahzada insonning tang-barang tuyg'ulanni so'z yordamida iloji boricha to'liqroq tasvirlashga intilganlar. Impressionizm alohida maktab tusini olmagan bo'lsa-da, bu yo'nalish vakillarining ko'plab kashfiyotlari zamonaviy san'at va adabiyotda iz qoldirdi.

Surrealizm (fransuzcha surrealisme) - Fransiyada XX asrning 20-yillarida vujudga kelgan oqim. Surrealizm intuitivizm falsafasi, sharq diniy falsafasi, freydzizm ta'limotiga tayanadi. Surrealizm estetikasi A.Bretonning «Surrealizm manifesto asarida o'zining ifodasini topgan. Ular insonning «men» iga erkinlik berishga, insonning ijodiy imkoniyatlarini cheklovchi an'anaviy estetika zanjirlaridan xalos qilishga chaqiradilar. Hayotning asl mohiyati insonning ongdan tashqari g'ayrishauriy olamida berkingan deb hisoblaydilar, adabiyot tartibotlarga, ko'nikma, axloqiy tushunchalar va mantiqqa bo'ysunuvchi hayotni emas, uning botindagi pinhon tuyg'ularini tasvirlashi lozim.

Shuning uchun inson ruhining g'ayrishauriy holatini namoyish etuvchi usul sifatida tush holati, go'daklik kechinmalari, gallyusinatsiya kabilardan foydalanganlar.

ADABIYOTLAR:

1. Alimuhamedov N. “Antik adabiyot tarixi”. T.: “O’qituvchi”. 1975 yil.
2. Sulaymonova F. “Sharq va G’arb”. T.: “O’zbekiston”. 1997 yil.
3. Mahmudov M. “Hayrat va tafakkur”. Toshkent. G’.G’ulom. 1990 yil.
4. Sh. Normatova. Jahon adabiyoti. T., Cho’lpon, 2008.
5. Veb sayt

<https://hozir.org/uzbek-filologiyasi-fakulteti-uzbek-adabiyoti-kafedras-i-jahon-a.html?page=8>

ЖЕЙМС ЖОЙС ШЕЪРИЯТИ ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

*Бегойим Холбекова ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси
begoyimholbekova@mail.ru*

Аннотация.Мазкур мақолада жаҳон адабиётининг йирик модернист намоёндаларидан бири Жеймс Жойсизоди ҳақида мухтасар сўз юритилади. Жойс шеърларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржималари кузатилиб, улар хусусида мулоҳазалар билдирилади.

Калит сўзлар:модернизм, образларнинг мураккаб тизими, услуб жилолари, маром, оҳанг .

2008 йилнинг 17 мартда Москвадаги Давлат хорижий адабиётлар кутубхонасининг хушманзара боғида машҳур инглиз-ирланд ёзувчиси ва шоири Жеймс Августин Алоизиус Жойс (1882-1941) номи ва жаҳон адабиёти олдидаги буюк хизматларини шарафлаб, унга ҳайкал ўрнатилди. Ундан бир йил олдин Ўзбекистонда Жойснинг “Навқирон санъаткорнинг сийрати”, 2008 йили “Улисс” романларининг ўзбек тилида чоп этилиши ҳам бамисоли унга

юртимизда ўрнатилган ҳайкал бўлди. Болтиқбўйи мамлакатлари, грузин, арман, украин тилларидан кейин ўзбек тилида ҳам Жойс самимий кутиб олинди. Таниқли таржимонлар Иброҳим Гафуров ва Аҳмад Отабойнинг санъаткорона таржималари тўғрисида юртимизда Жеймс Жойс ижодига кизиқувчилар сони кўпайди. Унинг шеърлятига ҳам мувожаатлар бўлди. Хусусан истеъдодли шоир, моҳир таржимон Хумоюн Жойс шеърлятидан 36 та шеърни бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, аслият матни билан бирга китоб ҳолида нашрдан чиқарди. (Жеймс Жойс Шеърлар “Firdavs-shoh” нашриёти. 2021)

XX аср модернизм санъатининг йирик намоёниси Жеймс Жойс реализм асосларини четга суриб, бор истеъдодини замон талабига жавоб берадиган янги турдаги асарлар яратиш вазифасига йўналтирган ижодкор. Жойснинг дастлаб мунаққидлар тушунишни хошлашмади, сабаби унинг услуби тамомила бошқача эди. У мумтоз романчилик асосини ташкил этувчи яхлитликдан воз кечиб, образларнинг мураккаб тизимидан фойдаланди. Бу унинг шеърлий асарларида ҳам ўз аксини топди. Шу боисдан унинг шеърлари узоқ вақтгача таржима қилинмади. Жойс шеърларини бошқа тилларга ўгириш таржимондан ўзига хос мураккаб бир ижодий ёндашувни талаб этади. Академик Д.С.Лихачев Жойс асарларининг таржимаси ҳақида гапириб, уни сўзма-сўз ёки ҳижжавий таржима қилиб бўлмайди, Жойс асарларини таржима қилиш Шекспирни ўгиришдан осон эмас, (“Иностранная литература”, М., 1976, № 10, с. 141) - деб айтганда бизнинг фикримизча Жойснинг мутлақо ўзига хос услубини ҳам назарда тутган бўлса керак. Ҳар бир ижодкорнинг бошқаларникидан ажралиб турадиган ўз услубига эгаллиги, бир ижодкор ижодида турли услуб қирраларининг намоён бўлиши ёки бир асарнинг ўзида турли услуб жилolari чирмашиб кетиши – буларнинг барчаси таржимондан асл нусхага мос услуб калити топишни талаб этади. Таржимада мувофиқ услуб калитини топиш асарнинг ёзилиш йўсини билан ғояси ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри белгилаш, маром, оҳанг ва

образлар силсиласига хос хусусиятларни тўғри тайин қила билишга боғлиқ. Жеймс Жойс шеърлари ва унинг ўзбек тилидаги таржималарини кузатар эканмиз таржимоннинг муаллиф услубига хос муқобил услуб калити топа олганлигини ҳис этамиз. Аслиятдаги мунгли ва қувноқ, кўтаринки ва текис, рангдор ва сидирға, мусиқий ва вазмин рухдаги ифодалар таржимада ҳам ўз аксини топган:

Гўзал, дилга солдинг не завзо?

Бир гинали боқар нигоҳинг.

Туришларинг гўзалдир, аммо,

Қандай латофатли либосинг!

Нигоҳларинг кўзгуси аро,

Бўсалар хуш нафаси ичра,

Совуқ шамол эсгани асно

Севги боғи тортади хира.

Қўрққум, бу боғ бўларми хазон,

Асов шамол тегса бағрига,

Мен девона бўлдимми, жонон,

Чора борми ошиқ дардига?

*Dear heart, why will you use me
so?*

Dear eyes that gently me upbraid

Still are you beautiful – but O,

How is your beauty rainmented!

*Through the clear mirror of your
eyes*

*Through the soft sigh of kiss to
kiss,*

Desolate winds assail with cries

The shadowy garden where love is.

And soon shall love dissolved be

When over us the wild winds blow

–

But you, dear love, too dear to me,

Alas! Why will you use me so?

Таржима аслиятга ҳамоҳанг чиройли чиққан, лекин биринчи банддаги 3-4-мисраларга бироз аниқлик киритиш керак назаримизда. Аслиятдаги :

Still are you beautiful – but O,

How is your beauty rainmented! Мисралари:

“Туришларинг гўзалдир, аммо,

Қандай латофатли либосинг” деган мазмунда эмас, балки:

“Сен ҳали ҳам гўзалсан, аммо,

Гўзалроқдир изтиробларинг” деб ўтирилганда эди, таржима оригиналдаги мазмунга тўла муқобил бўлар эди. Аслиятдаги *Rainmented* сўзи контекстда *азоб, изтироб, азобланган* деган маъноларни англатиб турса-да, таржимон уни *rainment*, яъни *либос* сўзига алмаштириб юборган.

Қуйидаги таржималар оҳанрабодек ўқувчи диққатини ўзига тортади, худди ўзбек тилида ёзилгандай. Уларда Жойс шеърятига хос завқ-шавк сезилиб туради:

<i>Ким яшил ўрмонни оралаб</i>	<i>Who goes amid the green wood</i>
<i>борар, Баҳор ила солиб галаён?</i>	<i>With springtide all adorning her?</i>
<i>Ким у майсазорга ўтган</i>	<i>Who goes amid the merry green</i>
<i>дилобар, Қувончлар улашиб ҳар</i>	<i>wood</i>
<i>томон?</i>	<i>To make it merrier?</i>

Аслиятдаги кўтаринки рух, шаклу шамойил ва мусиқийликни тўлалигича сақлаб қолган манабу таржима ўқувчи қалбига ҳузур бағишлайди:

<i>Назокатли ёрим излаб</i>	<i>Куйлаб азал қўшигин.</i>
<i>топингиз,</i>	<i>Go seek her out all courteously</i>
<i>Айтинг, келди ошиғи,</i>	<i>And say I come,</i>
<i>Хушбўй еллар, шошилингиз,</i>	<i>Wind of spices whose song is over</i>
<i>чопингиз,</i>	<i>Epithalamium.</i>

Қуйидаги таржима ҳам кичик бир хатолик борлигига қарамай, ғоят гўзал ва ўқишли чиққан:

<i>Менинг ёрим наридай енгил</i>	<i>Among the apple-trees</i>
<i>Олмазор оралаб келадир,</i>	<i>Where the gay winds do most</i>
<i>Шўх шаббода унга боғлаб дил,</i>	<i>desire,</i>
<i>Дугона бўлай деб еладир.</i>	<i>To run in companies.</i>
<i>My love is in a light attire</i>	

Инглиз тилидаги предлоглар таржимаси мураккаб эмас, аммо негацир аксарият ҳолларда улар беркинмачоқ ўйнаган боладай илганмай қолади.

“My love is in a light attire” мисрасидаги биргина **“in”** предлогининг таржимадан тушиб қолиши натижасида аслиятдаги *“Менинг ёрим ҳарир либосда яъни энгил либосда”* деган мисра таржимада *“Менинг ёрим наридай энгил”* деб талқин қилинган. Миттигина предлог маъно берувчи, ҳам маънони ўзгартирувчи қудратга эга экан, демак биз унга ҳам асосий сўз қаторида эътибор қаратишимиз керак. Шу банддаги:

“Шўх шаббода унга боғлаб дил,

Дугона бўлай деб еладир” мисраларини таржимон ўзига хос ички ҳиссиёт билан санъаткорона таржима қилганки, уни аслият матни билан муқояса қилганда тўла муқобиллик кўзга ташланади:

Where the gay winds do most desire,

To run in companies.

Жойснинг Хемингуэй, Фолкнер, Грэхем Грин ва улардан кейинги иждокорлар Алан Силлитоу, Жон Апдайк иждодининг равнақ топишидаги хизматлари эътироф этилган. У бизнинг юртимизда ҳам захматкаш таржимонларимизнинг гўзал таржималари туфайли энг оммавий инглиззабон иждокор сифатида обрў-эътиборга эга бўляпти. Унинг фавқулодда ўзига хос шеърятининг ўзбек тилига муваффақият билан ўгирилиши эса маданий ҳаётимизда ажойиб бир тухфа бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Chamber Music by James Joyce e-book, 2008
2. Жеймс Жойс Шеърлар “Firdavs-shoh” нашриёти. 2021

TARJIMA SOHASIDA TIL MADANIYATINING INTEGRALLASHUVI

Inamova Dilfuza Ergashevna
O‘zbekiston Davlat Jaxon Tillari Universiteti
Tarjimonlik fakulteti katta o‘qituvchisi

dilfuzainamova@73gmail.com

Annotatsiya. Tarjimonning vazifasi aslyat asarida ijodkor tomonidan mohirona tasvirlangan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilida qayta yaratishdan iborat. Agar tarjimon aslyatda mujassam bo‘lgan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilida noto‘g‘ri talqin etsa, birinchidan, aslyatdagi asar va uning muallifi hamda ana shu asar mansub bo‘lgan xalq sha’niga dog‘ tushirib qo‘yadi.

Kalit so‘zlar: Milliy ma’naviyat, aslyat asari, tilshunoslik, til va madaniyat aloqalari, leksikografiya, tilshunoslar, psixologlar, adabiyotshunoslar, madaniyatshunoslar, informatiklar, tarjima nazariyasi, aloqadorlik.

Milliy ma’naviyatimiz va til madaniyatimizning rivoj topishiga fanning boshqa barcha sohalari qatori tarjimashunoslik ham o‘z ulushini qo‘shishi lozim. Ayni paytda, tarjimondan xorijiy tillardan o‘zbek tiliga bevosita yoki bilvosita o‘girilayotgan aslyat asarida mujassam bo‘lgan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tili xalqiga aslyimonand tarzda yetkazib berish talab qilinadi. Tarjimonning vazifasi aslyat asarida ijodkor tomonidan mohirona tasvirlangan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilida qayta yaratishdan iborat. Agar tarjimon aslyatda mujassam bo‘lgan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilida noto‘g‘ri talqin etsa, birinchidan, aslyatdagi asar va uning muallifi hamda ana shu asar mansub bo‘lgan xalq sha’niga dog‘ tushirib qo‘yadi. Ikkinchidan esa tarjima tili xalqining milliy ma’naviyati va til madaniyatiga nisbatan nojoizlik paydo bo‘ladi.

O‘zbekistonimizning birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov “Ayniqsa, fundamental fanlar, zamonaviy kommunikatsiya va axborot texnologiyalari, bank – moliya tizimi

kabi o‘ta muhim sohalarda ona tilimizning qo‘llanish doirasini kengaytirish, etimologik va qiyosiy lug‘atlar nashr etish, zarur atama va iboralar, tushuncha va kategoriyalarni ishlab chiqish, bir so‘z bilan aytganda, o‘zbek tilini ilmiy asosda har tomonlama rivojlantirish milliy o‘zlikni, vatan tuyg‘usini anglashdek ezgu maqsadlarga xizmat qilishi shubhasiz”, deya ta’kidlaganlar. Ma’lumki, tarjima nazariyasi o‘z mohiyatiga ko‘ra fanlararo mavqega ega. Tilshunoslar, psixologlar, adabiyotshunoslar, madaniyatshunoslar, informatiklar tarjimaning turli jihatlarini tadqiq qilganlar. Tarjima nazariyasi misolida fanlarning o‘zaro aloqadorligi hamda o‘zaro ta’sirini kuzatish mumkin. Tilshunoslikning tarjima nazariyasi bilan yaqin aloqaga ega bo‘lgan sohalaridan biri bu leksikografiyadir. Bugungi kunda tarjima va informatsion jarayonlarining o‘sib borishi leksikografiya sohasini o‘sib borayotganligini ko‘rsatmoqda. Leksikografiya tarjimonni zarur va kerakli leksika bilan ta’minlaydi. Chunki, lug‘at tarjimonlarning bosh qomusi ekan, tarjima muvaffaqiyatini ta’minlashda, tarjimon mahoratini oshishida lug‘atlarning o‘rni beqiyos ekanligi mubolag‘a emas, albatta. Tarjima nazariyasining o‘zi ham tarjima lug‘atlari tuzish va takomillashtirish uchun asosiy vazifani bajaradi. Dunyoda sodir bo‘layotgan barcha o‘zgarishlar tilda o‘z aksini topadi. Zero, til va jamiyat bir butunlikda rivojlanadi. Bugungi kunda jahon lug‘atshunosligida lug‘atlarga kiritiladigan so‘zning nafaqat ma’nosi, balki madaniy xususiyatlari ham ko‘rsatib o‘tilmoqda. Zamonaviy tilshunoslikda bu holat lingvokulturologik xususiyatlar deb yuritiladi. Lug‘atlardagi so‘zlarning lingvomadaniy jihatlarini ochib berish uchun eng avval har bir so‘z va tushunchaning tub mohiyatini anglab yetish kerak bo‘ladi. Til va madaniyatning tilshunoslik nuqtai nazaridan o‘rganilish asoslari dastlab nemis olimi V.Gumboldt ta’limotiga borib taqaladi. Har bir xalq tafakkurining o‘ziga xos jihatlari birinchi navbatda tilda namoyon bo‘lishini o‘rgangan nemis olimi V.Gumboldt, “tillarning xususiyligi ulardagi madaniy so‘zlar mavjudligi bilan belgilanishini asoslab bergan”. Lug‘atshunoslikning lingvomadaniy jihatlari undagi milliy madaniyatga xos so‘zlarning o‘z ma’nosida va madaniy mohiyatini saqlagan holda ifodalanishini bildiradi. Agar lug‘atlarda tilning asosiy

boyligi bo‘lmish madaniy so‘zlari ishtirok etmasa, yoki noto‘g‘ri izohlangan bo‘lsa, bu holat lug‘atning madaniy ahamiyatiga putur yetkazadi. Zero, “millat tushunchasi millatni birlashtiruvchi, uning millat sifatidagi qiyofasini shakllantiruvchi omillardan biri bo‘lgan til bilan uzviy bog‘liq”. Til sohasida namoyon bo‘luvchi ma’lum bir so‘z o‘z-o‘zidan hosil bo‘lmaydi. Miora Kodlianu o‘zining “Allusions socio-culturelles et problèmes de traduction ” ilmiy maqolasida “tilda muayyan xalqning madaniyatiga xos so‘zlarning hosil bo‘lishida tarixiy, ijtimoiy hamda siyosiy omillardan tashqari insoniy ongning shakllanish jarayoni va unga muhit ta’siri ham alohida ahamiyatga ega” ekanligini ta’kidlaydi. Shuning uchun ham lug‘atlardagi leksikaning lingvomadaniy xususiyatlarini chuqur o‘rganish alohida ahamiyatga ega bo‘lib, ushbu jarayon so‘zlarning barcha xususiyatlarini o‘rgangan holda tadqiq etishi bilan boshqa yo‘nalishlardan ajralib turadi. Lug‘atlar paydo bo‘libdiki, ular ma’lum ma’noda biror xalqning tilida mavjud bo‘lgan har qanday so‘zlarni, jumladan madaniy so‘zlarni ham o‘z tarkibiga olgan. Til va madaniyat aloqalarini nazariy jihatdan ancha oldin o‘rganishgan bo‘lsa-da, tildagi madaniy so‘zlarning lug‘atlarda berilishi xususida XX asrda ko‘plab ilmiy tadqiqotlar olib borilgan. Xususan, fransuz lug‘atshunoslari Alen Rey, tilshunos Robert Galisson, Jan Pruvost, rus tilshunoslari Yu.N.Karaulova, Yu.Stepanov, V.P. Selegeylarning tadqiqotlari shular jumlasidandir. Alen Rey muayyan xalqqa xos so‘zlarni tuzishda ularni “madaniy so‘zlar” deb atagan bo‘lsa, uning vatandoshlari Robert Galisson va Jan Pruvostlar lug‘atlarda milliy-madaniy so‘zlarni berish sohasini “lingvokulturografiya” va madaniy ma’lumotlarni beruvchi so‘zni esa “leksikultura” deb nomlagan. Bert Lignen «Lug‘atlarda madaniy axborotlar» mavzusidagi ishida tarjima jarayonida tarjimonlar uchun madaniy axborotlarni to‘liq qamrab olgan tarjima lug‘atlarining sifati, axborotlarni qamrab olish va uzatish darajalarini ko‘rib chiqadi. Olim hattoki, lug‘atlarga har bir tilda mavjud sterotiplarga tegishli madaniy axborotlarni ham berish lozimligini ta’kidlab, bunday madaniy axborotlar tarjima adekvatligini ta’minlovchi asosiy omillardan biri ekanligini aytadi. Masalan, u hindlarda sigirga sig‘inish, uni ona singari e’zozlash buyuklik bo‘lsa, inglizlar uchun

sigir go‘shiti tabu, musulmonlar uchun cho‘chqa go‘shiti harom ekanligini ham ikki tilli madaniy lug‘atlarda ko‘rsatib o‘tish kerakligini alohida aytib o‘tadi. Bular tarjima jarayonida pragmatik ta’sirchanlikni oshishiga xizmat qilishini shunday izohlaydi: “L’idéal serait de disposer d’un dictionnaire électronique puissant qui regroupe toutes les informations linguistiques mais aussi culturelles, encyclopédiques, pragmatiques, etc”. Olim madaniy axborotlarni berish borasida D.Summering «Logman Dictionary

of English Language and Culture» lug‘atini mukammal lug‘atlar sirasiga kirishini asoslab beradi. Strasburg universiteti tadqiqotchisi Svetlana Pushkovaning ta’kidlashicha, “qo‘y” fransuz tilida faqatgina “le mouton” so‘zi bilan aytilsa, ingliz tilida qo‘yning bir nechta turiga muvofiq nomlari bo‘lib, bunday holatlar ham tildagi milliy-madaniy o‘ziga xoslikka misol bo‘la oladi, chunki ushbu turdagi nomlar faqatgina ingliz tilida mavjud. Fransuz lug‘atshunosi M. Kanani o‘zining “Les informations culturelles dans un dictionnaire bilingue d’apprentissage” nomli maqolasida madaniy lug‘atlarda bir qancha tarixiy va madaniy ma’lumotlarni ifodalab kelishini alohida ta’kidlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. Toshkent, Ma’naviyat, 2008. – B . 87.
2. Karimov Sh. Lug‘atshunoslkda lingvomadaniy jihatlar//Leksikografiya va frazeologiyaning dolzarb muammolari. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari, 2014
3. Raximov X.R. Tarjima lug‘ati: definisiya, klassifikasiya va illyustrasiya //Leksikografiya va frazeologiyaning dolzarb muammolari. Respublikailmiy-amaliy anjuman materiallari.
4. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/milliy-manaviyat-va-til-madaniyatining-tarjimada-aks-etishi/>

ЛИТЕРАТУРА КАК КОММУНИКАЦИЯ С РЕАЛЬНОСТЬЮ.

Богданович Геннадий Александрович
Старший преподаватель, Андижанский государственный
университет, Андижан;
e-mail: gensanuch1970@mail.ru
Анварова Наргиза Назиржановна;
Ассистент, Андижанский машиностроительный институт,
Андижан;
e-mail: anvarovan1987@mail.ru

Аннотация. В статье литература рассматривается как коммуникация с реальностью – мимесис. Это понятие очень специальное, малоизвестное широкой публике. В современном понимании имеется в виду не изображение какого-то внешнего объекта (например, художник рисует цветок), а коммуникация (например, письмо или чтение), в ходе которой один субъект подражает другому.

Ключевые слова: литературные герои, интерпретация, теория литературы, мимесис, познания, смысл, процесс.

Все мы что-то читаем и вроде бы знаем, что это за занятие. Теория XX века – Ролан Барт, Ханс Роберт Яусс, Вольфганг Изер, Умберто Эко [1] и другие ученые – сделала чтение проблемой и развернула к этой проблеме научные исследования.

Литературоведение XIX века в основном изучало, как литература пишется, – сейчас больше думают о том, как она читается, насколько устройство литературного текста программирует тот или иной способ его чтения. Иными словами, у чтения, как и у текста, есть своя структура, и она лишь отчасти предопределяется структурой текста. Чтение — творческий процесс: не усвоение однозначно заданного смысла, а свободная деятельность, в ходе которой читатель совершает множество выборов, начиная с выбора, читать ли вообще данное произведение или не читать. А наука о литературе ищет в текстах моменты неопределенности, которые позволяют читателю выбирать между разными интерпретациями.

Что значит, что читатель выбирает? Он может читать произведение критически или некритически, в разные моменты чтения применять к тексту разные способы дешифровки, опираясь на разные языки культуры. (Уже говорилось о двойственной структуре «Преступления и наказания»[2]; так же и роман Умберто Эко, который был и ученым, и писателем, «Имя розы»[3], можно читать как детектив, а можно – как философское размышление о культуре.) В самом творческом случае читатель может даже пересочинять текст, например, сказать себе: «Я хочу, чтобы герои выжили и поженились», и воображать такой финал, противоречащий авторскому; или написать собственный вариант текста, его сиквел или приквел, как делают сочинители фанфиков.

Мы можем читать текст на общем с автором родном языке, на чужом языке оригинала, в переводе. Мы можем читать впервые или перечитывать, и наша реакция будет отличаться от первого чтения – мы ведь уже знаем, чем все кончилось. Мы можем читать с разными намерениями: отождествиться с героем, и через его судьбу что-то узнать об отношениях между людьми; или погрузиться в язык – культурный код текста и освоить его сложные смыслы и способы их выражения; или, скажем, испытать шок от нарушения эстетических или моральных традиций – типичное удовольствие современного читателя, которому недаром так и рекламируют книги: «сногшибательное произведение».

Способы чтения бывают не только индивидуальными, но и коллективными, то есть разделяются многими людьми и исторически изменяются. Например, Ханс Роберт Яусс показал, как менялось на протяжении короткого времени – жизни одного-двух поколений – восприятие французской публикой романа Флобера «Госпожа Бовари»[4]: сначала в книге увидели лишь шокирующе «неприличное» описание адюльтеров (автора даже привлекли было за это к суду), но постепенно возобладала другая точка зрения: в судьбе флоберовской героини стали читать критику противоречий буржуазного брака и даже, еще

шире, универсальную склонность человека считать себя не таким, как он есть в действительности (один из критиков так и назвал эту склонность – «боваризм»).

Все это значит, что литература формирует читателя как свободного человека, который самостоятельно вырабатывает свою позицию. Вместе с тем задача литературы – признавая за читателем свободу интерпретации, показать, что не все интерпретации равноценны. Какие-то из них могут быть более успешными, а какие-то – напрасными, не приносить никакого приращения смысла – когда читатель вчитывает в текст только то, что заранее знает сам и хочет в нем видеть. Иными словами, чтение следует изучать как ответственную свободу. Нет неизменной и однозначной «канонической» интерпретации текста, но разные возможные интерпретации подлежат сравнению и оценке, у них есть свои достоинства и недостатки.

Теорию чтения очень легко перенести с художественного текста на любую смысловую продукцию, с которой встречается человек, – на рекламу, пропаганду политической идеологии. Разбираясь в структурах чтения, мы лучше понимаем непредзаданность мира: мир открыт для разных смыслов, мы должны сами ответственно осмыслять его. Здесь теория литературы практически перетекает в общую проблематику морали, мы проецируем свои переживания на героев книг – мимесис.

Это понятие, в отличие от предыдущих, очень специальное, малоизвестное широкой публике. Термин «мимесис» унаследован от Платона и Аристотеля, но в современной теории существенно переосмыслен. Слово означает по-гречески «подражание»; в современном понимании имеется в виду не изображение какого-то внешнего объекта (например, художник рисует цветок), а коммуникация (например, письмо или чтение), в ходе которой один субъект подражает другому. В теории литературы это понятие применяли, обычно не называя этим словом, члены русской формальной

школы 1910-20-х годов; сегодня его использует в числе других Михаил Ямпольский.

Изучая мимесис, наука о литературе отвечает не на вопрос «Что значит текст?», а на вопрос «Что он делает?», какое воздействие он должен оказывать на читателя.

Мимесис начинается там, где читатель начинает телесно сопереживать тому, кто говорит: автору произведения или рассказчику, иногда и герою. Такое бывает не только в литературе: например, на фильмах ужасов зрители инстинктивно вздрагивают и закрывают глаза, когда происходит что-то страшное; на комических спектаклях они заразительно смеются, подражая друг другу. Любовная проза навеивает эротическое томление, а поэзия заставляет физически переживать свой ритм – все это физиологическая сторона мимесиса.

Подражать можно не только чувствам, эмоциям и физиологическим реакциям, но и словам. Сравнительно простой пример мимесиса – литературное письмо, которое подражает чужой устной речи (в русской теории литературы такой прием называют сказом). Сто лет назад Борис Эйхенбаум разобрал с такой точки зрения «Шинель» Гоголя[5]. Эффект этого произведения, как выясняется, обусловлен не столько смешной или трогательной историей мелкого чиновника Акакия Акакиевича, сколько тем, что автор на протяжении всего текста комически имитирует, передразнивает устную речь какого-то рассказчика – сбивчивую, неумелую, запинаящуюся. Такое подражание чужой речи нам предлагается внутренне переживать, чуть ли не проговаривать про себя – вплоть до беззвучного шевеления губами. Если же это будет речь не сбивчивая, а, наоборот, благозвучная, нам, может быть, захочется ее петь.

Более сложный мимесис – подражание процессу познания. Во многих жанрах литературы по ходу действия или рассказа происходит познание чего-то такого, что раньше было неизвестно: герой романа воспитания узнает, как

устроена жизнь; сыщик в детективе выясняет, кто совершил преступление. Одновременно с ними все это постигает, проживая процесс узнавания, и читатель: весь процесс познания происходит в его сознании. Литература – это в определенном смысле и есть движение от незнания к знанию.

Литературный герой есть миметическая фигура: в нем важна не столько биография (мы можем ее не знать или почти не знать) или характер (он может быть очень схематичным), сколько то, что мы проецируем на него свое переживание. Мы сочувствуем герою (бывает, даже отрицательному), пытаемся разгадать за него загадку, с которой он сталкивается; мы радуемся, когда он находит успешное решение, беспокоимся и жалеем, когда он не может понять что-то такое, что уже поняли мы. На этом построен такой литературный и театральный прием, как перипетия, – резкое изменение ситуации, когда выясняется что-то новое. Эдип жил себе, правил Фивами и вдруг узнал, что он по неведению совершил страшные преступления. Спрашивается: какое нам дело до древнего мифического Эдипа? А дело в том, что нас заставляют пережить в душе сам процесс резкого узнавания чего-то нового.

Мимесис вообще – это психологическая разведка. Посредством условного художественного сопереживания читатель может как бы задешево, понарошку пережить сильные эмоции, которые трудно найти в реальной жизни (опасные, захватывающие приключения), а то и лучше вообще избегать (погибельный, трагический опыт).

Мимесис познания, если говорить конкретно о нем – это упражнение в познании мира. Литература в принципе говорит обо всем, что интересно человеку: она может по-своему рассказывать и о современной жизни, и об истории, и о философии, и об экономике. В отличие от науки, все это она представляет человеку не как готовые сведения, а как процесс; читая, нужно заново пережить добычу этих сведений, нередко сложную и драматичную.

Список литературы

1. О.Н. Турышева «Прагматический подход в литературной науке», Вестник Томского государственного университета. Филология. 2016. №1 (39), стр. 150-157.
2. Ф. М. Достоевский «Преступления и наказания», Классики и современники, М. 1984 г.
3. Умберто Эко «Имя розы», серия книг.
4. Г.Флобер «Госпожа Бовари», серия книг.
5. Н.В.Гоголь «Шинель», Классики и современники, М. 1987 г.

HUMANAZING THE ROBOT IMAGE WITH THE HELP OF LANGUAGE MEANS IN “I, ROBOT” BY ISAAC ASIMOV

*Akhmedov Rafael Sharifovich,
Gulistan State University, Gulistan City,
rapha84@mail.ru*

Abstract. The article shows how language means were used by famous American science fiction writer Isaac Asimov to humanize the image of robot in his “I, Robot” story collection and, consequently, what was the purpose of that humanization. It is supposed that the image of robot in Asimov’s stories is half-metaphorical; it combines the traits of machines as well as human beings in order to reveal and investigate two approaches to reality – machinery and humane.

Keywords: image, robot, language means, Asimov, “I, Robot”, machine, human being, humanization.

Linguocultural characteristics of a literary image, known as “linguocultural type”, is an abstract mental formation considered as a kind of concept. The term “linguocultural type” seems to be the most suitable for the study and description of this kind of concepts, since it focuses, firstly, on the cultural and diagnostic significance of the typified image for understanding the corresponding culture, and, secondly, on the study of this image from the standpoint of linguistics”[1, 17].

The authors of science fiction create their works within the limits set by the level of contemporary science’s progress, and it is scientists who supply a significant part of the fantastic material. Within the science fiction discourse, we consider it legitimate to single out such a linguocultural type as a “robot”. In order to determine the conceptual component of the “robot” linguocultural type we consulted encyclopedia and found the following definition of the term “robot”: «a machine that looks like a human being and performs various complex acts; a similar but fictional machine whose lack of capacity for human emotions is often emphasized; an efficient insensitive person who functions automatically; a mechanism guided by automatic controls” [2, 398]. It seems that the meanings of this word are ambivalent, reflecting the human perception of the robot.

Isaac Asimov is a founder of modern literature on robots and, in many respects, the creator of the modern image of “robot” as a linguocultural type. The writer managed to build a system according to which his followers created the series of robot characters. Analysis of stories from the “I, Robot” collection, in one way or another describing and revealing the essence of the robot, showed that the representation of the linguocultural type of the robot is based on the following figurative characteristics: externally humanlike, obedient to man, fast, quick-witted, unpredictable. In the creation of the “robot” type, an implicit characteristic prevails. One of the fundamental means of expressing implicitness is the use of religious allusions in the text, which have a rich semantic potential.

The title of the “I, Robot” collection, which sets the reader’s expectations, also carries a great semantic load. The title here is a phrase spoken in the first person and

it declares that the characters of robots are individuals who can have their own consciousness, their own “I”.

The robot characters in Asimov’s stories are largely individualized. For Asimov, robots are not a single-faced mass – the writer gives each mechanical character his or her own characteristic features. It is achieved primarily through portrait characterization. In every story, the robot differs in its appearance: «They were large, extremely so, and even though they were in a sitting position on the floor, legs straddled out before them, their heads were a good seven feet in the air» [3, 32]. «His graceful, streamlined body threw out blazing highlights as he loped with easy speed across the broken ground» [3, 40]. By the appearance of the robot, a reader can guess his or her emotional reaction. For that reason, the author often focuses on the appearance of his characters: «Herby’s eyes blinked white in astonishment» [3, 50]. The description of another robot is more poetic: «Robot QT-1 sat immovable. The burnished plates of his body gleamed and the glowing red of the photoelectric cells that were his eyes were fixed steadily upon the Earthman» [3, 67]. The description shows somewhat contemptuous attitude of the robot towards people, conveyed through words such as «immovable», «steadily», «Earthman».

All Asimov’s robots, regardless of the functions they perform, are created to resemble human beings; it reveals the inner “hidden” meaning of the robot image - metaphorical.

In addition, one of the means of creating the image of the character is speech characteristics. The speech characteristics of the robot image in Asimov’s stories are strongly humane, they do not use homogeneous and monotonous phrases. Their speech is literary, but it also contains colloquial elements such as interjections and elliptical sentences: «Hm-m-m!» [3, 32]. «But I don’t!» [3, 34]. «Of course not!» [3, 45].

The emotional coloring of the robot characters’ speech finds its confirmation in exclamation intonations, pauses, and breaks in remarks. In the story “Little Lost Robot” the robot seems to be confused, its thoughts get confused, two-part sentences prevail, separated by dashes instead of dots - a feeling of flow, fragmentary thoughts

out loud is created: «I know a good deal – he would think – I mean I’ve been found – Disgraceful – Not I – I am intelligent – And am intelligent – And by a master ... who is weak – slow» [3, 28].

In the story “Liar”, the robot’s words express despair, even hysteria: “Close your mind! It’s full of pain and frustration and hate! I didn’t mean it? I tell you! I tried to help!” [3, 81].

Asimov uses two types of language problems in his stories. The first type is a robot that understands everything literally, who is given an order in a figurative sense. The second is a robot that has received an order in which a word is used that has a different meaning for a robot than for a person. In the story “Little Lost Robot”, an annoyed engineer orders the overly helpful robot “Go lose yourself!”, and robot follows the order, taking the command given to him to literally. “Go lose yourself” does not mean “go hide”, but “go away”. Asimov’s robots perceive English and speak it, not understanding all its idiomaticity. In the story “Risk”, a robot is told to pull the control bar firmly (“Pull the control bar back firmly”). But the adverb “firmly” for a robot means applying much more force than for a human - the robot bends the lever and fails the experiment.

The way robots speak and the sound characteristics of their voices are of great importance. Each of them has its own characteristics: «Then, in a harsh, squawking voice, like that of a medieval phonograph, he greeted, ‘Yes, Master!’» [3, 32]. «Her by subsided silently, and muttered in a low voice from which the metallic timbre disappeared almost entirely» [3, 71]. «He was equipped with an excellent diaphragm, and the presence of overtones in the sound unit robbed him of much of that metallic flatness that mark the usual robot voice» [3, 91].

In describing the sound of the robot’s voice, stylistically colored vocabulary is used («overtones», «to mutter», «to murmur», «to rob of something», «the metallic timbre», «the metallic flatness»); such kind of vocabulary also humanizes the image of the robot.

Thus, in the speech portrait of the robot image in Asimov's stories, its ambiguity and unpredictability are manifested.

An important role in the creation of variants of the artistic image of the robot is played by the attitude of the character that connects all the stories of the collection "I, Robot" - robotics specialist Susan Calvin. Its assessment helps the author to characterize the robots. In communicating with robots, Susan shows more human qualities than in communicating with people, since she is engaged in the psychology of robots, and she is extremely interested in them. Robots, unlike humans, cannot hurt a person, and this makes Susan sympathetic and friendly towards them: «Please, don't get excited, boy. I'm not blaming you for anything» [3, 58]. When Susan talks about robots, her words show excitement, heightened emotionality, which is expressed with the help of stylistic means and emotionally colored vocabulary: «To you, a robot is a robot. Gears and metal, electricity and positrons, mind and iron! Human-made! If necessary, humans can destroy it! They are a cleaner better bread than we are...» [3, 70]. «There was a time when humanity faced the universe alone and without a friend. Now he has creatures to help him, stronger creatures than himself, more faithful, more useful, and absolutely devoted to him» [3, 36]. It is also expressed in the words of a journalist talking to Susan: «Susan Calvin talked about Powell and Donovan with unsmiling amusement, but warmth came into her voice when she mentioned robots» [3, 39]. It is no coincidence that in the story "Liar" Susan has friendly feelings for one of her colleagues, she shares her feelings with one of the robots. During this conversation, her speech changes, becoming more abrupt and emotional, less clear. In the text, this is conveyed through breaks in remarks, pauses, defaults, paragraphemics: «Have you – told anyone?» [3, 40]. «But I am so ... so...» [3, 42]. «I want to ... to congratulate you, of course. I'm very glad...» [3, 49].

To summarize, an analysis of literary texts, in which the investigated type is actualized, showed that Asimov's robots are very close to people. For Asimov, the robot image created by him is both a means and a goal. The writer feels fear about the descent of a person to the level of a robot, his loss of the gift of compassion,

feelings of love, friendship. Asimov’s robot is conditional, it is a kind of intermediate link between a mechanical being and a person, it serves to emphasize the imperfection of a person, push him towards self-development, self-education.

References:

1. Barry P. Beginning Theory: An Introduction to Literary and Cultural Theory. 4th edition. – Manchester, UK: Manchester University Press, 2017. – 296 p.
2. D’Amassa D. Encyclopedia of Science Fiction. – New York, NY, USA: Facts on File, 2005. – 538 p.
3. Asimov I. I, Robot. – New York, NY, USA: A Bantam Spectra Book, 2004. – 271 p.

O`ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI DURDONALARINI XORIJIY TILLARGA TARJIMA QILISH USULLARI

*Toshpo`latova Mohinur Sharofiddinova,
O`zbekiston Davlat jahon tillari universiteti gid hanrohligi
va Tarjimonlik faoliyati 1-bosqich talabasi
Xalilova Guzal Abdupattaxovna,
O`zbekiston Davlat jahon tillari universiteti katta o`qituvchi*

Annotatsiya. Maqolada o`zbek mumtoz adabiyoti durdonalarini xorijiy tillarga tarjima qilish haqida fikr yuritilgan. Ushbu asarlarni tarjima qilish masalalarini so`zlarning tub mohiyatini ko`rsatib bera olgan holda tahlil qilish va undagi muammolarni bartaraf etish yo`llari haqida to`xtab o`tilgan.

Kalit so`zlar: g`oyaviy badiiy unsurlar, adabiy-badiiy vosita, badiiy san`atlar, tarjima asliyatidagi pragmatik salohiyat, ohang va musiqiylik, she`rda mazmun va shakl mutanosibligi.

Bugungi kunda o`zbek mumtoz adabiyoti mahsullari ko`plab tillarga tarjima qilinmoqda. Tarjima jarayonida ba`zan shunday so`zlarga duch kelamizki ular o`zining tub mohiyatiga ega boladi va bunday so`zlar ayniqsa bizning mumtoz adabiyotimiz she`riyatida balki ko`plab asarlarida ham juda ko`p uchraydi. bu kabi so`zlarning tub-tubidan shunday ma`nolar ifodalanadiki, ularni o`zga tillarga o`girayotganimizda ko`plab ikkilanishlarga duch kelamiz, va bunday hollarda biz shunday so`zlardan foydalanishimiz kerakki, zero bu so`zlarning asl ma`nosini o`zida aks ettirishi lozimdir. She`r tuzilishi aslida o`ziga xos murakkab tizimni tashkil etadi. Chunki she`rning yaratilishida juda ko`plab g`oyaviy va badiiy unsurlar ishtirok etadi. Jumladan, mavzu, g`oya, band, naqarot, ritm, vazn, qofiya, intonatsiya, urg`u, poetic timsollar, fonetik usullar, badiiy san`atlar, syujet, timsol, komflik va boshqalar unsurlarning aniq yagona bir tizimga birikuvidan mumtoz adabiyot durdonalari ya`ni she`rlar va g`azallar paydo bo`ladi. Bu kabi unsurlar ohiyatidagi she`r va g`azallarni Bobur va Navoiy bobolarimiz asarlarida juda ko`p uchrataiz. Misol tariqasida Boburning “topmadim” g`azalini keltirishimiz mumkin:

(Asli)

“Topmadim”

Jonimdin o`zga yori vafodor topmadim

Ko`nglumdin o`zga mahrami asror topmadim

Jonimdek o`zga jonni dilafgor ko`r madim

Ko`nglim kabi ko`ngulni giriftor topmadim

Usruk ko`ziga toki ko`ngul bo`ldi muhtalo,

Hargiz bu telbani yana hushyor topmadim

Nochor furqati bila xo`y etmisham netay,

Chun vaslig`a o`zumni sazovor topmadim

Bore boray eshigiga bu navbat ey kongul,
Nechaki borib eshigiga bor topmadim

Bobur,o`zingni o`rgatako`r yorsizki men
Istab jahonni,muncha qilib yor topmadim.

Bobur

“I couldn` t found”

In my soul another loyal sweetheart I couldn` t found
In my heart another confident I couldn` t found

I have never seen another soul like my helpless heart
A captivated soul like my heart I couldn` t found

I feel in love with her drunken eyes
This madman awake again still I couldn` t found

What can I do?I became friend with a helpless separation
For her beauty myself worthy I couldn` t found

Hey my soul,let`s go to her door again
I went there a lot ,but one more time acceptance I couldn` t found.

(Toshpo`latova Mohinur tarjimasi)

Ushbu g`azalning dastlabki baytida oshiqoshiqning dil iztiroblari aks etgan.Unda jon va ko`ngil timsollari orqali inson ruhiyatidagi nozik tebranishlar o`ziga xos tarzda ifodalangan.Baytning ha ikki misrasida bir-biriga uyg`un bo`lgan hodisalar tilga olingan.Oshiq vafodor yorni istaydi,izlaydi,biroq bu harakatlar samarasiz.Ko`ngil eng aziz eng muqaddas sirlar bilan o`rtoqlasha oladiganya`ni

sirdosh degan ma`noni bildiradi. Ko`rib turganimizdek baytlarda shunga o`xshash ma`nolari o`zining tub-tubida saqlayotgan so`zlar juda ko`p uchragan desak mubolag`bo`lmaydi. Masalan: dilafgor, giriftor, usruk, muftalo, furqat, xo`y

Chun, bore ,bor shu kabi so`zlarni keltirishimiz mumkin. Bu so`zlarning mazmuni ushbu g`azal tarjimasida ingliz tilidagi tegishli so`zlar bilan yoritilgan. E`tibor bilan qarajak, bu so`zlarning asl mazmun-mohiyatini bir qarashda tushunish o`quvchiga juda qiyin tuyiladi va ularning asl mazmunini bila olmay qoladi natijada savollar ktma-ketligi paydo bo`ladi. Shu kabi muammolar tarjima jarayonida ham anchagina. Bu kabi muammolarga duch kelmaslik uchun biz tarjimonlar avvalambor yuqoridagi kabi so`zlarning ma`nosini ona tilimizda mukammal darajada tushunib, tarjima jarayonida ularni boshqa tillardagi qaysi so`zlar ularning ma`nosini ifodalab bera olsa biz shu so`zlarni qo`llashimiz kerak va tarjima jarayonida quyidagi me`zonlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir;

She`rda aks etgan ruh darajasining saqlanishi;

Ohang va musiqiylikni ta`minlash;

Muallifning g`oyasini o`quvchiga tushunarli va aniq darajada yetkazib berish;

Tarjimada asliyatdagi pragmatik salohiyatning to`liq saqlanganligi ;

Asar mazmunini aniq ifodalash.

She`rda mazun va shakl mutanosibligi haqida Alisher Navoiy shunday yozgan:”Nazmda ham asl anga ma`ni durur,Bo`lsun aning surati har ne durur. Nazmki anga mag`rib emas,Ahli mmaoni qoshida xo`b emas.”

Hammamiz bilganimizdek adabiyot darslarida ham she`riy asarlarni izohli o`qish,lirik asar tahlilining samarali usuli sifatida alohida ahamiyat kasb etadi. Mumtoz she`riy asarlarni o`qish va tahlil qilish jarayonida asar o`quvchilarning mustaqil fikrlashga alohida e`tabor beriladi. Mustaqil fikr nafaqat mumtoz adabiyotni balki barcha turdagi she`rlarni estetik baholashdagi mustaqillikka yo`l ochadi. Natijada asar o`quvchilarining har qanday she`rni badiiy idrok etishni chetdan kuzatish uchun keng imkoniyatlar yaratiladi. Mumtoz asarlarni tahlil va tarjima qilish jarayonida uning yuzaga kelishiga omil bo`lgan hayotiy

voqealarning tilga olinishi ham asar mohiyatini anglab yetishda asosiy omillardan biri bo`lishi mumkin . Ammo har bir she`r ostidagi ruhiy holatni anglab yetishning ancha qiyinligi, ba`zan umuman bo`lmasligini ham e`tirof etish kerak. Yuqorida ta`kidlaganimizdek nafaqat Bobur balki Navoiy she`riyati tuyg`ular va fikrlarning yetukligi, tabiiyligi, favqulodda go`zal vat a`sirchanligi, so`z ma`nolarini kamalakdek tovlanishi bilan ajralib turadi. Bunga yana bir dalil-isbot tariqasida Navoiyning g`azalidan bir parcha keltirib o`tish joizdir:

Asli:

Ko`rgali husningni zoru muftalo bo`ldum sanga
Ne balolig` kun edikim, oshno bo`ldim sanga
Har necha dedimki, kundan-kun uzay sendin ko`ngil
Vaxki kun-kundin, batarrak muftalo noldum sanga

I fell in love with you to see your beauty
What day was it? I fell in love with you my pretty
I told myself to be disappointed in you per diem
I have been suffering from you day to day, It`s a pity

(Toshpo`latova Mohinur tarjimasi)

Xulosa qilib aytish mumkinki , mumtoz asar tarjimasi bilan shug`illanganda, albatta shu soha bo`yicha mutaxassiz adabiyotshunos olimlarning maslahatlariga ham rioya qilinsa tarjimada yanada mukammallikka erishish mumkin. Bu sohada badiiy nuqtai nazardan o`rganilsa nafaqat badiiy poetik tarjimini nazariy va amaliy jihatdan boyitish yanada mumtoz adabiyot durdonalari muxlislarida yanada qiziqish uyg`otadi v albatta yosh bo`lajak tarjimonlarga ham namuna mktabi sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

Navoiy va Bobur g`azallari 173-bet,

Hojjahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati Toshkent Sharq 1999, 131-bet.

ROBERT BYORNSNING “A RED, RED ROSE” SHE`RI TARJIMASI

*Madaminova Gulmiraxon Akramjonovna,
O`zbekiston Davlat Jahon Tillari Universiteti talabasi
Xalilova Guzal Abdupattaxovna,
O`zbekiston Davlat jahon tillari universiteti katta o`qituvchi*

Annotatsiya. Ushbu ma`ruzada Shotland shoiri Robert Byornsning “A red, red rose” she`ri haqida fikr yuritilgan. She`rdagi o`ziga xosliklar, Shotland shevasi, eski ingliz tilidagi bir qancha so`zlarning she`rda qanday vazifani bajarayotgani, she`rning o`zbek tiliga tarjima qilinishi haqida ma`lumotlar joy olgan.

Kalit so`zlar. Shotland tili, eski ingliz tili, noodatiy usullar.

A RED, RED ROSE

By Robert Burns

O my Luv is like a red, red rose

That`s newly sprung in June;

O my Luv is like the melody

That`s sweetly played in tune.

So fair art thou, my bonnie lass,

So deep in luv am I;

And I will luv thee still, my dear,

Till a` the seas gang dry.

Till a` the seas gang dry, my dear,

And the rocks melt wi` the sun;

I will love thee still, my dear,

While the sands o` life shall run.

And fare thee weel, my only luv!

And fare thee weel awhile!
And I will come again, my luve,
Though it were ten thousand mile.

Qizil atirgul

Oh, sevgilim, sevgilim,
Yoz faslin qizil guli.
Yoki yangragan mayin
Yoqimli, sokin kuyi.

Oq yuzligim, yoqimtoy qizcha,
Seni sevib yashayman har on.
Barcha dengizlar bitsa ham qurib,
Azizim, sevishta etaman davom.

Mayli qurib bitsin dengizlar,
Qoyalar erisin quyosh taftida.
G`oyib bo`lsin bari sahro, qumliklar,
Sevikligim, sevishtan tolmayman sira.

Lek kutgin meni har dam,
Diydor yaqin har nafas.
O`n ming mil olis yo`llar
Hech ham to`siq bo`lolmas.

Shotlandiyalik mashhur lirik shoir Robert Byorns XVIII asr ijodkorlaridan biri bo`lib, o`zining yorqin va sezmahsul ijodi bilan jahon adabiyotida sezilarli iz qoldirgan adib hisoblanadi. Uning quyidagi she`rida shoirning sevgisi noziklik bilan o`quvchining qalbiga kirib boradi. Dastlabki qatordan shoir sevgisining ta`rifi boshlanadi. Avval, shoir yorini yoz faslida, Iyun oyida ochiladigan qizil atirgulga

qiyoslaydi. Chunki u hali yosh, chiroyli va jozibador. Bu o`xshatishdan qoniqmagan ijodkor keyingi qatorlarda yorini mayin taralayotgan kuyga solishtirib ko`radi. Shu o`rinda “Luve” so`ziga e`tibor bersak, bu Shotlandlar tilida “Love” so`zining arxaik shakli. Burns o`zining ijodida noodatiy usullardan, so`zlardan foydalanishi bilan ajralib turadi.

Keyingi to`rtlikda oshiq suyuklisini erkalab, unga sevgisini izhor qiladi. Shotlandiya tilida “bonnie lass” birikmasi yoqimtoy qizaloq degan ma`noni beradi. “Thou” esa arxaik so`z bo`lib “you”ning eski ingliz tilidagi variantidir. Robert Byorns yashagan davr bilan solishtirganda hozirgi zamonaviy ingliz tili bilan eski ingliz tilida katta o`zgarishlarga duch kelishimiz mumkin. Bunga yana bir misol qilib shu to`rtlikdagi “thee” bilan tanishamiz. O`zbek tiliga “seni”, “senga” deb tarjima qilinadigan bu variant ham arxaik so`z hisoblanib, eski ingliz tilida yozilgan boshqa asarlardagina uchratishimiz mumkin. Shotlandiya tiliga xos asosiy xususiyatlardan yana biri ayrim so`zlarni qisqartirish orqali ifodalash. A` shakli “all” so`zini, o` esa “of”, wi` “with”ni qisqartmasidir.

Till a` the seas gang dry, my dear,
And the rocks melt wi` the sun;
I will love thee still, my dear,
While the sands o` life shall run.

Melt – erimoq. Qoyalarning Quyoshda erishi jumlasida o`quvchi uchun g`ayrioddiy tuyulishi tayin. Chunki qoyalarning yo`q bo`lishi vulqonlar otilishi natijasida yoki ko`chishlar natijasida yuz berishi ma`lum. Aynan shu holat Quyosh issiqligidan eriyotgandek ko`rinishi Burnsning chiroyli tasavvur egasi ekanligidan darak beradi. Bu to`rtlik orqali shoir yorini umrbod sevishini isbotlashga urinadi va takror eslatadi.

And fare thee weel, my only luve!
And fare thee weel awhile!

To`satdan xayrlashish payti keladi. “Fare thee weel” iborasi xayrlashayotgan payt aytiladi. Bu “O`zingni ehtiyot qil” deya tarjima qilinishi ham mumkin. “Weel” so`zi esa “well” so`zining eski shaklidir.

And I will come again, my luv,
Though it were ten thousand mile.

Oshiq sevgilisiga yana qaytishini aytib ketishga shaylanadi. Oradagi masofa o`n ming mil bo`lsa ham shoir albatta kelishga va`da beradi.

Xulosa.

Shotlandiyaning milliy shiori sifatida tanilgan Robert Byorns (1759-1796) shotland tilida ijod qilgan shoirlarning eng taniqli kishisidir. Uning Shotlandiya adabiyotiga ta`siri kuchli bo`lib, uning uslubi tog`ridan to`g`ri insonning yuragiga yetib borishi, samimiyligi bilan ajralib turadi. U nafaqat shotland tilida balki ingliz tilining shotland ingliz shevasida ham yozishni yaxshi bilgan. Byornsning ko`plab she`rlaridagi kuchli hislar orqali uning qandaydir ruhiy depressiyadan aziyat chekkani taxmin qilinadi.

Byornsning ijodi butun jahon adabiyotsevarlari tomonidan jiddiy hurmat qilinadi. Bugungi kunda, ijodkorning nomi bilan ochilgan klublar ham mavjud bo`lib, ulardan asosan Byornsning ijodi o`rganiladi, uning asarlariga bo`lgan hurmatni yoshlar orasida kuchaytirish kabi maqsad ko`zlangan. Shuningdek , ijodkor sharafiga dunyoning ko`plab shaharlarida haykallar o`natilgani ham unga bo`lgan yuksak e`tibordan darak beradi.

Robert Byornsning “A red, red rose” nomli she`ri yozilgan davrning o`zidayoq qo`shiq bo`lib, shotlandiyaning milliy taronasiga aylangan. Qo`shiq juda hayajonli va hissiyotlarga boy asar sifatida Byornsning ijodida o`ziga xoslik kasb etgan. Qo`shiq so`zlari soda lekin ta`sirchan. Qo`shiqning nomi esa uning birinchi misrasidan kelib chiqqan.

Adabiyotlar royxati :

1. L.A. Rixsiyeva. “Yozma tarjima”. Toshkent-2021.
2. I.G`agurov, O.Mo`minov, N.Qambarov. Tarjima nazariyasi. Toshkent-2012

3. Literarydevices.net
4. Poemanalysis.com

INGLIZ ADABIYOTIGA NAZAR

*Umarova Muqaddas Turg'unboyeva
Farg'ona viloyati Buvayda tumani
23-umumta'lim maktabi Ingliz tili fani
o'qituvchisi, umarova23@umail.uz*

Annotatsiya: Adabiyot darajasi barcha sohalarda tanqidiy nuqtai nazarni taqdim etish uchun sizni qurilish va tahlil qilishni o'rgatadigan ko'chiriladigan ko'nikmalarni ta'minlaydi. Xalqaro talaba sifatida ingliz adabiyotini o'rganish ish beruvchiga sizning ingliz tilini yaxshi bilishingizni va professional ingliz tilini yaxshi bilishingizni namoyish etadi.

Kalit so'zlar: ingliz adabiyot, roman, badiiy adabiyotlar, she'rlar, pyesalar, badiiy matn, sheriya, dramaturgiya, korrektor, muharrir

Adabiyot haqida tushuncha sifatida qarasa, adabiyot avval og'zaki bo'lgan, yozuv paydo bo'lgandan so'ng yozma shaklga o'tgan. Adabiyot so'z orqali insonning his-tuyg'ularini keng va chuqur aks ettirish imkoniyatiga ega, shuning uchun ham u san'atning eng ommaviy turi hisoblanadi. Badiiy adabiyotning yetakchi 3 turi — epos, lirika, drama mavjud. Adabiyotning badiiylik mezoni uning g'oyaviy-badiiy jihatdan mukammal bo'lishini taqozo qiladi. Bu hol asar mavzuining dolzarbligi, ifoda etadigan g'oyasining to'g'riligi, tasvir haqiqatining chuqurligi, badiiy shakl tarkibiy qismlarining mukammalligidan yuzaga keladi. Har bir adabiyot milliydir, shunga ko'ra har bir xalqning tarixiy hayotidagi va ruhiyatidagi xususiyatlar adabiyotning milliyliги mazmunini tashkil etadi va o'ziga xos milliy shaklni yuzaga keltiradi.

Ingliz adabiyoti deganda ingliz tilida yozilgan dunyo bo'ylab matnlarni o'rganish tushuniladi. Ingliz adabiyoti bo'yicha ilmiy darajani o'rganish orqali siz ko'plab matnlarni tahlil qilishni va bir nechta turli uslublar yordamida aniq yozishni o'rganasiz. Odatda, adabiyot boshqa turlar qatorida turli xil matn turlarini, shu jumladan romanlar, badiiy adabiyotlar, she'rlar va pyesalarni nazarda tutadi. Biroq, adabiyot bu munozarali atama, chunki aloqa uchun yangi vositalar zamonaviy adabiyotning har xil turlarini taqdim etadi.

Odatda adabiyotga badiiy savob bilan yozish tushuniladi. Shu bilan birga, matnning boshqa turlari, masalan, ssenariylar, badiiy adabiyotlar, qo'shiqlar so'zlari va bloglar va boshqa vositalar orqali Internet orqali muloqot qilish, endi ushbu atama zamonaviy tushunchasi ostida adabiyot deb qaralishi mumkin. AQShning aksariyat yirik muassasalarida ingliz adabiyoti dasturlari asosan an'anaviy badiiy matnlarni o'rganadi. Ingliz adabiyoti ixtisosligi she'riyat, dramaturgiya va nasriy badiiy adabiyotlarni o'z ichiga olgan matnlarni tekshiradi, ehtimol tanlagan yo'lidagi adabiyotning ko'proq bahsli turlarini qisqacha qamrab oladi.

Agar siz AQShda Adabiyotni o'rganishni tanlasangiz, siz turli xil matnlarni qanday o'qishni va uslubni, turli xil til turlarini va ma'nolarini chuqur tahlil qilishni o'rganasiz. Shuningdek, stilistik jihatdan har xil shakllarda aniq, ixcham va analitik yozishni o'rganasiz. Odatda, Adabiyot kurslari turli yo'nalishlarga bo'linadi: Britaniya adabiyoti, Amerika adabiyoti, Jahon adabiyoti va davrlar (1800 yilgacha va 2000 yildan keyin). Sizda ushbu mavzularning bir nechtasi bo'yicha asosiy kurslar bo'ladi, shuningdek, ijodiy yozish yoki drama kabi o'zingizning qiziqishingizni tanlashingiz kerak. Oxir oqibat siz o'zingiz o'qigan matnlarni yakka o'qishdan ko'ra ancha chuqurroq tushunasiz va yozma tahlil, taqdimot yoki sinf muhokamasi orqali o'z bilimingizni qanday ifoda etishni o'rganasiz.

AQShda ingliz adabiyotini o'rganish atrofingizdagi dunyoni yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Adabiyot darajasi barcha sohalarda tanqidiy nuqtai nazarni taqdim etish uchun sizni qurilish va tahlil qilishni o'rgatadigan ko'chiriladigan ko'nikmalarni ta'minlaydi. Xalqaro talaba sifatida ingliz adabiyotini

o'rganish ish beruvchiga sizning ingliz tilini yaxshi bilishingizni va professional ingliz tilini yaxshi bilishingizni namoyish etadi.

Bitiruvchi sifatida adabiyotda martaba uchun bir necha xil yo'llar mavjud. Shuningdek, siz magistrlik kurslarini o'tashingiz va o'qituvchi, ma'ruzachi yoki jurnalist bo'lishingiz mumkin, shu bilan biznes, huquqshunoslik va ta'lim sohalarini o'z ichiga olgan ingliz talabalarini bitiradigan umumiy krossoverlar bilan. Yoki siz tahliliy ko'nikmalaringizdan marketing, reklama yoki kutilmaganda tayyorlanadigan narsalar kabi kutilmagan kasblarga o'tish uchun foydalanishingiz mumkin. Shuningdek, nashriyot sohasida muharrirdan, korrektordan, adabiy agentgacha aniq lavozimlar mavjud. Ko'plab ijodiy yozuvchilar, jumladan, yozuvchilar, shoirlar va ssenariy mualliflari, o'zlarining kareralarini yozish orqali ifoda etish uchun individual qobiliyatlarini rivojlantirishdan oldin yozma ingliz tilini chuqur anglashdan boshlashadi.

Agar siz ingliz tilini yaxshi bilishni, atrofingizdagi dunyoni tanqidiy tahlil qilishni va turli xil martaba imkoniyatlarini yaratadigan darajada o'qishni istasangiz, ingliz adabiyoti siz uchun to'g'ri yo'l bo'lishi mumkin.

Bizning o'sib borayotgan maqolalar to'plamimizni o'qib, AQShda adabiyotni o'rganish haqida ko'proq bilib oling.

Adabiyotlar:

1. Frensis Scott Fitzgerald, “Buyuk Gatsby”, New-York, Parijda, Charles Scribner's Sons nashriyoti 1925-yil 10-aprel.
2. Mary Anne Evans, “Middlemarch, A Study of Provincial Life” 1829.
3. Harper Li, “Mockingbirdni o'ldirish” 1960 yil Qo'shma Shtatlarda u o'rta va o'rta maktablarda keng o'qiladi.

XXI ASR ADABIYOTI VA YOSHLAR KAMOLOTI

Anapiyeva Gavharoy Sadridin qizi

Andijon Davlat Universiteti MTM 2-kurs (sirtqi bo'lim) talabasi

Annotasiya.Maqolada bola tarbiyasida va kamolotida adabiyotning o'rnini haqida va maktabgacha yoshdagi bolani har tomonlama rivojlantirish vositasi sifatida badiiy adabiyotdan foydalanishning dolzarbligi masalalari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: nutq, adabiyot, tarbiya, tabiat, axloq, tafakkur, qobiliyat, tasavvur, idrok, estetik rivojlanish.

Bugung yangilaniib borayotgan O'zbekiston kelajagi bo'lgan yosh avlod tarbiyasi, har bir Vatan ravnaqi yo'ilda o'zimi burchli hisoblagan inson oldidagi dolzarb masaladir. Zero, taniqli ma'rifatparvar adib aytganidek: “Tarbiya biz uchun yo hayot- yo mamot, yo najot -yo halokat, yo saodat - yo falokat masalasidir,, Shu nuqtai nazardan kelib chiqsak bola tarbiyasi ota onalar, tarbiyachilar va o'qituvchilar zimmasiga jua katta ma'suliyat yuklaydi. Bolalarni bog'cha yoshidanoq tabiatga, Vatanga, ota onaga bo'lgan munosabatlarini shakllantirish va ularga bo'lgan muhabbatini rivojlantirib borish lozim. Bu borada tarbiyachining asosiy vazifasi - maktabgacha yoshdagi bolalarni qiziqtirish, ularning adabiy asarlarga qiziqishini uyg'otish, badiiy so'zga muhabbat, kitobga hurmatni tarbiyalash. Bolalar bog'chasi maktabgacha yoshdagi bolalarni bolalar uchun eng yaxshi asarlar bilan tanishtiradi va shu asosda axloqiy, aqliy, estetik tarbiyaning o'zaro bog'liq vazifalarini hal qiladi. Adabiy asarlar nutqning rivojlanishiga hissa qo'shadi..

Adabiyot bolalar taqqoslash, metafora, epitet va boshqa obrazli ifoda vositalaridan foydalangan holda tinglagan narsalariga munosabatini ifoda etishga yordam beradi.

Badiiy asarlar qahramonlari bilan tajriba o'tkazishni o'rganib, bolalar yaqinlari va atrofdagilarning kayfiyatini sezishni boshlaydilar. Ularda insoniy his-tuyg'ular

uyg'onishni boshlaydi - ishtirok etish qobiliyatini namoyish etish qobiliyati. Xayrixohlik, adolatsizlikka qarshi norozilik tuygulari shakllananib boradi.

Badiiy adabiyot jamiyat hayotini, tabiat dunyosi va munosabatlarini ochib beradi va tushuntiradi. Bola xayolining tafakkurini rivojlantirishga yordam beradi, hissiyotlar bilan boyitadi ...Hamma biladiki, badiiy adabiyot bolalarning aqliy, axloqiy va estetik tarbiyasining samarali vositasi bo'lib, bola nutqini rivojlantirish va boyitishga katta ta'sir ko'rsatadi .

Badiiy adabiyot axloqiy tuyg'ular va baholarni, axloqiy xatti-harakatlar normalarini shakllantiradi, estetik idrokni tarbiyalaydi.

Adabiyotning tarbiyaviy vazifasi faqat badiiylikka xos bo'lgan maxsus usul - badiiy obraz ta'sir kuchi bilan amalga oshiriladi. So'z san'ati haqiqatni badiiy obrazlar orqali aks ettiradi, eng tipik, tushunadigan va umumlashtiruvchi hayotiy faktlarni namoyish etadi. Bu bolaga hayot haqida ma'lumot olishga yordam beradi, uning atrof-muhitga munosabatini shakllantiradi.

Badiiy asarlar qahramonlari bilan tajriba o'tkazishni o'rganib, bolalar yaqinlari va atrofdagilarning kayfiyatini sezishni boshlaydilar.,Bolaning his-tuyg'ulari o'qituvchisi u bilan tanishtirgan asarlarning tilini o'zlashtirish jarayonida rivojlanadi. Badiiy so'z bolaga tovushli ona nutqining go'zalligini tushunishga yordam beradi, u atrofni estetik idrok etishga o'rgatadi va shu bilan birga uning axloqiy g'oyalarini shakllantiradi. Bolaning badiiy adabiyot bilan tanishishi xalq ijodiyoti miniatyuralari - bolalar bog'chalari, qo'shiqlar, boshlanadi, keyin u xalq ertaklarini tinglaydi. .Ertak olamiga sayohat bolalarning xayolotini, fantaziyasini rivojlantiradi, ularni o'zlari yozishga undaydi. Insoniyatning eng yaxshi adabiy namunalari asosida yaratilgan bolalar o'zlarining hikoyalari va ertaklarida o'zini adolatli ko'rsatadilar, xafa bo'lganlarni va zaiflarni himoya qiladilar va yovuzlikni jazolaydilar.

Maktabgacha yoshda estetik in'ikosning rivojlanishi juda sezilarli. Bola badiiy asar 4-5 yoshidayoq hodisalarning tipik xususiyatlarini aks ettirishini tushunishi mumkin. Tadqiqotchilar bolaning badiiy idrok etishining bunday xususiyatini,

faoliyatdagi asarlardagi belgilarga faollik, chuqur hamdardlik sifatida qayd etishadi. Katta yoshdagi maktabgacha yoshdagi bolalar, xuddi qahramon o'rnini egallagandek, xayoliy sharoitlarda aqliy harakat qilish qobiliyatini rivojlantiradilar. Masalan, ertak qahramonlari bilan birgalikda bolalar keskin dramatik daqiqalarda qo'rquv hissi, yengillik hissi, adolat g'alabasidan mamnun bo'lishadi. Badiiy asar bolani nafaqat jonli obrazli shakli, balki mazmunli mazmuni bilan ham o'ziga jalb qiladi.

Tadqiqotchilar maktabgacha yoshdagi bolalar she'riy quloqni egallashga qodir ekanliklarini va nasr bilan she'riyat o'rtasidagi asosiy farqlarni tushunishlari mumkinligini aniqladilar.

Abdulla Oripovning “Dehqon bobo va o'n ikki bolakay qissasi” she'ri bolalar adabiyotining keyingi yillarda qo'lga kiritgan jiddiy yutuqlaridan bo'ldi. O'zbek bolalar she'riyatida O'zbekiston haqida ko'plab asarlar bor. A. Oripov ularni takrorlamasdan o'ziga xos original asar yozgan. She'r qahramonlari o'n ikki viloyatdan chiqqan a'lochi, jamoatchi o'quvchi bolalar. Ular o'z joylarining tarixini yaxshi bilishadi. Poyezdda o'zlariga hamroh bo'lgan boboning savollariga lo'nda-lo'nda qilib javob berishadi. O'zbekistondagi har bir viloyatning o'ziga xos boyligi, shaharlari, bag'rikeng odamlari kitobxon ko'z o'ngida bir-bir gavdalanadi. O'zaro suhbat asosiga qurilgan bu she'rda boboning yakuniy nutqi juda salmoqli. To'rt misra she'r bilan tobora gullab-yashnab borayotgan, o'ziga mustaqil bo'lib, o'z taqdirini o'zi bunyod etayotgan diyorumizning husni jamoli, salobati va qudrati bir butunligicha ifoda etilgan:

Siz atagan har bir joy

Bitta bo'ston bo'ladi,

Hammasini qo'shsangiz,

O'zbekiston bo'ladi.

O'zbek xalqi avvaldan mehnatkash xalq. Ishchanlik bizga otabobolarimizdan meros bo'lib qolgan. Q. Muhammadiyning “Etik”, “Buvimning hikoyasi”, H. Yoqubovning “Sirdaryo oftobi”, Shukur Sa'dullaning “Hovlimizning bolalari”,

“Dastyor qiz”, “Bog‘bon qiz”, Ilyos Muslimning “Oyxon va rayhon”, “Ishchan asalarilar”, “Sening sovg‘ang”, Po‘lat Mo‘minning “Dalalarga qarasam”, “Oftob chiqdi Hikmatning “Bobo va laqillab”, Tolib Yo‘ldoshning “Vaqt qadri”, Yusu Shomansurning “Baraka”, “Tikuvchi” she‘rlari bevosita mehnat mavzusiga bag‘ishlangan.

Shoirlarimiz o‘z asarlarida bolalarni mehnatkash bo‘lishga, mehnat ahlini hurmat qilishga, ularning peshona terlari evaziga bunyod etilgan narsalarni e‘zozlashga, asrab-avaylashga da‘vat qiluvchi she‘rlari bilan kitobxon mehrini qozonmoqdalar. Bolalarni bog‘cha yoshidan boshlaboq tabiatga muhabbat ruhida tarbiyalash muhim ishlardan biri hisoblanadi. Bolalar ijodkorlari bu masalaga alohida e‘tibor bermoqdalar. “Kichkina bog‘bon haqida doston”, “Suv bilan suhbat”, “Yuksak tog‘, keng o‘tloq va mard o‘rtoq haqida qissa” (Z. Diyor), “To‘rt fasl” (Sh. Sa‘dulla), “Bizning bog‘ga kelinglar” (G‘. G‘ulom), “Boychechak”, “G‘uncha” (Uyg‘un), “O‘rik gullaganda” (H. Olimjon), “Yurtimiz tabiati”, “Tillaqo‘ng‘iz” (I. Muslim), “Tabiat alifbosi”, “Qanotli do‘stlar” (Q. Muhammadiy), “Bahor”, “Tog‘ manzarasi”, “Suv” (Q. Hikmat), “Toshbaqa” (Y. Shomansur), “Bir cho‘ntak yong‘oq” (M. A‘zam), “Kamalak afsonasi” (O. Matjon) va boshqalar shular jumlasiga kiradi. Bular orasida Shukur Sa‘dullaning “Kichkina qushcha” asari alohida ajralib turadi. Unda bolalarning qushlarga bo‘lgan mehri, g‘amxo‘rliги misralar qatiga chuqur singdiriladi.

Bolalar shoiri Olim Mahkam o‘ziga o‘zi talabchan qalamkashlardan biri. U o‘zining har bir asarini qayta-qayta ishlaydi, tilining sodda, badiiy mukammal bo‘lishiga katta e‘tibor beradi. Uning “Kapalak” she‘rini olib ko‘raylik. To‘rt misradan iborat bu asar naqadar oddiy, naqadar sodda. Ammo juda ta‘sirchan. She‘rda insonlar u yoqda tursin, hatto, hasharot-u qurt-qumursqalar ham tabiatning mudom guldek yashnab turishi tarafdori ekanligi ayon bo‘ladi:

– *Kapalakjon, beri kel,*

Buncha parvoz etasan!?

– *Meni quvma, Erkinjon,*

Gulni bosib ketasan.

Ko'rinib turibdiki maktabgacha yoshdagi bolalarning har tomonlama rivojlanishida va ularning tarbiyasida adabiyotning o'rni beqiyosdir. Maktabgacha talim muassasalari tarbiyalanuvchi bolalarni milliy qadriyatlarimiz, qadimiy urf odatlarimiz, buyuk ajdodlarimiz hayoti va ijodlari bilan tanishtirib borish va ularni murg'ak qalblariga singdirish orqali rivojlanayotgan O'zbekiston uchun munosib vorislar yetishib chiqishida albatta adabiyot muhim vositadir. Zero, Adabiyot – atomdan kuchlidir. (A. Qaxxor.)

ADABIYOTLAR:

1. G'oziyev E.G.<< Pedagogik psixologiya asoslari>> Toshkent Tosh DU 1995 yil.
2. Nishonova Z.T. G,Alimova << Bolalar psixologiyasi va ularni o'qitish metodikasi>> Toshkent 2003 yil.
3. Nishonova Z.T. << Bolalar psixodiagnostikasi>> Toshkent 1998 yil.

XXI ASR ADABIYOTI VA ODOB-AXLOQ MASALALARI

*Boboyeva Gulnozaxon Latipjonovna,
gulnozaboboyeva05@gmail.com*

*Andijon mashinasozlik instituti
O'zbek tili va adabiyot kafedراسи ассисенти
Xakimova Dilnozaxon Sa'dulla qizi
dilnozaxakimova1232@gmail.com
Andijon mashinasozlik instituti*

“Axborot tizimlari va texnologiyalari” yo'nalishi 1-bosqich talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqola XXI asr adabiyoti, hozirgi paytda adabiyotga bo'lgan e'tibor, “Adabiyot yo'l boshiga qo'yilgan ko'zgu” ekanligi, bu ko'zguda qanday qiyofani ko'rsatish san'atkorning mahoratiga bog'liqligi, ko'zguda ayon bo'ladigan inson qiyofasi nechog'liq yoqimli, nurli, tiniq bo'lsa, unga qaragan odam

quvonadi, o‘zini o‘nglashga urinishi, aksincha, badbashara, axloqsiz, shallaqlari va behayo bo‘lsa, kishi undan jirkanishi, ana shu qabul qilishning ikki usulidan qaysi birini tanlash yozuvchining estetik idealini yorqin ko‘rsatuvchi vosita hisoblanishi to‘g‘risida yoritilgan.

Kalit so‘zlar: *bozor munosabatlari, ”erkinlik” tushunchasi, roman, bashariyat,*

Barchamizga ayonki, XXI asr intellektual salohiyat, tafakkur va ma’naviyat asri sifatida insoniyat oldida yangi-yangi ufqlar ochish bilan birga biz ilgari ko‘rmagan, duch kelmagan keskin muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Bugungi murakkab va tahlikali zamonda yozuvchining, bashariyatning ertangi kunini o‘ylab, odamlarni ezgulikka, mehr-oqibat va bag‘rikenglikka da’vat etishga qaratilgan haroratli so‘zi har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Inson tafakkurining yangilanishida, uning ongiga ma’lum bir g‘oyani singdirishda hech qaysi soha adabiyotchilik qudrat va imkoniyatga ega emas. Shu nuqtai nazardan qaraganda, yangi XXI asr inson tafakkuri taraqqiyotiga, uning tez o‘sishi va yangilanishiga jiddiy ta’sir ko‘rsatdi. Chunki adabiyot badiiy so‘z va obrazlar vositasida omma ruhiyatida tubdan o‘zgarish yasaydi. Buning uchun ijod ahli erkin nafas olish, xohlagan mavzusida qalam tebratish, istagan muammosini ko‘tarish va, albatta, ko‘ngliga ma’qul keladigan qahramon timsoli orqali tasvirlash huquqiga ega bo‘lishi kerak. Qariyb chorak kam bir asr mobaynida qog‘ozda boru amalda bo‘lmagan bunday “erkinlik” adiblarimiz tafakkurini tushovga solib qo‘ygandi. Mustaqillik tufayli bu tushov uzildi. Adabiyotga – so‘z san’atiga chinakam erkinlik berildi va u qonun asosida mustahkamlab qo‘yildi. Natijada, adabiyotda juda katta ijobiy o‘zgarishlar yuzaga keldi. Buning samarasi tez orada aniq ko‘zga tashlandi, ya’ni, jadallik bilan o‘sib borayotgan siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy tafakkurlar ta’sirida adabiy-badiiy tafakkur ham shakllanib, ulg‘ayish yo‘liga kirdi. Dastlab, odamzodning iqtisodiy bo‘ronlar ummonidagi suzish qiyinchiliklari, cho‘kish azobi, ikkilanish, bemaqsad quloq otishlarini real tasvirlashdan o‘zini tiygan adabiyot ahli yangi asrning ilk yillaridan boshlab, bu mavzuni jiddiy ishlashga kirishdi. Bozor va

inson taqdiri keyingi yillar o‘zbek nasrining eng ko‘p ishlanayotgan muammosiga aylandi. Bozor munosabatlari o‘z-o‘zidan insonning jamiyat, oila, jamoa, o‘zga yurt va odamlar o‘rtasidagi ziddiyat hamda aloqalar zilzilasini ham yuzaga chiqaradi. Bunday vaziyatda turmushini o‘nglash uchun urinayotgan shaxs manfaati bilan yangilanishga yuz tutayotgan jamiyat va siyosat manfaatlari o‘rtasida o‘zaro to‘qnashuvlar vujudga keladi. Ular o‘z navbatida oilaviy munosabatlarga ham, insonning yovuzlik sari yuz tutishiga ham u yoki bu darajada ta’sir o‘tkazmay qolmaydi. Haqiqiy san’atkorning vazifasi esa insoniyatning kelajagini ta’minlovchi umidbaxsh g‘oyalarni ilgari surish, ular dunyoqarashida ezgulik, mehr-oqibat va bag‘rikenglik kabi fazilatlarni ifodalashga xizmat qiladigan ibratli obrazlarni yaratishdan iboratdir. Buning uchun ijodkorning estetik ideali g‘oyatda sog‘lom, ma’naviy dunyoqarashi yetuk, xalqi va Vatani oldidagi mas’uliyati barqaror bo‘lishi kerak.

Ma’lumki, roman, qissa, hikoya singari epik tur janrlarining har biri o‘ziga xos talablar va qonuniyatlar asosida yaratiladi. Tanlangan mavzu ko‘lami, ko‘tarilgan muammo yuki, yaratilgan personajlar miqdoridan tortib, shaklu shamoyiligacha qat’iy o‘lchamga ega bo‘lgan bu janrlar hozir o‘zligini yo‘qotib, qorishiq bir narsaga aylangandek tasavvur qoldirmoqda. Avvalo, romanda qo‘yilgan muammoning yuki g‘oyatda zalvorli bo‘lishi talab etiladi. Vaholanki, hozir ba’zi adiblar uchun asarda romanbop muammoni ko‘tarishdan ko‘ra, “roman” degan atama bilan kitob chiqarish muhimroq bo‘lib qoldi. Keyingi yillarda “Yangi asr avlodi” nashriyoti ayrim kitoblarni “XXI asr romani” degan nom bilan chiqara boshladiki, ularni o‘qib, kishida agar yangi asr romanlari shunaqa bo‘lsa, hali hech narsaga erishmapmiz, degan fikr uyg‘onadi. Bundan yigirma yil avval jahon adabiyotining sinchkov bilimdoni, adabiyotshunos Tal’at Solihov (olloh rahmatiga olgan bo‘lsin) suhbatlaridan birida: “Nazarimda, asr adabiyotining poydevorida ikkita muhim narsa bo‘lishi kerak: biri – milliy an’ana, adabiyotimiz, san’atimiz sohasidagi milliy an’ana va ikkinchisi, jahon adabiyotining darajasi, jahon badiiy tafakkurining darajasi va jahon adabiyotida erishilgan tajriba. Ana shu narsalar poydevor asosi

bo‘ladi, poydevorning poydevori bo‘ladi” deb orzu qilgandi. Dadil aytish mumkinki, bugun o‘zbek adabiyoti ko‘p asrlar mobaynida shakllangan milliy o‘ziga xosligini to‘la saqlagan holda, jahon adabiyoti tarkibiga qo‘shilish yo‘llarini izlab topish imkoniyatiga ega bo‘ldi. Aslida, har qanday xalq adabiyoti barkamollik cho‘qqisiga, avvalo, o‘zi mansub bo‘lgan millatning madaniy, ma’naviy, ma’rifiy an’analariga qat’iy rioya qilishi, ularga hurmat bilan qarashi orqali erishadi. Bizda esa bunday an’analarning tunganmas xazinasini mavjud. O‘lmas xalq og‘zaki ijodi, boy yozma adabiyotimiz, rang-barang axloqiy qadriyatlarimiz va milliy urf-odatlarimiz “poydevorning poydevori” borligidan dalolat beradi.

Darhaqiqat, o‘tgan yigirma yillik adabiy xirmonimizga bir qur nazar tashlasak, buyuk Sharq adabiyotining milliy an’analarini boyitgan holda, jahon badiiy tafakkuri darajasi bilan bimalol bo‘ylasha oladigan talay asarlar dunyoga kelganiga guvoh bo‘lamiz. Omon Muxtor, Muhammad Ali, Asad Dilmurod, Xurshid Do‘stmuhammad, Ulug‘bek Hamdam, Tilavoldi Jo‘rayev singari adiblarning asarlari to‘laqonli milliy ruhi va jahon adabiyotida mavjud eng yangi badiiy usullarning tabiiy uyg‘unlashuvi tufayli chinakam o‘quvchilar muhabbatiga sazovor bo‘ldi. Shu bilan birga, bu davrda yuki yengil, shishirilgan shardek havoyi qissa va romanlar ham vujudga keldiki, bu adabiyotshunos Tal‘at Solihovning orzusi to‘la amalga oshmaganini, XXI asrning dastlabki o‘n yili o‘tib borayotgan bo‘lsa-da, jahon badiiy tafakkuri darajasiga olib chiquvchi “poydevor” hali mukammal bitmaganligini ko‘rsatib turibdi.

Roman yozuvchidan uzukning kichkina ko‘ziga butun bir olamni sig‘dira olish va uni turli ranglarda aks ettira bilishdek g‘oyat murakkab mehnatni talab qiladi. Roman yozishga kirishgan ijodkor bir paytning o‘zida ham zargar, ham duradgor, ham sangtarosh, ham arxitektor, ham sinchi bo‘lishi kerak. Adib bu kasb egalariga xos barcha xususiyatlarni o‘zida mujassam etmog‘i lozim. Toki, u yaratgan asarda zargarining ziyrakligi, duradgorning donoligi, sangtaroshning sayqali, arxitektorning aql-farosati, sinchining saralash tuyg‘usi aks etib tursin. Asarlarni shu nuqtai nazardan ko‘zdan kechirsak, hozirgi o‘zbek nasrining ba’zi

yutuq va kamchiliklari ayon bo‘ladi. Romanda, eng avvalo, muammo qo‘ya bilish muhim ahamiyatga ega. Roman epik turning eng yirik janri bo‘lganligidan unda ko‘tariladigan muammo har qanday zamonda ham, sharoitda ham dolzarbligi va zamonaviylikini yo‘qotmasligi kerak. Hayot insoniyat oldiga har kuni, har soatda yangi-yangi muammolarni ko‘ndalang qilyapti. Bu muammolar vazniga ko‘ra yengil yoki zalvorli, ko‘lamiga qaraganda katta yoki kichik, ahamiyatiga ko‘ra arzirli yoxud arzimas, mohiyatiga nisbatan o‘tkinchi yoki doimiy, yo‘nalishi jihatidan umuminsoniy yoki shaxsiy bo‘lishi mumkin. Gap uning adib tomonidan tanlay va qay darajada ifodalay hamda jamiyat manfaatlari bilan bog‘lay olishidadir. Chunki inson jamiyatning bir vinti ekan, unga daxldor muammo, shubhasiz, boshqa mexanizmlarning ham normal harakatlanishiga ta’sir ko‘rsatadi. Shu nuqtai nazardan biz tahlil doirasiga tortgan asarlarning aksariyati qo‘yilgan muammoning romantik ahamiyatga egaligi, zamonaviylik va g‘oyatda dolzarbligi bilan ajralib turadi. Biroq, ochig‘ini aytganda, ularning yechimi bir xil saviyada emas. Turob Maqsud esa o‘z romanida ezgulik har doim yovuzlik ustidan g‘olib chiqishi muqarrar ekanligiga inson ko‘nglida tug‘ilgan ozgina ilinj tuyg‘usi ham asos bo‘lishini ifodalashni maqsad qilib olgan. Bu maqsadini badiiy jihatdan ifodalash uchun antiqa ism va qiyofaga ega bo‘lgan qahramoni Haybatning hayot yo‘lini tanlaydi. Ota-onasining kimligini bilmay, bolalar uyida voyaga yetayotgan Haybatning murg‘ak ko‘nglida quyidagi ilinjlar kurtak ota boshlaydi: birinchisi, ***mehr ilinji***. U dunyoga kelgan kundanoq inson mehriga muhtoj bo‘lib yashadi, ona ko‘ksini emmadi, iliq quchog‘ida erkalanib yotmadi, alla eshitmadi. Bolalar uyida gap eshitib, kaltaklanib, chetga surilib o‘sdi. Shu mehrdan unib chiqadigan ikkinchi ilinj – ***ayol zotiga muhabbat, uni asrash va umrini uzaytirish***. Chunki u onam meni tug‘iboq olamdan o‘tgan deb o‘ylardi. Shu sabab o‘quvchilik paytidayoq uning tarafini olgan tengdoshi Donoxonga bir umr qattiq mehr qo‘ydi, uni unutmadi va unga intilib yashadi. Uchinchisi, ***ilmga intilish ilinji***; U insonning umrini uzaytirish yo‘llarini o‘rgandi. Ustozi akademik Ulug‘ Baraka (keyin otasi

bo‘lib chiqdi) ilgari surgan gen masalasini rivojlantirib, fanda kashfiyot yaratdi, ya’ni, *o‘lgan odamni hayotga qaytardi*. Bu uning *to‘rtinchi ilinji* edi.

Unutmaylikki, adabiyot har doim poklik, go‘zallik, adolat, haqiqat, imon va e’tiqod ko‘zgusi bo‘lib kelgan va shunday bo‘lib qolmog‘i lozim. Yozuvchi har qanday razolat va qabohat, ifloslik va imonsizlik, razillik va axloqsizlik zaminida o‘zining pokiza estetik idealini ilgari surishni unutmasligi shart. Bu siz o‘quvchini ezgulik ruhida tarbiyalab bo‘lmaydi. Buning uchun yozuvchi hayotga nekbin ko‘z va yoniq muhabbat bilan qaramog‘i kerak. Toki, uning tafakkuri hosili hisoblangan badiiy asar xom-xatala va taxir meva singari xaridorning ishtahasini bo‘g‘masin Zero, shoshma-shosharlik adabiyotga hech qachon naf keltirmasligini, haqiqiy san’atkor uchun ko‘p yozishdan ko‘ra, xo‘b yozish afzal ekanligini bilishi shart.

ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi 1-prezidendi Islom Abdug‘aniyevich Karimovning so‘zlari.
2. “Sharq yulduzi” jurnali, 2011 yil 3-soni.

XXI ASR TAFAKKUR VA MA'NAVIYAT ASRI

Babayeva Gulnozaxon Latibjonovna

gulnozaboboyeva05@gmail.com

Andijon mashinasozlik instituti

O'zbek tili va adabiyoti kafedrasasi assistenti

Bahodirova Madinabonu Nodirbek qizi

Andijon mashinasozlik instituti

“Texnologik jarayonlar boshqaruvi va kompyuter tizimlari” fakulteti

“Axborot tizimlari va texnologiyalari” yo'nalishi 1-bosqich talabasi

Annotatsiya. XXI asr adabiyotida ro'y bergan voqeliklari inson tafakkurini yanada kengaytirish va ravon fikr yurita olishiga qo'shgan hissasi va inson hayotida tutgan o'rni keng ko'lamdagi imkoniyatlar va ertangi kunimiz rivojlanishiga qo'shgan hissasi.

Kalit so'zlar: tafakkur, umidbaxsh g'oyalar, intellektual salohiyat.

Inson tafakkurining yangilanishida, uning ongiga ma'lum bir g'oyani singdirishda hech qaysi soha adabiyotchilik qudrat va imkoniyatga ega emas. Shu nuqtai nazardan qaraganda, yangi XXI asr inson tafakkuri taraqqiyotiga, uning tez o'sishi va yangilanishiga jiddiy ta'sir ko'rsatdi. Chunki adabiyot badiiy so'z va obrazlar vositasida omma ruhiyatida tubdan o'zgarish yasaydi. Buning uchun ijod ahli erkin nafas olish, xohlagan mavzusida qalam tebratish, istagan muammosini ko'tarish va albatta, ko'ngliga ma'qul keladigan qahramon timsoli orqali tasvirlash huquqiga ega bo'lishi kerak. Qariyb chorak kam bir asr mobaynida qog'ozda boru amalda bo'lmagan bunday “erkinlik” adiblarimiz tafakkurini tushovga solib qo'ygandi. Mustaqillik tufayli bu tushov uzildi. Adabiyotga – so'z san'atiga chinakam erkinlik berildi va u qonun asosida mustahkamlab qo'yildi. Natijada, adabiyotda juda katta ijobiy o'zgarishlar yuzaga keldi.

Buning samarasi tez orada aniq ko'zga tashlandi, ya'ni, jadallik bilan o'sib borayotgan siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy tafakkurlar ta'sirida adabiy-badiiy tafakkur ham shakllanib, ulg'ayish yo'liga kirdi. Dastlab, odamzodning iqtisodiy bo'ronlar ummonidagi suzish qiyinchiliklari, cho'kish azobi, ikkilanish, bemaqsad quloch

otishlarini real tasvirlashdan o‘zini tiygan adabiyot ahli yangi asrning ilk yillaridan boshlab, bu mavzuni jiddiy ishlashga kirishdi. Bozor va inson taqdiri keyingi yillar o‘zbek nasrining eng ko‘p ishlanayotgan muammosiga aylandi.

Bozor munosabatlari o‘z-o‘zidan insonning jamiyat, oila, jamoa, o‘zga yurt va odamlar o‘rtasidagi ziddiyat hamda aloqalar silsilasini ham yuzaga chiqaradi. Bunday vaziyatda turmushini o‘nglash uchun urinayotgan shaxs manfaati bilan yangilanishga yuz tutayotgan jamiyat va siyosat manfaatlari o‘rtasida o‘zaro to‘qnashuvlar vujudga keladi. Ular o‘z navbatida oilaviy munosabatlarga ham, axloqiy yemirilishga ham, insonning yovuzlik sari yuz tutishiga ham u yoki bu darajada ta’sir o‘tkazmay qolmaydi. Haqiqiy san’atkorning vazifasi esa insoniyatning kelajagini ta’minlovchi umidbaxsh g‘oyalarni ilgari surish, ular dunyoqarashida ezgulik, mehr-oqibat va bag‘rikenglik kabi fazilatlarni ifodalashga xizmat qiladigan ibratli obrazlarni yaratishdan iboratdir. Buning uchun ijodkorning estetik ideali g‘oyatda sog‘lom, ma’naviy dunyoqarashi yetuk, xalqi va Vatani oldidagi mas’uliyati barqaror bo‘lishi kerak.

Ma’lumki, roman, qissa, hikoya singari epik tur janrlarining har biri o‘ziga xos talablar va qonuniyatlar asosida yaratiladi.

Bundan yigirma yil avval jahon adabiyotining sinchkov bilimdoni, adabiyotshunos Tal’at Solihov (olloh rahmatiga olgan bo‘lsin) suhbatlaridan birida: “Nazarimda, asr adabiyotining poydevorida ikkita muhim narsa bo‘lishi kerak: biri – milliy an’ana, adabiyotimiz, san’atimiz sohasidagi milliy an’ana va ikkinchisi, jahon adabiyotining darajasi, jahon badiiy tafakkurining darajasi va jahon adabiyotida erishilgan tajriba.

2016 – yilning may oyida “Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat adabiyoti universiteti tashkil etish to‘g‘risida” gi Farmon e’lon qilindi.

Tohir Malik, Xurshid Do‘stmuhammad, Ulug‘bek Hamdam, Tilavoldi Jo‘rayev, Abduqayum Yo‘ldosh, Salomat Vafo, Zulfiya Qurolboy qizi singari iste’dodli adiblar tomonidan yaratilgan bozor va inson taqdiriga bag‘ishlangan badiiy jihatdan yuksak, g‘oyaviy tomondan yetuk qissa va romanlardagi personajlar xarakterlidir.

Bunday qahramonlar timsolida bozor munosabatlari sharoitida to‘g‘ri yo‘l topolmay adashgan, milliy o‘zligidan judo bo‘lgan, ba‘zan o‘z ixtiyori bilan yoki majburan axloqiy buzqlik yo‘liga kirgan shaxslarning fojiali qismati o‘quvchiga ibrat qilib ko‘rsatildi. Normurod Norqobilovning “Dashtu dalalarda”, Turob Maqsudning “Ilinj”, Jabbor Xalilning “Dovul” hamda “Taqdir bekatlari” singari asarlarida keng ma’noda olganda, inson va tabiat, inson va jamiyat, yaxshilik va yomonlik kabi adabiyotning ko‘hna va azaliy muammolariga murojaat qilingan. XXI asr boshida yaratilgan asarlarga shu nuqtai nazardan qaralsa, ko‘plab mahoratli adiblarimiz konfliktning rang-barang turlaridan unumli foydalanib, ta’sirchan va qiziqarli syujetlar asosiga qurayotganligiga ishonch hosil qilish mumkin.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning ertangi kunimizga komil ishonch va yuksak e’tiqod bilan yurgizayotgan dono siyosati, ezgu ishlari jamiyatimizni, O‘zbekistonimizni mutloq yangilashga olib borayotgan harakati albatta o‘z natijasini ko‘rsatadi.

“Xalq davlat idoralariga emas, balki davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak”. Bu g‘oya hayotimizning bosh mezoniga aylandi.

“O‘zbekistonni texnologik rivojlantirish va ichki bozorni modernizatsiya qillish bo‘yicha kuchli milliy g‘oya, milliy dastur kerak! Bu dastur O‘zbekistonni jahondagi taraqqiy topgan mamlakatlar qatoriga tezkor olib chiqishga imkon yaratishi lozim” deya aytib o‘tildi prezidentimiz “Murojatnoma” yig‘ilishida.

Shavkat Mirziyoyev “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonni imzoladi.

Farmonga muvofiq, 2020–2030 yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi hamda asosiy yo‘nalishlari tasdiqlandi.

Asosiy yo‘nalishlar quyidagilarni nazarda tutadi:

- 2025 yilga qadar davlat maktabgacha ta’lim tizimida o‘zbek tilli guruhlar qamrovini 72 foizga, 2030 yilgacha esa 80 foizga yetkazish;

- 2030 yilga qadar umumta’lim maktablarida o‘quv yillari uchun tayanch o‘quv rejalarida ona tili fanini o‘qitish ko‘lamini amaldagi haftada 84 soatdan 110 soatgacha oshirish;
- oliy ta’lim muassasalarida o‘zbek tili kafedralari sonini 2025 yilga qadar 120 taga, 2030 yilgacha esa 140 taga yetkazish;
- lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosida «O‘zbekiston milliy qomusi» jildlarini nashr etishni bosqichma-bosqich ko‘paytirib borish;
- 2020 yilda o‘zbek tilining lug‘at boyligini oshiruvchi 15 ta lingvistik, sohaviy-terminologik, izohli lug‘atlar yaratish;
- teleradiokanallar suxandon-boshlovchilarining o‘zbek adabiy tilidagi nutq madaniyatini oshiruvchi qayta tayyorlov kurslarida o‘qitish tizimini joriy etish va qamrovni 2030 yilgacha 100 foizga yetkazish;
- 2025 yilga qadar davlat tilida sohaviy ish yuritish hujjatlarining yagona elektron namunalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanish uchun 14 ta onlayn dastur ishlab chiqish, 2030 yilgacha esa ushbu ko‘rsatkichni 25 taga yetkazish;
- dasturiy mahsulotlarning o‘zbekcha ilovalari va elektron lug‘at dasturlarini yaratish;
- xorijliklar uchun o‘zbek tilini o‘rgatuvchi dasturlar yaratish;
- 2030 yilga qadar xorijiy oliy ta’lim muassasalarida o‘zbek tilini o‘rgatuvchi markazlar sonini amaldagi 17 tadan 60 tagacha ko‘paytirish;
- 2025 yilga qadar «O‘zbek tilining do‘stlari» klublari sonini 30 taga, 2030 yilgacha esa 40 taga yetkazish.

ADABIYOTLAR:

1. Shavkat Mirziyoyev “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni PF-6084-сон 20.10.2020.
2. Kelajak hayoti Muhammad Ali “Yorqin kunlar nafasi” T.:2019

УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР ИЖОДИДА БОШҚА АДАБИЙ ОҚИМЛАРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

*Умрзақов Исломжон Исроилович,
докторант, Наманган давлат университети, Ўзбекистон
islom.umrzakov@mail.ru*

Аннотация: Модернизм адабий оқимининг ёрқин вакили Уильям Фолкнер ижодида ушбу оқимга хос руҳ яққол устунлик қилса-да, унинг асарларида бошқа адабий оқимларга хос жиҳатларни ҳам сезиш қийин эмас. Адибнинг “инсон ва табиат” мавзуси акс этган асарларида Америка романтизми ва трансцендентализми анъаналари яққол кўзга ташланади. Ушбу мақолада айнан мана шу адабий оқимларнинг адиб ижодида миллий ўзига хосликнинг шаклланишидаги муҳим жиҳатлари илмий таҳлилдан ўтказилади.

Калит сўзлар: образ, эркинлик ва озодлик, модернизм, инсон ва табиат,

Америка модерн йўналишида ижод қилган ёзувчилар ҳақида гап кетганда, албатта, Уильям Фолкнер номи тилга олинади. Гарчи Фолкнер ижодида модерн руҳият яққол устунлик қилса-да, унинг асарларига бошқа адабий оқимларнинг таъсирини ҳам сезиш қийин эмас. Трансцендентализм адабий оқими ҳам Фолкнер ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.

Америка Қўшма штатларининг жануб мактаби адабиётига хос бўлган хусусиятлардан бири бу “инсон ва табиат” мавзусига мурожаат қилишдир. Уильям Фолкнер ҳам айнан ушбу мактаб вакили сифатида ном қолдирган ёзувчилардан бири эди. Фолкнер асарларида “инсон ва табиат” мавзуси муҳим ва жиддий ўрин эгаллайди; уларнинг адабий ўзига хосликларини белгилаб беради. Ўлканинг гўзал ва бетакрор табиатига бўлган алоҳида эътибор Американинг миллий адабий анъаналарига хосдир. Бироқ романтизм вакилларида Америка адабиётидаги бу сеvimли мавзуга ўзгача ёндашув кузатиладики, бу ўзига хос маъно касб этади. Романтизм вакиллари инсон ички оламини адабий асарнинг марказий нуқтасига айлантирар эканлар, уни табиат дунёси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайдилар. Она табиатни

романтик хис қилиш ва идеаллаштириш бу давр адабиётига хос бўлган хусусиятдир. Бу давр адабиётида табиат жонланади, мустақил ҳаёт кечирувчи, ўз остонасига келиб қолган жамият тараққиётига қарши турувчи образга айланади. Бу образ ҳамيشа инсон руҳининг тозаланиши ва унинг яратганга яқинлашиши ғояларини олға сурувчи романтик адиблар ижодида кузатилади.

Ушбу давр Романтик адибларнинг табиат ҳақидаги қарашларини улардан кейинги авлод вакиллари янада ривожлантиришди. Худди шундай қарашлар трансцендентализм вакилларига ҳам хос хусусиятдир. Фақат трансцендентализм “инсон ва табиат” мавзусини янги фалсафий микёсда ўрганadi. Бу давр тадқиқотчиларининг ўз олдиларига қўйган асосий вазифалардан бири бу “атроф муҳитнинг инсон руҳиятига таъсири” [3, Б. 24] муаммосини ўрганишдан иборат эди. Улар инсон имкониятини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиладиларки, бу орқали инсон “она табиат билан азалий алоқаларни тиклай оладими” [3, Б. 23] деган саволга жавоб кидирадилар.

Трансцендентализм дунёда тарқалган Илоҳий принципни тан олади, уларнинг фикрича, табиат Худонинг юзидир. Бошқача қилиб айтганда трансцендентализм пантеизмга интилади. Илоҳий заковат инсон ақл-идрокига қарши қўйилади. Илоҳий заковатни англаш инсоннинг интуитив қобилияти билан боғланади. Бироқ пантеизм томон қанчалик интилмасин, трансцендентализм дунёнинг ўзгарувчанлиги ва ривожланиш ҳақидаги эволюцион назарияларни ҳам ўзлаштирди. “Табиатда қотиб қолган нарсанинг ўзи йўқ. Коинот ҳаракатчан ва ўзгарувчан. Барқарорлик нисбий тушунча”, деб ёзади Эмерсон [3, Б. 222].

Трансцендентализмнинг Фолкнер ижодига ғоявий таъсирини табиат мавзуси марказий ўринни эгаллаган “Айиқ” ҳикоясига мурожаат этиш орқали аниқлаш мумкин. Ҳикояда она табиат олий хилқат сифатида тан олинади ва инсоният цивилизациясига қарама-қарши қўйилади. Табиат дунёсининг барча образлари алоҳида маънони ўзида мужассам этган: масалан, айиқ бу

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ибрагимова Мухаррам Исақовна
muxarramibragimova@gmail.com

Андижон машинасозлик институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти
НегматовБегзод
Хизматлар соҳаси йўналиши 2-курс талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилининг ривожланишида Алишер Навоий асарларининг ўрни ва унинг асарларда ўзбек тили имкониятларини ёритилиши ҳақида сўз юритилган.

Алишер Навоий улуг мутафаккир адиб, буюк шоир ва улкан тилшунос олим сифатида ўзбек адабий тилига асос солган, уни шакллантириш ва ривожлантириш ишига жуда катта ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва таракқиётиҳаққоний равишда Алишер Навоийнинг табаррук номи билан боғланган. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоийнинг тили бутун бир даврнинг тили, бутун бир халқнинг адабий тилидир. Ҳатто уни бир неча даврлар ва бир неча халқларнинг тилини акс эттиради деб ҳисобловчи олимлар ҳам ҳақ бўлиб чиқадилар. Чунки Алишер Навоий XV асрда ўзбек адабий тилини яратар экан, бир қанча халқларнинг тилларидан озиқланганидек, у асос солган адабий тилдан биргина ўзбек халқи эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва айрим бошқа туркий халқлар ҳам фойдаланиб келдилар.

Олимлар Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тил қандай негиз асосида пайдо бўлгани ҳақида турлича фикрлар билдирадилар. Бу фикрлар ўша даврда мавжуд бўлган қуйидаги шарт -шароитларни турлича таҳлил қилиш натижасида келиб чиққан. Ўша даврда кўп асарлар араб, форс ва турк тили каби уч тилда яратилар эди. [1.97]. Шунингдек, Алишер Навоий замонасида илмий асарлар араб тилида, бадий асарлар форс тилида

ёзилганлигини олимлар қайд этадилар. Маълум давр уйғур тилидан ҳам фойдаланилган бўлиб, қадимги уйғур тилига хос бўлган бир қанча марфологик, лексик, фонетик элементлар Навоийгача бўлган ҳамма ёдгорликларда учрайди. Бу даврда бир-биридан фарқ қиладиган территориал диалектлар мавжуд эди. А. Навоий даврида туркий тилда сўзлашувчи халқлар турли-туман бўлган ва турли шеваларда сўзлашганлар. Бу шевалар ўзаро бир -бирига ва адабий тилга таъсир қилиб, турли элементларини киритиб борган. Бунинг устига тил группаларининг аниқ номлари йўқлиги масалани очиклашга тўсқинлик қилади. А.Навоий диалектларга кўра она тилини «Мезон авзон» асаридабаъзан туркча тил, чиғатой тили [2.108] деб номлайди.

Улуғ Навоийнинг илм-фан тараққиёти соҳасида, жумладан, она тили бобида қилган ажойиб ишлари туганмас бойлик бўлиб, ҳозирги кунда ҳам уни ўрганиш жуда муҳимдир. Навоийга ўз тилини мумтозлик даражасига кўтарган шоир дея ҳам таъриф беришади.

Ана шу даражани белгилашда энг аҳамиятли асари унинг “Хамса”си бўлиб, бу асар миллий, ҳам умуминсоний маъноларни ўзида жамулжам қилган ва эпопея жанрига мансуб бўлган қомусий асардир. Унинг ҳаракат доираси ғарбда Юнонистондан шарқда Хитойгача, шимолда Россиядан жанубда Ҳиндистон ва Ямангача оламшумул кенгликларни қамраб олади. Навоий лирикасида тасаввуф ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. «Хамса»да ҳам тасаввуф талаб қиладиган инсоний камолот, пок муҳаббат, муқаддас бурчга садоқат муаммолари диққат марказида туради. Асардаги бу муаммолар жаҳон миқёсига олиб чиқилади ва умумбашарий хусусиятга эга бўлган ёрқин инсоний тақдирлар орқали ҳал этилади.

Шарқ ва Ғарбнинг энг машҳур мамлакатларидан чиққан қаҳрамонларнинг номлари, ҳаракат доиралари, драматик тақдирлари Навоий «Хамса»сининг маъно ва мазмуни, бадиий тили ва тасвир воситалари беқиёс даражада бой ва ранг-баранг бўлишига имкон беради.

Олимларнинг аниқлаган статистик маълумотларида Навоий асарларининг сўз бойлиги А. С. Пушкин ва В. Шекспир асарларининг сўз бойлигидан ҳам кўпроқ эканига эътибор қаратилади. Навоий қўллаган ана шу тил бойликларининг энг катта қисми «Хамса» дostonларидан жой олган бўлиб, бу дostonларда туркий, форсий, арабий сўзлардан ташқари юнон, ҳинд ва бошқа тилларга хос номлар ва атамалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Навоий «Хамса» орқали мумтоз адабиётимизни жаҳон миқёсига олиб чиқар экан, турк оламининг эпик дoston яратиш борасидаги бой тажрибасини ва ўлмас анъаналарини ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаради[3].

А.Навоийнинг “Мухокатул луғутайн” асари ҳам форс ва ўзбек тилларини таққослаб ўзбек тили имкониятлари, унинг нозик қирралари, сўз бойлиги каби томонларини очиб она тилини ривожлантириўда ўз ўрнига эгадир. Ўзи шу икки тилда ҳам ижод қилади.

А.Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари орасида зуллисонайилик (икки тиллилик) анча кенг тарқалган эди. Хоразмий, Атоий, Лутфий ва бошқа шоирлар ўзларининг истеъдодларини ҳар икки тилда ҳам намоиш қила олдилар.Аммо бу анъана тожик шоирлари ижодида дея рли учрамас эди. XV асрнинг ўрталаридан бошлаб форс -тожик адиблари ўртасида ҳам туркийгўйлик пайдо бўлди. Бу эса ўзбек адабиётини юксакликка кўтариб, ўзбек тилининг қудратини намоиш этган А.Навоийнинг бевосита таъсири натижасида эди. Форс -тожик шоирларидан биринчи бўлиб ўзбекча шеър ёзганлар ҳам А.Навоийнинг дастпарварлари - Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифийлар эдилар. Икки тилни таққослаб ўрганиш қиёсий тилшунослиқдан маълумки, тилнинг имкониятларини тўла очиб беришда ҳам аҳамиятлидир.

Ҳар бир халқнинг юксалиши, албатта, тарихан қиёсий тазрда намоён бўлган. Бунга А.Навоийнинг асарлари ҳам гувоҳлик беради. А.Навоий она

тилининг имконият ва қудратига эътибор бериб, уни ривожлантириш муқаддас вазифаси эканлигини ўз асарларида ифодалади.

Адабиётлар:

1. А.К.Боровков. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка. – Москва, 1946.
2. А.Н. Кононов. Опыт анализа термина турк. - СЭ. 1949. №1.
3. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/403-tilni-momtozlikka-kotargan-siyom.html>

САИДА ЗУННУНОВАНИНГ ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланиш Маҳорати

Иномиддинова ОдинахонОбобакировна
odina82010@gmail.ru

*Андижон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат соғломатлиги
техникуми
Ўзбек тили фани ўқитувчиси*

Аннотация. Саида Зуннунова ўзининг ижодкорлик фаолиятида грамматик воситалардан маҳирона фойдаланган ва уларни ўзини ёзма фойлияти жараёни очик, аниқ ва тўлақонли ёритиб бера олган десак муболаға бўлмайди.

Калит сўзлар: грамматик маъно, лексикмаъно, УЛМ, УГМ, ОГМ, ХГМ, ОЛМ, ХЛМ, грамматик форма, синтактик қурилма, грамматик шакл.

Ижодкорнинг маҳорати унинг тилимиз материалларидан қандай, қай тарзда унумли фойдаланилганлиги билан белгиланади. Чунки айтилмоқчи бўлган бадий ва умумлашма фикр-мулоҳазалар фақат лексик маъно билан шаклланавермаслиги табиий ҳолдир. Бу ерда шоира айтмоқчи бўлган ижодий

фикр-мулоҳаза ҳам лексик, ҳам грамматик маънолар мажмуи воситасида ифодаланишини эътиборга олиш лозим бўлади.

Грамматик маъноларни юзага келтирувчи воситалар (яъни грамматик категориялар) мажмуи сўзнинг лексик маънолари билан биргаликда ижодкорларга хос индивидуал тил хусусиятини бадиий асарнинг тил хусусияти даражасига кўтара олган. Сўзнинг лексик маъносига грамматик маънолар қўшилиши билан лексик маънога жиддий таъсир қилмайдиган УЛМ, УГМ, ОГМ, ХГМ, ОЛМ, ХЛМ каби маъно(нозиклик)лар шаклланади. Улар тасвирланаётган воқеликнинг ижодий маҳсули бўлган бадиий матни образли ифодалилик, аниқлик, ишончлилик, равонлик, мантиқан ҳамоҳанглик руҳини сингдиради. Ушбу маънолар ижодкорнинг маҳорати, тилнинг мукамал билиши ва сўзнинг имкониятларини тушуниб ишлатиши орқали намоён бўлади.

Асар тилида маънолар мажмуидан бирининг воқеланиши орқали ижодкорларнинг бадиий маҳорати ва ижодий қобилиятларини кўрсатиш мумкин бўлади. Албатта, грамматик меъёрларни яхши билиш, нутқий жараёнда айтилаётган фикрни энг юқори савияда баён қилиш имконияти юзага келтиради. Шунинг учун ҳам “Тилда ҳар бир сўзни, грамматик формани, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни (тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодалайдиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлилигини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни ғализликлардан халос этади. Сўзларни, грамматик шаклларни бефарқ қўллаш, вазиятга мос тушмайдиган гапларни беихтиёр, назоратсиз айтиб юбориш, бўлар-бўлмасга у ёки бу сўздан ёки грамматик шакллардан фойдаланавериш, ёхуд уларни ортиқча қўллаш,

ўринли-ўринсиз такрорлайвериш нутқни бачкана қилиб, фикрни хиралаштиради, унинг таъсирчанлигига путур етказди”.

Грамматик воситаларнинг бадиий матндаги услубий-функционал хусусиятлари ва имкониятлари ҳар бир ижодкор асарларида индивидуаллиги билан ажралиб туришлиги табиий ҳол. Зеро, “Каттадир-кичикдир, ҳар қандай китобхон бадиий сўз ботинидаги сиру саноатнинг тагига етгачгина, ундаги яширин бадиий маъно ва мазмуннинг мағзини чаққачгина, бир сўз билан айтганда, бадиий сўзни ичдан инкишоф этгачгина, яхлит асар бадииятини, ижодкорнинг айтмоқчи бўлган фикрини тушуна олади. Табиийки, бадиий идрок даражаси барчада бир хил эмас, шунинг учун бадиий асар мутолаасидан олинган ҳузур ҳам ҳар кимда ҳар хил” бўлади. Шу сабабли қуйида шоира асаридан танланган мисоллар таҳлилини юқорида айтилганлар воситасида баён этилади.

Қуйида сўз билан шаклланган ижобий ҳолатлардан баъзиларининг Саида Зуннунова ижодий ишларида қўлланилганлиги ва тасвирда фавқулодда ўзгача тасвирийликни юзага келтирганлиги мисоллар воситасида асослашга ҳаракат қиламиз.

Ушбу қўшимча баъзи бир адабиётлар фақат кўплик қўшимчасини ясовчи восита деб кўрсатилган. Шу билан бирга бошқа баъзи адабиётларда эса мазкур грамматик восита кўпликдан бошқа эмоционал-экспрессивликни таъминловчи грамматик маънолар мажмуини маълум ўринларда шакллантириши ҳам айтиб ўтилган. Ш.Раҳматуллаев бу қўшимчанинг ҳурмат маъносини ҳам ифодалашини таъкидлаган. Уларни шоира асарларидан танлаб олинган мисоллар таҳлили жараёнида кузатишимиз мумкин:

Бахтиёр ёшликнинг ёрқин гувоҳи,

“Арча” қўшиқлари кўкка чирмашар.

Қалбимиз севинчга тор келиб гоҳи,

Шодлик қаҳ-қаҳаси кўклардан ошар (С.З.Қизингиз ёзди. 27-б.).

Ушбу тўртликда икки марта-лар қўшимчаси ишлатилган. Биринчи сўздаги бу қўшимча сўзга қўшилиб, ҳақиқий кўплик билан бирга нимагадир аталганлик маъносини билдирса (“Арча” қўшиқлари), иккинчисида эса чек-чегарасизлик, бўртириш маъно (кўклардан ошар) нозикликлари сезилиб турибди. Кўк, яъни осмон борлигини биламиз, аммо шоиранинг бу тўртликнинг сўнгги мисрасидаги кўклар сўзига дуч келганимизда эса бадийлик ҳамда индивидуалликни бўртирувчи чек-чегарасизлик маъноси аниқ билиниб туради.

Курант нидосида зафар марши бор,

Минутти кунларнинг мазмунига тенг.

Ойларки, ҳар бири йилга баробар,

Ҳар дамнинг маъноси олам каби кенг.

Мазкур мисраларда ҳам икки ўринда –лар қўшимчаси қўлланган. Аввалгиси сўзга қўшилиб соф кўплик маъносини англатса, иккинчи ўриндаги –лар қўшимчасида эса вақтнинг чегарасизлиги маъноси ифодалаб, бадий тасвирда ифодалиликни яратишга хизмат қилмоқди.

Ичимга қор ёғар ҳаво айниса,

Ўйим шу: юзимиз қизармаса бас.

Сўзининг устидан чиқмас номардлар,

Биз эса ундайлар хилидан эмас (С.З.Қизингиз ёзди. 19-б.).

Мазкур мисраларда икки ўринда –лар аффикси ишлатилган. Биринчи ўриндаги қўлланишда бу қўшимча соф кўплик маъносини англатиб турибди. Тўртинчи мисрадаги ундайлар сўзидаги –лар қўшимчасида кўплик маъноси билан бирга киноя, қочиримли таъкид маъно нозикликлари (биз қочадиган, сўзининг устидан чиқмайдиган номардлардан эмасмиз) ҳам ўз ифодасини топган.

Дилга яқин, аммо кўздан узоқ ёр,

Бир елкан мисоли олис денгиз.

Мен эса йилларки, қирғоқда тикка,

Гоҳи умидсизман, гоҳи умидвор (С.З.Т.,2001.65-б.).

Бу мисраларда муаллифлар кўшимчаси воситасида нафақат кўплик маъносини ифодалаяпти, шу билан бирга субъект фаолияти кўп вақтга тенглигини ҳам таъкидлаб турибди (субъект, яъни мен эса йилларки, қирғоқда тикка, гоҳи умидсиз, гоҳи умидворман).

Хуллас, грамматик маънони англатувчи кўшимчалардан бири бўлган –лар кўшимчаси шоира асарларида нафақат кўплик маъносини ифодалайди, шу билан бирга матндан келиб чиққан ҳолда ижодкор қаламига хос ва мос бўлган маънолар нозиклигини ҳам ифодалашга хизмат қилади. Албатта, бадиий матнда тасвирланган эмоционал-экспрессивлик жараёни –лар кўшимчасининг услубий хусусиятларини ёритишга асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Саида Зуннунова, “Қизингиз ёзди” Ўзбекистон Давлат нашриёти, Тошкент, 1948 йил, Редактор Н.Охундий.

2.Саида Зуннунова, “Янги шеърлар”,“Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока бирлашган” нашриёти, Тошкент,1950 йил, Редактор Мирмуҳсин.

3. Саида Зуннунова, “Гуллар водийси”,“Ўзбекистон ССР давлат нашриёти”, Тошкент,1954 йил, Редактор Туроб Тўла. 63 б.

FOUNDATION OF LITERARY LITERATURE OF THE XXI CENTURY

Rakhmatova Zulfiya Mametkhonovna

abbosakbarovv@gmail.com

Andijan State University

Assistant of the Department of Interfaculty Foreign Languages

Annotation. You shouldn't forget that the image created in any work of art is, first of all, the instrument of reflection of the attitude of the writer towards people and lives.

Key words: literature, visual expression, aesthetic thinking, the image of the spiritual environment and the fate of man

It is well known that the impulsion for wealth plays a decisive role in the thinking of a person living in a market economy. This phenomenon also poses important challenges to fiction. First of all, it was necessary to update the concept of the hero. Unlike the characters created so far, it was now necessary to create the character of the people who are being formed in the conditions of market relations. In any case, a category of people who are trying to make a fortune, who do not shy away from any cruelty and disgust on this path, and who step into the path without thinking about the consequences of their efforts, have emerged as a result of tragedy. At the same time, of course, there are people who adapt to market demands, are thankful for what they have today, and provide for their families and their futures. Life began to set before the creators the task of creating such a gallery of heroes. Writers who did not have enough experience in describing such a complex issue faced difficulties in how to express the image and biography of a market man.

As a result, works of different levels were created, both ideologically, artistically and stylistically. Initially, due to the difficulties of the market economy, some mafias, which came to the forefront of life, tried to reflect such vices as theft, crime, prostitution. In doing so, the authors sought to raise awareness among the readership.

However, this good intention began to have the opposite effect as it was not sufficiently artistically proven by the writers. A distinctive feature of the prose works

created in the first decade of the XXI century is that in this process the image of people divided into poles of good and evil was born. Among such heroes, the peculiar interpretation of the character of women in particular is of great importance. It is no secret that at a time when market economy governance is taking shape, women are becoming more active.

In this regard, the characters in the bazaar and human destiny, created by such talented writers as Tahir Malik, KhurshidDostmuhammad, UlugbekHamdam, TilavoldiJuraev, AbduqayumYuldosh, SalomatVafo, ZulfiyaKuroloyqizi, are artistically high, ideologically mature stories and novels.

The writer has to take into account the interests and desires of the "I" of the person he has chosen in accordance with the subject and the problem he is describing, as well as the number, temporality or permanence of his passions arising from the individuality of this personal interest. If this situation is not described in the norm, the person's "I" will gradually become blurred, and the play can only create a silhouette, not a living image.

In fact, man involuntarily examines himself after the passion, which has been aroused in an instant, has cooled. Because when the uncontrollable and absurd effect of passion passes into his mind, whether it is good or bad in the person himself, a relationship emerges. The true artist is responsible for depicting this process as naturally as possible, and most importantly, in strict adherence to national identity.

It should not be forgotten that the image to be created in any work of art is, first of all, a means of reflecting the writer's attitude to people and life. At the same time, it is also the author's aesthetic assessment of life events. Each character embodies to some extent the aesthetic ideal of the writer. In order to fulfill this task, that image must move in certain social conditions, in a spiritual environment. This should happen naturally.

If in a work of art the author approaches the existing things in life, events and the destiny of people only for the purpose of artificial, formal imitation, it is not a work of art, but a set of skillfully made things. To get rid of such artificiality, the artist's

aesthetic thinking must be clear and stable. If we approach the works we have analyzed in this context, it becomes clear that the aesthetic ideals of the writers are at different levels. Therefore, it can be said that these works differ from each other in their ideology and art.

“Literature is a mirror at the beginning of the road,” said writer Stendha. It depends on the artist’s skill what image to show in the mirror. The more pleasant, radiant, and clear the image of a person is in the mirror, the happier the person who looks at him will try to correct himself. On the contrary, if it is ugly, immoral, sloppy and seductive, one is disgusted with it. Choosing which of these two methods of perception is a means of illuminating the writer's aesthetic ideal. The reader both learns and is disgusted by the images created by ZulfiyaKuroloyqizi and SalomatVafo

LITERATURE:

1. Speech by the President of the Republic of Uzbekistan MirziyoyevSh.M. at the International Conference "Central Asia: Common History and Common Future, Cooperation for Sustainable Development and Progress" in Samarkand, 2017.

2. Karimov I.A. - "Uzbekistan on the threshold of the XXI century", Tashkent, "Uzbekistan", 1997.

3. Solijonov Y. "Star of the East", 2011-4.

4. Web-site <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/xxi-asr-nasri-manzaralari/?imlo=k#>

ЧЕЛОВЕК И ПРИРОДА, ЧЕЛОВЕК И ОБЩЕСТВО

Сайиджоновна Феруза Латипжоновна

sayidjonovaferuza@gmail.com

Андижанский государственный медицинский институт

Ассистент кафедры патологической анатомии и судебной медицины

Аннотация. Каждый день, каждый час жизнь сталкивается с новыми проблемами. Эти проблемы могут быть легкими или серьезными по весу, большими или маленькими по размеру, значительными или незначительными по важности, временными или постоянными по своей природе, универсальными или личными по направлению.

Ключевые слова: человеческое мышление, произведение искусства

От писателя требуется немало усилий, чтобы уместить целую вселенную в маленький глаз кольца и отразить ее разными цветами. Художник, начинающий писать роман, должен быть одновременно ювелиром, плотником, парикмахером, архитектором и критиком. Писатель должен воплотить в себе все особенности этой профессии. Так что работа, которую он создает, отражает изобретательность ювелира, мудрость плотника, мастерство каменщика, изобретательность архитектора, чувство селектора. Если посмотреть на произведения с этой точки зрения, становятся понятны некоторые достоинства и недостатки современной узбекской прозы.

В романе, прежде всего, важно уметь поставить проблему. Поскольку роман является крупнейшим жанром эпического жанра, поднимаемая им проблема не должна терять своей актуальности и современности в любое время и при любых обстоятельствах. Каждый день, каждый час жизнь сталкивается с новыми проблемами.

Эти проблемы могут быть легкими или серьезными по весу, большими или маленькими по размеру, значительными или незначительными по важности, временными или постоянными по своей природе, универсальными или личными по направлению. Вопрос в том, насколько он может быть выбран

и выражен писателем и связан с интересами общества. Поскольку человек - винт общества, проблема, которая его беспокоит, несомненно, повлияет на нормальное функционирование других механизмов. С этой точки зрения большинство проанализированных нами работ характеризуются романтической значимостью, современностью и крайней актуальностью проблемы.

Но, честно говоря, их решение не на одном уровне.

В произведениях Нормурада Норкобилова «В степях», Туроба Максуда «Илиндж», Джаббора Халила «Шторм» и «Станции судьбы» в широком смысле рассматриваются древние и древние литературные проблемы, такие как человек и природа, человек. и общество, добро и зло.

Конечно, эти проблемы носят общий характер, каждая из которых требует от создателя различать необходимые аспекты с помощью ювелирного интеллекта, чтобы определить аспекты, которые приятны читателю с потенциалом критики, используя архитектурный интеллект, чтобы установить, что и где. В противном случае работа будет похожа на надутый воздушный шар, а выбранные герои будут приостановлены.

Например, когда Нормурад Норкобилов поднимает проблему человека и природы, чтобы показать, что они не могут жить друг без друга, что они - единственные дополняющие друг друга существа, в начале романа читатель видит три слоя человеческой природы и животный мир. Каждый из этих слоев воплощен в четких эмблемах.

Эшкуль Полвон, понимавший природу в человеческом обличье и считавший себя ответственным за ее сохранение; крутые холмы, покрытые голубой травой в образе природы, бескрайние степные поля; от дикой природы до волков, лисиц, собак и гусениц... Каждый из них благодарен за помощь в решении того или иного аспекта проблемы. Также автору удалось подробно описать сложность и богатство противоречий взаимоотношений между этими тремя слоями.

Описанный в авторском произведении человек вступает в открытый диалог с природой, не теряя своего «Я». Конечно, в таком интервью писатель не забывает, что природа сильнее человека. Однако это не заставляет идею воплощаться в его работе, а скорее заставляет ее естественным образом вытекать из серии событий.

В своем романе Туроб Максуд стремится выразить тот факт, что даже малейший инстинкт в человеческом сердце является основой неизбежности добра над злом. Он выбирает образ жизни главного героя Хайбата, имеющего старинное имя и образ, чтобы художественно выразить свое предназначение.

Выросшая в приюте, не зная, кто ее родители, сердце Хайбат полно следующих желаний: во-первых, желание любви. Со дня своего рождения он жил, нуждаясь в человеческой любви, не сосал материнскую грудь, не лежал в его теплых объятиях, не слышал Бога. Он рос в приюте, его избивали и отталкивали.

Второй принцип, проистекающий из этой любви, - любить женщину, беречь ее и продлевать ей жизнь. Потому что он думал, что моя мать умерла до моего рождения. Именно поэтому он всю жизнь любил своего сверстника Донохона, который встал на его сторону еще будучи студентом, не забыл его и стремился к нему. В-третьих, стремление к знанию; Он научился продлевать человеческую жизнь. Его учитель, академик Улуг Барака (впоследствии оказавшийся его отцом) разработал генную проблему и сделал открытие в науке, то есть вернул к жизни мертвого человека. Это было его четвертое желание.

Свои идейно-художественные замыслы писатель выражает на основе научной логики с помощью различных элементов изобразительного искусства и геометрических линий. Через них он обращает внимание на то, что в человеческом теле есть элементы добра и зла, которые принадлежат потомству, что они могут проявиться в любой момент, в ком-то.

Не будем забывать, что литература всегда была и должна оставаться зеркалом чистоты, красоты, справедливости, истины, веры и веры. Писатель не должен забывать продвигать свой чистый эстетический идеал на почве разврата и уродства, скверны и неверия, мерзости и скверны. Без этого ученика невозможно воспитать в духе добра.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан МирзиёеваШ.М. на Международной конференции «Центральная Азия: общая история и общее будущее, сотрудничество для устойчивого развития и прогресса» в Самарканде, 2017.

2. Каримов И.А. - «Узбекистан на пороге XXI века. Журнал« Ёшлик », 2010, 9 (238) -сн.вр.», Ташкент, «Узбекистан», 1997г.

3. Солижонов Ю. «Звезда Востока», 2011-4.

4 Журнал «Молодежь», 2010, выпуск 9 (238).

5. Веб-сайт

<https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/xxi-asr-nasri-manzaralari/?imlo=k#>

БУЮК АЛЛОМАЛАРНИНГ ЎРТА ОСИЁ АДАБИЁТШУНОСЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ

Саиджонова Феруза Латипжонова
sayidjonovaferuza@gmail.com

Андижон давлат тиббиёт институти
Патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедраси ассистенти

Аннотация. Қатъий айтиш мумкинки, Ўрта Осиё тилшунослиги шу кунга қадар улкан босқичларни босиб ўтди. Ушбу мақолада етук мутафаккир жаҳон тан олган олимларни эришган ютуқларини тилшуносликка қўшган ҳиссаларида кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: тилшунослик, тараққиёт даври, «ўсиш» даври, маданият, маърифат.

Ўрта Осиё тилшунослиги ҳам шу кунги тараққиёт босқичига етиб келгунча узок, тарихий тараққиёт даврини, «ўсиш» даврини босиб ўтди. У турли мактаблар, оқимлар, таълимотлар таъсирида бўлди, олимлар томонидан лисоний ходисалар ҳақида айтилган фикрлар қарама қаршилигига, тил ходисалари ҳақида яратилган жуда кўплаб манбаларга «гувоҳ бўлди», шаклланди. Ўрта Осиё тилшунослигига ҳам жаҳон фанлари системасида ўзига хос ва ўзига мос доимий мустаўкам ўрин эгаллайди.

Ўрта Осиёлик машҳур алломаларнинг жаҳон маданияти, маърифати-илм-фанига қўшган ҳиссаси улкандир. Жаҳон тан олган буюк алломалар: Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Кошғарий, Махмуд аз-Замахшарий, Алишер Навоий, Мирза Мехдихон ва бошқаларнинг тилшунослик фанга тараққиётидаги хизматлари каттадир.

Қомусий олим Абу Наср Форобий (873-930 й) яратган асарлар ичида «Фанлар таснифи» (ёки Фанлар таснифи ҳақидаги сўз) китоби тилшунослик масалаларига бағишланганлиги билан ажралиб туради.

Буюк аллома тилшуносликнинг фонетика, морфология, синтаксис, орфография, орфоэпия ва стилистика каби бўлимлари ҳақида дастлабки тушунчаларни берган.

Форобий фонетика ҳақида фикр юритар экан, нутқ, товушлари, товушларнинг ундош ва унли турлари, ундош товушларнинг пайдо бўлиши, ўрни, унли товушлар ва уларнинг хусусиятлари, сўзга қўшимчалар қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари, сўзнинг фонетик меъёри ҳақида фикр юритади.

У лексика юзасидан маълумот берар экан, лексик бирлик бўлган сўз масаласига, сўз маъноларининг таснифи масаласига тўхталади, яъни сўз маъносининг икки турини: содда ва мураккаб бўлишини кўрсатади. Содда маъноли сўзларга: одам, хайвон, гул, овқат, осмон каби аташ вазифасини бажарувчи алоҳида сўзларни киритса, мураккаб маъноли сўзларга: нарса ва унинг белгисини билдирувчи - Бу одам — билимли, бу гул - ўсимлик каби ифодаларни киритади.

Форобий морфология масаласида сўзларни араб тилшунослигига асосланган ҳолда от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Отларни иккига: атоқли ва турдош отларга бўлади. Аниқроғи, содда маъноли сўзларни иккига ажратади: 1) атоқли отлар: Зайд, Амр; 2) турдош отлар: одам, хайвон, от ва бошқалар. Отларга сон категорияси (бирлик, иккилик, кўплик), феълларга замон (ўтган, ҳозирги, келаси замон) категорияси хослигини таъкидлайди.

У синтаксис масаласида сўз бирикмаси ҳақида, нутқнинг қисмларга бўлиниши, сўзларнинг қандай бирикиш қоидалари ва ҳукм билдириши, сўзларнинг қўшилиш турлари ҳақида фикр юритади.

Форобий орфография масаласида сўзларнинг ёзилиш қоидалари юзасидан ҳам дастлабки маълумотларни беради.

Форобий шеърият - шеър ҳақида фикр юритар экан, шеърнинг ёзилиш ўлчовлари, яъни шеърнинг ёзилишидаги тўлиқ ва нотўлиқ ўлчовлар, қайси

Ўлчов ёқимли ва чиройли эканлиги, умуман, шеър товуш ва буғинлардан ташкил топиши фикрида баён қилган.

Форобий улуғ файласуф олим сифатида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси нуқтаи назаридан тилга, лисоний ходисаларга ҳам мурожаат қилади.

У от, феъл ва юклама каби сўзтуркумларининг араб тилида ҳам, юнон тилида ҳам мавжудлигини айтиб, буни умумийлик сифатида Таллин қилади. Айни вақтда араб тилшунослари ушбу сўз туркумларини шу тил ходисалари, бирликлари асосида тахлил қилсалар, юнон тилшунослари эса қайд этилган морфологик категорияларни ўз она тили материаллари асосида ўрганишларини таъкидлайдики, бу жараён хусусийлик сифатида намоён бўлади. Бинобарин, диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик кате-горичет тилнинг муайян тушунчалари орқали ўзининг исботини, тасдиғини топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.
2. Н.А.Кондратов. История лингвистических уче- ний.М., 1979.
3. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. М., 1968.
4. А.Н.Кононов, Х.Г.Нигматов. Махмуд Кашгарский о тюркских языках, История лингвистических учений, Средневековый Восток. Л., 1980. 130-142 бетлар.

УРОВЕНЬ КОНФЛИКТНОСТИ В ЛИТЕРАТУРЕ XXI ВЕКА

Тожибоева, Наргизахан Латипжонова

tojiboyevanargiza76@gmail.com

Андижанский государственный медицинский институт

Ассистент кафедры патологической физиологии

Аннотация. В произведении искусства важно определить узел, который изначально помогает развить события. Если этот узел объединит всех персонажей произведения, связанные с ними эпизоды и разовьет конфликт, целостность композиции произведения будет обеспечена, если реальность сможет твердо держать поводья до самого конца.

Ключевые слова: произведение, конфликт, сюжетный механизм, создатель,

Помимо врожденного таланта писателя реалистично изображать сложность человеческой жизни в художественном произведении, разногласия между обществом и его интересами, несоответствия и несоответствия, на мой взгляд, должно быть еще и большое мужество. Некоторым из сегодняшних писателей не хватает такого мужества. Давая возможность глубже проникнуть в легкие противоречий в череде событий, у автора создается впечатление, что он боится бросить главного героя в такой водоворот, как будто он заботится о себе. Вместо того, чтобы углублять анализ противоречий, есть случаи отхода от него к описанию беззаботных эпизодов, смягчению ситуации. В результате возникает слабость в системе событий произведения, обрыв, нерасторопность в динамике персонажей.

Прочитав некоторые работы и увидев, что события развиваются плавно и гладко, я задаюсь вопросом, не повторяется ли конфликтная болезнь, возникшая в пятидесятых годах прошлого века.

Конфликт служит двигателем сюжета художественного произведения. Без него сюжетный механизм работать не будет. Если в долгом путешествии двигатель выходит из строя на полпути или замедляется, писатель не может достичь своей идеологической цели, так же как человек не может достичь своей цели, и конфликт произведения ослабляется во время событий.

Каждое произведение искусства - это в хорошем смысле путешествие в сердце читателя. Естественно, что эта поездка будет насыщена разными событиями, хорошими и плохими людьми, мыслями и крутыми поворотами. Если сюжет произведения не основан на идеях, взглядах, персонажах, конфликтах между группами, такое произведение не будет эффективным. Следовательно, ясное и последовательное выражение жизненной истины измеряется природой и достоверностью противоречий. В то же время конфликты, происходящие в человеческом сердце, также способствуют более убедительному выражению проблемы и выражаемого характера. Неслучайно в прозе последующих лет упор делался на изображении внутренних переживаний человека на основе серьезных противоречий.

Если с этой точки зрения посмотреть на произведения, созданные в начале XXI века, то можно быть уверенным, что многие наши талантливые писатели эффективно используют разные типы конфликтов и строят впечатляющие и интересные сюжеты. В то же время мы сталкиваемся с рядом сфабрикованных работ, как искусственных, так и невероятных. Некоторые писатели чувствуют неспособность развивать конфликты даже тогда, когда у них есть возможность их углубить, разрешить конфликты легкими и легкими способами и попытаться переместить героев через тяжесть и под свет.

Когда я думаю об этом, я думаю об уникальных достижениях и недостатках таких писателей, как НормурадНоркобилов, ТуробМаксуд, Джаббор Халил, ЗульфияКурулбойкызы, СаломатВафо, Хабиб Темиров в построении сюжета и создании конфликтов. В произведении искусства важно определить узел, который изначально помогает развить события. Если этот узел объединит всех персонажей произведения, связанные с ними эпизоды и разовьет конфликт, целостность композиции произведения будет обеспечена, если реальность сможет твердо держать поводья до самого конца.

С этой точки зрения у читателя грустное лицо Толанбоя («В степных полях»), лицо которого «мрачное и разочарованное» с первой же страницы;

«Рисование фигур на белой бумаге в возбужденной, нерешительной манере» Хайбат («Ильиндж»); Как только он вошел в царство, он увидел, что «всякие вещи были разбросаны по площади, и шкафы открыты, а одежда разорвана». Когда он встретил Джавлона Алиева («Станции судьбы»), который страдал несколько дней, «если в его сердце светит свет, его работа не будет работать», он сразу подумал: «Почему?» возникает вопрос.

Естественно, этот вопрос побуждает его быстрее читать произведение. Когда он находит ответ, он удовлетворяется одними и недоволен другими.

Для этого писатель должен смотреть на жизнь оптимистичным взглядом и горячей любовью. Чтобы произведение искусства, являющееся продуктом его мышления, не подавляло аппетит покупателя, как сырые и незрелые фрукты.

Чтобы не попасть в такую ситуацию, от создателя требуется не покладая рук работать над своим делом, много потеть. В конце концов, он должен знать, что спешка никогда не идет на пользу литературе, что для настоящего художника лучше хорошо писать, чем много писать. Для этого настоящий творец должен жить с горем своего народа, глубоко его чувствовать, больше кипеть в котле жизни, делиться с людьми своими радостями и переживаниями, вдохновляться изменениями, происходящими в реальной жизни.

Литература:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан Мирзиёева Ш.М. на Международной конференции «Центральная Азия: общая история и общее будущее, сотрудничество для устойчивого развития и прогресса» в Самарканде, 2017.

2. Каримов И.А. - «Узбекистан на пороге XXI века», Ташкент, «Узбекистан», 1997.

3. Солижонов Ю. «Звезда Востока», 2011-4.

4. Веб-сайт

<https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/xxi-asr-nasri-manzaralari/?imlo=k#>

XXI АСР АДАБИЁТИГА МУНОСАБАТ

Тургунова Дилдора Зияповна

maksuda361@gmail.com

Андижон давлат тиббиёт институти

Потанатомия кафедраси ассистенти

Аннотация. Аслида, ҳар қандай халқ адабиёти баркамоллик чўққисига, аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига қатъий риоя қилиши, уларга ҳурмат билан қараши орқали эришади. Бизда эса бундай анъаналарнинг туганмас хазинаси мавжуд. Ўлмас халқ оғзаки ижоди, бой ёзма адабиётимиз, ранг-баранг ахлоқий кадриятларимиз ва миллий урф-одатларимиз “пойдеворнинг пойдевори” борлигидан далолат беради.

Таянч сўзлар: эркинлик, тушов, бўҳрон, сўз санъати, қулоч отиш, эстетик идеал, пойдеворнинг пойдевори,

Инсон тафаккурининг янгилинишида, унинг онгига маълум бир ғояни сингдиришда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик қурбат ва имкониятга эга эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги XXI аср инсон тафаккури тараққиётига, унинг тез ўсиши ва янгилинишига жиддий таъсир кўрсатди. Чунки адабиёт бадиий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясайди. Бунинг учун ижод аҳли эркин нафас олиш, хоҳлаган мавзусида қалам тебратиш, истаган муаммосини кўтариш ва, албатта, кўнглига маъқул келадиган қаҳрамон тимсоли орқали тасвирлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Қарийб чорак кам бир аср мобайнида қоғозда бору амалда бўлмаган бундай “эркинлик” адибларимиз тафаккурини тушовга солиб қўйганди. Мустақиллик туфайли бу тушов узилди. Адабиётга – сўз санъатига чинакам эркинлик берилди ва у қонун асосида мустақамлаб қўйилди. Натижада, адабиётда жуда катта ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Бунинг самараси тез орада аниқ кўзга ташланди, яъни, жадаллик билан ўсиб бораётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тафаккурлар таъсирида адабий-

бадий тафаккур ҳам шаклланиб, улғайиш йўлига кирди. Дастлаб, одамзоднинг иқтисодий бўҳронлар уммонидаги сузиш қийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, бемақсад қулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзинитийган адабиёт аҳли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзуни жиддийишлашга киришди. Бозор ва инсон тақдири кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди.

Бозор муносабатлари ўз-ўзидан инсоннинг жамият, оила, жамоа, ўзга юрт ва дамлар ўртасидаги зиддият ҳамда алоқалар силсиласини ҳамюзага чиқаради. Бундай вазиятда турмушини ўнглаш учун уринаётган шахс манфаати билан янгилашишга юз тутаётган жамият ва сиёсат манфаатлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар вужудга келади. Улар ўз навбатида оилавий муносабатларга ҳам, ахлоқий эврилишга ҳам, инсоннингёвузлик сари юз тутишига ҳам у ёки бу даражада таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳақиқий санъаткорнинг вазифаси эса инсониятнинг келажагини таъминловчи умид бахш ғояларни илгари суриш, улар дунёқарашида эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби фазилатларни ифодалашга хизмат қиладиган ибратли образларни яратишдан иборатдир. Бунинг учун ижодкорнинг эстетик идеали ғоятда соғлом, маънавий дунёқараши уетук, халқи ва Ватани олдидаги масъулияти барқарор бўлиши керак.

Маълумки, роман, қисса, ҳикоясингари эпик тур жанрларининг ҳар бири ўзига хос талаблар ва қонуниятлар асосида яратилади. Танланган мавзу кўлами, кўтарилган муаммо юки, яратилган персонажлар миқдоридан тортиб, шаклу шамойилигача қатъий ўлчамга эга бўлган бу жанрлар ҳозир ўзлигини йўқотиб, қоришиқ бир нарсага айлангандек тасаввур қолдирмоқда. Аввало, романда қўйилган муаммонинг юки ғоятда залворли бўлиши талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозир баъзи адиблар учун асарда романбоп муаммони кўтаришдан кўра, “роман” деган атама билан китоб чиқариш муҳимроқ бўлиб қолди. Кейинги йилларда “Янги асравлоди” нашриёти айрим китобларни “XXI аср романи” деган ном билан чиқара бошладики, уларни ўқиб, кишида агар

янги аср романлари шунақа бўлса, ҳали ҳеч нарсага эришмапмиз, деган фикр уйғонади.

Бундан йигирма йил аввал жаҳона дабиётининг синчков билимдони, адабиётшунос Талъат Солиҳов (оллоҳ раҳматига олган бўлсин) суҳбатларидан бирида: “Назаримда, аср адабиётининг пойдеворида иккита муҳим нарса бўлиши керак: бири – миллий анъана, адабиётимиз, санъатимиз соҳасидаги миллий анъана ваиккинчиси, жаҳон адабиётининг даражаси, жаҳон бадиий тафаккурининг даражаси ва жаҳон адабиётида эришилган тажриба. Ана шу нарсалар пойдевор асоси бўлади, пойдеворнинг пойдевори бўлади” (“ЎзАС”, 1.02.1991). деб орзу қилганди. Дадил айтиш мумкинки, бугун ўзбек адабиёти кўп асрлар мобайнида шаклланган миллий ўзига хослигини тўла сақлаган ҳолда, жаҳон адабиёти таркибига қўшилиш йўллари излаб топиши мкониётига эга бўлди. Аслида, ҳарқандай халқ адабиёти баркамоллик чўққисига, аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига қатъий риоя қилиши, уларга ҳурмат билан қараши орқали эришади. Бизда эса бундай анъаналарнинг туганмас хазинаси мавжуд. Ўлмас халқ оғзаки ижоди, бой ёзма адабиётимиз, ранг-баранг ахлоқий кадриятларимиз ва миллий урф-одатларимиз “пойдеворнинг пойдевори” борлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ўтган йигирма йиллик адабий хирмонимизга биркур назар ташласак, буюк Шарқ адабиётининг миллий анъаналарини бойитган ҳолда, жаҳон бадиий тафаккури даражаси билан бемалол бўйлаша оладиган талай асарлар дунёга келганига гувоҳ бўламиз. Омон Мухтор, Муҳаммад Али, Асад Дилмурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тилаволди Жўраев сингари адибларнинг асарлари тўлақонли миллий руҳи ва жаҳон адабиётида мавжуд энг янги бадиий усулларнинг табиий уйғунлашуви туфайли чинакам ўқувчилар муҳаббатига сазовор бўлди. Шу билан бирга, бу даврда юки енгил, шиширилган шардек ҳавойи қисса ва романлар ҳам вужудга келдики, бу адабиётшунос Талъат Солиҳовнинг орзуси тўла амалга ошмаганини, XXI

асрнинг дастлабки ун йили ўтиб бораётган бўлса-да, жаҳон бадиий тафаккури даражасига олиб чиқувчи “пойдевор” ҳали мукамал битмаганлигини кўрсатиб турибди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Омон Мухтор, роман “Аёллар салтанати”, “Шарқ” нашриёт-матбаа, Концернининг бош тахририяти, Тошкент 1997 йил.

2. Улуғбек Хамдамов, “Мувозанат”, “Шарқ” нашриёт-матбаа, Акциадорлик компанияси, Тошкент 2007 йил.

3. Solijonov Y. "Sharq yulduzi", 2011-4.

4. Веб-сайт

<https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/xxi-asr-nasri-manzaralari/?imlo=k#>

АКТУАЛЬНОСТЬ ЛИТЕРАТУРЫ В ПОЗНАНИИ ДУШИ

Алимова Гулнора Махсудовна

Учитель, 31-ая общеобразовательная школа, Асакинский район

e-mail: guli.alimova.1970@gmail.com

Шокирова Сарвиноз

Студент, Андижанский машиностроительный институт, Андижан

Аннотация. В статье рассматривается вопрос роли произведений в осознании души и мира в целом. Для этого приводятся примеры литературных героев. То, что они именно в книгах нашли ответы на многие свои вопросы.

Ключевые слова: книги, чтение, литературные произведения, роман, литературные герои, друг, собеседник, вера в лучшее.

Чтение в жизни играет огромную роль. Книги помогают узнать что-то новое, поддержать беседу или блеснуть эрудицией в компании. Но сами писатели видят в литературе и неочевидные бонусы. Читающий человек редко чувствует себя одиноким, с помощью хорошей истории может быстро

отвлечься от гнетущих мыслей, лучше понимает мир и окружающих его людей. Все эти примеры есть в книгах. Мы решили их вспомнить.

Книга не только лучший подарок, но иногда и отличный друг. Во всяком случае, в компании литературных героев вы никогда не почувствуете себя одиноким. Холден Колфилд, трудный подросток из романа «Над пропастью во ржи», сложно сходится с людьми, зато читает взахлеб и мечтает пообщаться с писателями. Вот как литературный герой объясняет, почему нужно читать книги:

«...увлекают меня такие книжки, что как их дочитаешь до конца — так сразу подумаешь: хорошо, если бы этот писатель стал твоим лучшим другом, и чтоб с ним можно было поговорить по телефону, когда захочется. Но это редко бывает. Я бы с удовольствием позвонил этому Дайнсону, ну и, конечно, Рингу Ларднеру, только Д. Б. сказал, что он уже умер. А вот, например, такая книжка, как «Бремя страстей человеческих» Сомерсета Моэма, — совсем не то. <...> Я бы скорее позвонил покойному Томасу Харди. Мне нравится его Юстасия Вэй»[1]

Настоящих друзей и образованных собеседников книги заменяют не только Холдену, отдушину в них находит романтическая Татьяна Ларина, умница Гермiona Грейнджер и негибаемая Флоренс Грин, героиня романа Пенелопы Фицджеральд.

Хорошие истории помогают избавиться от негатива и настроить себя на иной лад. Если вас одолела хандра, последуйте примеру Григория Печорина, который в ночь перед дуэлью читает роман Вальтера Скотта:

«Я помню, что в продолжение ночи, предшествовавшей поединку, я не спал ни минуты. Писать я не мог долго: тайное беспокойство мною овладело. С час я ходил по комнате; потом сел и открыл роман Вальтера Скотта, лежавший у меня на столе: то были „Шотландские пуритане“; я читал сначала с усилием, потом забылся, увлеченный волшебным вымыслом... Неужели шотландскому

барду на том свете не платят за каждую отрадную минуту, которую дарит его книга?...»[2]

Еще раньше Лермонтова аргументы в пользу книг приводят герои Пушкина:

«...Бомарше

Говаривал мне: «Слушай, брат Сальери,

Как мысли черные к тебе придут,

Откупори шампанского бутылку

Иль перечти «Женитьбу Фигаро».[3]

Почти все положительные литературные герои в какой-то степени мечтатели, даже если их характер говорит об обратном. И это совсем неплохо, во всяком случае, они не теряют самообладание и веру в лучшее, даже если сталкиваются с непреодолимыми, казалось бы, ситуациями.

Многие сильные женские персонажи любят помечтать над книгами: Джейн Эйр в детстве обожала «Робинзона Крузо», Молли Гибсон из «Жен и дочерей» ждет нового романа Вальтера Скотта, а про Элизабет Беннет («Гордость и предубеждение») говорится, что «она много читает и не признает других удовольствий».

«Бороться, искать, найти и не сдаваться» — под таким девизом живет Саня Григорьев из знаменитого каверинского романа «Два капитана». У мальчика не было книг, и вместо сказок ему читали письма участников полярной экспедиции, что и определило его дальнейшую судьбу. Сегодня подобные письма можно прочесть в биографических сборниках, и для этого не нужно искать клад в виде сумки почтальона.

Вообще, книга может быть и самоцелью. Так, героиня Маркуса Зусака, Лизель Мемингер, рисковала свободой, спасая литературные произведения от уничтожения нацистами, а Флоренс Грин сделала книжный магазинчик главным делом жизни.

Мы можем привести множество аргументов из литературы, почему нужно читать книги, но самой яркой иллюстрацией, пожалуй, станет мир без книг

вовсе. В романе РэяБрэдбери «451 градус по Фаренгейту» люди потеряли связь не только с интеллектуальным прошлым цивилизации, но и друг с другом, так как их разум способен только на пустые, ничего не значащие разговоры[4].

«Всё, что вы ищете, Монтэг, существует в мире, но простой человек разве только одну сотую может увидеть своими глазами, а остальные девяносто девять процентов он познаёт через книгу» [5].

Литература:

Дж. Д. Сэлинджер «Над пропастью во ржи». Эксмо, М. 2013 г.

Михаил Лермонтов «Герой нашего времени». Классики и современники, М. 1984 г.

Александр Сергеевич Пушкин «Моцарт и Сальери».Классики и современники, М. 1987 г.

Р. Д.Брэдбери «451 градус по Фаренгейту».BallantineBooks, 1953 год.

<https://arzamas.academy/materials/1624>

УМАР ХАЙЁМ РУБОЙИЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Авазхон Ҳайдаров,

ЎзДЖТУ магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада Умар Хайём рубоийларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги таржималари ҳақида сўз боради ва таржималар таҳлил этилиб, уларга муносабат билдирилади.

Калит сўзлар: Умар Хайём, рубоий, жанр, шарқ шеърляти, ижтимоий-фалсафий;

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб юртимизда шарқ мумтоз асарларининг рубоий жанри таржимаси масалаларига кенг эътибор қаратила бошлади. Шарқ шеърлятининг отаси Абулҳасан Рудакий, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий каби шеърлят даҳоларининг асарларини нашр этиш, таржима қилдириш ишлари жадал суръатларда ривожланди. Жумладан, Умар Хайём ижодига катта эътибор берилди.

1971 йилда Умар Хайём рубоийларининг ўзбек тилидаги таржималари Гафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриётида “Рубоийлар” номи билан нашрдан чиқди. Рубоийларни ўзбек тилига Шоислом Шомухамедов, рус тилига Владимир Державин, Лев Пеньковский, Вл.Тардов, И.Тхоржевский, Н.Липскеров, Н. Стрижков ва бошқа ижодкорлар ўгирганлар. Улар ичида Л.Пеньковский бир неча марта, қайта-қайта таржима қилиб нашр эттирди.

Таржималарга тўхталишдан олдин биз Умар Хайём ҳақидаги баъзи маълумотларга эътиборни қаратмоқчимиз.

Умар Хайём ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда икки буюк сиймо гавдаланади. Бири – ўша даврнинг буюк риёзиётчи, файласуфи ва мунажжим

олими, иккинчиси эса – XIX-XX асрдан бошлаб жаҳон шеърляти осмонининг ёрқин юлдузларидан бири бўлмиш забардаст шоир.

Умар Хайём 1048 йилда Нишопурда туғилиб, Балх, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўқиб улғаяди. У ўз замонасининг баркамол олимларидан бири бўлиб етишади.

